



Мақсуд Шайхзода

ДУНЁ БОЎИЙ




ШЕЪРЛАР
ДОСТОНЛАР
ДРАМА

Тошкент
Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1988

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи —
филология фанлари кандидати
Муҳсин Зокиров

18724
10 29



Шайхзода, Мақсуд.

Дунё боқий: Шеърлар. Достонлар. Драма.
/[Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи М. Зокиров].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1988.—424 б.

Мақсуд Шайхзода бетакрор шеърляти билан ўзбек совет поэзияси хазинасини бойитган сўз санъаткорларидан эди.

«Дунё боқий» китобига шоирнинг энг сара шеърлари, шу билан бирга «Оқсоқол», «Тошкентнома» достонлари ҳамда «Жалолиддин Мангуберди» драматик асари киритилди.

Бу янги дийдорлашув, азиз китобхон, сизни ҳам мамнун қилади, деб ўйлаймиз.

Шайхзода, Мақсуд. Мир вечен: Стихи. Поэмы. Драма.

Ўз2

Ш $\frac{4702570200-28}{М 352 (04)-88}$ 37—88

ISBN 5—635—00019—3

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Улкан сўз санъаткорларининг қадру қиммати, умрзоқлиги, бадий маҳоратдаги устозлик даражасини ўлчайдиган энг ҳаққоний ва ишончли андоза замон ва китобхон ҳисобланади. Бундай сермашаққат синовдан шараф билан ўтолган нодир сиймолар қаторида Мақсуд Маъсумбек ўғли Шайхзоданинг табаррук номини ҳам фахр ва меҳр билан ёдга оламиз.

Мақсуд Шайхзода деганда ўзбек совет адабиётининг отахонларидан бири, улкан шоир, баркамол драматург, устоз муаллим, етук олим, оташнафас публицист, моҳир таржимон, ёшларга раҳнамо-ғамхўр педагог, ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқимиз орасида машҳур ва манзур бўлган улуғвор, аммо бағоят камтарин инсон сиймоси тасаввуримизда жонланади.

Дарвоқе, у ҳаётда ҳам, ижодда ҳам улуғвор инсон эди. Шоир ўзининг сербарака ижодий умрида 20 дан ортиқ мажмуаларга жамланган шеърӣй бадиалар, баллада ва достонлар, «Жалолиддин Мангуберди» ва «Мирзо Улуғбек» каби драмалар, илмӣй-публицистик (улар 300дан ортиқ) асарлари билан юксак дидли, талабчан совет китобхонларига мақбул бўлди. Республикамиз адабий-маданий ҳаётида маълум мавқе соҳиб даражасига кўтарилди. Бу бежиз эмас, албатта. Шунинг учунки, Шайхзода ижодий қорхонасида бунёдга келган бир мисра шеърдан тортиб достонгача, баллададан шеърӣй драмаларга қадар барча асарларда фалсафӣй мушоҳаданинг теранлиги, қўйилган муаммони ечишдаги мантиқӣй изчиллик, туйғуларнинг самимийлиги, фикрнинг парвози ва услубнинг муайянлиги каби аъло хислат ва ноёб фазилатлари туфайли уларнинг ҳар бири Шайхзодавор жило билан товланиб туради.

«Шоир,— дея қайта-қайта такрорлар эди устоз,— биринчи галда ўз Ватанининг граждани, халқининг хизматкори, партиянинг дастёридир».

Дарҳақиқат, 20-йилларнинг илҳомбахш романтик ҳавосидан баҳраманд бўлган, 30-йилларнинг қизғин қурилишларида чиниққан, 40-йилларнинг жанг синовларида суяги қотган, 50-йилларнинг тинч ижодий меҳнат муҳитида фаоллик кўрсатган Мақсуд Шайхзода 60-йилларнинг буюк илҳомбахш вазифалари ҳақида ҳам жўшиб-жўшиб куйлади.

Шоир қолдирган қутлуғ адабий меросни жўшқин давримиз ва курашчан элимизнинг бадий тарихи, адабий қомуси, мужассам лирик оинаси дейиш мумкин. Зеро, ўзбек деҳқонининг оғирини енгил қилган илк трактордан бошлаб, фазони забт этишдек барча улугвор ҳодисалар, совет кишиларининг зафаркор ишлари, юртнинг сержило лавҳалари ва инсоннинг кўркем жамоли унинг қаламига ошно, шеъриятига илҳом ва мазмун бахш этди. Шунинг учун ҳам устознинг шеърияти чуқур гуманистик фикрлар, башарий ҳиссиётлар, инсониятнинг олам ва коинот сирларини, асрий ҳаётий жумбоқларни ечишдаги орзу-истаклари, журъаткор тилаклари билан тўлиқ. Ана шу ижод саҳифаларини бирма-бир варақлар эканмиз, илҳом париси Мавлоно Шайхзодага ҳамиша сирдош-ошно бўлганлигидан чуқур қаноат ҳосил қиламиз. Дарвоқе, устоз муттасил ижодий меҳнат дарди билан, бунёдкорлик иштиёқи ва изланиш заҳмати билан умр кечирди. Шоирнинг таъбирича:

Кунларимни олдим елкага,
Бордим карвон билан йўлимдан...
Кунлар ортди, узайди бўйим,
Соз суҳбатим мавзуи эмас,
Кишилиқдир ўйлаган ўйим,—

деган ғоялари унинг бутун ижодий фаолият ва эстетик қарашлари учун асосий мезон бўлди. У ўзбек совет адабиёти Ленинномасининг энг фаол ва баркамол ижодкорларидан. Унинг Ленин ва Коммунистик партия ҳақида яратган жуда кўплаб лирик-фалсафий манзу-малари дунё-дунё мазмунни сингдирган мутафаккирона асарлардир.

Бадий сўзнинг ҳикматини бутун вужуди билан ҳис этган ва унинг инсон маънавий оламига таъсир

қудратини теран англаган, шу боисдан ўзига ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам қатъий талабчан бўлган устоз: «Шеър билан назм орасидаги фарқни шоирларимиз ҳам, танқидчиларимиз ҳам синчковлик билан аниқлаб олмагунларича «адаб бозори»да сўлгин ва ёвғон байтлар ҳақиқий юрак поэзиясига ғов бўлиб тургусидир» деган фикрни қайта-қайта такрорлар эдилар. Шоирнинг бу оқилона ўғит-насихати адабиёти-мизнинг ёш авлоди учун сабоқ бўлиши керак.

Шоир деган эдики:

Шеъринг диёрин шоирларимиз,
Ҳар уй, ҳар кўнғилга байтлар бўлсин ёр!
Элга дастёр бўлса шеърларимиз —
Демакки, умримиз ўтмабди бекор!..

Ҳа, бадий тафаккур мулкининг чин соҳиблари асло қаримас, ўлмас экан. Ақсинча, улар яратган бебаҳо хазина орадан вақт ўтган сари ўзининг янги-янги қирраларини намоён қилиб, тобора рангин ҳаётин жилло билан товланаверар экан.

Шоир сўзи абадий барҳаётлик оташи билан йўғрилган. Бу фикрларимизга устознинг ижоди тўла кафил.

Мақсуд Шайхзода давримизга гурундош, унинг нуруний сиймоси ҳамиша бизга сафдош ва ҳамқадам. У қолдирган қутлуғ обидалар авлодлар учун бир умрга азиз ва табаррук!

Зотан, устоз башорат қилгандиларки:

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир.
Умрлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир!

Ҳа, устознинг ижодий умри мангуликка сазовор!

МУҲСИН ЗОКИРОВ

ШЕЪР ЧИН ГЎЗАЛЛИК СИНГЛИСИ ЭКАН...

*Шеърсиз қалбларга ачинаман мен,
Уларда на тонглар кундузин бошлар,
На оқшом юлдузлар уфқин очар кенг,
На баҳор чоғида сайрайди қушлар.*

*Қўшиқсиз уйларга кулги ёқмайди,
Хонадон аҳлининг қовоғи осик.
Хатто деразадан қуёш боқмайди,
Соатнинг ўзи ҳам тиқиллар босик.
Шеърсиз кўчани толе қаргаган,
Бу жойда севгининг манзили бекик...
Қувонч бунда кезар кайфи тарқаган —
Кекса хуморидек қомати букик...*

*Бечора одамлар, билмаски улар,
Шеър чин гўзаллик синглиси экан.
Хар кимки у билан севишса агар —
Хуснига чиройлар қўшилар айнан.
Шеърят диёрин шоирларимиз,
Хар уй, ҳар кўнғилга байтлар бўлсин ёр!
Элга дастёр бўлса шеърларимиз —
Демакки, умримиз ўтмабди бекор!..*

ҲАЁТ ДАФТАРИДАН

Мен яшамоқ истайман
Уч рақамли бир сонда,
Коммунизмга кирай
Қиём чоғи бўлганда.
Яшаймиз, аммо бизда
Ҳаракат ва сукуват
Еқалашиб талашар
Абадий бир зиддият.
Бир нуқтада албатта
Ўқилажак марсия,
Ўлим деган ҳодиса:
— Кимёвий реакция!
Турлича қўйилмоқда
Бу дostonга сўнг нуқта:
Бири тираб мияга
Патлатар тўппончани.
Булут кўрса уфқда:
— Сўнг нуқта...
Бири ҳазрат олтунга
Эгилиб қилар сажда.
Эриб неъмат ичида
Ўлимдан олар мужда.
Бизга бошқа учрайди
Ўлимнинг йўлтўсари,
Ҳар кун, ҳар кун келади
Унинг илдам чопари.

Тумшугидан бир уриб
Қайтарамиз, у яна
Атчиғланиб, қутуриб
Тишлайди номардона.
Биз умрининг ҳар соат
Планига бир жаҳон,
Бир коинот киргиздик —
Томирга қон, қонга жон:
Бизининг қадар ҳаётга
Ҳақли бўлган кимлар бор,
Сазоворми сўлмоққа
Бор экан қиш, ёз, баҳор?
Ол мени бағринга, юв,
Эй замон шаршараси,
Соф тиззанга ястанай,
Эй руҳим музыкаси!
Мен яшамоқ истайман
Уч рақамли бир сонда,
Коммунизмга кирай
Қиём чоғи бўлганда.
Сочимни ҳилпиратди
Эсан тонг шабадаси,
Холи йўлакларида
Маст этди шўх нафаси.
Мен эмас, ҳар комсомол
Ҳар командир, ҳар аскар,
Ҳар ишчи истар ҳаёт
Бир асрга баробар.
Чунки буюк мўлжалнинг
Баҳри муҳит мазмуни.
Ҳар бир кашшоф истарким
Маррада кўрсин уни.
Истайман, гурилласин
Қўлингда иш зарбаси.
Истамайман, қарасин
Манхус ўлим шарпаси.

Қалдироқни севганлар
Қўрқмайди қор-ёғиндан,
Тўлқинларнинг фарзанди
Чекинмайди оқиндан.
Яшамоқдан завқ олди,
Музейга ўтди зулм,
Бироқ бизда сесканиш
Туғдира олмас ўлим.
Кураш истаса биздан
Яна янги қурбонлар,
Ҳар биримиз жонфидо
Қилувчи партизанлар.
Тақдирнинг ғижинлиги
Қаҳрамонга ўқ тиқар,
Енбошдаги бешикдан
Янги арслонлар чиқар.
Шахслар ўлар кетару
Узилмас тарихий ип,
Ғайратимиз устида
Гавдаланар принцип.
Мен яшамоқ истайман
Уч рақамли бир сонда,
Коммунизмга кирай
Қиём чоғи бўлганда.

1933

КЎЗЛАР

У кўзларки, маъноси бор бахмалдан,
У кўзларки, ҳаётнинг ҳисобидир.
У кўзларки, келаётир азалдан,
Абад унинг ёзилган китобидир.
Эркин элнинг қувноқ, шод нашьалари
Тўпланмиш гулдаста каби кўзларда.
Элнинг машаққатдан туғмиш зафари
Ёзилибдир бу улуг шон — асарда.
Соқчилари — найзабардор киприклар
Соя солар бу шахло мисраларга,
Ҳар юракнинг ҳужрасига кўприклар
Йўлни очар, тақар ишқдан исирға...
Бу кўзларнинг ўтли ялтирашига
Бор кучини шарқ қуёши йиғибдир.
Бунинг учун «гўзаллик» калимаси,
Мажоз билан «кўз» у сўздан чиқибдир.
Бу гўзаллик эл ҳуснига боғлидир,
Қизлар асил гўзалликка ҳақлидир.

КРЕМЛЬ СОАТИ

Ернинг юрак тешишидан бўлсам хабардор!..
Бунинг учун қулоқ керак, худди ой қадар.
Неча вулқон янглиғ ўлим ва туғилишлар
Пайдо бўлар, сўниб кетар ҳар сонияда,
Неча сойлар кўлга етар ҳар сонияда.

Қариб кетар, яна яшнар ернинг курраси,
Томирида қон зарбасин инсон мияси
Доктор каби санаб кўрар, борми нафаси?
Сониялар, сиз минутдан олинг ижоза,
Бир мижада яшаб олай бир йилни тоза.

Ҳашаматли Кремлнинг соатидан ман —
Тўғри соат кўрмаганман, эшитмаганман.
Доҳий соатсоздан олган маршрутга фан,
Томиб-томиб оқар унда замон томчиси,
У тонгларнинг, оқшомларнинг зўр низомчиси.

Унга қараб иш бошлайди ишчан, зўр пойтахт,
Далаларга чиққанларга у кўрсатар вақт,
Намойишчи, учувчига уни кўриш — бахт!..
Бу соатда ўз пайтида келар бир замон,
Бир замонки, бўлар барча халқлар қадрдон.

Ер юзининг энг ягона, олим устоди
Куррамизнинг сийна сиррин унда санади,

Бу лаҳзалар минутларни туғиб ётади,
Улар эса ёш, курашчан соатни, кунни,
Кунлар эса беш йилликдай ўлмас дostonни.

Ўзи билар, вақти келгач соат уради,
Энг ҳаққоний бир соат бор — Кремль оти,
Эшитингиз, дўст-ошналар, мурожаатим:
Қараб қўйинг соатларга, роса тўғриланг —
Умрларнинг маъносини бу соат билан!

Москва, 1935

ЮЛДУЗЛАРГА БЎЛДИМ ҲАМСОЯ...

(Авиамарш)

Юлдузларга бўлдим ҳамсоя,
Чиқдим кўкка пояма-поя.
Бўлди менга олтин ой ёстиқ,
Гумонларим ҳаммаси — тасдиқ.
Учар эдим хаёлдай юксак,
Оқ булутлар остимда тўшак.

Парвоз қил, шонли юрт,
Қуёшдай баланд,
Тилакни қилайлик
Қанотга пайванд.

Кўкни қучдим, буюрди диёр,
Менга шамол нозанин бир ёр,
Ёгин — ёмгир пешонам тери,
Учқур бўлдим у кундан бери.
Юлдузлардай мен ҳушёр бўлдим,
Қанотландим, бахтиёр бўлдим.

Уч Ватан, уч Ватан,
Яшин каби тез,
Илонлар бошини
Яшин каби эз!

Кўклар бўлди менга манзилгоҳ,
Осмонда кезаман огоҳ,
Бир шўнғисам калхатлар ётар,
Қанот қоқсам ўлжалар қатор.
Мени кўрса ёвлар бенафас,
Минг қаргага битта кесак бас!

Қулочни ёз, Ватан,
Узоқларга уч,
Тоғлар ҳассанг бўлсин,
Қитъаларни қуч!

1935


БАҲОРДА ЁМҒИР

Тарк айлади толнинг бутогин
Чирқиллади, қочди чумчуқлар,
Булутлар ҳам солди қовогин,
Англадимки, кўкда бир гап бор.
Учиб келди ёғиш чопари,
Кишнар эди остида оти.
Қизиб кетган булут бағридан
Фарёд қўпди, яшин чақнади.
Сўнгра ёғди шаҳарга, қирга,
Салқин сувлар ғувиллаб бирдан
Гўё кўкка чиқиб денгизлар
Сузилади улуг ғалвирдан.
Шўх томчилар занжир боғлашиб
Осилибди бир ип сингари,
Гўё арқон учидан ушлаб
Тирмашилса мумкин юқори!
Юган узган, сўлиқсиз ёмғир
Шўнғиб урди деразаларни,
Сувсаб қолган тупроқ тўшига
Дуч келтирди ҳўл найзаларни.
Чиқди боққа: ечди қалпогин
Кўк сувларин қутлаб олай деб,
Пайпоққача чўмилиб кетди,
Бир нафасда бечора адиб.
Томчилардан жимирлаб бадан,
Дер эди: шу шоирлик нега?
Ёмғир билан ҳазиллашолмай

Пана қилди дарахт қавагин.
Сойга иниб тушган қатралар
Рақс этарди, кўпикланарди,
Чўмиларди сув ичра сувлар
Сўнгра тинчиб, тиниб кетарди.
Шувиллаган ёмғир чарчади,
Йиғиштирди гулгуласини,
Энди эшит томдан сакраган
Томчиларнинг ашуласини!
Сўқмоқ йўлда эзилиб ётган
Майсаларда улуг масаррат,
Саҳроларда қолган йўлчидай
Сув ичмоққа ташналаб ҳасрат.
Сойга тушиб чўмилган қиздай,
Ялтирайди чинорнинг сочи.
Боқчаларда визиллаган ел
Авж кўтарар гўё бир найчи.
Булут очди кўкнинг рухсорин,
Қош қорайиб кетганди кундуз,
Секин имлаб милтирар эди —
Онда-сонда бир-икки юлдуз.
Кирар эди кўкимтир тусга
Чамандаги ол-алвон ранглар.
Дарадаги булоқ сингари
Пичирларди дарахтда барглар.
Далаларда яна бошланди
Табиатнинг оқшомги куйи,
Кўринмас бир издан юксалди
Ер — тупроқнинг соғломлик бўйи.

МЕНИ АКА ДЕЙДИЛАР

Қўшиқларда, олишувларда,
Жангномада ва ашулада
Ўтиб кетди ёшлик йиллари,
Кўп ҳикматлар йиғдим каллада.
Кечдим шундай умр чўлини,
Сакраб кетдим чорак асрдан,
Яқинлашди ўттизга ҳаёт,
Тўймадим мен нозли шеърдан!
Кунларимни олдим елкага,
Бордим карвон билан йўлимдан.
Тўхта,— дедим масъул кунларга,
Чопди кунлар жанговар, хандон.
Тўхтамади замон дарёси,
Кунлар ортди, узанди бўйим.
Соз суҳбатим мавзуи эмас,
Кишилиқдир ўйлаган ўйим.
Недир, недир ҳаёт мантиқи?
Ўсини, қарини қонуни нега?
Кўпларга мен ака дер эдим,
Энди мени дейдилар ака?!
Шундай ўтди умр йиллари,
Тўлқинларда кўтардим овоз.
Қайтмадим толган қадам-ла,
Ўзим қилдим шамолни пешвоз.
Энди мени ака дейдилар!
Сочлар аро синган оқ тола,



Лекин ҳар кун янгидир ҳаёт,
Тил учимда айланар ялла.
Тондим ўзим туғилган йилдан,
Тондим ҳатто ойдан, ҳафтадан,
Менга керак Толстойча умр,
Чинор қадар яшаяжакман.

1936

ЎРТОҚ НАВОИЙ

Баллада

Хирот қалъасида кўп қадим қўрғон,
Асрлар йиқитмай, мужассам турган.
Яна айш-ишратда Темурийзода,
Сархуш каллаларга амр айлар бода.
Яна мастдир Султон Ҳусайн Бойқаро,
Кеча кўп қоронғи, ҳатто ой қаро.
У ҳам зуваласи нозик шоирдир,
Ғазаллар тўқишда анча моҳирдир.
Афғонлик, эронлик қуллар пайдар-пай
Кумуш қадахларда ташир эди май.
Дуторнинг, чаңгларнинг, уднинг садоси,
Осмонга чиқарди ҳофиз нидоси.
Олтин тахтгоҳида ўлтирмиш султон,
Елпиғич елпийди оҳуйи Хўтон.
Кўп дилкаш рақс айлар ҳинду қизлари,
Тизилар Урганчнинг инжу қизлари:
Султоннинг етса ҳам ёши анчага,
Жазманлик билдирар ҳар бир гунчага.
Сатанглар лабида учар жилвали —
Амир Алишернинг сўнгги ғазали:
«Кўнгулнинг хонумонин берди барбод,
Ғами ишқингки, хонумони обод,
Мени ёд айламак нечун унутдинг,
Унутиб нетти гоҳи айласанг ёд?

.
Сенга сайд бўлгали урён бўлибман,
Қачон юлди тириклай қушни сайёд?
Кўнгул жинси башардин асраб охир —
Мени девона қилди бир паризод.
Навоий, ёр фарёдингга етмас,
Анинг фориғлиғидин айла фарёд!»
Не хуш дебди ул ғамли дардиманд,
Ғамгинлар дилига ғам қилар пайванд,

Лекин зиёфатда кўринмас шоир,
Султон буюради: «Топилсин ҳозир!»

Хирот қалъасида эски кошона,
Акс-садо берар тунда паймона.
Огир уйқуларга толгандир Ҳери¹,
Гўёки чарчабди азалдан бери.

Ҳерининг энг танҳо бир гўшасида,
Боғларга элтувчи тор кўчасида
Пойтахтнинг хилватгоҳ маҳалласи бор,
Унда шинам уйнинг дарвозаси бор.
Боқчаси ям-яшил, девори сариг,
Болохонасида доимо ёруғ.
Бу ерда қаламни юргузар шоир,
Дунёи оламни ҳам кезар шоир.
Самарқанд, Исфаҳон ва Румни кезар;
Армани, Ширвони, Қримни кезар.
Файласуф шоирдир, ҳикматпараст у,
Унга ёр Афлотун, Луқмон, Арасту.
Ўзишар Низомий устози ила,
Ҳисрав-ла, Ҳофизи Шерозий ила.
Ипак варақларда не-не умрлар
Ўлган қаҳрамонлар яна тирилар.
Отланиб лашкарин бошлар Искандар,
Золим подшоҳлар қочар дарбадар.
Қувончлар мухлиси — шоирлар шоҳи,
Аммо кўп мунглидир Лайлининг оҳи,
Қафасда ўртанар вафоли қумри,
Мажнуннинг саҳрода ўтмоқда умри.
Ишқининг ҳеч қайтмас мардидир Фарҳод,
Эвоҳ, унинг ҳам насиби бўлмишди фарёд.
Бу ғамгин мусибат уни тиглайди,
Шоирнинг ўзи ҳам бунга йиглайди,

¹ Ҳ е р и — Хиротнинг қадимги номи.

Нега ранглар ичра кўпдир қаро ранг?
Нега бу дунёда келишмас оҳанг?
Буни на замона ечди, на мози,
Кўп узоқ чўзилди тақдирнинг нози.
На Сино ҳал қилди, на Арастуси,
Бунга жавоб берар буюк келгуси.
Навоий ўйлайди бош солиб қуйи,
Қулоқда жаранглар иқболнинг куйи.
Ёзаркан «Хамса»нинг энг сўлим бобин,
Одамзод зеҳнининг гўзал китобин —
Эшикда тақиллар ясовул қўли,
Нечук фармон билан келган шоҳ қули?
Дарахтлар уйғонган, яшнаган кўклам,
Қофия дурларин тизмоқда қалам.
— «Хайр эртагача, биродар Фарҳод!
Баҳлул, буюринг эгарлансин от!»

* * *

Эҳтиром ичида адиб кутилар,
Биринчи шоирга гуллар тутилар.
Вазирлар кўзида совуқ ғайирлик,
Ясама кулгилар эмас хайрлик.
Кийимлар зардўзи, руҳлар ёввойи,
Кўп яхши билади буни Навоий.
Султон буюради: «Қани, эй шоир,
Шеърнинг амири, ўқинг битта шеър!..»
Навоий чертади бармоқларини,
Созлайди танбурнинг қулоқларини.
Йиғлар ва йиғлатар тор пардасини,
Айтиб инсон дардин энг каттасини:
«Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб
топмадик,
Аҳду паймонида бўлган устивор, эй
дўстлар!
Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр
айлангиз

Ким Навоий бўлди бекасликда зор,
эй дўстлар!»

Кўп нозик илинар газалнинг тиги,
Асира дилбарлар бошлайди йиғи.
Оҳ, яна эсига «Хамса»си тушди,
Навоий хаёли Арманга учди.
Ижозат истайди сархуш султондан,
Шеърга майл қўйган соҳибқирондан,
Чунки уни кутар уйида мисра!
Лайлиси, Ширини, Искандар, Хисрав.
Навоий қўлида сўнгги май жоми,
Уни чақиради Фирдавсий, Жомий...
Маҳрамлар таъзим-ла кузатар уни,
Машғаллар ёритган шоир йўлини.
Инсоннинг инсонлик шаънига доир —
Ҳаётнинг бевафо нозига доир
Бир байтни тўқийди шу пайти шоир:
«Тут гадолиғни Навоий муғтанам,
Шоҳлар олида бош индурма кўп!»

Сен тинмай юз минглаб байтлар битгансан,
Адолат ахтариб ўтиб кетгансан.
Сен ҳусн ошиқи, қанча ҳам лирик,
Ишонгил, шу кунда бўлсайдинг тирик
Ленин нишонига бўлардинг сазо,
Олий Советга ҳам сайлардик аъзо.
Афеуски, беш аср ажратди бизни,
Лекин сўндирилмас шамол юлдузни.
Бошингда сақлардинг ақл нуқрасин,
Даҳонг ёриб ўтди асринг маррасин.
Эй ўртоқ Навоий, зўрсан, йириксан,
Кўп тирик шоирдан букун тириксан.
Сен ўзбек халқининг ўлмас виждони,
Миннатдор элингнинг соғ граждани.

МИСРАНИНГ ТУҒИЛИШИ

Уфқларда қизил бир оташ —
Ботаётган оловли лола,
Гўё бутун олам шаробин
Кўтарувчи гулгун пиёла.
Кўк юзига булут сочилган
Таралмаган чигал соч каби,
Қуёшнинг сўнг шуъласин эмар
Булутларнинг паришон лаби.
Райҳонларнинг сархуш ҳидини
Тўплаб чўкар боғларга оқшом,
Хиромон бир шабада билан
Келаётир менга ҳам илҳом.
Сойга қараб эгилган толга
Эрка сувлар шивирлар сирни,
Чўкиб келган кўк сояларда
Шоир топди хилват бир ерни.
Қарши ёқда ойнабандли уй...
Осма чироқ, дераза, айвон...
Кун чекиниб моҳтоб чиқади,
Чечаклар ҳам ярқирар, алвон.
Қалбга томиб йиғилмиш дунё,
Зеҳнда бор кунлар мазмуни,
Дилда ватан севгиси бордир —
Сўлмас бахтнинг ҳаққи — қонуни.
Оқшом чоғи эшикни қоққан
Азиз, гўзал, лекин ногихон,

Кутилмаган меҳмонлар каби
Хаёлимда образлар бесон.
Ҳар бири ҳам ўсмоқ истайди,
Ҳар бири ҳам истар навозиш,
Ҳар бири ҳам норасида ёш,
Қилмоқ керак уни парвариш.
Уймаланган қатор ташбиҳлар
Карвон эрур, сарбон истайди.
Шитирлаган баргдан тўкилган
Қофиялар мени қистайди.
Ой сузади ўз манзилига —
Жим бўшлиқда олтин бир воҳа,
Мана энди қалам тебранди:
Қўнди шеър учун сарлавҳа.
Ястангандир сой орқасидан
Тоққа қараб адир-газалар,
Тоғлар, баланд ва доғсиз тоғлар —
Ойни чўққи билан найзалар...
Бу гўзал юрт, ҳусндор ватан,
Бу ҳур нафас олатурган эл.
Бу чўққилар, қорли чўққилар,
Чўққилардан эсиб келган ел,
Тегмай асло тошга, қояга
Сойда соя каби бир қайиқ,
Унда тўрт қўл эшкак тортади.
Ойдин туннинг сеҳрига лойиқ
Ишқни улар сувга сўйлайди,
Ишқни улар куйлайди балки,—
Бу ишқ, ошиқ, бу эл, бу дарё,
Бу соҳиллар... бари меники...
Бу тасаввур хаёлга ҳоким,
Қалам қилар ҳукмини ижро.
Бу лаҳзада чўкди дафтарга
Интизор-ла кутилган мисра.
Фикр кияр хаёл либосин,
Ўхшар суратхонага мия.

Руҳим кўчар шеърисига
Шўх қанот-ла учар қофия.
Ватан берар шоирга ишқни,
Шўх қофия унга баҳона,
Шу Ватандан шуъла — нур олган
Мисра учун, айт-чи, баҳо на?!

1940

КУРАШ НЕЧУН?

Зафарнинг нашъасин тотиган эрлар:
«Сулҳ десанг урушда енгиб чиқ» дерлар,
Бу кураш ҳаётнинг қонуни учун,
Бу — чорак асрнинг якуни учун.
Бу кураш истиқбол машъали учун,
Лениннинг мужассам ҳайкали учун.
Пушкиннинг достони, Толстой учун,
Вақтинча тўхтаган холис тўй учун.
Бу элнинг гўдаги, чоли, гўзали,
Навой мисраси, Бобур ғазали.
Дуторнинг бемалол унлари учун,
Ижоднинг муҳташам кунлари учун.
Онанинг меҳрибон алласи учун,
Ватанинг нефти ҳам ғалласи учун.
Халқдаги қўшиқлар, мақоллар учун,
Ўрмонлар, чаманлар ва тоғлар учун.
Тер тўкиб қазилган каналлар учун,
Фируза кўрфазлар, ороллар учун.
Паранжи ташлаган аёллар учун,
Шоирнинг ташбиҳи, илҳоми учун,
Абадий саодат айёми учун.
Тоғлар этагининг майин еллари,
Ўзига хўжайин меҳнат эллари,
Болалар уйқуси, севги туйғуси,
Арслонлар юртининг ори, номуси,
Мунаққаш иморат, ҳусни, зарҳали,

Фаргона пахтаси, Оқтош асали,
Улуғбек дахмаси, Хоразм нағмаси,
Қўшиқлар, рақселар... ҳамма, ҳаммаси...
Шу учун курашмоқ бизга фарз бўлди,
Юраклар муқаддас нафратга тўлди.
Кўз юммай биз топган улкан ютуқлар
Ва яна муҳташам алвон уфқлар,
Қузгунлар, илонлар учун бўлмас ем,
Лочинга калхатлар бўлолурми тенг?
Ҳаётни севганлар ўлимдан қўрқмас,
Муқаддас бурч бўлди душмандан қасос.

.
Эртанинг иқболи кечадан базўр,
Бу кундан кечамас, эрта туғилур.
Булут сўндиролмас ёруғ кундузни,
Шапарак тўсолмас олтин юлдузни.
Эй ватан, эй дунё, эй инсон, қардош,
Халқлар эрки учун берамиз бардош.
Шу учун, шу учун муқаддас кураш,
Ўғри пачоқлангач, дермиз, Бас, кураш!
Зафарнинг нашъасин тотиган эрлар:
«Эрк десанг, урушда енгиб чиқ» дерлар!

БЕРЛИНДА СУД БЎЛҒУСИ

Кўзларим ўнгида жонланар алвон,
Катта зал: деворда бир сурат — Тельман.
Тарихнинг ҳаками беомон, жиддий,
Курсида қотиллар — палид, ашаддий.
Судьялар олдида мункайган ўғри
Ва яна бир гуруҳ оғзи қон бўри
Тимсоҳдай билмасди нимадир аянч,
Кўзлари сичқоннинг кўзидай жирканч.
Горилл маймунидай бир нусха — мурдор,
Шаллақи, зог каби беҳаё, беор.
Уч минг йил кечикиб келган одамхўр
Бошин индиради боқса прокурор.
Миллионлар қони бор айбномада,
Савашга сиёҳлар етмас хомада:
Хушбўй беҳизорлар бўлмиш вайрона,
Санъат музейлари бойқушга хона.
Бўстоннинг барглари соврилган кулга,
Гўрларда кезади ғамли кўланка.
Бахтсиз Европада ёниқ ўрмонлар,
Ёнгида соврилган донлар — хирмонлар.
Боласиз оналар, куёвсиз қизлар,
Зўрланган, пичилган мазлум бахтсизлар.
Бомбалар тирнаган шикаст майдонлар,
Калладан қуббалар, бўғиқ зиндонлар,
Элларни бўғувчи заҳарли еллар,
Елларда бўғилган улуслар — эллар,

Хароб шаҳарларнинг фиғони, оҳи...
Буларни қилибди номардлар шоҳи.
Умида билганми нимадир севги?
Унинг онаси ҳам бўлмаган балки!
Бу жаллод айтганми она лафзини?
Олганми шеърдан лаззат ҳиссини?
Бола табассумин пайқаганми у?
Хачирдай фарзанддан маҳрумми мангу?
Қувончлар берганми унга шалола,
Кўзин сийлаганми қирмизи лола?
Хаёл туғдирганми унда ойдин кеч?
Эшитганмиди у Бетховенни ҳеч?
Бировни қардош деб ундаганмикан?
Бир кун меҳнат ила нон еганмикан?
Йўқ асло! Булардан беҳабар чаён,
Унда инсон ҳисси бўлмабди аён.
Уч минг йил кечикиб келган одамхўр,
У ҳалок бўлажак бенишон, бегўр.
Албатта Берлинда суд бўлғусидир,
Тарихнинг ҳукми ҳам ўқилғусидир.
Ҳукм қатъий бўлур, шикоят йўқ:
Дарранда кўксига кифоя бир ўқ.

КАПИТАН ГАСТЕЛЛО

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир,
Ўлимлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир.
Тарихчи ёзар экан —
Улуғлар айёмини,
Капитан Гастеллонинг
Унутмайди номини.
Ўша кун Гастеллонинг
Кўп қирди самолёти,
Ёвга тобут бўлганди
Осмоннинг булути.
Шер юракли бу лочин
Қоқиб қанот-қулочин,
Қузғунлардан асради
Элнинг хотин-халожин.
Калхатларнинг бағрига
Қизил ўқлар ёғдирди,
Безбет босқинчиларнинг
Кўзида хавф туғдирди.
Бирмунчаси қочдилар
Баланд демай, паст демай,
Гастелло зарба урар,
Қирмагунча бас демай.
Лекин ҳужум чоғида
Оловланди самолёт,

Гастеллони ўради
Куявчан қирмизи ўт.
Оловлар ялар эди
Ҳатто қошу кипригин,
Қўнмоқни истамасди
Пастга, ерга у лекин...

Чунки ерни изларкан
Унинг қирғий нигоҳи,
Кўринади бир қатор
Душмanning қароргоҳи.

Мард фаҳмида туғилди
Яшинвори бир қарор,
Ғанимга асир тушмак
Ботир учун не ярар?

Ўлмакликнинг ўзи ҳам
Зарба бўлсин душманга,
Ёнаётган қушини
Шўнгитди ёв томонга.

Яна бир он, бир зарба
Қозонларга тўқинди,
Бу тўқиниш зарбидан
Портлаб кетди ёқилғи.

Ёнаётган машина
Бензинларга дуч бўлди,
Ловиллаган даҳшатдан,
Машиналар пуч бўлди.

Ҳалок бўлди Гастелло
Жангда мардимардона,

Ҳалокининг ўзи ҳам
Зафарларга тарона.

* * *

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир,
Ўлимлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир...

Мен яшамоқ истайман
Бир асрча мутассил,
Аммо ўлсам розиман,
Гастеллодай мард, асил.

1941

ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАДИ

Қирлардан эсади илиқ бир шамол,
Паранжи ташлади соҳиби жамол.
Булутлар чимматин йиртди қуёш ҳам,
Шарқдан кунботарга босади қадам!
Шарқдан кунботарга тилайман оқ йўл!
Юр қуёш, тезроқ юр ва саломат бўл!
Ялтирар шуъласи чопқилар узра,
Толларда, зирҳли ёпқилар узра.
Ўтнинг хосияти ёндириш, ёқиш,
Сувнинг хосияти шилдираш, оқиш.

Чавандоз одати қулунни суриш,
Қуёшнинг одати ғарб томон юриш.
Шуълалар юради читирлар босиб,
Аскарлар юради адирлар босиб.
Шуълалар тарайди дарахтнинг сочин,
Шуълалар ювади тоғларнинг бошин.
Шуълалар рақс этар шалолаларда,
Шаробга қуйилган гуллолаларда.
Бахшининг қўлида тори таранг, соз,
У чертар ва қилар қўшиққа оғоз.
—«Тезроқ юр ғарб томон полвон офтоб,
Жангчилар бошида кунботарга чоп!
У ерда бог йиғлар, богбон йиғлар.
Чироғи ўчгандир, чароғбон йиғлар.
Нажот элт, зиндонлар аҳлига нур элт,

Юр, қизил мардларга йўл бошла, юр, ет!»
Қуёшнинг одати шарқдан туришдир,
Қуёшнинг одати ғарбга юришдир.
Хужумда жонбоздир жангга пухталар,
Йўлларда қирилмиш жувонсўхталар.
Найзалар ялтирар, сафлар жимирлар,
Оёқлар зарбидан ерлар қимирлар.
Дудам ханжарлар, аждаҳо тўплар,
Ёвга қон қустирар, жаллод қон ҳўплар,
«Чу, ҳо!»дан ўйнайди бедов — арабий,
Қасосдан қайнайди элнинг ғазаби.
Самолёт қаноти чўмилар нурда,
Босқинчи ўғрининг ярмиси мурда.
Белгисиз гўрларга қаланган — лоллар,
Қаерга қочарди афтода ҳоллар?
Уларнинг қисмати гурбатда чириш,
Қуёшнинг одати ғарб томон юриш.
Қуёшим остида юраман мағрур,
У ёвга оташдир, дўстлар учун нур.
Уни «сен»сирайман, уни боқаман.
Ҳаттоки чилимни ундан ёқаман.
Унга раҳмат дейман, дейман: «Оғайни,
Бизга сен келтирдинг қирмизи майни,
Келтир оламга ҳам сўлмас бир кўклам,
Кўзлардан ёш ўчсин, лаблардан алам.»
Қуёш шарқдан чиқар ғарбга борай деб,
Йигит этик кияр ҳарбга борай деб.
СССР жанг этар ёруғ бўлсин деб,
Одамзод эркилиги қутлуг бўлсин деб,
Баҳор ойларининг ҳамда Майининг
Қаҳрли зафари улуг бўлсин деб.

ЧОРАК АСР

Бўлса эди иккита умрим,
Бўлса эди юрагим икки,
Ҳаётларни, қалбларни, билки —
Аямасдим сендан, эй қумрим!
Мен қумрининг «ху-ху»ларига,
Водийларнинг оҳуларига,
Дорбозларнинг «ёху!»ларига,
Созу наво доҳилларига —
Шайдо эдим балки азалий.
Фузулийнинг ўлмас ғазали,
(Ишқ гулидан сўрган асали)
Тилнинг эди зарбулмасали.
Ширин эди яшамоқ, чунки —
Лаҳза-лаҳза қуйилиб айём
Ой ҳафтани, ҳафта ҳар кунги
Соатларни ундарди мудом.
Қўшиқлар кўп нозанин, янги,
Шундай жўшқин, шунча жарангки,
Қойил эди сайроқ булбуллар.
Қад кўтариб эрк топган қуллар —
Туғни олди, қип-қизил ранги.
Йиллар ичра сўлим, инжу йил —
Минг тўққиз юз ўн еттинчи йил
Бошлаганди янги бир даврон.
Янги тарих бошланғичи у,
Календарнинг ҳур, тўнғичи у.

Қучоқлашиб кўришди ёрон.
Ҳаёт бўлди ширин ва лазиз,
Илк муҳаббат сингари азиз.
Учиб кетди йиллар карвони,
Дашт боғ бўлди, қизчалар она.
Париллади эл чарогони,
Гидамлар-ла безалди хона.
У йил эди Ильичдан туҳфа,
Бахт ва эрка олтин сарлавҳа.
Менинг ҳаёт дафтаримга ҳам
Сарномадир у йил муаззам.
Бирга ёздик умр китобин,
Чорак аср варақма-варақ.
Зар косада дўстлик шаробин
Ичар эдик ҳар йил мунтазам,
Бахт соҳиби бўлолдик алҳақ,
Ватан бўлди чин Боғи Эрам...
Юрт — дарехона, Партиям устоз,
Халқлар шогирд, ўқир эдик саз.
Севиб-силаб чорак асрни,
Қуриб олдик олий қасрни.
Ҳеч кўчарми бадандан диллар?
Ё ўчарми умрдан йиллар?!
Чорак аср қарайди бизга —
Минг йилликлар қадар серсавлат.
Кўршапалак порлоқ юлдузга
Қанот кериб солмоқчи зулмат.
Чорак аср давом истайди,
У бўлмоқчи бутун ва серсон.
Унинг амри жангга қистайди,
Унинг ўғли бўлмайди сарсон...
Чорак аср бизга қарайди,
Бир онадай, ҳақли талабгор,
Ғарбдан келган босқинчи дайди —
Тўқипти бир хулёки, бекор...
Коинотда тўхтарми замон?

Синса ҳамки соатда шиша,
Вақт учундир юрмоқлик пеша —
Куррамизнинг меҳварисимон.
Соатсиз ҳам минутлар, йиллар
Ўз кезини босар муқаррар.
Замон қайтмас, замон ушланмас,
Замон юрар, ортар ҳар нафас.
Чорак аср бизга қарайди,
Чунки уни кутар асрлар,
Уни кутар башарнинг ҳайти,
Забаржад арк, мрамор қасрлар.
Диллардадир соат миласи,
Йўқ, тўхтамас бахтнинг ялласи.
Яқин кунда зафар палласи
Очар бағрин жанггӣ қўшиқлар —
Ғазалларни айтсин ошиқлар.
Бўлса эди иккита умрим,
Бўлса эди юрагим икки —
Ҳаётларни, қалбларни, билки,
Аямасдим сендан, эй қумрим!
Ҳозир эмас... У кун яқиндир,
Ҳозир ишқим — нафрат, чақиндир.
Сен шошилма!.. Менинг нафратим
Ишқимнинг бир соясидирки,
Ва балки бир поясидирки,
Хоҳламайди — қолгайсан етим,
Хоҳламайди — бўлгайсан чўри.
Ёки сени қопгай пес бўри,
Севгимизнинг ўйноқи куйин —
Айтишармиз зафардан кейин.

ФАРҲОДГА ХАТ

Салом Фарҳод, ошиқларнинг сийначок пири,
Ноланг ўти диллар ёқди азалдан бери.
«Севги» сўзин тўқиб берган тилчи ўзингсан,
Мушибатнинг диёридан элчи ўзингсан.
Пешталқин¹ бир ҳофиз эдинг севги боғида,
Дарвишларинг «Ёндим дилбар!» деган чоғида.
Модомики йиллар қўймас, олдингга борай,
Асрларни тескарилаб нома юборай.
Ўтганмисан бу дунёдан, ё бу афсона,
Ёки номинг арманларга бўлмиш баҳона?
Бахши сени куйлаб берди соз пардасида —
Йиғлар экан тутқин Ширин ўз ўрдасида.
Алишерни танирмидинг, яратиб дoston,
Борлигингга ишонтирди бизларни ростдан.
Қофиясиз узилганди севги мисраи,
Ёш умрингни нобуд этди замон Хисрави.
Бўлса ҳамки елкаларинг базўр, муносиб,
Тоқ кишига тоғ кўтармоқ бўлмайди насиб.
Авлодларинг тоғни талқон қилолди бу кун,
Эл зеҳни-ла ечилади ҳар қандай тугун.
Хафа бўлма, энди сенинг афсонанг тамом,
Бу шаҳарга Фарҳодобод бўлғусидир ном.
Сенинг тоғинг Ширинсойга сувлар қуяжак,
Юртинг нурга чулғонажак, сингиб тўяжак.

¹ Пешталқин — қўшиқни бошлаб берувчи.

Кекса Сирнинг камарини бўғиб белидан,
Куч ва қудрат олғусимиз унинг селидан.
Ўтни сувга, сувни ўтга душман дебдилар,
Энди қара: иккаласи ҳамкор — биродар.
Сувдан ўтли куч туғилар симларда кезиб,
Ўт қудрати дастгоҳларни туртиб юргизиб,
Ўт қудрати ёв бошига олов сочгуси,
Сув қудрати ёв тўғонин ёриб очгуси.
Қаердасан, қўзғалиб кел, қадимги Фарҳод,
Бахт йўлини тўсувчилар бўлмақда барбод.
Ана шунда Ширин сойи, Ширин дашти бор,
Баҳор чоғи бу ерларнинг бўлак гашти бор,
У азалий маъшуқангни — Ширинни топгин,
Улуғ меҳнат қўшинида ерингни топгин.
Бахт ва эрkning овчилари — биз камарбаста,
Кел, қўййлик Ширин қабри узра гулдаста.

ИККИ ШЕЪР

1. БЎСА

Ширин бўлса бўсалар,
Бахтдан сўйлар қиссалар.
Сени ўнган лабларда
Қолмас ғаму ғуссалар.

Бешотарнинг қайишин
Ошираман елкамдан,
Зўр Ватан ишқи ила
Кетдим туққан ўлкамдан.

Хайр, гўзал жононим,
Севимли хиромоним.
Биз сен билан севишдик,
Барқарордир паймоним!

Дилимда бор икки ишқ —
Улуғ ватан ила сан.
Сенга жоним фидодир,
Агар буни тиласанг.

Аммо биздан ҳимматни
Талаб қилса шу ватан,
Сен ҳам, мен ҳам қурбонмиз,
Ўзинг яхши биласан.

Бир тўйсам гулханингдан,
Зебо ҳусни қаддингдан.
Омон қайтиб қучоқлай
Нозанин қоматингдан.

Ёвни енгмоқ бизга фарз,
Аммо сенга бордир арз:
Биз келамиз унутма —
Сен бўсадан бизга қарз!

2. ОТА

Тўрт ўғилни толейм
Менга ато айлади.
Тўрт ўғилмас, тўрт шерга
Мени ота айлади.

Чалингач жанг карнайи
Ўғиллар деди: «Лаббай!»
Тўрттаси ҳам «Ҳа!» деди,
Гўё худди бир лабдай.

Тўнғичи бўлди сержант,
Ўртанчаси лейтенант,
Иккиси аскар бўлиб,
Ҳаммалари ичди онт.

Жабҳаларда тўрт ўғил
Қувди душманни нуқул,
Лекин энди эшитдим —
Бир келиним қолмиш тул.

Тўнғич ўғлим ҳужумда,
Қалъа босиб бир зумда,
Бош қўйибди мардона,
Ёш порлади кўзимда.

Табаррукдир юрт ва ер,
Ҳалок бўлди шу деб эр.
Мен чол, лекин арслонлар
Кекса бўлса ҳамки шер.

Талаб қилса шу Ватан
Ҳаммамиз бир жону тан.
Оиламдан жанговар
Кам бўлмайди тўрттадан.

Мени ҳам сиз бир аскар
Қилинг, ўртоқ комиссар.
Босмачини қирган қўл
Хом бўлмайди муқаррар.

Набирамга тошпирдим —
Тезроқ ўсиб бўл ўсмир.
Керак бўлса ўрнимни
Босиб олгин бир умр.

Чол бўлсам-да, ёшим-ку,
Ошган эмас Рустамдан,
Чоллар аҳди рост бўлур,
Ҳеч қайтмайман қасамдан.

САЛОМАТ ҚОЛ!

I

Саломат қол, эй яшил боқча,
Сира чўкма ойнаванд айвон.
Қуримасин сувинг, булоқча,
Мажнунтолим, бўл доим омон!
Маҳкам тургин сен ҳам, дарвозам,
Очилмагин ётларга ҳеч ҳам!
Сарвинозим, саломат қолгин,
Бер лабингни, минг бўса кўпми?
Дуторимни пардалаб чолгин
Соғинганда ёрингни, ҳўпми?
Манзилимдир кўп узоқ йўллар,
Дуо бирла мени ёд айла.
Йўлларимга толе не йўллар?
Сўнгги гал бир ширин сўз сўйла!
Биламанми, не бўлур унда,
Биламанми, нелар кутади?
Биламанми,— у қонли кунда —
Кимга ажал тиги етади?
Умидворман бир кун келарки,
Дарвозангни қоқарман балки!
Балки... Қайтиш насибам эмас,
Ҳа, эшитдим: пичирлайсан-ку:
— Сеникиман, жонгинам, мангу!..

ОЧ

II

Сарвинозим, эшит бу менман,
Ҳа, бу менман, дарвозангни оч!
Аждаркуш бир полвонга тенгман,
Ҳозир тилим дилимга тилмоч!
Қонли жангда емрилди душман,
Босқинчилар қочар дарбадар.
Қоф тоғидан Карпатга қадар
Қалпоқ ташлаб қирилди душман.

Оч севганим, азиз дилдорим,
Дарвозангни тақиллатган мен.
Васлинг дея келаётган мен!
...Оҳ, негадир жавобсиз ёрим?!

.
Бундай эшик қоқишим шояд —

Туюлади сенга бегона.

Билки, ўнг қўл емиш жароҳат,

Чап қўл ундар сени мардона.

Шу юлдузлар, осмон гувоҳ,

Кўп ғанимлар дастимдан ҳалок.

Бир ҳужумда ўнг қўлим, эвоҳ,

Зарба еди, бўлдим сийначок.

Бундай эшик қоқишим шояд

Туюлади сенга бегона,

Билки, ўнг қўл емиш жароҳат,

Чап қўл ундар сени мардона!

Ҳай... у кимдир айвонда боқар,

Бу ҳолатим кимгадир ёқар?

Ҳа, бу сенсан, меҳрибон дилбар,

Танидим о, жонон бу сен-ку,

Эшитаман лабинг шивирлар:

— Сеникиман, жонгинам, мангу!

ЙЎҚ, МЕН ЎЛГАН ЭМАСМАН!

(Фронтдан овоз)

Фақат олий ниятлар яшамоққа сазовор,
Фақат олижаноблар коинотда баҳри бор,
Фақат нуринг ҳаққи бор фазоларни қучишга,
Фақат қизил лочинлар булут узра учишга.
Фақат севги яшайди, фақат нафрат яшайди,
Ёвга қарши ҳақ нафрат, ҳақли ишққа ўхшайди.
Ўлмасликка ўлим йўқ, ном номусга эгадир,
Сендан узоқ юрганни ўлди дейиш негадир?!
Ўлим нима, хотирдан кўтарилиш эмасми?!
Ўлган киши хотирот дафтаридан ўчмасми?
Йўқ, мен ўлган эмасман! Йўқ, мен ўлган эмасман!
Яшил баргман, қишлардан чўчиб сўлган эмасман.
Балки мени сўрарлар қўни-қўшни, колхозлар,
Йўлларимга тикилган шаҳло, бахмал у кўзлар,
Мен уларга дейманки: бекор эмас бу сўзлар,
Қаҳрамонлар яшайди яшаганча колхозлар?
Балки мени сўрарлар балиқчилар соҳилда,
Мен уларга дейманки, ўлим йўқдир мард дилда!
Балки мени сўрарлар эгат очган деҳқонлар,
Мен уларга дейманки, сизга шира бу қонлар!
Балки мени сўрарлар шоирлар ҳалқасида,
Дерман, ана қофия, тезроқ ёзинг қасида!..
Ўлмасликка ўлим йўқ, ном номусга эгадир,
Шараф буюк кошона, шуҳрат унга бекадир.
Балки таним ўлгандир, сўнган эмас овозим,
Шунқорманки, тўхтамас бир бошлаган парвозим.
Баҳор чоғи қирларда жилваланган лолалар

Шу покиза қонимдан ўсиб бўёқ олалар.
Ёв кўксига қадалган ҳар ўқда газабим бор,
Ғалабанинг қалбида ҳимматимдир барқарор.
Тракторнинг зўрида сақлангандир нафасим,
Шамширларнинг дамлари тирноғимдан ҳаммаси.
Пулемётнинг лентаси тишларимдан куч олган,
Мен ўлганман. Дўстларим мен учун кўп ўч олган.
Мен ўлсам ҳам қонимда ғарқ бўлгуси ғанимлар,
Аммо шу қон бергуси элга ҳосил-унумлар.
Мен ўлсам ҳам қўймайман жаллодларнинг бўғзини,
Қотиб қолган қўлларим бўғар ёвнинг ўзини.
Мен ўлганда ўгириб юзимни Шарқ томонга —
Сўнг нафасни ўптиму йўлладим ўз онамга.
Аммо ўлим олдида бир қайрилдим ғарб сари
Ва юбордим ўқимни... Аскарнинг сўнг асари.
Ул ўқ ҳали жаранглар... Наъралар... Аксисадо...
Ўқ учмоқда беҳаёл самовотда, кўк аро.
Ўқнинг акеу садоси — етимларнинг нидоси,
Ўқнинг биздан душманга «илтифотлар» атоси.
Эркин йўллар лоласи, асир эллар ноласи,
Мурда бола бувиси, гўрда жиян холаси —
Ҳаммаси ҳам тўпланди ўша сўнгги ўқимга,
Ҳаммаси ҳам кўмгуси босқинчини тош-қумга.
Тош-қумлоққа, токи у кўтармасин калласин,
Кўтармаса калласин, эрклик айтар ялласин.
Васиятим, ниятим, амниятим ўша ўқ,
Эл яшасин! Бўлакча армон-орзум асло йўқ.
Мен ўлсам ҳам ўқимнинг жаранглайди қасоси,
Ҳаёт яхши, (яширмай) гапнинг будир чин-рости.
Аммо қуллар умридан эркин ўлим афзалдир,
Тирик сичқон танидан ўлик арслон гўзалдир...
Улгурмаган бўсам бор, бориб етсин ёримга,
Чала қолган гапим бор, улгурсин диёримга.
У бўсанинг эгаси сезиб олсин ҳаводан,
Шаббодада куйлаган хиргойи бир наводан.
Шамол сокит ва равон, эгилмайди ва танноз,

Гўё Тошкент шаҳрида торга чиққан бир дарбоз.
У етказар бўсамни, интизорлик, гуссамни,
Жангномада ёзилган ўша ўлмас қиссамни.
Йўқ, мен ўлган эмасман! Йўқ, мен ўлган эмасман,
Умрим буюк пиёла, ҳали тўлган эмасман.
Мен яшайман боламда, экиб қўйган даламда,
Дами синмас қиличда, учи ўчмас қаламда.
Агар боғлар гулласа, демак, боғбон ўлмапти,
Агар чароғ порласа, ҳа... Чароғбон ўлмапти.
Агар қанот қоқилса, демак, шунқор ўлмапти,
Агар ғазал ёзилса, демакки, ёр ўлмапти.
Ширилласа агар сув, демак, мироб ўлмапти,
Агар бўлса китобхон, демак, китоб ўлмапти.
Агар қўнса нурлари, демак, қуёш яшайди,
Йўлда ёлғиз бўлмасам, демак, йўлдош яшайди.
Қизил байроқ яшаркан, азиз Ватан яшайди,
Модомики, номим бор, демакки, тан яшайди.
Йўқ, мен ўлган эмасман! Йўқ, мен ўлган эмасман,
Мен танимни жонимдан асло бўлган эмасман.
Мен келаман, кутинглар, пиёла чой интизор,
Севганимнинг ваъдаси... У, бўсадан бир қарздор.
Ғоя ўлмас, билинглар, ҳаёт сўнмас, билинглар.
Эркинларнинг ватани эрксиз бўлмас, билинглар.
Ҳаёт эмас бир танда, ҳаёт бутун Ватанда,
Бир кун эрк хўп, наинки юз яшаган бир банда.
Овозимни эшитиб мендан қўрқди Азроил,
Азроиллар чўчиса мен яшарман юзлаб йил.
Эшитдимки, суратим машҳурдир Фарғонамда,
Демакки, мен ўлмапман, ўлмаслик пешонамда!..
Йўқ, мен ўлган эмасман!

ЕТТИ ЮЗ ЎТТИЗ КУН¹

Балки дерсан: сочларингда нега оқ тола,
Нега кумуш қаҳқаҳалар занжири узик?
Қани энди газаллингга эш бўлган лола,
Қошларинг ҳам чимирилган, лабларинг қисик?!
Балки дерсан... Йўқ, буни сен сўрамайсан ҳам,
Ўз қоп-қора кипригингда паришон соя.
Шўх бўсалар манзилига қўнмишлар алам,
Кўз термилган уфқларга билониҳоя.
Синоқларининг қайноғида яшадик бутун,
Синоқчимиз — етти юзу ўттиз кун.
Кўкрак кердик тўфонларга сен билан бирга,
Бирпас тингла, ўша кунни солай хотирга:
Сутдек ошпоқ нурланарди шарқнинг саҳари,
Яшил кўлга чўлгонгандек Тошкент шаҳари,
Чаҳ-чаҳ уриб сайрар эди беҳабар булбул,
Анҳорларда шалолалар соларди гулгул,
Трамвайлар парклардан чиққанди энди,
Шаббодалар ёзга таслим бўлиб тинганди.
Пойтахт аҳли боғларига чиққанди кеча,
Ҳар кўнгилда бу оқшомга бир умид — режа...
Қоровуллар қайтар эди кечки навбатдан,
Чол ҳаллослар олчаларга тўлган саватдан.
Кун қизимай воҳаларга етмак армони,

¹ Улуғ Батан урушининг икки йиллиги муносабати билан ёзилган.

Шошиларди Қизилқумда туя карвони.
Станцияга яқинларди полвон паровоз,
Йўлчиларни кутар эди боғлар — меҳмондўст.
Жануб ёқнинг у лимонзор соҳилларига —
Йўл олганди ёзги Ватан гул элларига.
Сафарчилар тахлаб эди ўз юкларини,
Қизлар тақиб тўй белгиси — узукларини.
Наҳор бўлмай ўз газалин битирай дея
Излар эди хаёл ичра шоир қофия.
Сен билан ҳам бир ваъдамиз бор эди у кеч,
Бир соат сўнг не бўлурын ўйламабмиз, ҳеч...

Йўқ, ўша кун роҳат қилмоқ бўлмади насиб,
Ёвуз душман ногоҳ босди аҳдини бузиб...
Халқлар бахтин ўйлаб турган буюк Кремль
Қўшинларга штаб бўлди, фронтларга дил...
Шарққа томон чекинарди буюк Россия,
Чанг йўлларга чўкиб қолди кўланка-сиёҳ.
Кунчиқарга, кунчиқарга юртлар шошилар,
Хатто учар кунчиқарга кечиккан қушлар...
Шарққа томон чекинарди буюк Россия,
Йўлларида қолдирмайин на сув, на гиёҳ.
Шарққа томон, лекин юзин ғарбга ўгирган,
Ва қуёшга белин тиркар паҳлавон, улкан.
Биз билардик арслонларда бор шундай қонун,
Чекинмоқлик керак бўлур ҳатламоқ учун.
Оға-ини бирга бўлдик жанггу жадалда,
Дўст юраклар ҳамвази тепса жангчига далда.
Биз билардик тўхтамоққа бир марра бордур,
Шер сакрашин имо қилар, бир наъра бордур...
Энди ҳужум бошлаганди буюк Россия,
Энди фашизм маддоҳлари ёзди марсия...
Етти юзу ўттиз кунни узиб умрдан
Биз қалъалар ясадикки — ғишти темирдан.
Биз ҳужумлар яратдикки, оташин қуюн,
Зеру забар қилғусидир ўғрининг уйин.

Ғарбга томон қочар эди ваҳшат қашқири,
Соз юрарди Кремлнинг соатин мили.
Ажинларни чимиртириб, сипо, бешафқат,
Буюк тўйни, ғалабани ўйладик фақат..
Эсингдами?.. Қасам ичдик сен билан бирга,
Фақат ғаним хароб бўлгач, кўмилгач гўрга
Камарларни ечамиз деб... Ваъдамиз бутун,
Бўш ўтмади етти юзу яна ўттиз кун.
Сен демассан, сочларингда нега оқ тола,
Нега кумуш қаҳқаҳалар занжири узиқ?
Қани, эски ғазалингга эш бўлган лола,
Қошларинг ҳам чимирилган, лабларинг қисик?!.
Сен демассан. Чунки қондан унади лола,
Чунки қорлар бўронида оқармиш сочлар.
Чунки янги ғалабалар бизга ҳавола,
Улар мангу бир ёшликка бизни йўлбошлар.
Ҳали қонли лаҳзалар бор, кунлар, ҳафталар,
Синоқлардан ўтган Ватан бу майдонлардан —
Ғалабанинг байроғи-ла имтиҳонлардан
Аъло ўтиб бажо келур буюк ваъдалар.

1943

МУҚИМИЙ

Кўҳна мадрасанинг танҳо хужраси,
Сарҳовуз лабида баланд чинорлар.
Баргларда ўйнашар нурлар зарраси,
Фалакка ёлворар ҳорғин минорлар.
Сўлган боғчаларнинг шаббодасидан,
Синган пиёланинг қон бодасидан,
Бевафо дилбарнинг бўш ваъдасидан
Нолийти шоирнинг ўртанган байти,
Айниқса, баҳорнинг илк келган пайти.

* * *

Севгидан қорилган чин зуваласи,
Севган қофияси жон билан жонон:
Бир гўзал дастидан оҳу нолаеси,
Ишқнинг кўчасида йўқолмиш имон.
«Эй, яхшилар ҳайли нозик миёни,
Гарчанд эрдим ёмонларнинг ёмони,
Базмларда қилган элдин ниҳони —
Лутфу эҳсонларинг ёдимга тушди!»
Ўтга ошифтадир мисли зардуштий¹

¹ Зардушт — эрамиздан илгари янги динга асос қўйган шахс. Эронда, Ўрта Осиёда бу динга эътиқод қилган кишилар — зардуштийлар ўтга, оловга топинганлар.

Ватан гулзорининг ўтли булбули,
Ҳатто тушларида яшил Фарғона.
Номардлар ишидан шоир қайғули,
Лекин бир қулганда у ҳажвиёна
Ёлғону очкўзлик, бўҳтон ва тухмат,
Жафо, риёкорлик, зулму қабоҳат
Шоирдан зарба ер навбатма-навбат.
Песлар тепасидан бошлар қаҳқаҳа,
Кулади жўр бўлиб маҳалла, даҳа.

* * *

Кўҳна мадрасанинг таиҳо ҳужраси...
Сарҳовуз лабида баланд чинорлар.
Баргларда ўйнашар нурлар зарраси,
Фалакка ёлворар ҳоргин минорлар.
Эғнида эски тўн, тиззада қоғоз,
Чўққи соқолига оқ тушган бир оз.
Хаёлда қушларга, қизларга ҳамроз,
Гул бўлса дунёнинг етти иқлими,
Унга хуш бу юртнинг тикани, қуми,
— Шудир Муқимий!

1943

ХАРИТАНГ ОЛДИДА

Арслон ёлли қизил харита!
Ҳа... бу сенсан, Ватаним, юртим,
Қалбимдаги ишқ дафтарида —
Ўнгу тушда нақшингни кўрдим.
Сен яхлит бир дoston сингари
Ёд бўлмишдинг эсда ҳамиша.
Зотан, бўлар бизга андиша —
Тушиб қолса шеър байтлари.
Сен бутун бўл, саломат бўл деб —
Сафар қилди ўқ ва яра еб
Қилич осган уруғлар, эллар,
Қизларинг ҳам кийди шинеллар.
Минг кундан ҳам ошиб кетмишдир
Мен сўғишга тушган чоғимдан,
Чиққанимга у чорбоғимдан —
Бу кун роса уч йил ўтгандир.
Аммо яқин висол айёми,
У висолнинг нозик илҳоми —
Қўлга мадор, ханжаримга дам,
Тулпоримга беради чидам.
Арслон ёлли қизил харита!..
Ҳа, бу сенсан, Ватаним, юртим!
Қалбимдаги ишқ дафтарида —
Ўнгу тушда нақшингни кўрдим.
Сен бутун бўл, эй муқаддас хок! —
Дер фарзандинг бўлиб сийначок.

Бир яхшилик чиқмайди эсдан,
Бирда чиқмас ёмонлик сира.
Ҳаромилар айлади қасддан —
Ёзимизнинг илк тонгин хира.
Биз ҳам ёвнинг тамом умрини,
Тахту иқбол, тегу томирини —
Маҳву барбод айлармиз аниқ,
Замбараклар бу онтга таниқ.
Мен биладан, қизил харита,
Азиз танда яраларинг бор.
Меникидир улар. Албатта —
Партиямиз буюк шифокор —
Ленин илми, бу эл қудрати —
Яраларга даво беради.
Битиб кетар яралар, дардлар,
Жаҳаннамга ўтар номардлар.
О, Ватаним, беғубор, бедоғ,
Сен яшнарсан баҳордай тоза.
Қишлоғимда қолган дарвоза —
Тақиллатсам очилар у чоғ!

1944

О Л М А

Баҳор каби нозик келинчак
Асрар экан олмазорини,
Гўё дилда интизорини —
Олмаларга сўйларди юрак.
Бу кун боғдан бир қизил олма,
Олмалардан энг асил олма
Узиб қайтиб келди уйга у,
Гул кўтармиш гўё бир оҳу.
Истар эди бу ол мевани
Бир кун есин жондан севгани!
Шу деб осгай олмани шифтга,
Ўзи эшиб қўйган бир инга.
Севган эри, севган ёр дея
Жанг қилмоқда. Фронтда — ёри.
Хотинлардан вафодир ҳадя.
«Албат қайтиб егач, олмани,
«Олмам» дея ўпар у мани!»
Дерди ўйлаб юриб париноз...
Дарвозада шунда ногаҳон
Узатдилар унга бир қоғоз,
Қаради-да, тушинди ҳамон:
...«Вой у ўлган!» деди қайгули.
Ерга томди кўздан олмаси,
Нола тортди, бўшашди қўли,
Чангга тушиб кетди олмаси.
Қизил олма, қирмизи олма,
Тупроқларга беландинг нега?
Гўзал келин, олмадай сўлма,
Ўч ҳақиға ўзингсан эга!

1944

МАКТУБИНГ

Бу воқеа яхши эсимда...
Қўлимда бир нома, кўп эзгу,
Бир номаки, ҳар чизиқ-чизги,
Ўз номимдай яхши эсимда.
Ундан эди бу табаррук хат,
Ўқимоқчи бўлгандим... Фақат —
Узилди ўқ, бошланди говға,
Чап қўйнимда қолди у совға.
Ўқилмасдан қолди азиз сўз,
Лашкар билан тушдим жанггоҳга.
Олға босиб юрди ротамиз,
Шумлар ўзи тушдилар чоҳга.
Кириб, бўғиб, эзиб, пачақлаб,
Ўрмалашдик ерни қучоқлаб.
Мурдорларнинг сони бепоён,
Кўп даҳшатли жанг бўлди у кун.
Оғир бўлди ёв учун якун —
Ғалабамиз бўлмишди аён.
Бу воқеа яхши эсимда...
Аммо бирдан қизгин кўксимда —
Елим каби оққан терларни
Сеза бошлаб, кўздан ерларни —
Тоғу дара, чўлу саҳрони,
Шамолларни, бутун дунёни
Ниҳон қилдим шунда, бир зумда,
Зеҳнимдаги деразалар берк,
Учди дилдан иродаю эрк,
Ва у ёғи йўқдир эсимда!
.
.
.
.
.
.
.
Кўзим очдим хастахонада,
Гўё оғир бир афсонада —

Неча соат, неча кун ўтган,
Неча ҳафта умримдан кетган...
Хабарим йўқ... яралар оғир,
Гўё куйган жигару бағир.
Аммо мактуб, мактубим қани?
Ҳар сатрида кўксимнинг қони.
У сақлабди юракни ўқдан,
Қутқазибди борлиқни йўқдан.
Олиб ўпиб, искадим уни,
Гўё бўлди нафасим эркин.
Гўё оғир жароҳат секин —
Битар эди, томирлар хуни
Энди ура бошлади вазмин,
Гўё энди замон ва замин
Менга, яша, хуш келдинг, дерди,
У хат менга янги руҳ берди.
Эндигина ўқидим уни!
«Қонсизлансанг қонимни берай,
Лозим бўлса жонимни берай,
Аммо яша!.. Унутма шуни!»
Ўлмасликни сездим ўзимда,
Бу воқеа яхши эсимда.

1944

УЧ ИСТАК

Истаксиз қалб саҳронинг тоши,
Умид — қалбнинг содиқ йўлдоши.
Умрларга сарлавҳа истак,
Саҳардаги йўлчи юлдуздак.
Илк орзу: тез кел, азизим,
Ёруғлансин соғинчли кўзим.
Тилагимнинг иккинчиси шу:
Маҳв этилгай душман жинси шум.
Учинчиси... учинчи тилак:
Учраш чоғи, бу тинмас юрак
Унутмасин ишташ масдарин,
Тугатмасин хаёл дафтарин,
Тугсин янги-янги истаклар,
Қофиямни улар етаклар.
Истаксиз қалб саҳронинг тоши,
Умид — қалбнинг содиқ йўлдоши.
Умрларга сарлавҳа истак,
Ғазалларга жон берган қиздек.

Фарғона, 1945

Гўё бутун коинот жимжит...
 Гўё уйқу олам эгаси.
 Уй қасрининг тушдир бекаси,
 Ой зар гулдир, осмон — кўк чит.
 Гўё ҳаво шунчалик сокин,
 Юрак зарбин санамоқ мумкин!
 Аммо жимлик фақат бу ерда,
 Жаҳон сокит демаклик хато.
 Тушса ҳамки тунлардан парда
 Фронтларда тинмас жанг-садо.
 Ёт элларда ур-урлар, мудҳиш!
 Сенга оғир, биламан, кутиш!..
 Лекин бу кун самода ой бор,
 Ҳа, сен мафтун бўлган тўлин ой.
 Фурсат топгач бу кеча бир бор
 Кўринганда сенга сўлим ой —
 Мени ёдлаб унга бир қара,
 Унга қара фақат бир карра.
 Билки, мен ҳам ўша лаҳзада —
 Ойга қараб сени эслайман,—
 Топишгандай лаблар бўсада
 Ҳузур бирла сени кўзлайман.
 Ой севгилар гувоҳи мангу,
 Ярим кеча бўлсин оқ кўзгу.
 Ойга боқсак иккимиз тунда,
 Кўзларимиз учрашар унда.

1945

ГЕНЕРАЛНИНГ ХОТИРАСИ

*Генерал Собир Раҳимовнинг тобути
олдида ўйлаганларим.*

Салом генерал!

Ижозат бер, турай бугун сенинг ёнингда,
Ижозат бер, турай солиб бошимни қуйи,
Ўйлармидинг, шоир турар посбонингда —
Сен-ку, шеърим посбони ўз умринг бўйи!
Суратингдан таниб олдим, ўша мард чехра!
Раҳим ўғли Собиржон... У... Эски қиличбоз,
Кўп чопонгич бедовларда ўзгин чавандоз,
Танти улфат... Хаёлимни чулғар хотира.
Хотираки, ўрлаб борар осмон сари —
Мўрилардан учиб кетган тутун сингари.
Қани ўша шамшод қомат, мағрур вазият?
Ундан қолди ёзилмаган азиз васият,
Васиятки, диллардадир табаррук ери,
Мен эслайман, сени дўстим, кўп йилдан бери...
У йилларки, мозий босди унга муҳрни:
Сен Бокуда хурсанд бўлиб юрган замонда,
Эсингдами, денгиз бўйи — кўк хиёбонда
Пиво ичиб, соғинганинг Шайхонтоҳурни?
Сен Бобурнинг ёддан сўйлаб шу машҳур байтин:
«Ёр қадрин билмадим, то ёрдан айрилмадим,
Ёр қадри мунча ҳам душвор экандур, билмадим!»
Кулимсираб сўрар эдинг: «Бу қандай, айтинг?»
Ўтди йиллар селлар каби ва еллар каби,
Сардор бўлдинг, лашкарбоши совет элида.
Партиямиз бўлмиш эди сенга мураббий,
Юрар бўлдинг генералнинг бўз шинелида.
Шухратингни, шарафингни тўрт йил муттасил

Эл эшитиб ўғилларга ном қўйди «Собир».
Сени дерди ўзбек эли: «Фарзандим, асл!»
Рустамликка қилар эдик исмингни таъбир.
Шундай сен-ла сўзлашардим... Эс олами кенг,
Хаёлот бир фазодирки, юлдузи — тилак.
Бирдан: Тобут!.. Эсга тушди қон юқи кўйлак,
Бир қути кул! Бир фуражка ва бешта орден!
Оҳ, азизим, кутармидим шундай бир висол?
Шундаймиди у ваъдалар, азиз генерал?
Бир қути кул... хоки-поки сардордир албат,
Ўткир кўздан, забардаст қўл, қўрқмас юракдан,
Юзлаб жангда қалқон бўлган пўлат кўкракдан —
Бизга қолган нишона шу хокингми фақат!
Мен сескандим бу хаёлот ичра якбора,
Хотирот туш бўлиб кетди, ўзим дилпора...
Элтдик уни ўз шахрингда сўлим бир боққа,
Киндик қонинг тўкилган у ошна тупроққа,
Токи бунда ўз ўғлининг тоза хокидан —
Хушбўй, сўлмас гул ўстирсин у севган Ватан.

Хотирдан чиқмайди у қонли лаҳза...
 Қўлимда Уралнинг оғир қуроли,
 Орқамда Ватаннинг пўлат Урали,
 Белимда бухорий дудама қилич,
 Кўп улуг жанг бўлди —
 Ғавго, тиқилинч...
 Хотирдан чиқмайди у қонли лаҳза:
 Бизга байрам эди, шаддотга аза.
 Юракда қасоснинг эзгу олови,
 Бош узра ҳилпиллар зафар ялови!
 Қутқазиб борардим тутқун юртларни,
 Аямай янчардим мурдор қуртларни.
 У кун баҳор эди чўлда ҳам дилда,
 Кунботар томонга юарди қўшин.
 Ватан тупроғини пок қилмоқ учун,
 Сардорнинг буйруғи — аскарга далда.
 Йўлимда дуч келди қадим бир шаҳар,
 Биринчи мен кирдим у тутқун ерга.
 Ваҳима қилишган душман дарбадар,—
 Ё қочган ва ёки ётгандир гўрда.
 Ҳаммаёқ жимжитди, чор атроф хомуш,
 Гўёки бу ерни замон унутмиш!
 Паришон кўчалар, хароб уйлардан
 Қўнарди ҳар ёққа бир кимсасизлик.
 Тақдир қилган эди шунча хасислик,
 Қадим ариқларда сувлар ҳам битган.

Бу мудҳиш манзара титратди мани,
Баралла қичқирдим: «Ҳой, ким бор, қани?!»
Саволим таралиб харобаларда
Турғун ҳаво ичра кўп узоқлашди,
Йиқиқ деворларга бирпас туташди,
Бўшашиб кўмилди сардобаларда.
Узоқдан бир жавоб... ғариб...бемаъни —
Етди қулогимга: «Ҳой, ким бор, қани?!»
Оҳ, бу инсон эмас, ўлик бир нидо,
Вайрона қайтарган бир аксеадо...
Бу жавобсизликдан ўйланиб маъюс
Ўтирдим тош узра кўп тортиб афсус!
Йўқ, эй юрт, сен шундай қолмайсан сира,
Сен энди эмассан тутқун, асира.
Озод уфқларга ярашар чаман,
Сени яшнатаман, қасам ичаман!
Кўп ўтмай қайтурман айтиб шўх ўлан,
Қўлимда бир болга ва болта билан,
Кўчангда кўп ишчан одамлар қайнар,
Богингда бахтиёр гўдаклар ўйнар,
У маҳал «Ким бор?» деб келган наърани
Босгуси заводнинг қувноқ сурони.

МУАЛЛИМ

Яшасам юз йил ҳам чиқмайди эсдан,
Менга илк алифни ўргатган устоз.
Кечирдим мен юзлаб китобни кўздан,
Биринчи дафтарга мен қўйган ихлос —
Яшайди кўнглимда нафасдай азиз,
Қаламим ёзгунча, миннатим чексиз.

Муаллим!..— У қандай шарафли унвон,
Табиат сирларин, турмуш ҳикматин,
Шуурнинг қудратин кўп равшан, аён —
Насллар онгига у айлар талқин.

Унинг кўзи билан бизлар баримиз
Дунё китобини ўқий бошлаймиз.

Гуллаб борар экан элда фан ҳар он,
Асрлар, насллар сенга умидвор!
Элнинг муаллими, сенга бу фармон
Тарихлар номидан бўлмиш барқарор.

Улуғ муаллимдан сен олгин ўрнак,
Юлдузлар қуёшдан нурни олгандак.

Яшасам юз йил ҳам чиқмайди эсдан
Менга илк алифни ўргатган устоз,
Кечирдим мен юзлаб китобни кўздан,
Биринчи дафтарга мен қўйган ихлос —
Яшайди кўнглимда нафасдай азиз,
Қаламим ёзгунча, миннатим чексиз.

1946

БАРАКАТ

Ҳаракатда — баракат, кўп қадим ҳикмат,
Советистон юртида бу — темир низом.
Боғимдаги олмалар, даламда гўзам...
Буларни асраб бермиш бир она — ҳиммат!
Каналларда мавж урган ҳаётбахш сувлар,
Ҳовузларнинг кўкида зангор кўзгулар.
Сойни қучган кўприклар, йўллар, хирмонлар,
Элга таом бахш этган шўх тегирмонлар,
Конимизнинг кўмири, тоғнинг темири,
Узумларки — ҳусайний, қовун — амирий,
Темир излар босувчи у пўлат филлар,
Давлатнинг планида азамат йиллар,
Жумласи, эй, азиз дўст, бу қўллар иши,
Меҳнатга ихлосманддир эрк топган киши.
Биз бинокор бир халқмиз, юртнинг соҳиби,
Ғайратмандлик, ботирлик элнинг лақаби.
Кошонамиз бўлғуси яна ҳам улуғ,
Қўрғонимиз басавлат, еримиз бўлуғ.
Чунки, юрт мажлисида ленинизм — раис,
Шу учун қизил байроқ ҳилпиллар олий,
У билан бизга доим шерикдир толе:
Кўзнинг қорачигидай у элга азиз.
Бу баракат, неъматлар боғбони у,
Қасримизга нур сочган чароғбони у.
Каналларда мавж урган ҳаётбахш сувлар,
Ҳовузларнинг кўкида кўм-кўк кўзгулар.

Сойни қучган кўприклар, йўллар, хирмонлар,
Дастурхонга зеб берган шўх тегирмонлар,
Темир излар босувчи у пўлат филлар,
Беш йиллар планида азамат йиллар,
Жумласи, эй азиз дўст, бизнинг ишимиз,
Меҳнатга ихлосмандмиз, озод кишимиз;
Бу Ватан бўлсин яна забардаст, олий!
Иқбол бизга ёр бўлмиш, шерикдир толе!

Каттақўрғон, 1946

ОҚШОМ

У қирларда эркин шаббода
От ёлининг торларин чертар.
Сўнгра ўйнаб бирпас саҳрода
Сайхун томон югурар, йўртар.
Ёйдоқ елга отланиб чопар
Ҳур элларда оқшомги лапар.
Қуркулдакнинг нари ёғида
Қўкимтир чанг қалқар уфқда.
Милтиллайди колхоз боғида
Электрлар нуқтама-нуқта.
Видолашиб кетганда балки,
Йўлга чиққан бир ошиқ каби —
Офтоб шунча қаттиқ ўпганки,
Қонагандир булутнинг лаби.
Бўстонларнинг базму тўйидан
Қумриларнинг «ҳу-ҳу»си келар,
Адирдаги хирмон бўйидан
Шўх қизларнинг кулгуси келар.
Пахтакорни, голиб колхозни,
Жануб кузин, чинни тарвузни,
Ҳовузни ҳам, анов қизни ҳам,
Чўққисоқол дўст-раисни ҳам,
Ойни, сувни, боғни, булутни,
Фақат севмак мумкин бу юртни.
Ҳаммасига муҳаббат ширин,
Сўрасангки: айтиб бер, сирин —
Дерман, бари сенга аён-ку,
Бу ер, бу эл бизники мангу!

Янгийўл, 1946

МИРЗА

Кўп соатлар куттириб турган
Ҳар образни шоир севади.
Севганидай милтигин мерган,
Қизнинг гулга сиққандай ҳадди.
Рақамлар-чи... Қуруқ сонлар-чи,
На атри бор ва на куйлайди.
Йўқ, азизим, сонларда гарчи —
Қофия йўқ, аммо сўйлайди,
балки ўйлайди.

Бир мирзани танир эдим ман,
Колхозда у саркотиб эди.
Жадвалида рақамлар қасддан
Қучоқлашиб саф тортиб эди:
— Бу сонларни сиз қуруқ деманг,
Ашула ҳам, палов ҳам бундан,
Тандирдаги олов ҳам бундан,
Шеърингиз ҳам бундандир, дейман.
Қачон ёзсам қоғозга «юз» деб —
Севинчимдан тунда йўқ уйқу.
Биласизми, ишга зафар эп,
Зафардан хуш, ширин хат йўқ-ку!
Хирмонларнинг тарозисидан,
Аравалар «ҳою ҳу»сидан,
Пахталарнинг оқ чўққисидан
Мирза дили бағоят хурсанд,
Одамларга мафтун, ихлосманд,
Ҳу... пахтакаш карвонлар юрар,
Мирза ҳам жадвал тўлдирар.

Янгийўл, 1948

ВАТАН

Монолог

Олам ичра Ватанимнинг мисоли йўқ, тенги йўқ,
Ватаним бир диёрки,
Инсонликка бир ёрки,
Бу мангулик офтобининг сўниши йўқ, сўнгги йўқ.
Биз бу юртнинг гулларига қонимиздан сут бердик,
Пок тупроқдан газандалар жасадини супурдик,
Жаҳолатни битирдик,
Одамга бахт келтирдик —
Мардона!
Ҳақиқатга айланди бу азалий афсона!
Бу қардошлар ўлкасида менинг ҳам бор овозим,
Тароналар сафида жаранглар ўзбек сози...
Менга берди ҳуррият
Улуғвор жумҳурият.
Менинг элим офтобга ҳамсоя,
Қирларида чечаклар бениҳоя,
Оқ олтинга ганжинадир чўллари,
Фирузадир кўллари...
Дарёлари юрт белига куч бахш этган камардир,
Офтоби — тоғларининг бошида гулчамбардир.
Бу юртнинг мен соҳиби,
Боғларда боғбон каби.
Менинг азиз рус қардошим менга бўлди раҳнамо,
Оғир кунда қўллади,
Ёруғ кунга йўллади.
Партиямиз қуёш бўлди, Ватан ери кенг само,

Бу табаррук гулистонни мен суймайин, ким суйсин?
Бу чироғни кўролмаган бахил кўзлар тез куйсин!
Оламда бир қувват борми, қайтаролгай йўлимдан?
Оламда бир қудрат борми, кетга тортса қўлимдан?
Йўқ, оламда у қудрат!
Йўқ, бўлолмас у қувват!
Бир ўғилдай тиз чўкаман мен онам ҳузурида,
Бир фарзанддай бош эгаман мен онам ҳузурида,
У шафқатли бир онаки, муқаддас номи Ватан,
Оналикнинг севгисини олгандир Москвадан.
Сен буюрдинг, она, дейман,
Буюргин яна дейман:
Бу меҳнатлар,
 бу ғайратлар,
 бу садоқат — вафодир,
Оналикнинг ҳурматидай
 Улуғ элга раводир.

ТИРИКЛИК ШАЪНИДА...

Биз ҳаётнинг ошиқлари,
тириклик деҳқонлари,
Севганимиз,
экканимиз — Инсоннинг бахти...
Коммунизм водийсида инсофнинг карвонлари
манзилларга етаяпти...
Биз — саҳрони йўқ қилолган ҳаётмиз,
Табассумни таълим қилдик чўлларга,
Хуш атрини бағишладик гулларга,
Кўприк солдик унутилган йўлларга:
Совет Эли — адресимиз, отимиз,
Ҳар томчи сув,
ҳар машина,
ғалла донасин
Тиркаб қўйдик тирикликнинг
дафтарига биз.
Бир томчи сув
эрк ҳурмати,
аллалар учун
Меҳр қўйдик Пикассонинг қаптарига биз!
Хўп тингладик оқ кўнгилли қора Робсоннинг
Душманларга ларза солган довул — наърасин.
Ва англадик таржимасиз мард Арагоннинг
Байтларида маъноларнинг асл — сарасин.
Сулҳ истадик саодатнинг саройи учун,
Халқлар аро салом-алик одат бўлсин деб,
Тупроқларнинг томирига қувват тўлсин деб,
Тинчлик дедик!
Тинчлик деймиз!
Ва дегусимиз!
Тинчлик дейсан!

Тинчлик дейман!

Тинчлик деймиз — биз!

Ўрмонларга, хирмонларга, тегирмонларга,
Ойга сирдош, хушбўй, хилват хиёбонларга —
Осойишталик!

Севгиларга, кулгиларга ва юракларга,
Жўмардликка, ҳалолликка, оқ тилакларга
Осойишталик!

Ғаллакорга, кемачига, асил чўпонга,
Ошнолардан хат келтирган чол — почтальонга
Осойишталик!

Тирикликка ва эрка,
Гўзалликка ва кўрка
осойишталик!

Енгар инсоф, енгар эрк, енгар тириклик!
Ўлар ноҳақ, ўлар зулм, ўлар чириклик!
Мавсумларнинг галини
асло тўсиб бўлмайди!

Нозим Ҳикмат шеърини
дорга осиб бўлмайди!

Тинчликнинг оқ каптарин
овлай олмас қузғунлар,

Чунки миллиард қалблардан
ҳар бири — оқ кабутар.

Чунки ёруғ — тириклик
асримизнинг қонуни,

Истиқболнинг котиби
замонга
ўймиш уни!

Боку, 1951

ТОВУС ПАРИ

Бухорода бир дўстдан айрилганимда,
Қўлимга тутган эди «дил армуғонин».
Эсдалик бўлсин дея ҳижрон кунимда —
Навоийнинг қўлёзма терма девонин.
Чарм жилди — қўлма-қўл ўтган чамаси,
Ҳар ёғи сийқаланиб ялтирар эди.
Гўё улуг шоирнинг кичик кемаси,
Мисралардан йўловчи келтирар эди.
Қофиялар бошма-бош ётибди хумор,
Радифлар қоровулдай ҳамиша бедор.
Байтлар турар саҳифа бўйича қотиб,
Уларни тахлаб қўйган табризлик котиб.
Бу китоб, дўст қўлидан — шеър тўплами,
— Қалбнинг ёзи ва қиши, кузи, кўклами —
Менга тасалли бўлди кўп узоқ йиллар,
Эси еллар, замондан оқди кўп селлар,
Сўлди гуллар

ва қайта очилди гуллар...

Планларнинг насрига қўймай вергуллар,
Рақамлар босиб ўтди голиб наслар.
Аммо у дўст, девонни бағишлаган дўст,
Навоийни сўнгги бор олқишлаган дўст
Жангга бориб қайтмади улуг сўғишдан,
Чиқолмади у қишдан,

у оғир қишдан.

Азиз Ватан шаъни деб қилди жон фидо,

Менга экан у туҳфа сўнгги алвидо.
Варақлаб ўқир экан қайта-қайта мен
Ахтарардим дўстимдан бирон из — асар.
Варақлар орасида, нозик жойда мен
Белги кўрдим — товуснинг қанотидан пар.
Дўстим буни қолдирган ғазаллар аро
Шу ерда унга ёққан байт бўлса керак.
Ғазалдаги лавҳага берай деб оро
Товус парин бу бетга жўр этган юрак.
«Ложувардий ўсма бирла зеб берган қошларинг,
Жилвагар бўлган икки товус эрур гулзор аро».
Қарга эмас, ғоз эмас, қалдирғоч эмас,
Товус пари қўйилган шу учун бунга.
Ҳа, ҳуснга гўзаллик бўлган ҳамнафас,
Товус пари муносиб тушган ўринга.
Аждодлари Сарандиб ўрмонларидан
Бухорога келганмиш, ким билур, қачон.
Кезиб юрган Зарафшон бўстонларида,
Қанотлари товланиб, секин, хиромон.
Маъюс бўлдим товуснинг парин кўрганда,
Кўз ўнгимга келтирдим биродаримни,
Шу мовий мисраларни ўқиб турганда,
Ложувардга буркадим эски дардимни.
Аллақайда кўмилган аскарнинг тани,
Аммо шу девондадир унинг Ватани.
Севар экан ҳаётни, шеърни кўп у,
Завқ оларкан девоннинг бағрини очиб,
Коммунанинг фусункор жамоли деб у,—
Бошин берган экан, бу эмас таажжуб.
Шеърятнинг ҳуснидан оларкан лаззат,
Биламанки, менга шу тушди кўп қиммат.
Чунки ҳаёт ва шеър китобин юмиб,
Ўз умрини, қалбини курашда кўмиб
Дўстим кетган.

Бормикан бундан зўр ҳиммат?

КҮР КУЙЧИ БАЛЛАДАСИ

Шахло кўз бир қизни кўрди бастакор,
Шахло кўз бир қизга бўлди ошиқ у.
Кўзлар дил овлашга гоят устакор,
Кўзларга бағишлаб тизди қўшиқ у.
Оҳ, шахло кўзларни севмаслик маҳол!
Уларнинг сеҳрига кимда бор мажол?!
Шахло кўз бир қизни кўрди кўз билан,
Шахло кўз қизни деб яратди ўлан.
Шахло кўз ҳақида дил ашуласин
Тинглади кўчалар, ойдин кечалар.
Қандайки апрелда ойнинг шуъласин —
Шимирган ирмоқлар шўх нағма чалар.
Юракнинг торида чертди бастакор:
—«Оҳ, шахло кўзларинг —
кўнглимни ёқар.

Шунданми

чимирган

қошингда

виқор!..

Бу зорим

қалбингга қилмас

асти кор!

Оҳ, эй шахло кўз,
Сеҳринг сақла, кўз!
Оҳ, эй шахло кўз,
Ишқим ёқла, кўз!»

.
Аммо:

Куйчи кетди қонли урушга,
Қиз бўлак куёвга чиқди турмушга!..
Унутди куйчини шаҳло кўз тездан,
Ўзганинг қўйнида бахти топилди..
Куйчи бир сўғишда ажралиб кўздан —
Дунёнинг ҳуснига соя ёпилди.

...Бироқ,

кўр бастакор дилида доим:

«Шаҳло кўз»,

«Шаҳло кўз»

бўлганди қоим.

Дер эди:

«Бир куни уйлансам шояд,
Ёрим шаҳло кўзли бўлмоқлиги шарт!»
...Ҳаёт ўзгарувчан... Умр чопагон.
Ахирда ёр бўлди унга Лайлохон.
Ахир, ким яшабди умрбод ёлғиз!
Куйчининг дардини билган дўсту ёр
Хайрли ёлғонни афзал кўрдилар,
Сўраса Лайлонинг ҳуснин бастакор,
«Кўзлари шаҳло қиз — Лайло» дердилар.
Вафоли, меҳрибон ёр эди Лайло.
Ҳассос, шинаванда, санъатга шайдо..
Куйчининг илҳоми роҳатланарди,
Ҳар кун яратарди янги тарона.
Учагон товушлар бўлиб парвона —
Севги нурларида қанотланарди:

«Оҳ, эй шаҳло кўз,

Бахтим сақладинг,

Оҳ, эй шаҳло кўз,

Ишқим ёқладинг!

Кўзларнинг султони

Шаҳломсан менинг,

Дилим хонадони

Лайломсан менинг!»

...Бир куни жарроҳнинг нозик ништари
Қайтарди куйчига қуёш ёругин,
Оламни кўролди кўзлари тагин,
Лекин...

илк сўроғи қани хуштори?..

Аттанг...

Пайқадик, меҳрибон Лайло,
Унинг илҳомдоши қадрдон Лайло —
Оддий қиз...

чаккимас, дурусту,
аммо —

Сира эмас экан кўзлари шаҳло,
Ҳаттоки, термилиб юзига боққач,
Сезилар —

чап кўзи озгина... қийғоч!

Шунда, куйчи туриб деди баралла:
— Ҳеч бир шаҳло кўздан қолишмас Лайло!
Бу оқшом, бошлайман янги бир нағма,
Тингласин, англасин, куйласин ҳамма!..
Менга энди эмас шаҳло кўз тема,
Мен энди вафоли Лайлони дейман..
Нағмани атайман шундай:

«Вафоли»—

Лайлонинг вафоси — унинг жамоли!..

СЕВГИ ВА ТИНЧЛИК

Сенинг меҳринг қалбимдаги ҳар бир тепишда —
Тор ва оҳанг дўстлигидай қардош, иттифоқ.
Ким билади, балки дерсан:— Биз илк ўпишда
Кам сўзлашдик...

Лекин сўзсиз бахт келди қувноқ.
Биласанми, бўса нима?

У — сўзсиз ғазал:

Баъзан сукут баландпарвоз ваъдадан афзал.
Биз севгини ёзиб қўйдик дафтаримизга,
Соқчиларнинг найзасидир ошиққа қалам,
Ёки бизнинг қаламимиз аскаримизга
Уйдан келган мактуб қадар азиз, муҳтарам.
Истайманки, севгимизга қўнмасин губор,
Ишон, дилда ўзинг ёқиб қўйган туйғу бор.
Севгимизни ўғирлашга қасд этди ёвлар,
Аммо ишққа тегиб синди босқин яроғи.
Коммунанинг муҳаббатин тўсолмас говлар,
Сочимизни кўн вақт тарар замон тороғи!
Бу Ватанда чунки ҳаёт —

ўлимдан кучли,

Бадниятлар гўрга кирар,

гуркирар тинчлик!

Дерлар: оққу миниб учар болалар тушда,
Ниҳолини «қизим» дейди ота — боғбонлар.
Эртагача «хайр!» дейди қуёш ботишда,
Ҳар бир қўйга лақаб қўйган асил чўпонлар.

Тинч саҳарлар хушторидир мамлакатимиз,
Тонгга,—«тўхта, қайтгин!» — деяр қайси бетамиз?!
Истайманки, шўх термалар яратсин бахши,
Наққош ўйсин гунафшани шинам бинога.
«Хўш, тинчликми?» сўроғига дўст десин: «Яхши!»
Самарқандда қизлар борсин оқшом кинога.
Истайманки, Ойбек ёзсин улугвор роман,
Бўз ерларда ўсиб-унсин бошоқ ва ўрмон.
Истайманки, олам бўлсин боққа намуна,
Салом бериб, салом олсин ўлкалар иноқ,
Тинчлик бўлсин,

яъни: тезроқ келсин Коммуна,
Сўнмай ёсин нур-чароғлар деразаларда,
Керак бўлмай қолсин қулф дарвозаларда.
Истайманки, қопламасин ойни калхатлар,
Япроқларга қўниб тушсин шудринг бехатар.
Эшик қоқиб почтальон қиз келтирсин хатлар
Ва хатларда ёронлардан салом, хушхабар.
Истайманки, яхшиликлар қолсин эсдалик,
Йигитга ишқ,
қариларга осойишталик.

Истайманки...

Аммо истак — курашмоқ демак,
Бўронларнинг қўшиғига жўр бўлиб куйлаш!
Хур халқларнинг қарори бу
иттифоқ, кўмак!

Партиянинг чақириғи:

— Фитнага оташ!

Барбод бўлсин эски сарқит!

Енгсин яхшилик!

Голиб бўлсин чин кишилик,

ўлсин ваҳшийлик!

Ш О И Р

Қўлингда хилқатнинг эзгу қалами,
Дилингда борлиқнинг яшил олами.
Асрлар яширган нидоларни сен,
Шамоллар келтирган садоларни сен
Туннинг жим қўйнида дафтарга битдинг,
Дўстларга ҳикматдан гулдаста тутдинг.

Сен гоҳо кечалар ёлғиз кезасан,
Шалола бўйида сирлар сезасан,
Севгилар боғидан гуллар узасан.

.
Кеча ёзганигни, эй қизгин ошиқ,
Эртаси эл айтар бамисли қўшиқ.

Ватанинг бошига тушганда хатар,
Сен билан фронтда юрди у дафтар.
Созингда сўзлатиб сен шоҳ пардани,
Кўйладинг Ватани ва партияни.
Хужум амрларин, ярадор оҳин...
Барчасин торига чертди у ноҳун.

Юртнинг байроқлари ҳилпираб олий,
Халқлар китобида порлоқ бир толе.
Сени ёзилмаган мисралар кутар,
Зафар нашидасин булутга кўтар!
Кел, бирга кўйлайлик қутлуғ замонни,
Кел, бирга ёзайлик улуг дostonни...

1954

ЯХШИЛИК

Шоир Ғафур Ғуломга

Маргилон. Ёз. Ҳаво жим ва турғун. Оқшом.
Эрмат ака меҳри-ла қурилган ишком.
Шашмақомлар, қўшиқлар, ўйин, ашула
Радио карнайидан оқар баралла...
Унлар, нафис овозлар, тезоб товушлар...
Пианино, рубоб, най, ғижжак ва тапбур,
Гўё кўзга кўринмас ҳавойи қушлар
Узумнинг бошларига ёпишиб қўнур.

Бу садолар топади барг қўйнида жой,
Боқ, уларни тинглайди ариқ, инсон, ой.
Бирдан — ғоят ёқимли мардонавор сас!..
Ким экан Фузулийдан айтаётган у?
Дуторга жўр бу вазмин, бу мағрур нафас!
Мулла Тўйчи, у буюк ҳофиз тирик-ку!
«Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зилоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.
Лабинг сирин келиб гуфтора, мандан ўзгадан
сўрма,

Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр».
Унинг бахмал овози тушиб пиллакка¹
Ясантирган ғазални бархит кўйлакка.
Нозиклик, асл санъат нақадар гўзал!
Озарбайжон шоири яратган ғазал,

¹ П и л л а к — халқ ўртасида патефон пластинка-
сини шундай дейилади.

Ва ўзбек ҳофизининг ўлмас овози,
Ошиқнинг севги сўзи, Тўйчининг сози,
Бу икки зўр полвоннинг қудрати, кучи
Бирлашди нафосатни яшатмоқ учун.
Сўз билан саз ва овоз бўлишиб ҳамроз
Вақт торида юрарлар мисоли дарбоз.
Биттаси тўрт асрлик ошиқ — дардманд,
Айрилиқ водийсида овора йўлчи;
Иккинчиси ошиқлар бўлсин деб хурсанд
Тўйларнинг нағмасози, лақаби — Тўйчи.
Ким билар. Мулла Тўйчи Фузулий дардин
Куйиб-куйиб куйлаган ўзи ҳам йиғлаб:
«Билмади деб замона шоирнинг қадрин.
Энди бўлса мен унинг ишқин улуғлаб,
Еткизардим маъшуқа васлига аниқ,
Ўзим бўлиб тўйида хушхон муганний!»
Шунинг учун ҳофизнинг хониши ёниқ,
Шунинг учун мақомда минг битта маъни.
Тинглар эдик у ўлмас ҳофиз садосин,
Офарин деб санъатда мангу софликка,
Ким эшитса Тўйчининг хушбахт нидосин,
Аттанг, дейди ўтмишда ноинсофликка.
Шундай қилиб, тўқилган элларда масал:
Умр темир бўлса ҳам эрир бир маҳал,
Абадий тирик экан қўшиқ ва ғазал.

Марғилон, 1955

ЛУҚМА

Гоҳо бир имо ҳам сақланар эсда
Каттакон романнинг қаҳрамонидак,
Кўкракка ярашар гарчи гул-чечак,
Қолар тикандан ҳам чақа кўкседа.
Бир куни Ёрдонда — булоқ бошида —
Гулсум турган эди баҳор ёшида.
Қошлари ўсмадан пайваста қиздан:
«Бир коса сув бер», деб сўрадим қасддан.
Хўплаб, мақтаб кетдим тиниқ сувини:
— Шунча тоза экан, шунчалик шаффоф,
Апрелнинг тонгдаги нафасидай соф!..
Ҳамроҳим дедик:

— Булоқ сувини

Шунча тиниқ қилган Гулсумнинг юзи,
Эгилиб сув олиб тушганда кўзи...

Тагин хўпладимиз мақтадим сувни:

— Ажаб хушбўй экан, шунчалар маза,
Чаманлар қўйнидан сизгандир дейсан!..
Ҳамроҳим дедик:

— Ундаймас, сувни

Хушбўйлик важи шу бўлдики,

Гулсум —

Булоқдан сув олиб, қилди табассум.

Тагин хўплаб сувдан, мақтадим:

— Бай-бай,

Шунча совуқ экан, бамисоли муз,

Кечаси аллалар айтганми юлдуз?

Ҳамроҳим дедики:

— Йўқ, эмас ундай,

Совуқлик шундаки, қиз сизга боққач,

Кўрди бошингизда қор каби оқ соч.

Шу вайдан кўнглига совуқлик чўкди,

Сочингиз қорини косага тўкди...

— А-а-а-а!!!

Шоҳимардон, 1955

Биласизми, саҳнага чиқиб,
 Сиз куйларда қиларкан жавлон,
 Қўлингизни хаёлан сиқиб
 Завқингизга бўламиз ҳайрон.
 Гўё куйдир бутун танингиз,
 Куйлар кўзлар, куйлар дудоқлар.
 Титраб куйлар нозик бармоқлар,
 Сиз ва қўшиқ, ҳамиша — эгиз.
 Ўнлаб элнинг рақси, оҳанги,
 Ҳар оҳангнинг ўзича ранги.
 Адриатик денгиз ҳавоси,
 Андалуснинг жўшқин яллasi,
 Пхеньяннинг мағрур садоси,
 Хоразмнинг ширин алласи,
 Чиннинг майин ва тез навоси,
 Ереваннинг шўх ашуласи
 Гавдаланар ўйинингизда,
 Эй, санъатнинг сеҳргар қизи!
 Балли, сизнинг ҳар куйингизда
 Порлар бирон халқнинг юлдузи.
 Гўё сизнинг ўз уйингизда
 Машқ ўтказар бутун ер юзи.
 Сизни бир бор эшитган кўнгил
 Шеърятга бўларкан мафтун,
 Сизга тиллар ётлиги тугул,
 Сарҳадлар ҳам бўлолмас тўсқин.

Ким тингласа сизни бир карра,
Бир умрга унутмас сира.
Чунки ҳар бир қўшиқдан сўнгра
Ҳислар қалқиб заррама-зарра
Гўзалликни англаймиз ортиқ,
Будир сиздан Ватанга тортиқ.
Чунки ўлмас туйғудир дўстлик,
Нақорати санъатда ростлик!..

1956

ФОНТАН

Бу сувнинг лақаби лугатда — «Фонтан».
Аслини суриштирсанг: «Чашмайи хандон».
Соддароқ айтилса кулувчи чашма...
Ўртоқ сониялар, югурманг, шошманг!
Бунда ўтиришга ҳаққим зўр, улкан,
Бу ер ошно бўлган менга қадимдан.
Ёдимда бу ердан кечганларимиз,
Йигирманчи йиллар охирларида
Сувфуруш боланинг пақирларидан —
Жомда ҳовуз сувин ичганларимиз.
Бу ерни атарди: «Пиёнбозор» деб,
Каталак дўконлар, боққол ва аттор,
Сархуш фойтунчилар, чайқовчи айёр,
Хуллас, тирик эди ҳали бунда НЭП...
Наҳот, бу гулистон у майдонмикин?
Ўшал сув ўрнига шу фонтанмикин?
Мен-ку, шу шаҳарда улғайдим, ўсдим,
Йилларнинг фарқини бунда кўр, дўстим!
Боқиб кўр: чироғлар товланишида,
Нурлар нуқта-нуқта уланишида
Фонтан ярқирайди кумуш кулгидай,
Юлдузлар ҳам унга хуштор ўлгудай.
Қайси ўхшатишу, қайси киноя —
Бу фонтан ҳуснини қилсин ҳикоя?!
Дегайсан: у олмос гулдаста эмиш,
Эрирмиш чопағон оқ сонияда,
Гўёки товуш-ла ўзишиб товуш
Чопишиб тургандай симфонияда.
Гўё Венерага бир даста кумуш
Мисрада саломлар юборилармиш.

Ё шабнам қадар соф бир қучоқ бўса
Ой лабин ўймоққа сўрар ижозат!
Фонтаннинг гаштини биласанми сен?
Келаман деб эдинг, келасанми сен?

Меҳнат ўлкасининг оқшомлари бор,
Оқшомнинг эртаги илҳомлари бор.
Бу хандон шуълалар, биллур садолар,
Бу олмос гулдаста фонтан аталар.
Ҳу, катта бинода ишчилар бардам
Кечалар ухламай ҳарфлар тизар,
Юқори қаватда эҳтимол шу дам
Муҳаррир янги бош мақола ёзар.
Бу ёқда Навоий мармарда қотиб —
Боқадим — Театр иморатида.
Гўё беш асрни тарих йўқотиб
Нохосдан топгандай уй суратида.
Сувни, суғоришни сувсаган шоир
Иморат шаклида бир томошабин:
«Мен-ку, кўп куйладим сувларга доир.
Бу кун ўғилларим сувга соҳиб чин!»
Бу гапнинг маъносин тушунасанми?
Сени кўп соғиндим, ишонасанми?

Миллиард томчилар фонтандан шу тоб —
Баҳорнинг кўксига армуғон бўлиб,
(Пойтахтим жўмардлик завқига тўлиб)
Сочилар нақ кумуш пулдай беҳисоб...
Фонтаннинг баҳорин биласанми сен?
Фонтаннинг бағрига келасанми сен?

.
Аҳа, яна, қара, эгилди сувлар,
Фонтан таъзим қилиб, букилди сувлар,
Пиллапояларга бош эгди улар,
Ҳа, бу сен, зинадан тушувчи дилбар!..

1956

ЧАРОҒБОНЛАРГА¹

Илк ёзув ихтиро қилинган кундан
Тинчликни унутди изловчан фикри,
Айирмоқ истади ёлғонни чиндан —
Нимаси тўғри-ю, нимаси эгри?
Кўп замон ахтарди, қидирди буни,
Кўзга илмай кетди, уйни, уйқуни...
Нимада ҳаётнинг мағзи, маъвоси?
Дарвоқе, бормикин арвоҳ дунёси?
Қаерда негизи адлу инсофнинг?
Билимнинг қаноти қайгача учар?
Қанча узоқлиги Миррихнинг, ойнинг,
Ўйларди билимдон толиқмай, ўжар!..
Истади меҳнатга берсин енгиллик,
Яратсин ҳусндан кошоналарни.
Битган китоблари турсин минг йиллик,
Сақлаб келгусига афсоналарни.
Яшнасин оналар меҳрибонлиги,
Жанг эмас, ижоднинг қаҳрамонлиги.
Аммо истакларга топмади чора,
«Ҳақ-у, ҳақиқат!» деб бўлди овора.
У олий ниятлар, азиз ҳисларни
Жаллодлар топтади, эзди, сўлдирди.
Ақли зўр, зўри йўқ у ожизларни
«Бизга итоатли банда бўл!» дерди.

¹ 1956 йил, 11—14 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон зиёлилари қурултойида ўқиб берилган.

Сенинг ихтироинг, қўшиқ ва қурол
 Бизга каниз бўлсин ва ёки қарол!
 Зеҳннинг машъалини сўндирмоқ бўлди,
 Илмнинг қаламини синдирмоқ бўлди.
 Чириди зиндонда Бу Али Сино,
 Улуғбекнинг нурли боши кесилди.
 Гулханда ёқилди Жордано Бруно,
 Ростгўй Машраб Балхда дорга осилди.
 Радишчев Сибирга кетди сургунга,
 Қотил ўқин узди жўшқин Пушкинга.
 Муфтхўрлар билмади талантнинг қадрин,
 Хуноб бўлиб ёзди Фурқат ҳар сатрин:
 «Чархи кажрафторнинг бир шевасидан доғман,
 Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур...»
 Серзаҳмат бўлганди дононинг йўли,
 Хурофот ичида маънонинг йўли.
 Аммо емрилмади башарнинг ақли,
 Ҳақсизлик олдида чўкмади ҳақли.
 Нурни қилич билан тополмадилар.
 Бўрилар офтобни қополмадилар.
 Агар бўлса эдим мен ҳайкалтарош,
 Энг қадим карвонлар йўлида балки,
 Йўниб қўяр эдим шундай ҳайкалки,
 Унинг бутун қадди бўлса қора тош.
 Номаълум олимга бўлса шу ҳайкал,
 Қўлида қирмизи ёқутдан машъал,
 Тагида шу ёзув: «Ахтар ва юксал!»

* * *

Дўстлар, чароғбонлик унвони билан
 Элда кўп мўътабар мавқеимиз бор,
 Коммуна уфқидан дилимиз равшан,
 Ўтмишни англашга уқувимиз бор.
 Кечани ўқиймиз ва ибрат деймиз,
 Бугуннинг эркига кўп раҳмат деймиз.

Эртани севамиз ва ҳиммат деймиз.
Советлар асрида бўлдик зиёли,
Биз меҳнат фарзанди, нурга хизматкор.
Кўрсин европалик, билсин осиёлик
Ўзбек пойтахтида академия бор.
Кўпайсин чироғлар, чорағон бўлсин,
Илмнинг, санъатнинг уруғларидан
Ҳар кўча, ҳар қишлоқ гулистон бўлсин,
Файз олиб камолнинг ёруғларидан
Юртда ҳар бир киши чорағбон бўлсин!

1956

УЧ ТАБАССУМ

I

Баланд айвон, кўк ойнабандда
Бола ухлар, юзида ханда,
У нимага кулимсирайди,
Нима кўрар, нима сўрайди?
Биламизми бунинг сирларин,
Унинг кезиб юрган ерларин?
Балки она қўйнини эслар,
Балки боғда шафтоли излар.
Ё қитиқлар уни парранда,
Ёки булут устида учар,
Юлдузлар-ла ўйнар ва қучар!
Шуларнинг бир жилваси — ханда!..
«Балки» деймиз...

Лекин биродар,
Булар бари бўлгай муяссар...
Келажакни кезиб кулади,
бу гап бўлади.

II

Ану қизга ташладим кўзим,
Ўзи сўлим, юзда табассум.
Шоду хуррам кўчада юрар,
Ўз хаёли ила гапирар.
У нимага кулимсирайди,
Кимни «ёр» деб у сенсирайди?

Биламизми бунинг сирларин,
Орзуларин ва фикрларин?
Балки тилар — ўз мактабида
Ўрта эмас, аълочи бўлмоқ,
Ёки меҳнат — иш талабида,
Янгиликнинг қулочи бўлмоқ.
Балки тилар — туйғуларининг
Сув бўйида тилмочи бўлмоқ,
Йигит тортган қайғуларининг
Ягона бир иложи бўлмоқ...
«Балки» деймиз...
Лекин биродар,
Булар бари бўлмай муяссар.
Бахти билан сўзлаб кулади,
бу гап бўлади...

III

Чол ўтиргай толнинг тагида,
Умри узоқ, хотири тетик.
Гўё унга бахши раҳматлик
Ҳайкал қўйган ўз эртагида.
Кўзлар юмуқ, зеҳни-чи, уйғоқ,
Ана, қўлда қимирлар таёқ.
Соқолининг тукларида ҳам
Оқ ханданинг ёруғи кезар.
Элнинг бахти гулистон экан,
Хандада бахт уруғи кезар.
У нимага кулимсирайди,
Хаёлида нелар асрайди?
Биламизми бунинг сирларин,
Бу манглайнинг ўй-фикрларин?
Балки ўтмиш айёмин эслар,
Инқилобнинг илк замонини.
Ўтмиш чоғга ўгрилган кўзлар —
Кўрар қонли жанг майдонини?!

Ғолиб ёшлик лаззатин эслар,
Қаҳрамонлар иззатин эслар.
Эккан боғи мева берганин,
Набиралар ундан терганин,
Элнинг унга ташаккурини,
Юртнинг ёруғ чароғ нурини —
Балки олар хотирга кекса.
Яхши ишлар юракка дилбанд...
Отахонлар нимаки экса
Самарасин кўргани хурсанд...
Чехрасида майин табассум,
Ўтмиш бўйлаб учади бир зум.
«Балки» деймиз...

Лекин биродар,
Булар унга бўлмиш муяссар.
Шу кунларнинг томирин силаб,
Кулимсирар у чоғни эслаб,
Шарофатни яқунлар энди:
Бу гап бўлганди.

1957

УНИНГ ҚАЛБИ

У бизнинг онамиз
ёки синглимиз,
Ё бизга сингилу
қизига она.
Бари бир эмасми
агар дилимиз
Куйласа бир боғда айни тарона!
У эрклик боғига киргандан бери
Ватаннинг ери —
Унинг ўз табаррук хонаси бўлди,
Бу хона тириклик нурига тўлди.
Ильичнинг чироғи —
уйнинг
юрағи...
Шу ёруғ уйларга
дарднинг йўли берк,
Ҳар она,
ҳар хотин орзу-тилагин:
— Бор бўлсин тинчлигу омон бўлсин эрк!
— Ҳеч шикаст емасин сув кўзалари!
Еруғсиз қолмасин деразалари!
У элнинг иқболин,
Ватанни ўйлар,
Унинг ўзиники корхона,
дала.

Хонаси келганда хўп айтур алла,
Пайти келганида нотиқдай сўйлар...

У — раис,

планини бажарар,

севар;

У,

пахта жангида устакор, чевар.

У — доктор,

хунари — касалга шифо,

Меҳри ва шавкати ўзи бир даво.

У бир муаллима:

юртнинг фарзанди

Алифни ёзмоқни ундан ўрганди.

«Ватан»

ва

«Партия» сўзларин аввал

Машқ қилиб ёздирар

авлодларга у.

Бу улуг сўзларин ёзаркан ҳар гал

Уни хотирлаймиз умрбод,

мангу...

У пухта инженер:

унинг амри-ла

Машина юради мисоли аскар.

У ишчи:

эгнида жомакор ила

Коммуна йўлида бўлмиш сафарбар.

У машҳур қўшиқчи:

куйласа бир бор,

Унга жўр бўлади севгили диёр.

У давлат арбоби:

унинг имзоси

Ишларга якундир

ва ёки режа.

Большевик партиясин лойиқ аъзоси,

Постида устивор

кундуз ва кеча.

Сен ғоят улугсан совет аёли,
Қалбингга ёзуғлик аслик нақши.

Вафокор, одобли, доно, ҳаёли,

Шоир ҳаёли —

Қанча мақтай олса ундан ҳам яхши.

Истайман,

бахтингга қўнмасин ғубор,

Сира йўлиқмасин балога

қалбинг.

Ҳандасиз, кулгусиз қолмасин лабинг,

Азизим,

йиллар бор,

ҳали йўллар бор!

Ҳали ўқилмаган китобимиз бор,

Сен ила саволу жавобимиз бор.

Ўртоқсан,

онасан,

севгили ёрсан,

Коммуна қуёши остида борсан!..

1957

РАҚАМЛАРНИНГ ҲУСНИГА ДОИР

«Рақамларда бўлолмайди жон,
Уларда йўқ, хаёл, ҳаяжон,
Рақам қуруқ қоғоздаги сон!»
Ким деганди бу бежо сўзни?
Хато, хато ва яна хато.
Йўқ, рақамлар қилади ато
Бахтимизга порлоқ юлдузни.
Ҳа, шу кўҳлик, руҳли тезислар —
Худди қалбим қадар азизлар!
Коммунизм рақами ўзи —
Ишга дастак, иқболнинг кўзи.
Бугун — рақам,
Эртага — уйим.
Бугун — рақам,
Эртага — либос.
У — эртанги ва янги куйим,
У — эртанги газнамга олмос.
У — эртанги шеъримнинг вазни,
Дастурхоннинг барака — ҳусни.
Сингиб Кремль курантларига,
У Ватаннинг фарзандларига
«Юз яша!» деб берганда муҳлат —
Муҳр босар паспортларига
Ва қўнғали Ой портларига
Қўлимизга беради билет.
Йўқ, рақамлар, жонли рақамлар,

Қаҳрамондай шонли рақамлар.
Жадал бўлиб қилайлик ҳамма
Биз уларни ишга таржима!
У чоқ сонлар бўлиб жамулжам
Коммунизм қурар мужассам.

1958

Баланд чинор — гўдайиб турган
 Паст кўчанинг охирида тик.
 Мисрадан сўнг баъзан қўйилган
 Узун ундов аломатидек.
 Чой ичаман пиёладан мен,
 Сир оламан ол лоладан мен.
 Ярашиқли чинни пиёла,
 Иззатлайман, сени, пиёла!
 Жиндеченнинг азиз тухфаси,
 Ҳар нақшингда дўстлик шеваси.
 Пиёлада бугланади чой...
 Буглар гўё ёсиман гулнинг
 Ҳандасидай оппоқ ва майин.
 (Ваҳоланки, қора қўллар-ла
 Терилади — тахланади чой!)
 Олтин ёзни эслатар аниқ
 Чойнинг иси бахш этиб ором.
 Балки дейсан чалинар тиниқ
 Олисдаги дуторда мақом.
 Ичилган чой лаззатида бор
 Ширин дўстлик — суҳбати тайёр.
 Қора чойнинг бугдой рангида
 Иссиқ жануб уфқи кўринар.
 Ундай эмас, балки янгидан
 Уни терган цейлонлик дилбар —
 Қора қошнинг ҳусни билинар.

Ё ҳинд қизин чарос кўзларин
Бунда топса бўлар изларин.
Ҳинд қизининг кўзида ханда
Ёки чойнинг ўзида ханда!
Бу атирни ва бу рангларни,
Эшитилмас бор оҳангларни
Қандай қилиб бекитсам экан
Байтларимнинг хонасига ман?
Йўқ, сиғмайди сўзга, сатрга,
Торлик қилар байтлар атирга.
Чойни дамлаб келтирган уста
Унинг гаштин, қудратин билар,
Шу туфайли ҳурматин билар —
Чойни дамлаб келтирган уста.
Оқпар чойга тўлган кўк чойнак
Менга азиз чин армуғондек.
Чой маъносин хўп билганимдан
Дейман:— Уста, тагин бир чойнак!

1958

ЛУБНОН, ЛУБНОН¹

Лубнон, сени хаёлда кўраман ҳозир,
Аммо қалбим ташвишда, қалбим беҳузур...
Ўрта денгиз қирғоғин Шарқ бурчагида
Лимонзорлар ичида ўликлар ётар.
Ҳакимларинг деб эди эрк тилагида:
— Золимга қул бўлмоқлик ўлимдан баттар!
Лубнон, қўшиқ ўлкаси, дилбарлар ери!
Босқинчилар кўчанга киргандан бери
Қўшиқ маршга айланди, қизлар — аскарга.
Ўқ ва қўшиқ:

— Йўқ!—

деди қароқчиларга...

Лубнон, Лубнон,

сен инон,

сен эмас ёлғиз...

Минг йиллик ошнодир сенга миллатим,
Гарчи қўшни эмасмиз, юртимиз олис,
Аммо қалблар ёрлиги ой қадар қадим.
Кўп ўхшашлик шеъримиз қофиялари,
Сиз ва бизда «Ассалом!»— айни маънода.
Ҳар икки эл авлоди, тоифалари —
Ҳурриятни севдилар жондан зиёда.
Ҳатто менинг ўз исмим — арабча лугат,

¹ Арабларда ва умуман шарқ мамлакатларида Ливанни Лубнон, деб юргизадилар.

У тупроқда юради адашлар беҳад.
Бугун сенинг бошингга машаққат тушди,
Ғазаблардан юртимда муштлар уюшди!
Лубнон, Лубнон,

сен инон,

ўртада бир нон...

Ўша қадим ошнолик, янги дўстликнинг,
Халқимнинг лафзи қадар азиз ростликнинг
Ҳурматига сен билан барчамиз ҳамдам
То сен қутулганингча бу мудҳиш ғамдан...
Лубнон, Лубнон,

сен инон,

ўзбек элида

Садоқат ўз луғавий мазмунини сақлар,
Худди сақланганидай араб тилида.
Бу сўз чин қардошликни қўллар, ардоқлар!..
Лубнон, Лубнон,
Сен инон,
Бўлгайсан омон!..

1958

БУ КЕЧА...

Бу кеча бутун коинот ухламас,
Нега мен ухлайин оламдан беҳабар?!
Ҳозир туриб ётоғимдан мен
боққа, йўлга чиққум келади.
Одамларни ўнгим,
майсаларни кўзга суртгум келади.
Доктор эса бермас ижозат,
«Қон босими ошиқ,— дер сизда»,
«Асабият, бор сизда», дейди.
«Склероз бор, дейди, сизда!»
Ётмоқ керак, ухламоқ керак,
тиб илмининг барча ҳикматин
интизом билан оқламоқ керак.
Йўқ, бу кеча ухлаб бўлмайди,
табобатнинг ҳикматларин оқлаб бўлмайди.
...Ўчганида чироғ айвонда,
тушиб кетдим орқа нарвондан.
Яширинча кирдим боққа мен.
Доктор мени уришар албатта,
таъналар эшитарман катта.
У, албатта, ана-мана дер,
насиҳату алланима дер.
Аммо ўзингиз айтингиз, дўстлар,
мен қандай чидай?
Ахир мен нетай?
Учирилган бўлса бугун самога

Ер йўлдоши, совет юлдузи —
хасталикка нима ҳаққим бор?
Склерознинг не дахли менга?
Мен боғда кутиб турдим,
ва кўзим билан кўрдим,
осмоннинг ложувард йўлларида
учиб борган олтин йўлдошни.
Ва шундан сўнг, ишонасизларми, дўстлар,
ўзгача бўлиб кетди аҳволим.
Ўз жойига тушгандайин қоннинг босими,
асаблар ҳам гўё менга мутедай.
Склероз эса...

Мана, менинг ҳофизамнинг қуввати:
Ўша гаплар эсимда-ку, бутунлай.
Азиз доктор, меҳрибон хоним,
даволаниш тартибини бузиш, бу ёмон,
аммо шу туфайли тузалиб кетса касал —
шунга нима дейсиз, а, қадрдон!
Йўлдош ҳам даво экан, хулласи калом.
Сизнинг собиқ хастангиздан
соппа-соғ салом!

ҲАКИМНИНГ ҲИСОБИ

Бир ҳақимдан сўрабдилар
Умрининг сарҳисобин.
Шунда устоз
шу зайлда
айтибди ўз жавобин:
— Ҳақимлар сўзи сиқик,
Йилим саксон, ёшим қирқ!
«Тушунмадик!» деб тургандек
турибди қаровчилар,
ундан ҳикмат ўргангани
йиғилган сўровчилар...
Устоз, шунда ўз жавобин
англашибди батафсил:
— Саксон йилдир бу дунёда
тирикдирман муттасил.
Шу саксондан уйқу билан
Кечиб кетди ўттиз йил.
Биз уйқуни
умрларга, санамаймиз,
яхши бил!
Мен, бир йили
бемор бўлиб,
ётоғимда тўлғондим;
тузалганда қайта бошдан туғилгандай
уйғондим.
Касал бўлиб ожиз ётиш

тўлиқ умр эмас-ку!
Шу туфайли
умрларга ҳисобланмас
бизда у.
Жаҳонгашта бўлганимда
ҳаётимнинг чўлида,
уч йил
озиб довдирадим
етти иқлим йўлида.
Рост йўл топгач,
суюнади
хатосини емирган.
Шу туфайли
янглиш йиллар
ҳисобланмас умрга!
Мен —
то олти ёшимгача
хат-саводим бўлмаган,
кўзим
оқни қоралардан
асти ажратолмаган.
Демак,
баҳра топмаганман
билимлар китобидан,
олти йилни
ўчираман
ҳаётим ҳисобидан.
Олимликнинг алангаси
уйғонганди томирда,
ҳақиқатга хизмат қилмоқ!—
Шудир ҳисоб умрда.
Фақат
иждо, онг йўлида
одамзод маъно кўзлар,
чунки фақат ўз йўлидан
сузиб келар кундузлар?

Ўзинг ўйла.
Ўзинг топ!—
Бу қиссага
керак бўлмай қолар эди
таъбирлар:
Мазмунига қараб фақат
ўлчанади
умрлар!..

1958

БОШ МАСАЛА

Турмуш — ҳар хил,
катта-кичик масалалар
рўзномаси...
Дам тўйларнинг ҳангомаси,
дам курашлар жангномаси.
Умрнинг бор ўз косаси,
кўк чойнинг ўз пиёласи.
Квартира,
сергўшт палов,
нафис кўйлак масаласи.
ВУЗга кириш анкетаси,
кимёгарлар корхонаси,
кун нуридан ўргилувчи
Москванинг ракетаси,
одам ишин дostonларга
айлантирган
автоматлар силсиласи...
Ҳозир бирин ҳал этарсан,
тагин бири қотиргай бош,
Масалалар... Масалалар...
Умр бўйи бизга йўлдош.
Лекин улуг бир гап борки,
масалалар асосидир.
Барча ишлар унга аъзо,
бу рўзгорга ўзи мудир.
Масалалар булоқлар-у,

азим дарё худди удир.
Асосий бош масаладир
асримизнинг шу палласи.
Нима десанг:
— Коммунизм
қурмоқликнинг
масаласи!

1959

КОММУНИЗМ МАНЗИЛИ ЕНОШАР ҲАР ДАҚИҚА

Мен кўп ёздим шеърлар, тинч, ё жангий шеърлар,
Гоҳо кичик шеърлар, аксар янги шеърлар.
Гоҳ ўткинчи истаклар, гоҳо мангу тилаклар.
Гоҳ кечаги азалий орзуларнинг даврони,
Орзуларнинг рўёбга чиқаётган замони,
Коммунизм манзили ёношар ҳар дақиқа.
У — тунов кун туш эди, у — эртаги ҳақиқат.
Мана ўтди бир соат, камайди йўл ораси,
Уфқларда кўринар адл бино қораси.
Кечадан бугун яқин, бугундан эрта яқин,
Меҳнатдошлар устида балқийди қуёш ёрқин.
Кошки эди қўшигим бир пиёла сув бўлса,
Чанқоғини босгали йўловчига тутилса!..
Шундай қўшиқ саналгай сафларнинг қатнашчиси,
Шунда шоир бўлолгай гўзаллик йўловчиси!

1959

СЕН БИЛАН ЁШЛИКНИНГ

Сен билан ёшликнинг бошланғич чоғи
Дилга нақш айладик беш йиллик сўзин.
Беш-беш қадамлади замон оёғи,
Қасидалар тиздик узундан-узун.
Юртда совхозга ҳам, артелларга ҳам
Беш йиллик лақаби берилди у дам...
...Ҳозир балоғатнинг белгиси келди,
Йилларнинг беш эмас, еттиси келди.
Ҳам қувонч, ҳам суянч режасидир бу,
Тўп-тўғри Коммуна кўчасидир бу!
Муҳташам бинонинг остонасига,
Нафис умрларнинг поғонасига
Ватан келиб қолди, голиб эл келди,
Улуғ иш мўлжаллаб етти йил келди.
«Беш»ларга биз берган бўлсак, биродар,
Ёшлик қалбимизнинг илк ҳароратин,
«Етти»га бағишлаб қўяйлик бу гал
Ақлли севгининг сўнмас қудратин...

1959

ЕТТИЛИК БАЛЛАДАСИ

Мен гўдаклик чоғларимда жазман эдим эртакларга,
Чоллар, дейман, эртакларни тўқир экан гўдакларга.
Навқиронлар, паҳлавонлар чиққанидек гўдаклардан,
Ростлик гули униб чиққан афсонавий куртаклардан.
Етти ўғлон қутқарганда ёрни жинлар қафасидан,
Етти юлдуз балқар эди Сомон йўли тепасидан.
Етти тоғни эшитгандим, ҳар қайсисин бориб кўрдим,
Қоф тоғининг зумрад бошли зирвасидан боқиб турдим.
Шунда у пайт ишонгандим, ҳаволарни зангор қилган
Қоф тоғининг тепасида ялтираган зумрад экан.
Ўсмир бўлдим, қиссаларнинг бобларини варақладим,
Азалардан хира бўлдим, шодликлардан чарақладим.
Сўнгра менга нақл этганди Фирдавсийнинг ўзи ростдан:
Кайковусни излаганин етти манзил босиб Рустам...
Бир манзилда дев ўлдирган, бир манзилда арслон
тилган,

Бир манзилда ҳув маккора жодусидан у қутилган...
...Шаҳзода қиз чиққанида етти йигит тўдасига,
Султон етти ғазна берган ботирларнинг сарасига.
Хонандалар етти парда оҳангида куйлашаркан,
Етти кеча-етти кундуз тинимсиз тўй-тўйлашаркан...
Етти қарам қўрғонбеги чўтлаб етти тортиқни бот,
Тўйчиларга юборганди васиқаси билан бисот:
Пулу гавҳар, молу либос, ер ва таом, еттинчи боғ,
Айвонларда ёқилганди етти рангда етти чироғ.
Етти қалам, етти хат-ла битиб қўйди етти фармон,
Ҳар бир хатда бир котибнинг кўз нуридан нақш

намоён.

Алишернинг «Хамса»сида етти иқлим йўлчилари —
Ёт элларнинг у дарбадар, бағри ёниқ элчилари
Етти рангли кошонада етти қисса айтган эди,
Шайдо бўлган Баҳром шоҳни етти бека кутган эди.
Оҳ, савдойи хумор кўзли оқшомларнинг соялари,
Соя эмас, бахмал тусли ривоятлар уялари...
Етти пари... Етти само... Етти қат ер... Етти иқлим...
Қай бирини айтсам экан?.. Ҳайрон эди ҳуш-у, ақлим.
Етти сонин тушунганда нафосатга меъёр эди,
«Етти» десам, ёнбошимда афсоналар тайёр эди.
...Аммо дўстим, рақамлар ҳам балогатга бориб етди,
Гўдакликнинг либосидан ортиб қолди бизнинг «Етти».
Етти келди коммунизм йилларининг вазни бўлиб,
Туғилганлар, туғилгуси болаларнинг ҳусни бўлиб.
Етти йиллик план деса инсонларда ғайрат тошар,
Шу замонда сонлар ҳусни хаёллардан учиб ошар.
Сўрасангки: нима деган шу таққосинг, шу қиёсинг?
Жавобимда айтаманки: нақлларнинг кенг миқёсин
Шу давримнинг еттисига ўлчайдиган ютқизади,
Ёш паҳлавон минг омонат қўғирчоқни ётқизади.
Модомики, бахшиларни афсонавий еттиликлар
«Куйланг» дея чақирибди, тирилибди ҳуд ўликлар.
Наҳот бизнинг нақд етилар, шу ҳаётбахш еттиликлар
Нечук, нечук қўзгатмагай қаламларда янгиликлар?
Десаларки, қандай бўлди?

Айтаманки:— Шундай бўлди,
Ўтган ўтди, кечган кечди, кетган кетди, сўлган сўлди.
Бўлса эди минг йил умрим, туғилсайдим минг йил
аввал,

Менга ҳозир савол тушса, юрагингга қайси афзал
Нақллардан, эртаклардан, дostonлардан, газаллардан,
Еттиларга мос қилинган минглаб-минглаб масаллардан?
Дер эдимки, тўплаб берсанг менга етти юз мингтасин,
Барчасига алишмайман етти йилим бир ҳафтасин!..

МЕН ЛЕНИННИ КЎРГАНЛАРНИ КЎРГАНМАН!

Мен Ленинни кўрганларини
кўрганман,
Ва уларга боқиб хаёл
сурганман.
Мен танийман нуроний
бир аёлни,
У кўришган Ленин билан
бир чоқлар.
Уни кўрсам бутун
эс-у, хаёлни
Инқилобнинг шеърияти
қучоқлар.
Сиққаннимда унинг
ориқ қўлини
Гўё оқар томиримга
бир даврон.
Ленин қўлин тутган экан...
мен уни —
Олиб ўпсам юрагимда
ҳаяжон.
Бир мўйсафид партизанини
танийман,
Кўрган экан Ленинни
у яқиндан.
Манглайида ажинларин
санайман,

Ҳар бирида кураш йўли
бор чиндан.
Боққанимда унга гўё
юраман
Октябрнинг кунларида
шавқ билан.
Оҳ, Ленинни кўрган,
азиз инсонлар!
Сизга ўтган ўлмас зотдан
бир қадар
Ўлмасликнинг хислати —
нур зарралар,
Нур олгандек қуёшдан
сайёралар.
Ленин турган шаҳарларда
юрганман,
Босиб чиқдим у чиққан
зиналардан.
Китобларин ўқиб маъно
терганман —
Ҳикматларга тўлган
хазиналардан.
Мен кўрганман Лениннинг қаламини,
Бир қаламки, ёзган сўзи
дилларда,
Олга қараб бораётган элларда...
У сўз янчар истибдод оламини.
У қаламни кўрдим
кабинетида,
Аммо қўлим тегизмадим...
ҳурматан...
Чунки, фақат даҳонинг
хизматида
Ўша қалам кашфларга
бермиш тан.
Мен Ленинни кўрганларни

кўрганман,
Мен Ленинга гувоҳ бўлган,
ҳамнафас
Буюмларнинг қуршовида
юрганман.
Бу саодат умр бўйи
менга бас!
Аммо чопқир ҳафталарнинг
ҳар куни,
Бажарилган планларнинг
якуни.
Қурилғуси бинолар
вазифаси,
Ёзилғуси китоблар
саҳифаси,
Пионернинг галстуги,
салюти,
Туполевнинг реактив
самолёти,
Етти йиллик баҳорининг
кўчати,
Йўлдошларки, кoinотда учади,
Пок виждонли, олов қонли
одамлар,
Ўлкаларки, олға қараб
қадамлар...
Ҳаммасида, ҳаммасида
муттасил
Ленин яшар,
яшар Ленин хотири.
Ўлмасликка далилларнинг каттаси
Ана шудир —
деймиз —
Ленин:— Ҳа, тирик!

ЙИЛЛАРНИ КУЗАТИБ, ЙИЛЛАРНИ КУТИБ...

Шеърим, сен йилларни савлатин куйла!
Биламан, бу қийин...

Бағоят қийин!

Шеърнинг ўлчовли мисраи ила —
Мумкинми ўлчамоқ йилларнинг бўйин!
Йўқ, ўлчаб бўлмайди,
Ўлчаб бўлмайди.

Байтларга вақт елин ушлаб бўлмайди.
...Лекин шу кунларни, дақиқаларни,
Бахтга ҳуқуқ берган васиқаларни —
Юракнинг баралла овози билан
Баланд пардаларда куйламоқ керак.
Токи, Коммунизм остонасида,
Улуғвор ҳимматлар замонасида,
Чин ишдан туғилган афсонасида —
Гўзаллик ходими бўлолсин юрак.
Замоннинг гувоҳи — дафтари кўкрак!
Шоир, сен йилларнинг силсиласида
«Хайр»ни «салом»га қўшиб ҳайқиргин.
Бирига «Раҳмат!» деб ўқи қасида,
Бирига «Кўп яша!» дегин, чақиргин.
«Раҳмат!» де тинчликка хизмати учун,
Ватаннинг обрўи — ҳурмати учун.
«Раҳмат!» де, фазода йўлдошлар учун,
Ойга иноқ бўлган ойдошлар учун.
«Раҳмат!» де, чунки у келтирди шодлик,

Юртга — фаровонлик, уйга — ободлик.
Янги келаётган ҳар йилнинг эса
«Муборак бўлсин!» де одимларини,
Дегинки,— эй йигит, сен бирон лаҳза
Унутма кекса йил удумларини.
Яхшилик бобида ҳормай ишлаб тур,
Етти азаматдан галдаги ботир!
Унутма ўзингнинг умринг асосин:
Фарзандлар орттирар ота меросин!

1959

ШОИР ҚАЛБИ ДУНЕНИ ТИНГЛАР...

Шоир қалбин даричаларидан
Кириб келар турли овозлар.
Ер юзининг кўчаларидан,
кундузидан,
кечаларидан —
келар унлар — дилга ҳамрозлар:
анҳор бўйи, оқшом чоғида
ошиқларнинг пичирлагани,
жонон ўшиб ёр дудогидан,
«Жоним!» дея шивирлагани.
Мўғулистон бўз-қирларида
арғумоқлар дукирлагани.
Эльбурснинг бағирларида
гулханларнинг гуриллагани.
Зангиборда найнинг куйлари.
У куйларда гуркирар очиқ
қаламспирмунчоқнинг бўйлари.
Шундай ҳидки, куюк ва аччиқ.
Оҳ, англайман, сиздан оҳанглар,
Африканинг қаҳри жаранглар.
Жазоирда барбар қизининг
кўкрагидан қайнар нола-оҳ,
эсиз, унинг шу ноласининг
ҳатто ранги қора,
сим-сиёҳ.
Эҳтиросли Бағдод нағмаси,

оқиб келар дилга ҳаммаси...
Шоир қалбин дарчаларидан
кириб келар турли товушлар,
Гуржистоннинг боғчаларидан
кўп ёқимли, нурли товушлар.
Дўстлик ели ширин визиллар.
Юрар,

юрар шўх етти йиллар,
янги-янги босиб манзиллар.
Мирзачўлда тупроқ ўпириб,
тракторлар чаққон пишқирар,
Тиранада толда ўтириб
тонгни қутлаб хўроз қичқирар.
Ленин номли атомоходнинг
босимидан музлар тарсиллар.
Маррасига етган чопагон
суюниб ҳам толиб ҳарсиллар.
Шоир қалбин дарчаларидан,
талай товуш кириб келади.
Худди борлиқ парчаларидан
яратилар дунё сурати.
Товушларнинг кичик, улуғи,
товушларнинг ҳиди — бўйи бор.
Товушларнинг ранги, рўйи бор,
Товушларнинг ширин-аччиғи,
бордир ҳатто юмшоқ, қаттиғи.
Шоир рассом бўлсайди агар,
чизар эди шундан лавҳалар.
Улар келар сўрамай рухсат,
Ижозатга ахир на ҳожат!
Зотан,

рухсат бермай кўрсин-чи!
Шоир агар бермаса жавоб
жабрин тортар ўзи биринчи,
шумшук бўлиб қолади шу тоб,
на соламлар унга, на хитоб.

Шоирлиги адо бўлади,
қулоқ битиб қурийди таъби,
нашъалардан жудо бўлади,
сув қуриган бир чашма каби.
Йўқ,

товушлар бутун оламдан,
сувдан,
ойдан,
қишдан,

кўкламдан,
диёрлардан, азиз ўлкамдан
хуш келгайлар шоир дилига,
гўзалликнинг иш артелига.
Кўп хилма-хил бўлса товушлар,
ва шоирга шеър ёзишлар!
Ҳаво кирмас мангу берк хона —
гўристонда ғариб сағана.
Сағана — қалб! Кимга керак у?
Ахир, шоир ҳали тирик-ку!

1960

ҚИЛИЧ — ШАМШИР ЭРИБ ЙЎҚОЛСИН!

Олам бўйлаб тарқалди шиор:
— Қиличларни қайта чўкичлаб,
Биз уларни оловда ушлаб,
Омоч-ўроқ қилайлик тайёр!
Қилич — яъни ўлдирмоқликнинг,
Тирик жонни сўлдирмоқликнинг
Рамзи экан, уни йўқатмоқ
Одамзоднинг нияти шу чоқ.

Бу дунёда қотиллик эмас,
Қонхўрлик ва жоҳиллик эмас —
Шафқат, ҳурмат ва меҳрибонлик,
Ростлик, дўстлик, асл инсонлик
Ҳукм суриб яшар абадий!
Тинч умрда қалблар тепади!
Жанглар эмас, урушлар эмас,
Ғараз билан хуружлар эмас,
Ишонч билан тотувлик керак,
Зулмат эмас, ёғдулик керак.
Қилич — шамшир эриб йўқолсин!
Аммо фақат мисоли ўрнак
Музейларда биттаси қолсин...

1960

КРЕМЛНИНГ САДОСИ

Кремлнинг садоси — Ернинг армони —
Тинчлик!

Тинчлик истаги —
Замон фармони!

Ҳукуматим бошлиғи элларга қараб:
— Дунёнинг сарлавҳаси тинчлик бўлсин!
— дер,
— Ҳаётларни хавф эмас, меҳр ила ўраб,
Одамзоднинг дилига нурлар тўлсин!
— дер.

Ким қарши шу таклифга?

— Беш-ўнта ўғри,
Ўғриларки, ёругдан ёрилар бағри,
Ўлаксалар этига мазахўр бўри.

Ким ёқлар шу таклифни?

— Оналар, гуллар,
Дастурхонлар, богчалар, ғазаллар, йўллар.
Эртанги кун ўлимни истамаганлар,
Ёшларни қиргинларга қистамаганлар.
Севгилар ва қаламлар, тўйлар, бешиклар,
Меҳмонларга мунтазир
зангор эшиклар.

Олам уйин безай деб заҳмат чекканлар,
Қўшнисига тош отмай,

салом берганлар,
Хуллас, бизнинг дунёнинг

улуғ унвони —

Башар номин ҳақи-ла олиб юрганлар,
Уфқларга йўл олган Иқбол карвони...
Бутун дунё ёқлайди бу таклифни, рост,
Ростин десам, ҳатто ой
беради овоз!

1960

КЎРЯПМАН ҲАР ДАМДА УНИ...

Мен шоирни кўрмадим, афсус,
Учратмадим тирик чоғида.
На Тошкентнинг катта боғида,
На у тоғда ёққанда фонуи.

Эшитмадим унинг сасини,
На Қўқоннинг дарсхонасида.
На ўзининг таронасида,
На ўқиркан манзумасини.

Бир асрда яшадик эса,
Мен шоирни кўра олмадим.
Босилган йил биринчи байтим,
Мангу юмди кўзларин Ҳамза.

Қандай эди шоирда овоз,
Кўз қараши, сўзлаш йўсини?
Мен эшита олмадим уни,
Кўролмадим шоирни, бу рост!

Аммо улуғ айём, ҳар кун,
Кўраяпман ҳар дамда уни —
Ҳайкалларда
ва ғазалларда.
Боқчаларда
ва кўчаларда.
Расмларда
ва исмларда,
ва... базмларда.

1960

ҲАМЗАОБОДДА ИККИ МАНЗАРА

Кўкеув билан Оқсув тушиб туташган нуқта...
Бу иккита Шоҳимардон бўлган бир вақтда.
Икки бино, икки дунё ва икки замон —
Тепаликда юзма-юзга турибди шу он.
Бири — нурнинг ҳурматиға қўйилган ҳайкал,
Бири — зулмат сояларга ошён тугал.
Бири — излаб талпинувчи фикр китоби,
Иккинчиси — гафлат асрин бўғиқ хитоби.
Биттаси — оқ уйда қувноқ қўшиқлар гўё,
Иккинчиси — азалдаги марсия-дуо.
Кўкеув билан Оқсув тушиб туташган нуқта,
Бу нуқтани Ҳамзаобод дерлар шу вақтда.
Кўкеув билан Оқсув — икки дугона, дилбар,
Икки ёқдан, тоғ бағридан ўйноқлаб келар.
Гўё домла Ҳакимзода ўқитган қизлар —
Бир-бирига меҳр қўйган икки эгизлар,
Танаффусда синфлардан чиқиб шу чоқда,
Боғда бирга ўйнагани чопқилламоқда.

...Тепаликда баҳслашар иккита бино:
«Бунда радио эшитилар, унда — Раббано».
Бири — ҳаёт ва иқболнинг машъали паққос,
Бири — ўлим, унутилиш мазори, холос.
Шу туфайли бу тоғларга келган сайёҳлар
Биттасида тирилмаган ўликни пайқар,
Иккинчисида ўлмайдиган тирикка боқар.
...Кўкеув билан Оқсувларнинг туташган жойи —
Ҳамзаобод дейилгани учун бинойи.

1960

ҚҰШИҚ ҰРНИДА

Нега сўнди фонуслар,
Чарчаб тинди фонуслар
 боқчада?
Нега соқчи юрмайди,
Трамвай югурмайди
 кўчада?
Нега бирдан уялиб,
Кўзин юмди ўралиб
 гунчалар?
Кечалардан кўчага,
Кўчалардан кечага
 кўчилар.
Май ўрнига дудоқдан,
Бўса деган булоқдан
 ичилар.
Бунда юрган кишилар,
Қўшалоқ севгувчилар —
 куйчилар.

1960

БИР МАКТУБ, БИР ТИЛАК
ВА МИНГТА АДРЕС...

Боболардан қолган удум
меҳр қўйиш дўстларга.
Ўзбекларда бу гап қадим —
«Ҳорманг!» дейиш дўстларга.
«Ҳорманг!»
«Ҳорманг!»
Юртнинг олтин кузида,
саноқли кунларнинг
ва соатларнинг шу олтин кезида
кезиб олтин далаларни
терганлар «оқ тилла»ларни...
Балки дерсиз: ўртоқ шоир, бу нима?
Янгиликлар яратамиз биз ҳар кун
машинада, ҳар ишда, ҳамма...
Аммо сизнинг нуқул топган сўзингиз
«Оқ олтин...»
«Олтин фурсат»,
«Олтин қўл»,
ҳатто «Олтин кўз»ингиз...
Бошқа янги ўхшатишлар, таъбирлар
битдимиз?
«Олтин» сўзи ўзи ҳам тоғлар қадар
қадимий?
Азиз дўстим,
Ўринлик бу эътироз.
Аммо шошманг сиз бир оз...

Пахта — олтин... чунки элга хазина.

Пахта — олтин...

Чунки инсон қоматига у зийнат.

Нима қипти эски бўлса бу ташбих?

Дебдилар-ку: олтин қанча эскирса
ошади шунча васфи.

Ахир, қуёш жамоли бўлса ҳамки азалий,
қуёшга ўхшатилса аразларми, айтинг-чи,
бирон юртнинг гўзали?

Йўқ, пахтамиз тилладур,

Бу ўхшатма унинг ҳуснин гуллатур.

Олтинни

албатта қадрлаш керак.

Пахтани лозим термак.

Етти йиллик гавҳаридир пахтамиз,

Гавҳардан ҳам қимматбаҳо ваъдамиз.

Мен бу ҳафта Хоразмнинг ҳавосида ёшардим,

Хоразмга ҳамсаф бўлиб юрсайди вилоятлар,

Нормам бўлиб тайинланган умримдан

Зиёд бўлиб яна юз йил яшардим.

Шеър туздим Хоразмнинг шаънига,

Ўзбек боғин шимолий гулшанига.

Хоразм... Хоразм...

Шоир учун гоят қийин қофия.

Тилимизда ошкор ёки хуфий

Беш-ўн сўздан ошмас унга мос тушган,

Аммо булар бари унга хос тушган.

Хоразм — этиб жазм,

Ғайрат-ла қилди азм.

Шу учун ҳам Хоразмга ярашади улуг базм,

Қанча ёзсак мадҳия,

Камлик қилар унга назм.

Тилак шуки, бизнинг ҳамма районлар,

Вилоятлар

Суръатларда Хоразмга тенглашсинлар,
баробар.

Машинани терлатиб пахта, кўрак терганлар,
Қўлларини тезлатиб ҳосилларни узганлар
хоразмлашсин ишида,
Аҳдни бажаришида!
Планларин ўринлатиб қўйганлар,
Манзилларга ҳали етмай қолганлар,
Пешқадамлар, илгорлар,
Юрт олдида қарздорлар
Ҳаммангиз,

ҳаммангиз

ғўзаларнинг туپларида,
зарра пахта қўймангиз!
Ғалабага одатланган улусмиз,
Аҳдимизда, жаҳдимизда холисмиз.
Бу мактубнинг гарчи ўзи биттадир,
Аммо унинг адреси:
Мингта,

мингта,

мингтадир.

Лекин менинг ёзгум бор
иккинчи бир номани...

«У қачон»ми?

Муҳлатини мен сизлардан сўрайман.
Ишимизнинг зафарин кутиб-кутиб қарайман.
У келгуси кун билан олқишлайман ҳаммани!

ИККИ ДҶУСТ ВА БИР ТАРЖИМОН

Икки киши турганди Ҳазар¹ бўйида,
Красноводск портида, апрель ойида.
Биттасининг бошида Чустнинг дўпписи,
У бирининг бошида озарий попоқ.
Бирининг кўзларида Шарқнинг нуфузи,
Иккинчисин юзлари очиқ, хушчақчақ.
Тўлқинлар ўйнаб турар оёқ остида,
Дўстлар гапин тингламоқ, билмоқ қасдида.
Бири сўрар:— Ай гардаш ҳоролисан сан?
Иккинчи дер:— Ҳай, қардош қаерликсан сан?
Биринчининг жавоби:— Ман Губаданам.
Самур босар тарафда бир ўбоданам.
Иккинчининг жавоби:— Мен Қубаданман,
Фаргона тарафида бир уваданман.
Бири сўрар:— Ай гардаш, одини сўйла!
Иккинчи дер:— Ҳай қардош, отингни сўйла!
Биттасининг жавоби:— Отим Пирмурод!
Иккинчининг жавоби:— Отим Пирмурод.
Тўлқинлар ўйнаб турар оёқ остида,
Дўстларга балки тилмоч бўлмоқ қасдида.
Бири сўрар:— Ай гардаш, сен на ишдасан?
Иккинчи дер:— Ҳай қардош, нима ишдасан?
Биринчининг жавоби:— Касбим — боғбонлик!
Иккинчисин жавоби:— Касбим — боғбонлик!

¹Ҳ а з а р — Каспий денгизи.

Бири сўрар:— Ай гардаш, ҳарда дурурсан?
Иккинчи дер:— Ҳай қардош, қайда турасан?
Биринчи дер:— Ман «Ленин» колхозиданман!
Иккинчи дер:— Мен «Ленин» колхозиданман.
Тўлқинлар ўйнаб турар Ҳазар устида,
Гўё улуг йўлларда — кўприк остида.
Тўлқинлар қайдан билсин,
Била олмайди!
Икки дўстни бегона ажратолмайди:
Бу турганининг қай бири озарбайжонлик,
Суҳбатдошнинг қай бири ўзбекистонлик?!
Даставал қулоқ солиб уларга, секин
Гапларин тушунтирай дегандим... Лекин —
Қарасам тил топишган дўстлар бегумон.
Уларга нега керак тагин таржимон?!

1960

ҚУЁШНИНГ ЙЎЛИ

Қуёш ўз йўлидан
Янглишарми?
— Йўқ!
Мавсумлар навбати
Адашарми?
— Йўқ!
Май келмай қолурми
Бирон марта?
— Йўқ!
Кундузнинг юзида
Борми парда?
— Йўқ!
Қувончлар ва тўйлар
Элга хуш келти!
Шоирлар қуёшни
Кўп мадҳ этибди!
Азиз Май, севгили айёмсан
ўзинг!
Чунки севгиларга илҳомсан
ўзинг!
Сен ўзинг бир қизсан,
Ешликка адаш.
Чехрангда қизиллик,
Кўнглингда оташ!
Бизга, июнь сари
Оқ йўл тилагин!

Кияйлик ёз фаслин —
Юпқа кўйлагин!
Бизни севинтиргин,
Кулдиргин, эй Май!
Қўшиқлар янграсин
Ўлкада тинмай!
Ҳали биз сен билан
Кўришармиз-ку!
Ҳар хил ютуқларга
Эришармиз-ку!
Ҳар гал ёшимизда
Ошса ҳам бир йил,
Биз сенга, биз Майга
Тенгқурлармиз, бил!

1960

ИЗЛАР...

Денгиздаги оқ кўпиклар
силкитар оқ рўмолларини,
Гўё мени табриклар,
ёки менга «хайр!» деб айтар.
Ким тушунсин уларнинг сигналларини!
Денгизларнинг саломиди икки маъно бор:
«Хуш келдинг!»
«Оқ йўл сенга!»
Қайси бирин ёқтирсанг
Ўзингдадир ихтиёр.
Шу туфайли кўп кезаман соҳилларда мен.
Чунки нуқул соҳиллар —
сафар ва йўл ва кема,
кўз ёши, бўса, нағма
кайфиятин тугдирар.
Иод ҳиди келади
бўз тўлқинлардан.
Шу сабабли бу денгиз —
«Каҳрабодар денгизи» деб аталар.
Соҳилларда кезувчи ўпкасига
тўлар сарин бир ҳаво,
ҳар ютуми сершифо.
Денгиздаги бўз сувлар
кўз ёшидек тиниқдир,
соҳилдаги оқ қумлар
гуруч қадар аниқдир.

Бу қумларнинг устида босилган муҳр каби
одамларнинг оёғидан нақшлар.

Одамлар... Одамлар
из қолдириб, сўз қолдириб
ҳамиша қадам ташлар.

Мана: шошқин қадамлар,
Туфлиснинг изларидан аёнки,
ёш бир хоним ўтиб кетган бу ердан.
Балки узоқ шаҳарлардан бунга келган

бир меҳмон,

Балки севги ваъдасига
талпинаётган жонон.

Мана, чуқур, оғир излар —

ўнг оёқнинг излари.

Унга ёндош тупроққа

Ўйилгандир бир таёқнинг излари.

Демак, битта инвалид

ўтган бу ердан:

Тинимга чин мустаҳақ мўйсафид экан.

Балки йитган оёғи Неманнинг қирғоғида,

Балки Брест қалъасин қуршаб олув чоғида.

Тагин, ҳарбий этиклардан қолган излар бор.

Бу совет аскарларин юрганига исботдир.

Дам олинг, роҳат топинг,

менинг соқчиларим!

Бу — уйқусиз тунларнинг эвазига

Ватандан мукофотдир.

Кичик, увоқ одимлардан енгил излар бор,

Бирон бола ўтгандир шоду қувноқ, бахтиёр.

— Улғайгин ўғилгинам, эркин нафас

олиб юр!

Сенга сурур!

Сенга нур!

Оғир-оғир қадамлардан қолган излар бор.

Юра-тура хаёлланиб кезган,
ошкор.

Бу бир олим ёки шоир бўлган бегумон,
Уфқларни кузатиб завқ олган ҳамон...
Ўтиб кетган одамлар ҳар қайси бир хаёлда.
Ҳар бирининг бир умри,
Бир толеи,
Бир умиди.
Уларнинг номи нима?
Улар ким эди?
Улар бизнинг одамлар;
ватандошлар, ҳамдамлар.
Ҳар бирида бир якун,
Ҳар бирида бир режа.
Ҳар бирининг тилагида
айтилмаган мундарижа.
Бири балки жўнаган
денгизга чўмилгани.
Бири кетган ўрмонга
дарахтлар аро ётиб
кўкатга кўмилгани.
Бири қайтиб етгандир уйига,
бири тарих музейига...
Бири кетган томошага жуфт бўлиб,
Бири эса ёр васлига
етолмасдан хит бўлиб...
Бу изларнинг ҳар қайсисида
бир инсоннинг сурати.
Чунки дунё йўлларида ҳар киши
ўз шахсий услубида
юради.
...Аммо қумлар кўчади,
Қумда излар ўчади.
Лекин бўлак излар борки, яшар умрбод.
Излар борки,
нашъангизни айлайди барбод.
Излар борки, қилиб қўяр
кўнглингизни шод.

Яхшилик ва ёмонлик,
қўрқоқлик, қаҳрамонлик,
тахлика ва омонлик,
юракдаги қувончли хотиралар
ёки битмас яралар...
Мана булар,
бу излар —
дунёмиз уммонининг
соҳилидан кўчмайди.
Чунки инсон зеҳнидаги
ёдламоқ истеъдоди
ҳали-ҳали ўчмайди.

Болтиқбўйи, 1961

НАМАСТЭ, ҲИНДИСТОН!

Намастэ, намастэ, муаззам диёр,
Шаънингга яраша латофатинг бор.
Эркини деб кўп дардга сен бўлдинг дучор,
Сенга мен меҳримни қилай деб изҳор —
Хат-патга овора бўлмайин зинҳор,
Шахсан қалбим олиб ерингга келдим.

Бегона эмасдир қалбим ерингга,
Ўсмирлик чоғимдан дўстман шеърингга.
Қойилдим мраморда қотган шерингга,
Ростгўй Тағорингга, жасур эрингга.
Гўзаллик бобида эзгу пирингга
Бугун таъзим қилиб ерингга келдим.

Оламга машҳурдир афсоналаринг,
Усталаринг қурган кошоналаринг.
Кўкларга ялинди бутхоналаринг,
Дилларни овлайди тароналаринг,
Кўз ёши забаржад сағоналаринг...
Дўстлик созин чалиб ерингга келдим.

Дўстлик яхшилик тилар ҳар бир нафасда,
Саломат бўлгину бўлмагин хаста.
Бизнинг элда дерлар дўстга шу гезде:
«Гул бўлу булбул бўл, бўлма қафасда!»
Намастэ, Ҳиндистон, салом, намастэ,
Кўлинг сиқмоқ бўлиб ерингга келдим.

БУЛБУЛ

Ногоҳ чангалзорда сайради бир қуш,
Бу қандай қуш экан, бу қандай товуш?!
Бу ширин «чаҳ-чаҳ»лар менга кўп маъқул,
Бу-ку, ўзимизнинг ошнамиз булбул.
Юз йиллаб таърифин унинг ўқидик,
Бу ҳақда ўзимиз ғазал тўқидик.
Уни Шарқимизнинг гул боғларида
Тингладик оқшому тонг чоғларида.
Худди бизнинг булбул, азбаройи ҳақ!
Булбул эканига шубҳа йўқ мутлақ!..
Чехослав элининг хонанда қуши,
Бизнинг ошиқларнинг эзгу таниши.
Айнан Ўзбекистон булбулидек у
Сайрарди бир кумуш булоқ бошида.
Куйида чаманга ҳасрату орзу,
Гул балки уч кунлик, у уч ёшида.
Ўрта Европанинг булбул ҳофизи,
Ўрта Осиёда бордир эгизи.
Аммо икки боғда ҳар икки булбул
Миллатлар, қитъалар, ирққа қарамай
Севгини тараннум қилишар бир хил,
Гуллар қадаҳидан шимиради май.
На Ғарб шеърияти, на Шарқ ғазали,
Шу учун булбулсиз ярала олмас.
Гўзаллик расмидир бу ҳол азали,
Булбул йиғламаса гул яшнаб кулмас.
Сайрарди ўша кун Карлови Варида
Чехларнинг булбули ўрмон бағрида —

Ҳижрон қайғусини, висол лаззатин,
Гулнинг, гўзалликнинг қадрин, иззатин.
Дунё булбуллари ҳамдард, ҳамнафас,
Уларга таржимон керак ҳам эмас...

1961

СОҲИЛДА ҲЙЛАНИШЛАР

Соҳил нуқул одамзодга
Тафаккурни, ҳйлашни талқин айлар,
Ер юзида ҳар хил, ҳар хил жойлардан
Фалсафага кўпроқ мойил бўлган жой —
Соҳиллардир, соҳиллар!..
Соҳиллар — файласуфлар.
Улар инсон зеҳнига
муаммодан сўз сўйлар.
Соҳиллар хотирлатар ҳамиша
ҳаёт — ўлим низосининг кулфатин,
ўткинчилик ва мангулик нисбатин,
ҳижронни ҳам висолни,
ўтмишни, истиқболни,
узоқ — ўзга юртларники,
кўролганим йўқ.
элларники,
кўриб узоқ туролганим йўқ.
...Ўтирибман яна соҳилда.
Бу —
сув билан қуруқлик ўртасида чегара,
(Узилмайди лабларимдан сигара.)
Бу ёқ — ўрмон,
Бу ёқ — сув.
Бу ёқ — денгиз,
Бу ёқ — қум!
Оёғимнинг тагида ювош денгиз бор,

Эркаланиб у қўлбола мушукдек
яламоқчи бўлар товонларимни.
Сайр этаман булутларнинг карвонларини.
Кўринмайди денгизда биронта тўлқин.
Фақат бордир балиқчи қайиғининг нуқтаси,
сув устида хол каби.
Фақат бордир чайкалар қийқириғи,
уфққа савол каби...
Гўё мовий ялангликдир уфқлар,
Уфқларга бошин ёстаб сув ухлар.
Фақат денгиз нафасининг нозик буглари
тутилади
сигаранинг оппоқ дуди сингари.
Ўйлайманки, бу кўрфазнинг сувлари
Дунёдаги барча денгизлар билан,
Денгизлардаги ҳовузлар билан,
ҳамма уммонлар, бўғозлар билан,
ҳамма қўлтиқлар — кўрфазлар билан
дўстдир, қариндошдир, яшар ҳамнафас,
уланиб кетгандир бари чамбарчас.
Кариб денгизидаги эркин тўлқинлар
Адриатикнинг мовий сийнаси.
Сариқ денгиздаги тез оқиндилар
Қизил денгизнинг иссиқ танаси.
Қора денгиздаги қора мармарлар
Оқ денгиз белида совуқ камарлар,
жаҳоний океан фарзанди бари,
барининг бир тарзда савиялари.
Агар билмоқ истасанг сен уларнинг меъёрин
ўлчаб кўр шу кўрфазда даражалар миқдорин.
Худди шундай: шоирнинг юраги ҳам
узоқ-яқин
башар зотига ҳамдам.
Худди шундай: шоирнинг байтлари ҳам
дунёнинг дардлари ва ташвишига,
зафари, кураши, интилишига,

ҳар жой, ҳар рангдаги истакларига
ростига, тушига, эртақларига
очар кенг бағир
меъёр-ку, ахир!

1961

БОМБАЙДА

«Осиё девони»дан

Бу шаҳар зиддиятлар макони балки,
Йўқсили ғоят гадоё,
Бойи ғоят бой.
Биз билан кезиб юрган гидлар айтарки:
Етти орол устига қурилган Бомбай.
Кўчаларда Осиёнинг оловин ютдик.
Боғлар кезиб айландик бозор — расталар.
Хашаматли саройлар олдидан ўтдик,
Йўлакларда ётганда уйсиз хасталар.
Муаттар чой ичилди чиний қадахдан,
Қовун узиб бердилар бизга дарахтдан.
Гарчи етти оролга қурилган Бомбай,
Ороллар-ку кўчмайди. Бу жой — эски жой.
Нималарни ўйладим билсангиз, у дам,
Эсладимки, етмиш йил бундан муқаддам —
Бу ерда жаҳонгашта битта саргардон
Хўқандлик бир мусофир юрган экан-ку!
Шу музейлар, шу денгиз, бу боғи майдон
Гувоҳдай у йўлчини кўрган экан-ку!

Бошпанасиз қувғинди бўлган у ночор,
Гурбатчилик ғуссаси ёггандир дилга.
Биз бўлсак меҳмонлармиз, иноқ, ҳамдиёр,
Ичимизда уч шоир, етти олим бор,
Ва қўнганмиз энг зебо, кўркем отелга,
Дастурхонда кўп лазиз таомлар тайёр..
Биз муаззам давлатнинг панасидамиз,
СССРдек ўлкадан намояндамиз.
Фарғонасин соғиниб бўлди у абгор,
Тошкентнинг ҳасратида ёзди номалар.
Умри бўйи ватан деб қилди оҳу зор,

Аммо қайтиш бўлмади унга муяссар.
Биз эсак, қисқа вақтга келдик бу ерга,
Ватандан рухсат олиб чиқдик сафарга.
Мактабда дарслар аро танаффус каби
Саёҳат ҳам биз учун тиним талаби.
Биз тез кунда қайтамиз ўз шаҳримизга,
Шошиламиз, оҳ, қачон келар муҳлати —
То босгаймиз тупроғин шу бағримизга!
Чунки ошар ғурбатда юрт муҳаббати...

У жаҳон йўлларида «адашдим», деди,
У хуррият изловчи бир ошиқ эди.
Истамбулни қидирди. Юнонда кезди,
Ўтиб Миеру Ҳижоздан Ҳинд сари сузди.
Аммо одам авлодин кишанда кўрди,
Булбулини вайрона гулшанда кўрди.
Бизлар эсак келганмиз эркин диёрдан,
Бир диёрки, эрк деган парига ватан.
Шиоримиз: қардошлик, аҳиллик, ёрдам.
Бу диёрни кўрмади ул ғариб, аттанг!
Ҳа, шуларни эсладим Бомбайда у дам,
Таққослашга мойилдир одатда одам.

Гарчи етти оролга қурилган Бомбай,
Бу муҳташам қасрлар пойдевори лой.
Уни юртдан қувганда «фалакнинг чархи»
У фақирди. Шеърнинг маълумдир нархи.
Шоир эди, шу учун балки, ноилож —
Чайнар эди виждонин дунёнинг дарди.
«Майда пулга», афеуски, доимо муҳтож,
Кўз ёшин сиёҳ қилиб ғазал битарди.
Бомбайда уни эслаб бўлдим мен диққат.
Ўзим меҳмон бўлсам-да, эсимни фақат —
Меҳмон бўлиб банд этди Зокиржон Фурқат.

Бомбай — Тошкент, 1961

УФҚЛАР...

Ў... нақадар зумрад уфқлар...
у ердаги кўк соҳилларда
Фирузаранг кўрфаз чайқалар
Ва ҳаворанг нағмаларнинг
мовий нақаротлари
 куйланади тилларда.
Яшамоқ керак, биродар, яшамоқ!
Уфқларни умиднинг ишқи билан
 қуршамоқ!
Яшамоқ керак, биродар!
Ва кезмоқлик у боғларда баробар!
Яшамоқ керак камида
Асримизнинг то кетигача;
Хатто яшаб йигирма биринчи юз йилликнинг
 муаттар кўкламида
Ўқисак ҳаёт китобин юзинчи бетигача...

1961

ЙИЛЛАРНИНГ САЛОМИН ЙИЛЛАРГА ЭЛТИБ...

Йиллар ўтиб кетар биздан сўрамай —
Якшанба, душанба, сешанба каби.
Кундузлар тунларнинг сочин тарамай
Ўполмас тонгларнинг пуштиранг лабин.
Ҳа, йиллар ўтади, замон кетади,
Сен ва мен қоламиз азиз биродар,
Юрт қолар, эл-улус қолар абадий,
Ва биз қувонч ташиб почтальон қадар
Йилларнинг саломин йилларга элтиб,
Борамиз йўллардан-йўлларга ўтиб.
Инсон бир шаҳардан бўлак шаҳарга
Кўчиб борганида нелар ўйларкан?
У ерда қолдирган кўприкни, боғни,
Кузатгани чиққан эски ўртоқни.
Бир йилдан иккинчи йилга кўчганда
Неларни ўйлаймиз, биродар, бугун?
Муаззам ютуқлар эсга тушганда
Юраклар яшамоқ ҳақидан мамнун.
Бу йил осмонга етди бошимиз,
Фазода учаркан ватандошимиз.
Улуғ қурултойда қатнашган вакил
Мандати устига ёзилган шу йил.
Кенгайиб оламда эрк харитаси,
Ўзилди кўп ерда кишанлар манҳус.
Гарчи фожиянинг сўнгги пардаси
Мардларнинг қонига бўялган, афсус!

Йилни нима билан ўлчамоқ мумкин?
Уч юз олтмиш беш кун дейиш биланми?
Йиллар бир-бирига тенг келармикан,
Замон кун соними ёки планми?
Ҳа, ўртоқ, шу бир йил кўтарган юкка
Арзир ҳавас қилса етим асрлар.
Шундай бино солди у яхшиликка,
Олдида бош эгар мармар қасрлар.
Ёлчитиб ишлади коммунизмга,
«Раҳмат!» шу ишчига, дўст йилимизга.
Мукофот одамга хосдур одатда,
Вақтга инъом бериш ҳозир расм эмас.
Лекин ихтиёрим бўлса, албатта,—
Шу йилнинг хизматин санаб рўйирост
Пенсияга чиққан устага ўхшаб,
Уни мен гулларга, олқишга қуршаб:
«Эътиборга олиб зўр меҳнатини...»
Кўксига илардим меҳнат ордени.
...Инсон бир шаҳардан бўлак шаҳарга
Кўчиб борганида нелар тиларкан?
Хиёбон йўлларни, шинам уйларни,
Ишнинг баракасин, янги куйларни.
Бир йилдан иккинчи йилга кўчганда
Неларни тилаймиз, биродар, бугун?
Истаймиз у ерда биз кўришганда
Дунёни тинчликда кўрайлик бутун.
Йўллар ва ақллар келтирсин қувонч.
Тоғдай маҳкам турсин шу Ватан — таянч,
Ва рақамлар тилга кириб куйласин,
Тиллар-чи: рақамдай ростгўй сўйласин.
Янги йил оширсин фикр ўтини,
Ишчининг, куйчининг қалб эҳтиросин.
Бор экан ҳукамо панди — удуми;
«Фарзандлар орттирар ота меросин...»

ХОРАЗМДА ҚИШ БЎЛМАС ЭКАН

Хоразмда қиш бўлмас экан,
Бўлса ҳамки, умри ғоят оз.
Хоразмни «Кун ери» деган —
Лугатчилар айтган экан рост.
Осмон тиниқ, шаббода илиқ,
Пахтасини ушласанг агар
Бармоқларга юқар иссиқлик,
Ва юракка қувончлар чўкар.
Бу ўлканинг асфальт йўллари,
Байти беҳад, узун қасида.
Ёлғизликдан безган кўллари
Бир-бирига энди пайваста.
Уста қизлар, гиламдўзларни
Олқишладим оқшом чоғида.
Ерга қўнган оқ юлдузларни
Кўрдим унинг шан тупроғида.
Қўллари гул, чевар теримчи
Ўлка аро илғор, биринчи...
Тиймоқ учун дарёни бу гал
Бел боғлабди шоввозлар қаттиқ:
«Ҳай ёшуллу. Дарё, ҳай, қайсар,
Бўйсунасан бизларга ортиқ!..»
Хоразмда қиш бўлмас экан,
Бўлса ҳамки, умри ғоят оз.
Хоразмни «Кун ери» деган —
Лугатчилар таъбири кўп соз.

Шу мавридда бергандим савол,
Сабабини англатди бир чол;
«Бу ер халқин қалбида ҳар дам
Ёнаётган олов ваҳмидан
Қиш ҳайиқиб, ўзин йўқотиб,
Пана излаб коризга кирган,
Чуқур чоҳлар тагида ётиб,
Совуқ зугмин унда яширган.
Шу туфайли сувлар қудуқда,
Бизнинг элда шунча совуқ-да!»

1961

ФОНУСЛАР

Дехлининг боғларида рангин фонуслар...
Бир қирраси қип-қизил, ул бири зангор.
Ярқирайди ҳам қизил, ҳам яшил туслар,
Гўёки бир фонусда икки нур ёнар.
Қизил рангдан гуллар ҳам кўринур қизил,
Яшил рангдан йўллар ҳам кўринур яшил.
Аммо, афеус, бу яшил ва қизил ранглар
Фонуснинг ойнасидангина таралар.
Бу ранглардан ўзгача кезар ноилож,
Очликдан ранги ўчган, қорайган, қонсиз,
Садақага қўл очган, озғин, яланғоч
Тиланчилар овора ва хонумонсиз.
Улар кезар фонуслар теварагида,
Нон ва ётоқ орзуси бор юрагида.
Юзларига қўнганда яшил пардалар,
Гўё қимирлаётган сўлгин мурдалар.
Юзларига қўнганда қизил зиёлар,
Кўзларида ғазаблар қонга бўялар.
Бой тупроқнинг бемерос, ўгай авлоди.
Улар кимлар? Ишлашга ташна беишлар,
Хазиналар устида ётган дарвишлар,
Ерга эса кор қилмас улар фарёди...

...Дехлининг боғларида рангин фонуслар,
Бир қирраси қип-қизил, ул бири зангор.
Аммо ерда — тупроқда қаторма-қатор
Қора ранглар ва рангсиз гадойлар ётар.
У рангларни қолдирган аблах, зулмкор,
Бағритош келгиндилар, у беномуслар...

1961

ТОВУШЛАР

Шўртепаннинг алоҳида бир гашти бор кечаси...

Алалхусеус август чоғи

Ой сузилиб куларкан.

Гўё асал денгизида бутун водий,

Тоғ ва йўллар нур ичида чўмилар.

Аммо бу ер беморхона,

Мен хаста.

Дарду даво пайваста.

Хиёбонлар орасидан яшил йўллар кўринар,

Аммо бунда касалмандлар кезолмайди. Йўқ!

Ой жилмайиб чақиради чаманга,

Сой йўталиб чақирар анжуманга,

Булбулу гуллар эса

Соҳилдаги зиёфатга, меҳмонга.

Аммо... Аммо бу йўллардан,

Бу хилват, сокин йўллардан

Хаста киши боролмайди...

Кўп аттанг!

Унинг-ку, боргиси бор,

албатта;

Бироқ золим касалликнинг ўз ишлари бор,

Ҳар бир беморхонанинг табиблари бор.

Ундан кўра хастага

Кўройдин тунлар маъқул.

Кўрмайсан, лекин эшитасан оламни,

Кезмайсан, лекин сезасан оламни.

Разм солиб тинглайман...

Болохона,

Айвонда

Менинг ётоғим.

Ҳар товушининг бор ҳикмати ва ўз сабаби,
Борлиқдаги барча ҳодиса каби.
Ана кўппак эснаб-эснаб увиллайди,
Демак, ҳозир ўтиб кетди уйига томон
Шаҳардан қайтаётган бир богбон.
Ана машинанинг ўлчовли нафаси,
Бугун шанба:
Шаҳардан боққа келди бир меҳмон.
Ана девор орқасидан,
Балки жар ёқасидан
Ҳаволанди ашӯла:
Оҳ ила, қайғу ила
Уни айтар бир йигит,
Ёр кўйида бўлиб хит.
Нақадар зулмкорсан, эй муҳаббат!
Ухлатмайсан ошиқни,
Ухлатмайсан қўшиқни.
Ухлатмасанг ошиқ билан қўшиқни,
Бу майли!
Ухлатмайсан беморларни;
Ухлатмайсан мени ҳам —
Хотиралар қўзгатганинг туфайли.
Ана товуш:
Синчалаклар чийиллар,
Чигирткалар чарчамасдан чириллар.
Ажабо,
Бу шўх махлуқлар
Қай соатда тинч ухлар?!
Зотан, бу жониворларни
Зўрлаб ётқизадиган
Докторлар йўқ чамаси.
Ё умуман улар касал бўлишмас;
Дарди бўлмас андишасиз махлуқнинг.
Ё туну кун уларга бир ҳаммаси,
Ёки уйқу нималигин билишмас.
Ана бошқа товушлар бор ҳовузда,

Вақирлар қурбақалар,
Сувда жимлик йўқолар.
Тавба, булар шунча ҳам беғам,
Аҳмоқона шавқ ила хуррам.
Бу ҳовуз улар учун ягона олам:
Туғилиш бунда,
Кўпайиш бунда,
Ўлим ҳам бунда,
Сира сузиб қийналган эмаслар
Тўлқинда.
Вақт ўтади бир лаҳза, бир дам...
Қаҳқаҳалар янграб кетар олисдан,
Бозор томонда.
Хирилдоқ бу қаҳқаҳа кимники?
Бу чамаси, бир сархушники...
У жимиди. Ўчиб кетди.
Ёки уни олиб кетдилар —
Шериклари уйига,
Мунтазир хотинчаси олдига.
Визиллайди энди ювош шаббода.
Товушида уйқуларнинг
Ипак хиромонлиги,
Ёки иноқ оиланинг
Майин меҳрибонлиги.
Бу нағмани бирдан босар йироқдан
Қоровулнинг нидоси:
— «Ким керак?»
Йўловчидан йўқ дарак...
Фақат бу саволнинг акс-садоси —
«Ки-ким ке-раааак...»
Бориб қўнар теракларнинг шоҳига.
Унга ҳамроҳ бўлиб ишлар тинмасдан
Худди тўғри соат каби дам олмай
Кичик ирмоқ — Чирчиқ наҳрин синглиси,
Элга қилар хизмат у.
Шариллайди сувлари ширин-ширин,

Энг ёқимли таронадек,
Гўдакликдан эсда қолган
Сеҳрли афсонадек.
У шундайин мунтазам оқадики,
Унинг товуши ҳам одат бўлиб синггандир
Қулоққа
Юракнинг тепишидек.
Сонияларнинг бири бири кетидан,
Гўё сукут тугилади шу бир хилликдан,
Лекин йўқ!
Сукут қайта бузилди
Ҳаётдаги саҳийликдан.
Трактор тариллайди далада.
У саҳарни иш бошида кутмоқчи
Албатта...
Товушлар... товушлар...
Хастанинг қулоғига келиб етар
Яқиндан, узоқдан,
Ҳар ёқдан.
Товушлар бор, демак, ҳаёт бор.
Товушлар бор, демак, йўқ ўлим.
Товушлар бор юртнинг тунида,
Демак, жон бор унинг танида.
Демак, биз ҳаммамиз тирикмиз,
Тирикликда эса тиним йўқ.
Умидворман, умидворман, муқаррар:
Ҳеч қаерда,
Ҳеч қачон
Яхши инсон ўлмайдди,
Унутилмайдди.
Шунча мадор, севинч ва шинонч
Қуйиларки менинг хаста танимга —
Розиман бутун куррамиз учун
Бир карра мен тортсам барча дардларни.
Агар мумкин бўлсайди бу...
Аммо бу амримаҳол.

Яшамоқ керак курашмоқ учун.
Курашмоқ керак буюк гояга
Эришмоқ учун.
Товушлар, сиз тинчиманг, сизга муштоқман!
Англайманки, энг яхши дори хастага —
Хастанинг табибга эътимодидир,
Ҳаётнинг ўлмаслик эътиқодидир.
Эшитилар яна товушлар:—
Ҳа... бу навбатчи докторнинг
қадамлари.
Ҳа... Кўзларни юмиб «ухламоқ» лозим.
Кўзларни юмиб уйгоқ дунёни
Тингламоқ лозим!..

Шўртепа. Беморхона, 1961—1962

Қўйнимда —

кўкрагимнинг тўрида,

юрагимнинг қошида,

гўё барча дадил фикрларимнинг,

сафда юрган тирик шеърларимнинг

дебочаси ўрнида,

яъники сўз бошида —

шу кичик алвон китоб:

юрақдошим —

партбилетим.

Ҳаёт, дўстлик эшикларин

очадиган калитим.

Кўп эмас бу китобга ёзилган сўзлар;

аммо олам қадар вазмин, серсавлат,

тарих қадар бадавлат,

қўшиқ қадар ёқимли,

тонглар қадар ёлқинли,

ростлик қадар сервиқор —

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»

Устоз Маркс қўли билан ёзилган

бу шиор.

Бу менинг башарий вазифам, ғоям.

Умримга сарлавҳа, мазмун ва яқун.

Кишиликни бир бутун оила билмоқ

ҳам ташимоқ уйқу билмас ҳассос юракда

куррамининг напъалари,

ва дардлар юкин...
Бир хил гулни ёқтирсаю шоирнинг дили,
бўлак гулни ёқтирмаса
ким нима дейди?!
Аммо мангу камалакда етти хил тус бор,
Ҳаммасига кўзларим хуштор.
Шундай, инсон ирқининг ҳамма хилини —
оқ ва қора, сариқ ва қизилини
ахтиром билан кузатмоқ лозим.
Дунёмизнинг шу эски хонадонини
ранг-баранг инсон билан безатмоқ лозим.
Меҳнат аҳли бирлигин қўлламоқ,
ер юзини бир юлдуз деб англамоқ,
чин инсонни қардош деб қучмоқ,
баҳордаги ёмғирларга қулочни очмоқ,
мева дарахтини, оппоқ булутни,
Кремль минорида беш бурчак ёқут
юлдузларни, булоқларни,
тирик қўшиқларни, онани...
Алҳосил: ҳаётни, инсонни суймоқ,
башарий севинмоқ: башарий куймоқ.
Билетимда ёзилган иккинчи таъбир:
«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси».
Бу хат устоз Лениннинг хатидир.
Менинг хизматимни эслатар ҳамиша.
Чунки мен —
Коммуна карвонининг бош кемасида сузаман.
Шу учун —
энг биринчи жавобгарлик сезаман.
Ҳар бир ишим кўмак бўлмоғи лозим —
халқимга, элимга, юртдошларимга...
Ҳар сўзим ўрнатқуч бўлмоғи лозим —
Кореяда, Болгарияда қардошларимга...
Билетимнинг номери — нолу тўққиз ва ҳоказо...
Қисқаси саккиз белгилар бир рақам.
Демакки,

миллионлик уюшмага мен аъзо.
Бу китобда ёзуғлик исмим, фамилиям.
Демакки,
мен ёлғиз эмасман оламда.
Тоғлардек таянган суянчигим бор.
Демак, мен лозимман бу партияга,
бир томчи ўзи ҳам дарёга даркор.
Лозимман шеърим билан,
ўйим, шуурим билан,
«Коммунистнинг умри — коммунанинг умридир»
деган шиорим билан.
Шу билет узоқ йўлда қўлланма,
Коммунизм равшан уфқларига
борадиган йўлчиларга йўлланма.
Шу билет орқали менга қардошдир, —
коммунист космонавт Юрий Гагарин.
Баралла жар чақираман бугун —
балли Совет коммунистларига!
Қардошларимга офарин!
Республикам шарафини улуглаётган
пахтакор коммунист билан ман
заҳмат чекаман, мукофот оламан,
гоҳ севинаман, гоҳ қийналаман,
бирга ёзамиз замона дафтарин...
Қўлимдаги шу партбилет!..
Кўндир унинг уруғи — хеши.
Коммунистлик ҳужжатин олиб юрар
менинг дунёмда
қирқ миллион киши.
Бу билетда ёзилган чақириқ туфайли
иноқлашиб, аҳиллашади
диёрларнинг меҳнат аҳли,
янги бино қураётган ишчилар,
муҳаббатнинг диёрига йўл олган
курашчилар...
Ифтихор-ла отганимда билетимни ман

сўзлашаман президент Хо Ши Мин билан,
сайр этиб кезаман Ханой шахрини,
Чилида ўтириб мунаққаш айвонда
тинглайман —

Пабло Неруданинг эркин шеърини.
Эшитаман —

жаҳоннинг энг кекса инқилобчиси —

XIX асрдан бери коммунист

Елена Стасова оғзидан

Ленин ҳақидаги таассуротин.

Парижда коммунист Пикассо —

давримизнинг буюк рассоми,

ўз ишхонасида менга таништирар

оқ кабутарлар суратин.

Луис Карлос Претес —

Бразилия Компартияси котиби,

афсонавор қаҳрамон,

енгилмас инсон,

менинг маслақдошимдир ва ўртоғимдир

энг қадим оғайни каби.

Қучоқлайман —

индонез қайиқчисин,

Япония балиқчисин,

инглиз кўмирчисин,

Туниснинг теримчисин.

Биз ҳаммамиз коммунистмиз, ҳамма биродар,

инсоният поясида тенгу баробар...

Биз ҳаммамиз жаҳоний уюшмага аъзомиз.

Қураш — бизнинг тупроғимиз,

ёруғ иқбол — фазомиз.

Биз ҳаммамиз, ҳаммамиз

битта улуғ оҳангда куй айтамиз.

Ҳар биримиз ўз тилимизда,

аммо барчамиз жўр бўлишиб дилимизда

айтиб турган биринчи нағмамиз —

ўлмас «Интернационал...»

У ёдаки зарбулмасал.
Яхшиликнинг
ва мардликнинг партияси партиям.
Кишиликнинг,
жўмардликнинг партияси партиям.
Жавобгармиз бу дунёга, инсониятга,
жавобгармиз, биз бу кунга, эртаги кунга.
Ойга, кўкка, китобларга, маданиятга,
ўрмонларга, уммонларга, тонгга, тўлқинга.
Хуллас калом,
коммунистнинг ҳуқуқи бугун
тақдирларга кўпроқ масъул бўлмоқлик ҳаққи.
Чиқиб қолса муаммо —
устоз Маркес ҳузурига,
устоз Ленин ҳузурига
чиқиб бориб маслаҳат сўрмоқ.
Жилдларининг варақларига,
маърифатнинг хоналаридек
журъат билан бемалол кирмоқ!
Ҳамма гап шу: бошқа гапим йўқ.
Бироқ,
шу вазифаларни бажо келтирмоқ
шу ҳақда оғзаки айтгандан кўра
хийла қийинроқ!

1962

БИНАФША

Уйларнинг томида бор ҳали қор шиша,
Музлайди февралнинг календарь барглари.
Мен сенга келтирдим бир даста бинафша,
Бир даста бинафша... Вассалом... Шу бари.
«Эҳ, арзон совға!» деб куларсан, билмасанг,
«Менга?!— Ҳа» қувониб оларсан, англасанг!

Чироқлар базмида, ҳашамат, нур ичра
Эртак парисидек қилганда сен жавлон,
Юзингга тикилиб боқолмайман сира.
Ўғринча бир қараш, фақат шу... Вассалом.
Бу сенга лоқайдлик туюлар, билмасанг,
Бу ўйлар айнимас севгидир, англасанг.

Сен билан хилватда дунёга эгаман,
Ҳисларки, қалбимда тиқилинч, издиҳом.
Сенга-чи? Гапира олмайман нега ман?!
Фақат «ҳа» деган сўз... Бир бўғин... Вассалом.
Бу балки гўлликдир, агарда билмасанг,
Бу соқов ғазалдир, сукутни англасанг.

Бинафша... Камтарлик... Ва сукут — ҳеч бири
Кибрли кўзларда маънога бой эмас.
Локин бор уларнинг ахир ўз томири,
Қийқириқ — куй эмас, кўпиклар — сой эмас...
Бинафша! Бинафша! Оҳ, умринг шунча оз!
Аммо сен гул фаслин бошлайсан, дилнавоз!..

ШАМОЛНИ КЎЗ БИЛАН КЎРИБ БЎЛМАЙДИ

Шамолни кўз билан кўриб бўлмайди,
Унинг на ранги бор, на қиёфаси.
Рассом ел суратин сола олмайди,
На эни-бўйи бор, на масофаси.
Аммо ўткир кўзли моҳир санъаткор
Лавҳада шамолни кўрсатар бизга.
Суратда на оқим, на тўлқинлар бор,
Аммо ел ошкор кўзларимизга.
Нега?

Бу қандай гап?

Қаерда сири?

Шамол йўқ, кўринар аммо таъсири.
Лавҳада дарахтлар чапга этилган,
Шохлари жанубга қараб букилган.
Мўридан тутунлар буралиб қалқар,
Аммо таноб тортиб жанубга оқар.
Лавҳага қарайман, англайман тамом;
Демакки, шимолдан жанубга қараб,
«Пўшт», пўшт!» деб ўзига очиқ йўл сўраб
Эсан бир шамолни яратган рассом.
Кунчиқар уфқидан қалққан офтоб
Нурларин ювади шамолда шу тоб.
Нашъали ишчисан, баҳорги шамол,
Юртнинг йўлларини супурувчисан.
Тириклик юкини ортган зўр ҳаммол,
Турғунлик деворин ўпирувчисан.

Ишингни боплайсан ёзиб қулочинг:
Сувларни ўйнатиб, чивинни қувиб,
Чаманлар қўйинини губордан ювиб
Силайсан сен бедор ошиқлар сочин...
Қушларни ўйғотиб, туманни қўзгаб
Очасан дераза пардаларини,
Севгилар юкланган отингни шиғаб
Топтайсан хусумат зардаларини.
Йигитлар ўйқусин олиб қўясан,
Қизларнинг қалбига соғинч қуясан...
Сен ўз вазифангни қиласан адо,
Ваъдабозлик қилмай, мақтанмай асло.
Ҳавасим келади тўлқинларингга,
Ва баъзи ишёқмас ёзувчилардек
Асар ёзмай юриб олмайсан бўнак.
Эй, баҳор бағридан туғилган шоввоз,
Кўз ташлаб меҳнатинг яқунларига —
Ишларда қоматинг кўраман паққос,
Биламан, ҳар қалай ҳаво-ю ҳавас
Шамол туғдирмоққа кифоя эмас.
Шу учун ҳавонинг қайнаши лозим,
Айғирдек сувлуқни чайнаши лозим.
Қолоқ соатларнинг ёриб ўтини,
Тонгда ловиллатиб замон ўтини —
Эртани қўлтиқлаб ўйнаши лозим.

* * *

Бетинч ҳамда исёнкор одамнинг табиати:
Оппоқ қорни соғинамиз саратон ўлкасида.
Замҳарир қиш мавсумида офтобни излаймиз,
Бахт дамларин қадирлаймиз қайғуга учраганда.
Афсусланиб хотирлаймиз биз қаригач ёшликни,
Тезроқ ўсиб-улғайишни истаймиз гўдакликда.
Севган ёрдан айрилганда уни куйиб қўмсаймиз,
Биргалик маҳали баъзан ранжитамиз бесабаб.
Шундай экан табиати одамзоднинг, ҳаётнинг,
Зиддиятлар савашида ютқизишлар, ютуқлар,
Имкон билан орзуларнинг қовушмоғин истар у,
Гўё тагин иккинчи бир ҳаёт бордай шошилар
Ва биринчи ҳаёт отин қамчи саваб қистар у,
Бог ва саҳро, жар ва кўприк олис йўлда қўшилар.

1962

КЕЧИР МЕНИ, «МАЙЛИ!» ДЕ!

Ойдин кечамизга шум соя қўнди,
Оҳ, лаънати соя, қайдан келди у?
Шу вайдан ой эмас, ошналик сўнди,
Қаранг-а, арзимас шарпадан қайғу!
Агар лозим бўлса, тиз чўкай ўзим,
Тилимда, дилимда, шу айтар сўзим;
— Кечир мени, «майли!» де!
Кечир мени, майлими?!

* * *

Ўртада ўтгандир гаплар, ғийбатлар,
Наинки, гапу сўз ишқ уйин бузса?!
Наҳот, шафтолига тўлган саватлар
Битта қурт туфайли таъмин ютқизса?!
Наҳот, бир дақиқа йилларни енгса?!
Булбул ошёнига бойўгли қўнса?!
— Кечир мени, «майли!» де!
Унут, унут, майлими?!
Уқ, яхшилик майлини,
Кечир мени, майлими?!

Балки мен севгининг жазавасида
Қўзларинг имосин еча олмабман.
Гилосранг лабларнинг жозибасидан
Тириклик шаробин ича олмабман.

Бошқатдан бошланса эди йўлимиз —
Бегона қолмасди ишон, кўнглимиз!..
— Кечир мени, «майли!» де!
Узрим эшит, майлими?!

* * *

Ҳаётда гап кўпми, хотираларми!
Кечирмоқ яхшими ёки гиналар?
Жумлада сўзларми ё тиреларми?—
Юрак дафтарида мангу сийланар?
Ахир билмайсанми, қасосдан кўра
Кечирим лаззати ширин минг карра..
— Кечир мени, «майли!» де!
Ўчир ғамни, «майли!» де!
Ичир майни, майлими?!
Унут жоним, майлими?

1962

Кўнглимда барқ урар қувноқ туйғулар,
Дунёда бу куннинг эҳтироми зўр.
Биламан, мен ёлғиз эмасман бугун,
Миллиардлар юраги юрагимга жўр.
Шаҳардан-шаҳарга одимлаб ўтар,
Ўлкадан-ўлкага у юрар илдам.
Қитъадан-қитъага кўчар тинмайин,
Қуёш йўли билан сафардош, ҳамдам.
Шу бугун Деҳлида катта тантана,
Сенегал ўлкаси ўйинга тушар.
Перуда йўқсиллар умидланади,
Бухарест шаҳрида қўшиқлар жўшар.
Аммо давлатлар бор, қўшиқ лабига
Тамғалар босилиб этилган тақиқ.
Эрка ташна, ҳалол юраклар эса
Овоз кўтармайин айтишар қўшиқ...
Ўлкалар ҳамқадам, диллар оҳангдош!
Миллионлар сафини ким тўсолур, ким?!
Баҳорлар фаслида қизил байроқлар
Жаҳон гумбазига тикилар муқим...
Бугун биродарлик, иноқлик куни,
Аммо муҳаббатга ғамхўрлик ҳамдам:
Мени Конго дарди ташвишга солар,
Мени ёдлаб турар занжи шоир ҳам.
Сен равшан байрамсан, Биринчи Майсан!
Гўё Ер юзининг шўх табассуми.

**Инсон бахти ва эрклик учун туғилган.
Май — баҳор асрининг сўлмас мавсуми.
Жаҳоннинг гулчиси, боғбони ила
Дейманки, бу ханда бўлгай абадий!
Бир кунга, бир йилга эмас, асрлаб
Дунё чехрасининг мангу одати.**

1962

Дўстим, сенга шундай таъриф ёзмоқ истайман,
 На Хоқоний айтган уни ва на Саккокий.
 Байтим менга бўйсунмаса, сўраб қистайман:
 Тилагимни ўз бағрида куйласин токи...
 Қасидамиз бошқа замон қасидасидир,
 Бугун девон сафарчилар газетасидир.
 Эски ғазал қолиб кетди аср бошида,
 Бирон ками бўлмаса-да, кўзи қошида —
 Ғазал ўзи ўхшамайин қолди баногоҳ
 Мадҳ этилган хушрўйларнинг ўзига, эвоҳ!
 Чунки ҳуру пари билан Ернинг қизлари
 Бошқа-бошқа эканлиги билинди бари.
 Мен-ку сенга ой ҳақида, юлдуз ҳақида
 Байтлар тизиб лавҳаларни чиза олмайман.
 Узун-узун дostonларнинг ҳар варагида
 Сайёҳ бўлиб фазоларни кеза олмайман.
 Юлдузларнинг сони қадар шоирлар ўтган,
 Шоирларки, юлдузларга нағмалар битган.
 Тасвирларни юлдузлардан оширмоқ учун
 Ҳар қаламга қўшмоқ керак қирқ юлдуз кучин.
 Мен севгимни таъриф этсам, бу гулистонда —
 Айтилмаган гул ҳам қолган эмас чамаси.
 Ишқни синаб гоҳ висолда, гоҳо ҳижронда
 Куйлай берган чин шоирлар ҳамма-ҳаммаси...
 Бу хусусда оғиз очсам, сен дерсан ҳайрон:
 — Шиббаланган кўчаларда унмайди райҳон...

Қайтариқ сўз назм уйини қилади вайрон!
Еки сенга мадҳ этайми шаробнинг сеҳрин?
Кўнгилларда шароб ёққан ўтними айтай?
Умар Хайём унга қўйди риндона меҳрин,
Бобур ўз шоҳ ғазалига тўкиб қўйди май.
Майни гуноҳ деса ҳамки, ҳазрат пайғамбар,
Уволидан қўрқмай ичди Навоий, Ҳофиз,
Улар-ку кам ичиб майни кўп мақтадилар,
Кўпроқ майни ичганда ҳам кам мақтаймиз биз.
Худди шундай: гоҳо севиб ўртанар шоир,
Аммо ёзмас тинчитмаган севгига доир.
Йўқ, мен сенга бўлак нарса айтмоқчи эдим,
Гарчи шеър водийсида машоқчи эдим,
Аммо ҳеч ҳам қўл тегмаган бу машоқларни —
Излаб топиб, бу хирмонга келтирдим ўзим.
Жону дилдан қутлай дедим чин иноқларни —
Нону неъмат рамзи билан билдирдим сўзим.
Дейман, кунда неча карра ҳалол нон есанг,
Ҳар тонгдаги оқ кундузга «ташаккур» десанг,
Ҳар лаҳзада шеър бўлсин сенга пайваста,
Ўзинг, сўзинг, муҳаббатинг, кўзинг, аламинг
Шеъриятга тўлиб қолсин ҳар бир нафасда,—
Бахтли умр сарлавҳаси бўлсин кўкламинг!
Қалби оташ, фикри учқур шоирлар ҳар дам
Сени ўйлаб сенга ёзган шеърин, эй одам!
А, мен бўлсам, тилайманки, эй азиз инсон,
Гўзалликни она сути билан шимиб сан,
Ҳанузгача ёзилмаган бир асарсимон —
Ўзинг тирик шеър бўлиб анқиб яшасанг!

СИМЛАР, ҚАЛДИРҒОЧЛАР ВА ҚИЗЛАР

Йўллар, йўллар ва яна йўллар,
Тик устунлар бамисли қўллар —
Бу йўлларни ёнлаб қучоқлар,
Устунларни кўк симлар боғлар.
Қалдирғочлар гўё мунчоқлар
Бу симларга тизилиб турган,
Тор устида қатор ўтирган
Нотадаги белгилар каби
Сатрларга ёпишган қушлар,
Бу симларнинг мазмуни — гапи
Қушлар учун маълум товушлар.
Қалдирғочлар, шўх қалдирғочлар,
Улар билан яшнар оғочлар.
Улар баҳор элчиларидир,
Яхшиликнинг йўлчиларидир.
Тинглайдилар ҳар хил хабарни,
Хабарларки, симлардан оқар.
Эшитарлар хушxabарларни,
Ширин гаплар қулоққа ёқар.
Яқинлардан ва йироқлардан,
Шаҳарлардан ва қишлоқлардан,
Тинимда ҳам меҳнат авжида
Учиб келар симлар ичида
Яхши-яхши қувноқ дараклар,
Бир-бирига иноқ дараклар.
Телеграфнинг кўк симларини

Ел тебратар кеча-кундузлар.
(Билмасак ҳам исмларини)
Телеграфчи меҳрибон қизлар
Ухламасдан сенга ва менга
Юборарлар хабар ва салом.
Кўнгилларда ёқмоқ аланга
Бу қизларнинг иши, вассалом!
Қалдирғочлар, қизлар ва симлар
Уфқларга қилар таъзимлар.
Мен уларга раҳмат, айтаман,
Суюнчига шеърим битаман.
Қалдирғочлар хушхабар бўлиб
Симдан-симга қўниб кўчсинлар!
Симлар йўлга баробар бўлиб
Уфқларга қараб учсинлар!
Қизлар бўлса шўх, лобар бўлиб
Куёвларин севиб қучсинлар...

1962

СИЁҲДОНИМ...

Қоракўз ошнам, эски сирдоним,
Ҳамиша мўралаб боқасан менга.
Бирга кўп ишладик, эй сиёҳдоним,
Ухламай-ухламай ўхшабсан тунга.

Байтларнинг ҳарфи-ю ҳар бир нуқтаси —
Меҳнатнинг теридан томган қатралар.
Ҳар қатра — кўз билан тун омихтаси,
Сен билан ўртада бор хотиралар.

Топилмай қолганда гоҳо қофия,
Қоғоз чеккасига тизиб рўйхатлар,
Қанотли сўзларни уяма-уя —
Ахтариб овладик, туздик лугатлар.

Шу узоқ йилларда қора чашмангдан
Оққан сиёҳларни ўлчасак агар,—
Қўлласам классик муболаға ман —
Дер эдим: тенг келар Қора денгизга!

Ҳали қиладиган ишларимиз кўп,
Ҳали, сиёҳдоним, қуримайсан тез.
Ҳали мавзулар бор, йиғилган тўп-тўп,
Ҳали қаҳрамонлар кутиб турар кез.

Ҳали бор қаърингда мен ёзолмаган
Ўтли сарлавҳалар, сўнмас ғоялар,
Балки кўра туриб мен сезолмаган —
Нотаниш ташбиҳлар ва ҳикоялар.

Сиёҳдон, замонга бизмиз жавобгар,
Йўқса, иккимизга ҳақли гап тегар.
Шу учун шоирга йўқ тиним кун,
Йўқ унга отпускаи, хасталик узри.

На дуо, на омад ардоқлар уни,
На илҳом париси ниёзи, назри...
Уйда ва курортда, йўлда — юришда,
Ва ҳатто ҳаммомда, ҳаттоки тушда

Шоирнинг калласин ишхона дегин,
Юрагин бошига дугона дегин!..

Одамлар, ниятлар ва ҳодисалар
Дейдики: ярашмас сенга беғамлик!
Қулар эшик қоқиб, ёзгин! — десалар,
Икки қўл, бир умр қилади камлик.

Сиёҳдон, омон бўл, ишчан ҳамдамим,
Ишонки, сўққабош бўлмагайсан ҳеч!
Сени кўп безовта қилар қаламим,
Сен ҳам ухлатмагин мени эрта-кеч!

УНИНГ ДАВОМИ..

Луғатларда излаганим лазиз сўз —

«Октябрь» деган сўз...

Тарихларда учратганим азиз кун —

«Октябрь» деган кун.

Оҳангларда менга ёққан ширин куй —

«Октябрь» деган ун.

Гарчи у кун

дунёмизга келибди

ноябрнинг куз чоғида, совуқда,

аммо унинг олов тўла юраги

эркинликка қуёш бўлиб

балқиб турди уфқда...

Танилгандек шоирлар

тахаллусни пеш қилиб,

ноябрнинг шу еттинчи куни ҳам

«Октябрь инқилоби»

деган улуг унвонни —

тақиб қўйди ўз номига

эш қилиб...

Бу инқилоб —

оламшумул бир қудрат

оқаётир Ер куррасин томиридан

муттасил.

Обиҳаёт зилолидек соф, асил...

Ва шу кунда, шу онда,

бизнинг қадим жаҳонда —

қай бир ўлка —
мустамлака
эрк йўлида тиришса,
озодликка эришса;
билмасангиз билингки,
билсангиз ҳам билингки,
ўша юртда
Октябрнинг доим ёруғ руҳи бор,
келгуси нур боғларига
у сочган
уруғи бор.
Қай шаҳарда ишчилар,
ҳақ учун курашчилар,
иш ташловга бел боғлашса аҳиллик,
хўжайинлар қилишса баджаҳллик —
билмасангиз билингки,
билсангиз ҳам билингки,
у шаҳарда ишчиларга Октябрь,
бағишлар азму тадбир.
Коммунистик режаларин бажарган
ҳар корхона
бошласа шодиёна,
ҳосилини йиғиб олган ҳар колхоз
рапорт ёзиб ҳукуматга айтса сўз,
Октябрнинг давомидир бу шодлик.
Октябрнинг давомидир ободлик!
Бахтли қизнинг лабидаги хандалар,
тўйлардаги хушовоз хонандалар,
менинг байтлар тизаётган қаламим,
ўтиб қайта келаётган кўкламим,
мавжудотим Октябрнинг давоми,
зурриётим Октябрнинг давоми
ва
ҳаётим Октябрнинг давоми.

ЛЕНИННИНГ УМРИГА ҚЎШИЛДИ БИР ЙИЛ...

Лениннинг умрига қўшилди бир йил...
Қушлардек учади йиллар муттасил...
Бу нима дегани?

Демак жаҳонни —

Маҳлиё қилмоқда Лениннинг меҳри.

Жаҳонни,

Замонни

ва осмонни

Олган тарбияга устознинг фикри.

Бу — яъни дунёнинг ва кишиликнинг,

Ёруғлик, инсофнинг ва яхшиликнинг

Эзгу истаклари ўлмайди демак.

Бу — зулму жабрнинг ҳам ваҳшийликнинг

Муҳлати бир йилга камайди демак.

Лениннинг умрига қўшилди бир йил,

Севгининг кутилган васлидай асил.

Бу нима дегани,

Нима дегани?

Яъни коинотнинг йилномасида,

Курашлар, зафарлар ҳангомасида

Варақлаб очилди ғолибона боб,

Ҳар сўзи, ҳар сатри айнан инқилоб.

Лениннинг умрига қўшилди бир йил,

Апрель чаманида лоладек қизил.

Бу нима дегани?

Яъни оламда,

Қишларга ёт бўлган мангу кўкламда

Бир йилга яшарди бу қадим башар.

Ёмонлик кўмилар,

Яхшилиқ яшар.

ҚУЁШ ДЕРКИ

Баҳор келди, қуёш чиқди оламга,
Қизил қуёш кўп ярашар кўкламга.
Қуёш келди, қалбларга қувонч чўкди,
Дунёмизнинг қуббасига нур тўкди.
Қуёшнинг ҳам ўз тили бор албатта,
Уни англар тилчи эмас, пахтакор.
Дехқон билан қуёш ҳамкор меҳнатда,
Ҳамда шоир бу луғатдан хабардор.
Қуёш дерки:— Ерга ёруғ сочаман,
Қучоғимни эркинликка очаман.
Инсонларга уқдираман ҳақини,
Қардошликни, ижодни, тараққийни.
Мен табассум бағишлайман юзларга,
Мен латофат келтираман қизларга...
Ерга ҳаёт, қўлга қувват бераман,
Зулматларни ҳайдаб ғорга сураман.
Ишловчини, ишни яхши кўраман,
Эркин севиб ва кузатиб юраман!
Шу учун ҳам энг кўп турган манзилим
СССРнинг бу бепоён тупроғи.
Ҳароратдир чаманимда ҳосилим,
Эркин меҳнат аҳли ишда ўртоғим!
Лекин бордир, афсус, нур ўғрилари,
Тўсиб турар ёруғимни нокаслар.
Аммо бир кун куйдираман мен барин,
Бадкирдорлар асти мангу эмаслар.

Олқишлайлик, дўстлар, қуёш, байрамни,
Олам бўйи ёруғ кунлар бўлсин бор!
Гўрга кирсин зулм, зулмат, ваҳшийлик!
Қуёш ўзи Коммунага дастёр.
Қуёш — яъни тинчлик, дўстлик, яхшилик!

1963

ҚҰЛЛАР

Кўзларни дебдилар: «руҳнинг кўзгуси»,
Уларда намоён қалблар сезгиси:
Ҳам қайғу, ҳам қувонч, ҳам ваъда, ҳам дўқ,
Шояд шу туфайли эркакларнинг йўқ
Хушрўйлар кўзидан кўзин узгиси.
Кўзларни қалбларнинг тилмочи дедик,
Қалбларнинг сирига шу билан етдик.
Негадир, одамнинг қўллари, бироқ —
Шоирлар лутфидан қолибди йироқ.
Ҳолбуки, қўлларнинг ҳар сиқувида
Не-не маънолар бор, аломатлар бор.
Бунга ким разм қўйса, ўз уқувида
Кўзнинг эгаси ҳам унга ошкор.
Қўллар бор — мулойим, ғоят шафқатли,
Қўллар бор — аёвсиз, ёвуз, шиддатли.
Қўллар бор — ҳаётбахш қон билан илиқ,
Қўллар бор — гўр каби совуққа тўлиқ.
Қўллар бор — ишёқмас, лапашанг, танбал,
Қўллар бор — тезлиги билинар дангал.
Қўллар бор — қуйилар ундан яхшилик,
Қўллар бор — тирнайди, ёвлик, ваҳшийлик.
Қўллар бор — оширар сенга тўғрилиқ,
Қўллар бор — яширар қувлик, ўғрилиқ.
Қўллар бор — мағзида мардлик, қўрқмаслик,
Қўллар бор — рамзидир қўрқоқлик, пастлик.
Қўлдаги хусумат ёки дўстликнинг,

Уятсиз ёлгоннинг ёки ростликнинг,
Қўлдаги сахийлик ё бахилликнинг,
Бойси нима шу хилма-хилликнинг?
Шеъримнинг аввалин ёдингга келтир:
Нима деган эдим кўзларга доир?
Кўзлар юракларнинг кўзгуси дедим,
Бу сўзда ҳеч ҳато қилмаган эдим.
Хўш, қўл-чи? Қўллар-чи?
Бу қўллар, қўллар,
Қўлларни қайси бир таъриф маъқулар?
Дарахт белгилайди кўланкасини,
Қўллар ҳам қўллайди ўз эгасини.
Буйруқни бажармоқ қўл ҳунаридир,
Ҳа, қўллар — юракнинг навкарларидир.

МАРКАЗКОМГА САЛОМ!

I

Тонг отиб, чиқар қуёш — ишчан жўрамиз,
Аҳил бўлиб ишга борамиз...

Хизматимга киришмасдан илгари,
устозига шогирд боққан сингари,
Шимол ёққа, Москвага хитобан
айтаман:

— Марказкомга хайрли эрта!
Яша дейман сенга минг марта!
Чунки йиллар ва кунларнинг дебочасида,
катта карвон йўлида ҳам
Ишқ кўчасида —
Партия бизни бошлар,
Партия мени бошлар
мисоли йўқ, эши йўқ ютуқлар томон,
бошлар бутун ер юзининг харитасида,
Ер юзининг ҳеч бир нуқтасида
тенг-туши йўқ уфқлар томон.

II

Қуёш чиқар авжига, иш қизиб кетар,
муҳлатлардан иш ўзиб кетар.

Ижодимнинг айни қизгин чоғида
мен юзимни Шимол томон тутаман;

Шарқнинг озод ва тоза тупроғида
Москвага меҳр билан айтаман:

— Марказкомга хайрли кундуз!

Ғалабали, фахрли кундуз!

Қуёш турар авжида юмушларинг сингари,
Юксаклиги ниятингнинг баландлигин эслатар,
Мусаффодир олтинларинг, кумушларинг сингари,
Қуёш нури Нуристонга йўлимизни тезлатар.

Қуёш турар авжида, рухсорини очиб кенг,
Аниқлиги тадбирларинг нақд эканин эслатар.

Қуёш турар авжида, шуълаларин сочиб тенг,
Тантилиги сиёсатинг ҳақ эканин эслатар.

— Ҳақсизликка йўл қўймадинг, емирдинг
ва тикланди ота Ленин удуми.

Ғаразгўйлик қалъасини ўпирдинг,

Ҳар коммунист — офтобнинг ходими.

Адолатнинг нафасидан тирилди эзгу номлар,
Азизларки, бўғилганлар гирдобларда — тухматда,

Туриб келар тириклардек планларга хизматда,

Эл ҳукмида белгиланди ҳалоллар ва ҳаромлар.

Ҳадсиз йўллар учида,

Коинотнинг ичида

порлаётган қуёшдир

муҳаққақ.

Инсоният тарихининг кўз илғамас авжида

Владимир Ильичнинг иши ҳақ!..

III

Оқшом чоғи... Ватан бўйлаб қадам-қадамлаб
қуёш ўтди денгизлар, тоғлар ортига.

Хизмат тамом...

Саркорлар кун меҳнатин яқунлаб-жамлаб,

Ҳисоб берар Партияга...

Юрагимда фарзандона бурчим бор шу тоб,

Москвага қиламан хитоб:

— Марказкомга хайрли оқшом!

Ҳар иш куни — қувончли айём!

Куннинг иккинчи палласи
юртда бошланиб қолди.
Элнинг севимли яллasi
энди сўз олди.

Қўшиқ ахир меҳнатнинг давомидир бу элда,
меҳнат эса санъатнинг илҳомидир бу элда...
Нағмаларда улуғланар Ленин даҳоси,
Коммунизм кўрфазига йўл олган
кемаларда тасдиқланар Ленин даҳоси.
«Шукр! Минг бор шукр!» дейман толеймга ман,
ўтмиш бўлак давронда туғилмаганман.
Қуюқлашар осмон... боғларни қоплар,
кундузларнинг астари — бахмал қоронғу.
Усталар туш конидан келтириб уйқу.
Киприкларга улашар, хизматин боплар...
Фикр учар, учар беқўним.

Фикран дейман мен Шимол томон:

— Марказкомим,

Хайрли тун, бўл доим омон!

Аммо тун чоғи:

Балки кўкда булут ухлайди,

Юлдуз эса сукут сақлайди.

Балки чўлда ухлайди шамол,

Ва энгашиб сойга ухлар тол.

Балки инда лочинлар ухлар,

Гулханларда учқунлар ухлар.

Балки... балки...

Аммо сира ухламайди Партиянинг идроки,

Партиянинг ҳушу зеҳни, виждони поки —

Ухламайди Ер курраси сингари,

Ухламайди замон каби,

Бамисоли инсон қалби —

Тинмас унинг зарблари.

Ухламайди бирон кун ҳам ўз наспридан қолмаган
ҳақиқатгўй «Правда»миз сингари.

1964

ИНСОН, ШЕЪР ВА ШОИР

Гарчи, биз кўп ўйлаб машиналарни —
Чиқардик донишманд ускуналарни,
Аммо биз на ашё ва на буюммиз,
Биз дунё соҳиби,
Жаҳон — уйимиз.

Биз инсон ўғлининг фаол ўғлимиз,
Ақлли қўлимиз,
қўлли ақлимиз.

Биз инсон қизининг ҳалол қизимиз,
Яратган осмонда эмас,
Ўзимиз...

Инсондир оламда улуғ муаллиф,
Қилди китобига сирларни таклиф.
Саройлар, чиройлар, куйлар яратган,
Қалбларни яхшилик сари қаратган.

Ариқларда сувни шовуллаётган у,
Газлардан оловни ловуллаётган у.
Ердан ва ҳаводан ғунча чиқарар,
Фазо диёрига кўча чиқарар.

Юлдузлар товушин эшитган ўша,
Узумдан шаробни пишитган ўша.
Шаҳарлар кўркини безайдиган у,
Бўсадан зурриёт ясайдиган у.

Йилни уюштирар дақиқалардан,
Минг йиллик осори атиқалардан
Келаси давронга саломлар элтар,

Тунларни кузатиб, кундузни кутар.
Қалбида эрк билан кўркни жамлаган,
Башарнинг иқболин, нурин ғамлаган —
Инсон шарофати шеъримга мавзу,
У билан мушарраф қўшиқ ва ёзув.
Ҳа, бундай тарона қуёшга фарзанд.
Ундан юлдузлар ҳам, гуллар ҳам хурсанд.
Мисрага юкланса оғир ўй-хаёл,
Майли, ўша байтим аталсин ҳаммол.
Мисрага туйғулар бўлсалар ҳамкор,
Аталсин у байтим учагон шунқор.
Шабда соғинган япроқлар каби,
Шеъримни қўмсагин ошнолар қалби.
Мен ҳам замонага очиб қучоғим
Қутлайин Ватанни, эрklar ўчоғин.
Қуйни сиёҳ билан ёзини шарт эмас,
Қўшиқлар юракка етса, ўзи бас.
Одамнинг, оламнинг ҳуснин бағишлай,
Сатрлар чизайин мен деворларга.
Куйлайин сувларга, жониворларга.
Булутга чертайин томчилар нақшин,
Ойда акс эттирай қизлар боқшин.
Ўй қояларга елнинг суратин
Ва замон бағрига асрим савлатин.
Булар-ку орзулар. Орзуга айб йўқ,
Ният зўр бўлмаса нашта йўқ, кайф йўқ.

АСРИМИЗГА РОЗИЛИК

Бормоқдамиз у азиз айёмга қараб,
Бизга қараб келмоқда у айём ҳамон.
Биз борамиз,
У келар,
Қовушмоқда истак ва замон.
Томиримда тинглайман
нашъали уфқларнинг
дақиқа-бадақиқа,
ҳар лаҳза, ҳар гал
авжга юксалаётган
қўшиғини мукаммал.
Шукр, шукр,
кўн қутлуғ замонга мен
бўлибман ҳамроҳ.
Чунки эзгу ва равшан
азалий ғояларнинг
қад ростлаб юрганига
бўлолдим гувоҳ...
Ахир, ўксиз ўн тўққиз,
балки бир юз ўн тўққиз
огир қадам асрлар
суқланиб ҳавас билан
қарайди менга
ва давронимга...
Мен асримдан розиман.
Наслимнинг овозиман...

Кечасиз бугун бўлмас,
бугунсиз эртанги кун.
Отасиз фарзанд ахир
бўлолмас сира мумкин.
Бугун ташир ҳар она
келгуси шодлик юкин.
Коммунизм кўринар дунё
табассумида,

эркинлик мавсумида.
Уммонлар ошаётган,
ҳадиксиз учаётган
саломлар тухфасида,
севгилар жилвасида.
Қизларимиз ясанган
хушбичим либосида.
Инсонларнинг инсонга
инсоний ихлосида.
Бизнинг гул дастурхоннинг
баракатида,
фазокаш сайёҳларнинг
ҳаракатида.
Қалбимдаги тоза ҳисларда,
янги дўстлар
ва адресларда.

Шарққа юлдуз ўлкамнинг
Шеърида, мақолида,
Машҳур Республикамнинг
таржимаи ҳолида.

1964

БИЛАСАНМИ?

Кечалар бошингни қўйиб ухлаган
Болишинг не учун шунчалик юмшоқ?
Парқувдан майинроқ, момикдан хушроқ,
Уни нималардан, ва ким тахлаган?
Нега? Биласанми? Билмасанг эшит,
Бошимдан саргузашт ўтган шу тахлит:
Тунов кун учганда самовотда мен,
Кўрдимки, булутлар учар паришон.
Югурик шамоллар қулоч очиб кенг
Чимчилаб қувалар уларни ҳарён.
Чопагон булутдан бир қучоқ олдим,
Тўзиб кетмасин деб қўйнимга солдим
Ва сенга ясадим ҳаводек ёстиқ,
То қилгай самодек севгимни тасдиқ!..

* * *

Сенинг пешайвонинг доимо ёруғ,
Манбаи қуёшнинг азалий нури.
Бу чироғ ҳазилмас, юлдуз тенгқури.
Симсиз, киловаттсиз зиёга тўлуғ.
Нега? Биласанми? Билмасанг эшит,
Бошимдан саргузашт ўтган шу тахлит:
Тунов кун учганда ман самовотда
Кўрдимки, ой сузар ғариб, кимсасиз.
Тентираб қолгандек у аросатда,

Адашиб, увушиб титради, эсиз!
Ачиниб мен уни ушладим — олдим,
Ўраб бир бўғчага, Ерга йўналдим.
Сенинг айвонингга осдим мен уни,
То қўранг ёритсин ҳамisha фонус.
Ёғду қўриқласин посбондек сени,
Меҳримнинг рамзини эслатсин маҳсуе!

* * *

Уйингда туну кун чиқиллаётган
Соатда бормикан бирор сир-асрор?
У-ку, сира тинмай тиқиллаётган,
Аммо на калиту на буров даркор.
Нега? Биласанми? Билмасанг тингла,
Соатда тиқиллаб турган зарбалар
Менинг юрагимнинг тегишларидир.
Сен сония санаб билган шарпалар
Дилда лаҳзаларнинг чопишларидир.
Қалбимни соатга созлаб қўйдимки,
Ваъдангни эслатсин ҳар дақиқада.
Ишонгин, мен сени шунча суйдимки,
Кўнглимни топириб қўйдим дафъатан...
Гоҳо сўрайдилар одамлар ҳайрон:
«Нега бу одамнинг ҳолати сарсон?»
Улар не билсинки, қайдадир юрак...
...Соатдан беҳабар бўлсалар керак!

ГУЛДАСТА

Гулдаста, бу — яъни бир даста гулдир,
Уни совга қилмоқ қадим усулдир.
Аммо бу гулдаста эмасди оддий,
Уни бир қишлоқи олиб келганди
Узоқ Сирдарёнинг қирғоқларидан.
Ўрик ва шафтоли бутуқларидан —
Қирқиб олинганди хушбўй гулдаста,
Апрель тонгидаги тиниқ нафасдай.
Йўлда сўлмасин деб дарахт чечаги,
Мешга тиқилганди гулдаста таги.
Шаҳар марказида бир ҳайкал борди,
Владимир Ильичга ёдгорди.
Унинг оёғига қўйиб гулдаста,
Тингани ўтирди чол бир оз пастда.
Сўнгра ўз мешидан қуя бошлаб сув,
Тар қилиб яшнатди гулдастани у:
«Сирдарё сувининг баракаси зўр,
Майсага сепилса, на қурт — балохўр,
На ғубор кўкларин кемира олур,
На иссиқ — жазира емира олур!»
Гуллар сўлмасину саргаймасин деб,
Чечакларнинг атри камаймасин деб,
Меҳру таъзим билан Ленинга деҳқон
Бутун кун пойлади у ерда ҳамон.
Ўйладим: мўйсафид гарчи кўп содда,
Бироқ ҳикматлар бор ушбу маънода,

Ленинга севгининг ажиб мадори,
Биров буюрмаган, ўз ихтиёри.
Шунча ихлос билан келган экан чол,
Шу улуг севгига келмайди завол.
Лениннинг хотирин шод этмоқ учун
Деҳқон аямабди мажولين, кучин.
У кундан кўп йиллар ўтиб кетса-да,
Ёдимда у чолу ўша гулдаста.

1964

БАРЧА ЯХШИ ҲОДИСАЛАР УНДАН ТУҒИЛДИ

Ҳар битта ҳодисанинг бир манбаи бор,
Бутун башариятнинг бор бўлгандек маскани,
Яъни —

бу Ер курраси...

Беиз ўчиб кетмайди шу ўлчовсиз оламда
куннинг бирон зарраси...

Ҳамма оналарнинг ягона ва шафқатли
бир бутун юраги бор.

Оталар дейилдими — демак, ўғил барҳаёт...

Ўғиллар дейилдими — демак, ота бор бўлган.

Қўшиқ борми —

демакки, бастакор бўлган.

Дастурхонда мева бор —

демак, дарахт бор.

Ҳар битта ҳодисага

бир олим сабабкор.

Аммо битта сербарака манба бор:

Барча яхши ҳодисалар ундан туғилди,

Ҳамма эзгу тилаклар бир нуқтада йиғилди.

Тарихларнинг соатини тўғрилаб

курраамизнинг йўналишини тезлатган —

Октябрнинг у ҳаётбахш айёми.

Қуёшни яхшиликнинг хизматига қўйди у,

у юксакка кўтарилди.

Юлдузларга фарзандларин йўллади.

Зумрад ойнинг қопқасига

ташлади коптогини,
Планларда ўнглади
халқларнинг кўп азалий
тушини — эртагини...
Осмоннинг йўлларини ростакан
кишиликнинг кўчасига
айлантирай деди у.
У бизларни шоир бўл деб асраган илҳом.
У тонгининг шафақларин
ёрқин кундузлар сари
элтаётган пок салом...
У дунёнинг янги кунин эълон қилган кун.
У халқларга эркинликни келтирган виждон.
У ўзбекнинг тарқоқ элин — улусин
Битта муҳр савлатида тўплаган
ва шарафли бир ном қўйган:
Ўзбекистон!..
У ҳар кунда, ҳар ҳафтада, ҳар йилда
Меҳнатларга калит берган ижодкор,
гўзалликка нажоткор.
У бир кунки, асримизни беади.
Бундан буён кўп асрлар устидан
шу бир кун
бўлиб олтин сарлавҳа
байроқ каби сузади.
Владимир Ильичнинг даҳосига тасанно...
У асарлар яратди бир-биридан сермъано.
Асарлари сафида ҳаммасидан салмоқдор —
большевик ўртоқлар-ла
бирга бунёд айлаган
«Октябрь инқилоби»
деган бир кун бор.

ҚУЁШ, ОҚШОМ ВА ДЕНГИЗ

Оқшомларнинг ҳукми кирар денгизларнинг бағрига,
Қўланкалар яқинлашар, кундуз силжир нарига.
Уфқларда ботаётган қуёш ҳоргин чехрали.
«Эртагача хайр!»

дейди, бу ҳам катта тасалли!

Эрта яна кўришармиз тонг отарда янгидан,
Боғлар топар бойлик нақдин унинг олтин рангидан.
«Эртагача!»

«Эртагача!»

Гарчи қисқа бу муҳлат:

Бир тундаёқ юз беради висол, ҳижрон, хижолат.
Зиёфатлар ва ғаразлар, туғилишлар, ажаллар,
Яхшиликлар, ёмонликлар, ихтиролар, жанжаллар.
Ким билади,

Ким воқифдир кечаларнинг сиридан?

Туғилган-ку, можаро

«кечаларнинг бири»дан...

Аммо менинг кечаларим, менинг кўчаларимга
Қўйманг, қўйманг шабпаракни асло боқчаларимга!
Аста-секин ботар экан қуёш сокит денгизда,
Кўп ғалати йўсинларга кирар эди шу кезде,
Денгизнинг кенг майдонида — уфқларда мунтазам
Айиргандир ерни кўкдан аллақандай бир қалам.
Ранглар борки, денгизники, ранглар борки, самовий.
Сувлар ранги тўқ зангори, само ранги оч мовий.
Тўё кўкда стадиондан сирғалган бир қизил тўп

Юмаланиб пастга тушиб, денгиз сувин ялар хўп.
Сўнгра бир оз тубга тушиб, инар қуйи манзилга,
Энди ўхшаб қолди қуёш шипга осик қандилга.
Тагин бир оз сувга ботди, энди келар хотирга
Водийдаги ул ўтовки, ўхшар алвон чодирга.
Тагин бир оз сувга ботди фазомизнинг раиси,
Айнан ўзбек қизларининг қўйган бахмал дўпписи.
Энди қуёш яна иниб тўлқинларда сирганар,
Қолган қисми қайиқ бўлиб уфқларда ирганар.
Лекин узоқ чўзилмади сузмоқлиги қайиқдек,
Кичрайди-да, бўлиб қолди ҳовуздаги балиқдек.
Яна чўкди, ундан қолди кўп ингичка хат — қиттак,
Ёзувдаги сўзни бўлиб кўчирувчи тиредак.
Яна чўкди... Оҳ, сўнг нафас! Қолган гаплар эртага,
Хатто тире мункайди-ю, эврилди бир нуқтага.
Оҳ, кетмасин, тура турсин шу ивиган уфқда,
Офтобнинг нишонаси, қизил учқун — шу нуқта.
Шошма, нуқта, сен кундузнинг сўнг хандаси эдинг-ку!
Ғойиб бўлсанг, уфқларни ўчирмасми қоронгу?
Тилчиларга тан берайлик: улар низом битади,
Бу низомда ҳар бир жумла нуқта билан битади.
Битта нуқта қўйилганди кундузнинг эпосига,
У ҳам охир чўкиб кетди зулматга, ёппасига.
У ҳам чўкди, ниҳон бўлди, қолдирмай из — асарин,
Тугаллади ўзи билан офтобнинг сафарин.
Гўё, энди у ерларда, коинотга тенг қолдим.
Қуёш кетди,
Денгиз қолди,
Соҳил қолди,
Мен қолдим.

Рига, 1964

ХИЁБОН

Шоир Миртемирга

Лугатларда ўқигандим болалик чоғи:
Дарахт бўлса агар йўлнинг иккала ёғи,

Уни дерлар «Хиёбон»,
(Йўлчиларга соябон)...

Умрим йўли бир хиёбон дея ўйладим,
Шу туфайли боғу чаман куйин куйладим.
Шаҳарларим кўчаларин мен тинмай кездим,
Дарахтларнинг сони қадар мисралар тиздим.
Кундузлари хиёбонда пана изладим,
Ваъда берган бевафони оқшом кўзладим.
Оҳ, ёшликнинг оқшомлари ўхшамас тунга,
Ёшликдаги тунлар ўзи қовушар тонгга.
Оқшом пайти хиёбоннинг гашти ўзгача,
(Зумрад кўзли илк баҳордан олтин кузгача) ...
Тобланганда фонусларнинг нури баргларда,
Барглар уни олқишларди шўх чапакларда.
Мен Бокуда, Догистонда, Дарбанд томонда,
Москвада, Самарқандда ва Андижонда
Неча ларзон сояларда излар қолдирдим,
Неча ёзу, неча созу, сўзлар қолдирдим.
Хиёбонлар яшар эди хотиротимда.
Балки ҳар бир қўшиғимда, нақоратимда
Яшар эди бўсаларнинг тўплами каби,
Севгиларнинг апрелдаги кўклами каби.
Уйғонсам ҳам унутилмас ширин туш каби,
Мени тушдан уйғотолган сайроқ қуш каби.

Хиёбонлар кўрганманки, хаёлот йўсин
Маснавийнинг байтларидек хушбичим, узун.

...Аммо толе мени доим эркаламади,
Баъзан замон йилни йилга ҳеч уламади.
Саҳроларга дуч келдимки, на ирмоқ, на кўл,
Сургулларга юборилдим, на уфқ, на йўл.
Лекин доим эсда эди хиёбонларим,
У йўлларда яна кезмоқ чин армонларим.

Ноумидлик шайтонда,
Умид ўлмас инсонда.

Қулаганда ғаразларнинг шумшук ҳайкали
Шеъримга ҳам келиб қолди тирилиш гали.
Чиқиб қолдим Ватаннинг кенг хиёбонига,
Хиёбонки, элтар ёруғ нур давронига.
Аммо энди бу хиёбон ўлчови эмас,
Кўча эмас, боғча эмас ва ҳовли эмас.
Якка толе офтоби бор, оқшом чўкар,
Ёлғиз умр хиёбони бир куни тугар.
У ё денгиз ёқасида адо бўлади,
Ё шаҳарнинг орқасида битиб қолади.
Ё тоғларнинг этагида охирга етар,
Мисли бахши эртагида можаро битар.
Аммо тарих хиёбони битмас уфқда,
Башар ўзин тарихига қўймайди нуқта.
Зеҳнимга шу тушунча
Келмади осонликча.
Қиссамга чин гувоҳ, боқ —
Сочларимга тушган оқ...

КЕЛАЖАКНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Йилларимиз ўтади, таҳликалар кетади,
башарият ўз олтин китобини битади.
Биллур каби шаффоф, ойдин асрлар,
асрларнинг эгаси

наслар —

ер юзида тузади
сўлмас гулистон.

Адолат ўзи бўлар
сайёрамизда султон.
Уфқларда жаранглар
бахтларнинг қасидаси.
Сарҳадларсиз чизилар
дунёнинг харитаси.
Қитъалар ўртасида

қисқариб масофалар,

рўзномага қўйилар
фазошумул вазифалар.

Қўшимиз Ой бўлиб қолар
Еримизнинг еттинчи қитъасидек,
Жуғрофия бобларининг биттасидек.

Тиним куни одамлар
боришар Ой сайлига,
отланиб нур учқунларга
жўнар Сомон йўлига.
Ўртача инсон умри
бўлар юз йил камида.

Саксонида ёр кўйида куяётган ошиқлар
кезар ҳижрон ғамида.

Кунлар келар бир-биридан нафис,
йиллар турар севимли, азиз...

Аммо...

аммо —

ўшанда ҳам зурриётлар
давримизнинг жозибасига
ўгирилиб суқ билан қарар:
Бўронлар, тўфонлар, зилзилалар даврига,
инқилобий силсилалар даврига.

Қидирарлар китоблардан
замонамиз йилларин,

ижтимоий,

иқтисодий омилларин.

Енгиллатиб биз уларнинг
сўроқларин,

тўлдирайлик ўзимиз

Анкетанинг варақларин:

— Қачон яшаб ўтдингиз?

— Йигирманчи асрда!

— Юртингиз, уй адресингиз?

— СССР деган ерда.

— Сиёсий қарашларингиз?

— Ленинизм деб билинг!

— Эргашган устозингиз?

— Ленин!

— Ҳаққингиз, овозингиз?

— Ленин!

— Ўқиган дарсхонангиз?

— Ленин!

— Ишлаган ишхонангиз?

— Ленин!

— Аҳдингиз, паймонингиз?

— Ленин!

— Севган қаҳрамонингиз?

— Ленин!

— Асрингизнинг мазмуни,
руҳи,
тафсири?

— Ленин?

— Замонингиз сарлавҳаси,
ютуқлар сири?

— Ленин!

.

Ҳа, яшадик йигирманчи асрда,

Биз Лениннинг асрида.

Зотан, шу деб биз яшадик,

ва ўлмадик,

ва ўлмаймиз аслида.

1965

КЎРФАЗ, ЁМҒИР ВА ЧОЙ

Ёмғирнинг томчилари,
шу ёмғирнинг кумушранг ишдек
қамчилари
игна бўлиб санчилар денгизнинг юрагига,
биқинига, елкасига, кўкрагига.
Денгиздаги кўм-кўк сувлар
шунча тиниқки,
эслатади бизнинг ўз кўк чойимизни,
чайкаларнинг даврага тўпланиши —
бизнинг ўзбекча ўз тўйимизни.
Улар қараб сув ойнасига,
пардоз бермоқда
қоматларига.
Ҳаммаси ҳам ясанган бир хил,
қарашмас экан
даромадларига...
Денгиздаги кўм-кўк сувлар
шунча тиниқки,
уни бизнинг
кўк чойимиз айтарлик.
Шунча уммон-уммон кўк чойга
аниқки —
коса керак
ушбу кўрфаз қадарлик...

Боку — Тошкент, 1965

КАШФ

Қадимий араб-испан нақлларидан

Биз у билан ўлгудайин
Қаттиқ душмандик.
Лекин сира танимасдик
Бир-биримизни.
Кўришмаган, гаплашмаган,
Учрашмагандик,
Билишмасдик уйимизни
Ва сиримизни.
На у менга зигирчалик
Қилган ёмонлик,
На мен унга етказганман
Зарар-зиёнлик.
Жуда эски бир адоват
Ўртага тушган.
Оталардан, боболардан
Мерос сингари.
«Мен-менлик»нинг кибри билан
Олов туташган,
Чирманишган бир-бирига
Хўроз сингари.
Ғаразгўйлар турли-туман
Ғийбатлар билан,
Ёлғон-яшиқ овозалар,
Тухматлар билан
Хонадонлар орасига
Қўйиб қўйган ғов,

Бир тоифа, ҳамшаҳармиз,
Аммо ёвуз ёв.
Орамизда на бир ишқал,
Ва на даъво бор.
Лекин сира тоқат йўқки,
Қўришсак дийдор.
Ўйлардимки, у бир ваҳший,
Йиртқич ва палид,
У ҳам мени санар эди
Шаксиз шу тахлит.
На бир йигин, на бир тўйда
Бўлардик бирга.
Юрмас эдик дуч келмоққа
Гумон бор ерга.
Бормас эдик бир масжидга
Ва бир гузарга.
Ўйлар эдим, бу кек қолар
Рўзи маҳшарга.
Бир кун танти ошиномиз
Қутлуғ айёмда
Таништириб қўйди бизни
Бирдан ҳаммомда.
Биз боқишиб қўя қолдик
Шунда ноилож,
Иккимиз ҳам бекаму кўст
Тирик одамзод.
Бу дунёга келган йўсин
Холис, яланғоч,
Эғнимизда на либос бор,
На ёнда бисот.
На мансаб бор, на ақча бор,
На ханжар — қурол,
На шажара, на васиқа,
На мулку, на мол.
Минглаб-минглаб кишиларнинг
Бири биз эдик.

Минглаб-минглаб забардастдан
Биз ожиз эдик.
У ҳам, мен ҳам араб ўғли,
Битта айирма:
Мўйловларим менинг калта,
Уники — бурма.
Хуллас калом, у ҳаммомдан
Чиққаннимизда,
Аждодларнинг бидъатидан
Кечган эдик биз.
Икки қўллаб қўлларимиз
Сиққаннимизда,
Мангу дўстлик қасамини
Ичган эдик биз.
Шаҳар бўйлаб шуҳрат топди
Бизнинг иноқлик,
Бирин-кетин узилмади
Базму қўноқлик.
Мамнун эди ҳамма дўстлар,
Бутун аҳоли,
Хусуматнинг тугашидан
Нима бор олий!
Бошланганди умримизда
Янгидан ҳамал.
Бу қардошлик бўлиб қолди
Тилларда масал.
Ниҳоят, у дунёмиздан
Кўз юмган дамда,
Мен соҳиби аза эдим
Ўша мотамда.

1965

ЧУНКИ...

Шаҳар... Кўча ва кеча...
Ғўдайишган чинорлар.
Ҳарёқ гўё эскича:
Уйлар, боғлар, деворлар...
Ярим кеча... Совуқ тун.
Каҳрабо тусли тутун.
Деразалар ўчирди
Каттакон кўзларини,
Тун ниқоби яширди
Трамвай изларини.
Жим ётибди кўчалар,
Инда ухлар жўжалар.
Ой булутни кўрпадек
Ўраб олган бошига,
Ухлаётган гўдакнинг
Қуён қирар тушига.
Сойда сувлар ухлайди,
Толлар тонгни ўйлайди.
Энди кетди пинакка
Ошиқлар якка-якка.
Аммо элнинг соқчиси,
Мерганларнинг яхшиси —
Юрар, юрар бетиним,
Шу туфайли тинч туним.
Кўзи билан титкилар
Ҳар бир қора бурчакни,

Сояларга тикилар
Йўқлар шубҳа ва шакни.
Ухлар тошлар, юрт ва ер,
Ухлар она, гўдак, эр.
Ухлар ҳатто кўк ва ой,
Чунки юрар ухламай
Бизнинг милиционер.

1965

Қ А Л А М

Ҳар шоирнинг ўз қалами, хати бор,
Шеършунос бунга қилар эътибор.
Мана, бунинг қаламини зўр деймиз,
А, буни-чи, ҳали бир оз гўр, деймиз.
Бу қаламда кўпдир, деймиз, барака,
Унда эса сўз етмайди юракка.
Ёш шоирча — шеърнинг ҳаваскори
Ўйлар эди; «Қалам бўлса бежирим,
Нафосатда тенгсиз бўлур ҳар шеърим.
Қалам экан шеърнинг калитдори!»
Сотиб олди олтин учли бир қалам,
«Энди,— деди,— беш кетади ижод ҳам.»
Кечалари терлаб-пишиб ёзди у,
Майдан ҳўплаб, кўйлак ечиб ёзди у:
Катта дoston, рубойлар, газаллар,
Марсиялар, қасидалар, масаллар —
Тугатди-ю, неча дафтар тўлдирди,
Ўсиб кетган соқолини олдирди.
— Олтин қалам фарзанди шу мисралар,
Кумуш ишга тизилган зар сиралар.
Олтин дарахт меваси ҳам олтин-да! —
Деб мақтанди шоирча ҳар йиғинда...
Чол муаллим унга бир китоб тутди,
«Ўқинг!» деди, бир парчани ўқитди.
Ўқиб кўрса, гоят ноёб шеър бу!
— Домла,— деди,— Навоийдан экан-ку!

— Хўш, арзирми буни олтин десак биз?
— Деганда ҳам, домла, қандай! Шубҳасиз!
— Баракалла, баҳоладинг инсофан.
Аммо билки, умри бўйи мавлоно
Най қаламдан шоҳ асарлар яратган.
Лекин қара: не-не ранглар, не маъно!
Олтин қалам терласа сув қуяди,
Қамиш қалам инжуларни қўяди.
Ўғлим, олтин қаламинг-ку, чин нафис!
Аммо сенинг шахсий хатинг кўп ожиз.
Гап қаламда ё жинсида эмасдир,
Қаламкашнинг қалбидадир ҳамма сир.

1965

ДЕНГИЗНИНГ АХЛОҚИ

Шуниси қизиқки, енгил ашёни,
Ашёлар сафида сур-беҳаёни,
Яъни мағзи сассиқ ҳар бемазани,
Ёки пўк, мазмунсиз, жўнроқ нарсани —
Денгиз асло, асло қучиб олмайди,
Бемъани буюмни олиб қолмайди.
Йўқ унинг буларга тоқати сира...
Ана, боқ тўлқинлар сирама-сира
Итариб,

кўтариб,

силжитиб,

туртиб,

Ирғитиб ва гоҳо елкага ортиб
Чирик бир олмани соҳилга ташлар.
(Ҳали уни сувга отганди ёшлар.)
Тўлқинлар қайтганда олма ҳам борар,
Денгизда вазминроқ мансаб ахтарар.
Аммо, йўқ! Жирканар ундан бу денгиз,
Ёқтирмас чирикнинг ярамаслигин.
Унинг фалсафасин билмоқ бўлсангиз,
Ёқтирмас ялтоқнинг жойпарастлигин.
Ахири чиқариб соҳилга ташлар,
Оғир кемаларни уфққа бошлар...
Денгиздек жўшқин бўл, жўмард бўл, қўзим!
Инсонга бағри кенг бўлмоқлик лозим.
Аблаҳлар қўлига бермагин калит,
Юрагинг эшигин уларга бекит!

ДУНЁ БОҶИЙ

Шу номли шеърлар дастасидан

ТУШ

Бир туш кўрдим,
Тушимда гўё
Ўн саккиз яшар эканман,
Ешгина ўсмир...
Сезишларим,
Кезишларим
Ўн саккиз баҳорни
Кўрган умр...
Ўн саккиз ёшимдаман, аммо ғалати,
Кўп кўрганман,
Кўп юрганман,
Кўплар билан учрашганман,
Қанча дўстдан ажрашганман,
Юрагим ўн саккиз яшар,
Аммо ғалати:
Эллик учда эканимни ақлим билади.
Инқилоблар арафаси
Туғилганман.
Ленин вафотин гўдакликда эшитиб,
Йиғлаётган модаримга қараб,
Йиғлаб-йиғлаб мен ҳам
Бўғилганман.
Беш йилларни қуришларда,
Ватан учун урушларда
Этдим иштирок,
Ҳеч қайсидан тушимда

Тонмади идрок.
 Наримонов¹ пешонамдан ўпгани
 Дилимга нақш бўлганди замонанинг
 Муҳри сингари.
 Эслар эдим кўришганим Горький билан
 Ота меҳри сингари.
 Хотирамда эди қутлуғ дўстлигим
 Ҳамид Олимжон билан.
 Икромовнинг нутқларин эшитганим
 Комсомоллик иштиёқи,
 Дилу жон билан.
 Елена Стасова билан хат битишганим...
 Нозим Ҳикмат билан Бокуда
 Тонгларни кутишганим,
 Фузулийнинг тўйида,
 Ҳазар бўйида²...
 Заҳматлару азиятлар чекканим,
 Ҳаволар айнаганда ҳам
 Умид тухмин экканим,
 Едда эди бу ҳодисалар,
 Фикрим мундарижаси
 Нимаики десалар

¹ Наримон Наримонов (1870—1925)— буюк инқилобчи, эски коммунист, адиб ва доктор. Совет даврида Озарбайжон Совет ҳукуматининг бошлиғи ва СССР Марказий Ижрокомининг раисларидан бири бўлиб ишлаган. Наримонов бутун Шарқ оламида катта обрў қозонган улуғ арбоблардан биридир. Мен ҳам болалик чоғларимда Озарбайжоннинг Оқтош шаҳрида ибтидоий мактабда ўқиганимда Наримонов у ерга бориб, аҳоли билан катта мажлис ўтказган эди. Муаллимларимнинг ташвиқи билан мен минбарга чиқиб, шеър ўқидим. Ўшанда 11—12 яшар бола эдим. Наримонов бундан таъсирланган ҳолда мени қучоқлаб олиб, пешонамдан ўпган эди.

² 1957 йилда Фузулий туғилганига 400 йил тўлиши муносабати билан Бокуда катта тўй-тантана ўтказилган эди.

Эсда эди барчаси.
Аммо қалбим тушимда
Ўн саккиз яшар юрак эди.
Ҳа, бу ғоят ғалати
Бир эртак эди.
Қалбим ўн саккизу ақлим эллик уч,
Омихта бўлгандек тажриба ва куч...
Лавҳалар ғойиб бўлди,
Мен уйғондим шу заҳот.
Қани, оҳ, шу тахлит бўлсайди ҳаёт,
Лекин, йўқ!
Бу тушлар алдоқчи, ҳайҳот!
Алдоқчими? Ким айтди?
Йўқ, унча эмас!..
Нимталаб бўлинсайди тушим иккига,
Ярми рост бўлар эди, ярми гумон,
Эллик фоиз йўқ гапу,
Эллик фоиз рост,
Негаким, эллик уч —
Чин ростакам сон,
Ўн саккиз эса —
афсуски, ёлгон!

1963—1966

ҚУЁШ БИЛАН ОЙ

Қуёш ботар эди маъюс ва ҳорғин,
Болтиқ денгизининг нариги чеккасида.
У кўп заҳмат чекканди,
экканди,
тикканди,
Йўлларни ёритганди,
қорларни эритганди
кун бўйлаб,
Энди бўлса, манзилларни адо қилиб,
уфқларга етганди
ўй-ўйлаб...

Ботар эди у хийла маҳзун
Болтиқ денгизининг нариги чеккасида,
бир куннинг тарихи унинг елкасида...
Янги ойнинг ўроғи букук қад билан,
аммо иржайиб заҳри ханд билан
дер эди унга:

— Ҳа, шунча қайсар эдингиз,
аммо қаранг, бошланди заволингиз!
Хўш, нечук аҳволингиз?

Унга жавоб қайтарди офтоб:

— Шу тоб

кетаётган бўлсам-да, курранинг бу ярмидан,
лекин яна эртага келурман мен янгидан
айни шу турқим билан,
шу қудратим, шу хулқим билан...

Чунки мен меҳнатларга масъул саркорман,
ҳар субҳидамда
ўз постимда тайёрман.
Ўзгармас асло қилиқ-қиёфам.
Нурафшонлик
менинг вазифам.
Аммо сен-чи:
шу миллион йилда, бир лаҳза, бир он —
бирон майсага берганмисан жон?
Ўн беш кун мобайнида
ўн беш шаклга кирасан.
Эгиласан, қайриласан, юрасан,
хушомад қилиб букиласан.
Тўлин ой бўлиб
анқовларга куласан.
Ҳар кеча бошқасан,
ҳар кеча ўзга,
ҳар кеча тушасан ғалати тусга.
Биласанми нега, олифта қўшним?
Чунки мустақил эмассан, ҳаргиз.
Сендаги ялтироқ эса, шубҳасиз,
қулоқ ос,
эшит:
(бунга Ер шоҳид) —
Менинг деразамдан тушган нур, холос!..

ҒАФУРГА ХАТ

Олтмиш йиллик умрнинг ҳаяжонларин,
Тўполонлар, ҳужумлар, қаҳқаҳаларин,
Кўприкларни, боғларни, чорраҳаларни,
Ғазабларни, меҳрни, сўз маржонларин —
Бир лаҳзада тарк этиб кўчдингми, дўстим?
Шаҳрингнинг рўйҳатидан ўчдингми, дўстим?

Абдулғафур, мавлоно, шошдим зовталаб:
Хабарларми янглишган, йўқса қулоқлар!..
Ғафур Ғулом ва ўлим — қовушмаган гап,
Мисоли қиш ва райҳон, дашт ва булоқлар.
Ғафур Ғулом ва сукут — икки ёв лашкар,
Нуқул урушаётган душман тарафлар.

«Хайр!» демай кетганинг не деганинг у?
«Тез қайтурман бемухлат!» деганингми у?
«Ўлим асли ўткинчи бир ҳодиса-ю,
Ҳаёт мангу бир ҳолат!» деганингми у?
Қайдин сени қидирай, адресинг қаер?
Кимдан сени сўрайин? Одамлар не дер?

Мангу элда эсдалик бўлсин деб мендан,
Бориб етгай бу хатим сенга дафъатан.
Оҳ, қардошим, оғажон, пири баркамол,
Қирқ йиллик бир дафтардир хотира, хаёл.
Эҳ-ҳе, не-не кунларни кечирдик бирга,
Наҳот, улар барчаси чўкди қабрга?

Тинмас, толмас, жонпарвар кўз борди сенда,
Қирқ шоирга етарлик сўз борди сенда.
Ҳофизангда юз минг байт, ўн минг латифа,
Минг саргузашт, юз қисса, сонсиз саҳифа...
Мутойиба, ҳажвлар, панду танбеҳлар,
Яшин каби чақнаган кескин ташбиҳлар,

Ҳаммаси сенда эди ва сендан эди,
Идрокингдан, зеҳнингдан, кўксингдан эди.
Халқ дардига қўшилиб нола ҳам тортдинг,
Етимлар дийдасидан кўз ёшин артдинг,
Толе сени дўстлардан ажратган дамлар
Сен Ҳомиднинг¹ шу байтин дердинг серкадар:

«Эвоҳ, на ер, на ёр қолди,
Кўнглим тўла оҳу зор қолди!»

Аммо...

Хулқан ўзгача манзиллар учун,
Туғилгандинг кулгилар, ҳазиллар учун,
Қувончлар, мулоқотлар ва тўйлар учун,
Қаламинг бағишлаган обрўлар учун.
Курашларнинг қизигин, дабдабасини,
Муҳаббатнинг кўп асов жазавабини
Ҳаёт деган китобдан ўқиб олгандинг,
Чирой гулин чакканга тақиб олгандинг.

Кўп соғиндим, ўртоқжон, кўп соғинтирдинг,
Ногоҳ кетдинг, шодликлар уйин ёндирдинг.
Гўё сенсиз ой эмас кўкда порлаган,
Гўё кувё эмас у тўйга чорлаган.
Кўп соғиндим, ўртоқжон, азбаройи ҳақ,
Ҳали ўтмай тўқсон кун, шу заҳотиёқ
Сенга айтар гапларим, ҳасратим чексиз,
Даврамизда ўрнинг бўш, кимсасиз, ўксиз.

¹ Абдулҳақ Ҳомид (1851—1937) буюк турк маърифатпарвар шоирларидан. Нозим Ҳикматнинг севиқли устози бўлган. Келтирилган парча шоирнинг «Мақбар» номли марсиясидан олинган.

Дардлар борки, замона унуттиради,
Учқун янглиғ ўчади бир он липиллаб.
Аммо шундай дард борки, куйиб туради
Ўрмондаги гулхандек доим ловиллаб.
Ҳа, йиллар сўниб қолмас, тўхтамас карвон,
Совимас шеъримизда ҳарорат — ҳовур,
Дўстларинг номинг билан йўл босар ҳамон,
Аммо юрмас сафларда иккинчи Ғафур.
Кўп соғиндим, ўртоқжон, бир оз гаплашсак,
Бурунгидек Хадрадан тушиб ўрдага,
Яёв юриб муздайин пиво ҳўплашсак,
Навоийнинг каломин солсак ўртага...
Ёри азиз, қайдасан, қайдан қидирай?
Ҳасрат тўлган хатимни қайга юборай?

Танаффус чўзилдими, Вақт узилдими?
Ё хазон нафасидан гул тўзидими?
Қайдасан, эй қадим дўст, эшитгин мени!
Шаҳрингнинг менга аён бўйи ва эни.
«Арпапоя I»данми ахтарай сени?
Йўқ, унда эгасининг ўчибдир уни.
Ё самода, жаннатда ётибсанми тинч?
Йўқ, у жойга бормайсан чақирсалар ҳам.
Қаердасан, нидо бер, сенга шу ўтинч!
Кўнгилларни кемириб эзмоқда-ку ғам.
Ўлим шундай бир мулкки, султони жимлик,
Унда товуш чиқармай ётар фуқаро.
Қаро зулмат у жойда қилар ҳокимлик,
Шу туфайли ўлимнинг туғи ҳам қаро.
Оҳ, уфқлар куйчиси, сен ётган мазор
Қоронғу бир маскандир, эшиксиз ва тор!

Билмам, қандай чидайсан совуққа, ўртоқ!
Бош устида ёстигинг зил-қаттиқ тупроқ.
Йўқ, ўртоқжон, йўқ, дўстим, шоири аъзам,
«Чигатой»да кўмилиб кетмадинг ҳеч ҳам.

Адресингни англадим, адресинг маълум:
Адресинг юракларнинг айнан тўрида.
Шеърга қўл тегизма, йўқол, эй ўлим!
Шоирнинг соясидир ётган гўрида.
Ғафур, байтинг зарб бўлиб миллион дилга
Сўзинг кўчар масалдек тиллардан-тилга.

...Аммо бежо бўлсайди шу ғамгин шеърим,
Оҳ, нақадар бўлардим хурсанд ва хуррам.
Агарда, сен нохосдан (бўлсин деб ирим)
— Қопқада гудок чалиб таниш машина,—
Менга меҳмон қўнсайдинг бир оқшомгина.

1966

АЙРИЛИҚ

Усмон Юсупов хотирасига

Баҳор йўқотдимиз зумрад чиройин,
Еки қўшиқларнинг ранги ўчдимиз?
Ҳижрон эгаллади суҳбатлар жойин —
Йўқса, бу боғлардан боғбон кўчдимиз?
Оҳ, дўстни кўймоқлик кўп огир мотам,
Хусусан бўлса у зўр, улкан одам,—
Мотамнинг ўлчови сигмас юракка,
Фарёдлар аччиғи тепар кўкракка.
Баъзан фиғон қилар азани таъбир.
Бугун-ку бу жоиз, ўртоқ муҳаррир!
Бугун йиғламоққа ҳақим бор, инон,
Чунки, гоҳо йиғи дилга таржимон.
Кеча бирга эдик, бугун жудомиз,
Лабларда «Алвидо!» деган нидомиз.
Ҳа, олтмиш саналик умрида ҳаргиз
Бирон кун у қолган эмасди ёлғиз.
Эллар ва йилларга жўр бўлган у зот
Энди якка ётар қабрида, ҳайҳот!..
Ватанда у эккан дарахтлар сони
Юлдузлар қадарлик... Чин, тўғри гап бу!..
XX асрнинг азиз инсони
Замон заминида яшайди мангу!
...У «мангу яшайди» деймиз-ку, бироқ
Мангулик демай бу ўтар дунёда
Умри чўзилсайди ўн йил зиёда,
Не-не суҳбатларин тинглардик, ўртоқ!
Аммо унинг бевақт ўлимига, оҳ,
Сенда ҳам, менда ҳам бор жиндак гуноҳ!..

1966

ЎРМОН, ТУМАН ВА У...

Севги юрмас умуман,
Унинг феъли хусусий.
Ўрмонни босди туман,
Бу ёғи не бўлгуси?
Келмасми ё келарми,
Келар йўлин биларми?
Кўринмайди кўприклар,
Ёмгир аста сепалар.
Кўл лабида тепалар
Булутларни табриклар.
Қовоқ солди хиёбон,
Ваҳоланки, ёз фасли
Ишққа бўлиб посбон
Ишлади кўп ҳавасли.
Хаф!.. Эшитдим бир товуш,
Ғоят латиф бир овоз...
Шўхдир, гўё у сархуш...
Ярим ўнгу ярим туш.
Ҳовлиқади у бир оз.
Дейдиларки, шу хил ноз
Дилбарларга экан хос.
Бу имолар кимгадир,
Бу нидолар кимгадир?
Ҳа, албатта менгадир...
Балки... ваъда менгадир.
Аммо йўғе... Минг аттанг.
Янглишибман бунда мен.
Қўшним деразасидан
«Лаббай!» деди спортсмен.

1966

БЎСАНИНГ УРУҒИ

Осиё балладаси

Хонанда лабидан узилган қўшиқ
Учди қанотланиб, кўп узоқ учди.
Қутлуғ қўшиқларга уфқлар очик,
Нозанин унларни чинорлар қучди.
Қўшиқ қанотланди, кўп узоқ учди,
Охир ҳолдан тойиб чаманга тушди.
Чаманга тушди-ю, аммо ўлмади,
Унинг нақорати, куйи сўлмади.
Унинг уруғидан ўша чаманда
Ўсди инсон учун азиз, арзанда
Соқов бир нағмаки, ғалати нарса:
Шоирлар унга ном қўйишди «бўса».

* * *

Тонг отиб уфққа шуъла солганда,
Булутнинг юзига боқиб қолганда,
Ҳазрати Офтобдан булут уялиб,
Қизариб, қип-қизил тусга бўялиб —
Лабида иссиқлик сезар шу лаҳза,
Шундан туғилармиш, дейдилар, бўса.

* * *

Ухлаган дилбарнинг занохдониди
Табассум тун бўйи панада яшар.

Аммо боқ, тушларнинг гулистонида —
Қиз кўнгил истагин топганга ўхшар...
Шу дамда табассум чиқиб инидан,
Лабларга энгашиб тушар дафъатан.
Шоҳидлар шу ҳолдан қилиб хулоса,
Хандадан туғилар дейдилар бўса.

* * *

Бўсанинг уруги қай бири экан?
Буни кўп ўйладим ҳижрон чоғида.
Васлида унутдим: ким нима деган?
Уругин не қилай ёр қучоғида?
Бўсанинг уругин излаб нетайин?!
Бўсанинг тарихин кўзлаб нетайин?!
Муҳаббат бобида энг қизиқ қисса
Лаблар қовушмоғи — бўсадир, бўса!!!
Ҳаловат базмида шириндан-ширин,
Ширинни шимиргин, қидирма сирин.
Ўпу суриштирма асти у ёғин,
Гилосин егину, сўрама боғин...

1966

КАМТАРЛИК

Ана, баланд устунга осик
Сув бўйида ёнар бир чироқ.
Ўзи жимит ва лекин қизиқ:
Шуълалари ёйилар йироқ.
У Анҳорнинг белини қуршар,
Сиймин тўнда олтин белбоғдек.
Сувга ёруғ гоят ярашар,
Оппоқ нонга суртилган ёгдек.
Уни қаранг: унинг кўнглида
На дағдага ва на «мен-менлик».
Ҳажми кичик, аммо ўнгида
Ёруғларга чулганар кенглик...
Шунга ўхшар камтаринлик ҳам,
Яхши феъли билан муҳтарам.
Камтар экан, шу учун бешак
Турган жойи, ҳурмати юксак.
Шоирнинг ҳам қатра шеърида
Баъзан не-не уфқлар аён.
Қалб муштек-у, аммо меҳрида
Жилваланар бутун бир жаҳон.

1966

ҲОФИЗНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Африка балладаси

Мардонавор савашда ҳурриятни деб,
Шаҳид бўлди қўшиқчи бағридан ўқ еб.
Табаррукдек улуғлаб ҳофиз мақсадин,
Бир чаманга кўмишди унинг жасадин,
Жасад ва нагма билан бирга ҳасратин.
Тезлаштириб ва кутиб қасос фурсатин
У чаманда, у жойда илк баҳор фасли
Униб чиқди бир гунча — ширин нафасли.
Ёз фаслида шамолдан гунча яйради,
Ичидан булбул чиқиб жўшқин сайради.
Булбул тилин англамоқ бағоят мушкул,
Ўша тилга тушунар шоир билан гул.
Чаҳ-чаҳлардан кўп улуғ мазмун туюлди,
У қайноқ товушлардан маъно қуйилди:
— Мени булбул турқида кўрган ўғлонлар,
Мени булбул санаманг, тирик инсонлар.
Мен бир вақти бўлгандим машҳур муғанний,
Суҳбатим ашулали, лабим — ўланли.
Мен гулдан вафо кутган булбул эмасман,
Мен Ватаним шайдоси — мисрлик араб.
Бу иккинчи шаклимда асло ўлмасман,
Яшарман қўшиқ янглиғ курашга яраб.
Одам эдим, одамлар дер эди ҳофиз,
Овозим мавж урарди тўйларда нафис.
Порт-Саидда ўлдирди мени инглиз,
Похол сочли ғаламис, лаънати иблис...
Аммо энди ўлмайман... Сира ўлмайман.
Иккинчи ҳаёт топдим... Асло сўлмайман.
Эслатаман ўзимни сайраб озода,
Босқинчилар маҳв бўлсин, дея, дунёда!

1959—66

РИКШАНИНГ ҚЎШИҒИ

«Осиё девони»дан

Калькуттада мендан ўтар рикша¹ йўқ,
Бенгалияда менга етар рикша йўқ.
Оёқларим бақуввату қўл чаққон,
Онам мени рикша бўлсин деб туққан.
Сиз раҳм этинг, аравамга ўтиринг,
Қайга бўлса оборайин, буюринг!
Ўтиринг, ўтиринг, ледилар!²
Ўтиринглар, мистерлар, афандилар!

* * *

Рикшадан ҳам арзон нарса нима бор?!
Эллик пайса!.. Эллик пайса!.. Харидор!
Эллик пайса, эллик пайса кўп эмас!
Сиз ўтириб лутф этсангиз менга бас!
Бу шаҳарда мендан чопқир рикша йўқ,
Аммо афсус, ҳамёнимда ақча йўқ.
Ўтиринг, соҳиблар, афандилар!

* * *

Тез чопаман, соз чопаман, кўп равон,
Қорним оч-у, ўзим енгил, чопағон.
Қайга бўлса югураман дарҳол мен,

¹ Р и к ш а — аравасига одамларни ўтқазиб, ўзи тортиб олиб борадиган киши.

² Л е д и — инглиз хонимларига хос унвон.

Ўз вақтида улгураман дарҳол мен,
Сиз ўтиринг, тез ўтиринг, ал-замон,
Болаларим еган эмас бугун нон.
Ўтиринг, ўтиринг, боёнлар!
Бонулар, хўжалар, аъёнлар!

* * *

Афандилар, аммо бўлинг эҳтиёт,
Тинкамизни қуритди дард — эҳтиёж.
Агар мени йўлда таҳқир этсангиз,
Агар йўлда сиз белимга тепсангиз,
Мен Хаури¹ кўпригидан мабодо
Иргитмайин сизни сувга бенидо.
Чўчиманг, чўчиманг, боёнлар!
Қулдорлар, муфтхўрлар, йўонлар!!!

* * *

Тортинасиз, қўрқдингизми?! Ё тавба!
Калькуттада йўқ бунақа арава.
Бу гапимдан ҳайиқманглар!.. Ҳазил бу!
Фақат очлик асорати ҳозир бу!
Аммо худо кўрсатмасин бу ҳазил
Чин-ростликка айланса-я, беҳазил!
Ўтиринг, ўтиринг, ледилар!
Ўтиринг, мистерлар, афандилар!

Калькутта—Тошкент, 1967

¹ Хаури — Калькутта шаҳрининг ўртасидан ўтиб, денгизга қуйиладиган дарё.

РУБОИЙ ВА ТҶҲҲҲҲҲҲ

1

Неларни мақтайди у даҳрий Хайём?
Бошқа бир замона, бошқа бир айём.
Биринчи рубойим Ильичга оид,
У менинг қофиям, илҳомим, дунём.

2

Ёгингар бир оқшом ўтиб майдондан,
Ҳайкали олдида тўхтадим ҳайрон,
— Ленин ивимасин, чодирни тутгин!—
Қизча онасини қистарди чандон.

3

Биринчи синфда кўп зийрак бир қиз,
Деди муаллимга:— Домла, сўраймиз:
«А»дан бошлангиз сиз алифбени,
«Л»дан бошлаб беринг: «Ленин» ёзамиз.

4

Қардошлик — кўнгиллар аро кўприкдир,
Кўзларнинг соқчиси нозик киприкдир.
Тиллар ҳар турли-ю, тилмоч керакмас,
Ҳар тилда беш бурчак юлдуз — табрикдир.

5

«Салом» битта сўзки, жавобсиз қолмас,
 Ҳеч қайси тарози уни тортолмас.
 Юрак саломига «алик» деганлар —
 Юракдош, шу учун ёт деб аталмас.

6

Гарчи ҳар кишининг бўлак бахти бор,
 Гарчи ҳар ўлканинг ўз пойтахти бор.
 Аммо харитада қизил юртларнинг —
 Бир дили, бир эли, битта вақти бор.

7

Иккидир ўлкамнинг фасли баҳори,
 Иккидир шоирнинг қофия, ёри.
 Бириси ҳар йилда уч ойлик меҳмон,
 Бири Баҳористон — совет диёри.

8

Офтоб азалий эски чорағбон,
 Унинг ўз ҳовлиси — қадимий осмон.
 — Нега илтифоти бизга шунча зўр?
 — Меҳмондўст хонани севар ҳар меҳмон!

9

Мен сени танийман — лафзинг ҳалолдир,
 Ишни чала қўймоқ дилга малолдир.
 Қўйганинг — ютқизиш, терганинг — ютуқ,
 Илғор донг чиқарар, қолоқлик — лолдир.

Яшасин ақл ила қўл ҳамкорлиги,
 Бор бўлсин тил ила дилнинг ёрлиги.
 Меҳнатдир ҳаётнинг зилол чашмаси,
 Не хуш бу чашманинг тиниқ борлиги.

Меҳнатнинг озоду, виждон озода,
 Юлдузинг айланиб порлар фазода.
 Яқинда тўйингга борурмиз бешак —
 Шаҳарлик дўстлар-ла, Мақсуд Шайхзода.

ҚЎЛ ВА ФИКР

Қўлнинг мускулига қўшиқлар керак,
 Қўлнинг давлатидан тепади юрак.
 Қўлимга чапдастлик бахш этар фикрим,
 Фикримни тез қўлим айлайди зийрак.

КЎЗЛАР

Қанча нафис эди унинг нигоҳи,
 Сузилиб боққанда у гоҳ-гоҳи —
 Ҳайлардим гўзаллик билан кўзларнинг
 Азалдан ўқилган мангу никоҳи...

ҚУШЛАР ВА ТУШЛАР

Қўшиқ — кўзларингнинг шўх боқишидир,
 Қўшиқ — ҳаёлимнинг тилак қушидир.
 Ҳар тилак рўёбга чиққан дамгача —
 Қўшиқ шоирларнинг ширин тушидир.

ДУШМАН

Ғаним гоҳ тухмат дер, гоҳо қилар дўқ,
Ҳабиснинг шериги — захар билан ўқ.
Қуёшнинг йўлини шабпарак тўсмас,
Коммуна қалбида ҳайиқсираш йўқ.

ЎРНАК

Ёт — ўзга элларда инсон инграйди,
Қар эмас қулоқлар, ҳақни тинглайди:
Тилмочсиз англларлар: «Совет» сўзини,
Одамлар одамлик умрин тилайди.

АЙТМАКИ...

Айтамаки, романдан жўнроқ рубой,
Уни ардоқлади Хайём, Навоий.
Сигмас газетага қучоқ-қучоқ байт,
Газета бағрида рубой жойи.

УЧ САВОЛГА БИР ЖАВОБ...

- Ким берди дилингга ёруғ, тарбия?
- Кимга сен қойилсан устозим дея?
- Ким сени яшатар ва яшартирар?
- Лениннинг коллектив ўғли — Партия.

УЧ ДЎСТ...

Ғайрат:— Мен тўхтамай жадал юрдим, дер,
Меҳнат:— Экканимни барвақт тердим, дер.
Билим:— Мушкулларни тез емирдим, дер,
Уч дўстнинг кучидан ўлка баҳра ер.

ВИСОЛ

Эй дўст, кўришмадик биз кўпдан бери,
Сен йироқ, мен эса — висол шоири.
Қалбимиз — оҳангдош... Бир қофияда —
Қовушиб қолгандай Советлар ери.

ОМОНЛИК

Оталар удуми келинларга сеп —
«Омон бўл!» тилаги саодатга зеб.
Кўприклар устида: «Сен кимсан?» демай —
Аввал сўрашамиз:—«Хўш, тинчликми?» деб.

ШУ АЗИЗ КУНЛАРНИНГ

* * *

Шу азиз кунларнинг тарзини англа!
Англасанг, виждонинг қарзини англа!
Виждоннинг қарзини англасанг, дўстим,—
Эртанги айёмнинг арзини англа!

Ғанимат саналур ҳар лаҳза, ҳар пайт,
Айтганингни қилгин, қилгусингни айт!
Гўзаллик диёрин граждани сен,—
Ёмонни йўқотиб, яхшини кўпайт!

Етти йил қудратли, ардоқли йиллар,
Ҳар дамни чулғаган салмоқли эллар.
Уларни яратар рангин лавҳадай —
Ақлли, илмли, атоқли қўллар...

Кундуздан сўрадим,— Мухолифнинг ким?
Дедик:— Шабнарак, бойўғли, бўри.
Кундуздан сўрадим:— Ишқибознинг ким?
Дедик:— Кабутар, қалдирғоч, қумри...

ДАВОМ ЭТМОҚДА СЪЕЗД...

Съезд қарорлари бизга йўл бошлар,
Бу кунни эртанги қуёш олқишлар.
Дилларда, қўлларда ва ақлларда
Давом этмоқдадир съезд, йўлдошлар!

УФҚЛАР

Шу нарса аёнки. Коммуна яқин,
Бахтимиз қуёши кундан-кун ёрқин.
Э, олтин уфқлар етамиз сизга,
Фитналар тўсолмас бу даврон чархин!

МИНБАР

Минбарда сўзлаган ўз делегатим,
Қўлида мен берган юрак йўлхатим.
У қарор чиқарди: оша берсин деб —
Темирим ва умрим, куйим, кўкатим.

ЯХШИЛАР ҚАДРИ

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Ўлганга юз соат йиглаб тургандан,—
Уни тиригида бир соат йўқланг!

ДОСТОНЛАР

ОҚСОҚОЛ

ПОРТРЕТ — ДОСТОН

Йўлдош Охунбобоевнинг асл руҳига

«Давлати жовид ёфт, ҳарки никином зист!»

Саъдий шерозий¹

I

Дўстим, ҳамроҳ бўл менга бир нафас,
Оборай сени хотиротимга,
Бўктарги қилиб учқур отимга,
Ёд диёрида кезайлик бирпас.
У инсон эди, холис, сершафқат,
Большевик эди пўлатдай маҳкам.
Гоҳо кўзида кўзёшлари ҳам —
Одамзод ғами кўринса бирдан...
Енгил қисилган меҳрибон кўзлар,
(Кўзларки, ҳар дам яхшилик излар,
Кўзларки, хафа пастликдан, кирдан.)
Кўп ҳакимона, очиқ пешона,
Сўнмас зеҳнга кўзгу — нишона.
Виқорли нотик, ҳикматли гапдон
Ва табассумга бўлган тайёрдай —
Маънидор лабки, нозик сўзга шай,
Ўзи воқифдур ҳар турли гапдан...
Елкадор жусса паҳлавонвори,
Балки Рустамнинг соғ ёдгори,
Тоғ савлат, худди оталикка эб,
Онаси туққан раис бўлсин деб.
Уни ҳамма ҳам билар ва севар,
Бамисли халққа ёқимли мақол,
Тупроқ баҳорга қилгандай бовар,

¹ «Ҳар кимнинг яхши номи яшар экан, у абадий давлат тошган бўлади.»

Юрт унга дебди:— Сен бўл оқсоқол!
У — доим сергак миллион кўздек,
У — деҳқон ўғли, меҳнаткаш ўзбек.
Халқ уни куйлаб либосга ўрар,
Бу ўлка бўйлаб оқсоқол юрар.

II

Улугвор эди соҳибӣ фармон,
Аммо эмасди на амир, набий.
Унга эҳтиром, иззат доимий,
Элдаги ишқдан эди бефармон.
Ўлкани билар беш қўли каби:
Нима хоҳлайди деҳқоннинг таъби.
Неча сўм бўлди Хоразмда нон,
Шу кўклам қалай кўкнинг авзон,
Иғвогар кимни қилмиш сазойи.
Қанчалик қалқди шу кун Зарафшон...
Пайқайди гўза пояси шу дам
Неча зарралаб ўсиб ортади,
Олам гулига неча қатра нам
Чустда шабнамдан қўниб ётади.
Эшитади у Тошкентда туриб
Хевада қандай учишар ғозлар.
Ё Бухорода болғалаб уриб
Темирни тоблар тунукасоzлар.
Ўзига беклик ўзбекка чирой,
Ҳамма дер: «Мен ҳур, менинг кучим ҳур!»
Охунбобонинг ўғли Йўлдошбой
Элга биринчи раиси жумҳур.
Янги қалб қўяр чоллар бағрига,
Касалга далда беради меҳри,
Ғаввосдай тушар ҳаёт баҳрига,
Сафарда бирга имзоси, муҳри.
Гоҳо англатар, гоҳо буюрар,
Гоҳо жазолар ва гоҳо сўрар,
Бу ўлка бўйлаб оқсоқол юрар.

III

Уни кутарди серсоя боғлар,
Ноклар танирди ўз боғбонини.
Кулимсирарди қувноқ чироғлар,
Миннатдор қутлаб чироғбонини.
У билар ҳар бир дарахтнинг ёшин,
Исмин билмаган меваси йўқдир.
Санайди юртнинг бугдойин, мошин,
Тузатар кўрса шикаст трактор.
У ўзи очган ариқлар бошин,
Кўплар сўрайди ундан ўз ёшин.
Юртнинг йўллари кафтидай ошна,
Шоферга бўлар ўзи раҳнамо.
Янглишмас асло йўлда машина,
Ер — тўшагидир, кўрпаси — само.
Уни тўхтатмас уюрма — бўрон,
Уни тўхтатмас душман иғвоси.
Кўҳна одатлар, кураш ғавгоси,
Чунки йўлларда, кўприкда ёрон...
Шарқнинг бу доно, асл фарзанди,
Сиёсат илмин кимдан ўрганди?
Партия, турмуш — бу икки устоз —
Унга дарс берди, у бўлди шоввоз.
Унинг йўли ҳам ўзидай улуг,
Бу йўл чаманли, боғчали, сувли.
Табассумидай гулзорлар сулув,
Экинзор ерлар серҳосил, бўлуғ.
Дехқон элида биринчи дехқон,
Унинг ўтқазган олмалари кўп.
«Туғилиш ўзи бўлмаскан беқон!»
Дейди у сўзни келиштириб хўп!
Истар бўлмагай ўлка ичра оч,
Қадим армонга оқсоқол тилмоч.
Йиллар қадамлар, ойлар югурар,
Бу ўлка бўйлаб оқсоқол юрар.

IV

Уни «ака!» дер умрдошлари,
 Унга «ота!» дер ўспирин, қари.
 Болаликдаги кўп сирдошлари
 Гурур-ла сўзлар: «Бизнинг ҳамшаҳрий!»
 Қадим дўстларин танир йироқдан,
 Едида юрар ўтмиш айёмлар.
 Гоҳо сўрида дўстлар-ла ҳамтан,
 Давра айланар сирланган жомлар.
 Бошлар Фарғона ялласин биров,
 Усулга қараб тебрана бошлар.
 Гарчи соқолда бордир оқ қиров —
 Оқсоқол ўзи куйни йўл бошлар:
 «Энди сендек жоно жонон қайдадур,
 Кўриб гунча ҳуснинг, боғда бандадур».
 Бутун бир қишлоқ бунга қўшилар,
 Ҳа, бундай севги ўша тандадур.
 Гоҳо тушади чойхонага у,
 Болалар учун байрамдир, чини.
 Бировга конфет, бировга шинни...
 Ҳотамтой келмиш замонага у.
 «Билимдон бўлиб ёшинг тўлганда,
 Комиссар бўлиб катта бўлганда,
 Башарти тушса уйингга йўлим,
 Меҳмон қиларсан, майлими, ўғлим?»
 Қизлардан сўрар: «Қани, тўй қачон?»
 Ўзи тўйбоши бўлур шўх, чечан.
 Гоҳо қараса, эринчоқ йигит
 Кўп танбал ишлар, ожиз кетмончи.
 Олиб кетмонин: «Ана шу тахлит
 Ишлардик бизлар ёшлиқдан, сен-чи!»
 Дейди-ю, девкор, паҳлавонсимон —
 Ерни парчалар бирпасда ҳамон.
 Гоҳо мажлисда, энг бошда, тўрда,
 Йўлдошбой ака мўътабар раис.

Шунда узоқдан кўп ширин парда
Авжга кўтарар хушхон бир ҳофиз.
Шунда оқсоқол дейди гашт билан:
«Тўхтанглар, дўстлар, ҳу... авжни қаранг!»
Кабутар каби учган савтларга
Мажлиседан чиқар шўх бир қаҳқаҳа.
Кулади боғлар, дарё ва даҳа,
Ҳамма ҳам хурсанд, ҳамма хушчақчақ.
Ҳамма ишлайди у кун яхшироқ,
Ҳамма қасамда мустаҳкам турар.
Ишларкан унга юзин ўгирар,
Бу ўлка бўйлаб оқсоқол юрар.

V

Унинг имзоси базўр, бақувват,
Қонунлар шундан бўлур қонуний.
Президент дейди элчилар уни,
Намойиш ундан сўрайди рухсат.
Зуваласида гўё азалдан —
Шоирлик борди. Гоҳо айвонда
Кўрпача узра «Чаҳор девон»да
Изларди ҳусни шеър-у, ғазалдан.
«Бу янги фармон хўн фармон бўпти,
Бу қўл қўйишим ғазалга жавоб.
Унга ҳайкални қўймоқлик савоб,
Навой руҳи шодумон бўпти!»
Ва гоҳо эски табобатлардан,
Варақлаб излар сариқ бетлардан
Бедаво, ёвуз дардларга дармон,
Китобин ёпар, кўз ғамгинсимон.
Бирдан кўзига илинар дарахт,
Ҳовлида уни ўтқазган ўзи,
«Қанча тез ўсган, шунча қисқа вақт,
Мевасин егай болалар хушвақт,
Ана кишининг қолғуси изи!»

Ўзи эшикка чиқади пешвоз —
Келган меҳмонга, мулла Насриддин
Латифасидан сўйлайди бирин,
Зални қоплайди кулги ва овоз.
Хатто кўчадан эшитган кулар,
«Яхшилик яшар, ёмонлик ўлар!»
Булутга қарар деразасидан:
«Баҳор кўп танноз, сўлимдир терак,
Бундай ватанда яшамоқ керак!»
Сўнгра олади ўз мирзасидан —
Лойиҳа, фармон, илтимоснома,
Бевага маош, экин режаси,
Беш ойлик жангнинг зўр натижаси —
Ҳаммасин ўқир, қўлида хома...
Қўл қўяр, сўйлар мирзага яна:
«Ўша бевага тезроқ иона!»
Булутга қарар у деразадан:
«Баҳор кўп танноз, сўлимдир қўшиқ,
Шу ёр ватанга бўлмайми ошиқ?
Шундайми?» дея сўрар мирзадан.
«Душман енгилур, яшнар яна эл,
Ерга ўғитдир у аблаҳ ғаним,
Тошлиқ тоғларни йиқитолмас сел,
Ўша кунни тез кўрмоқ армоним!»
Кўзларни юмиб у хаёл сулар,
Бу ўлка бўйлаб оқсоқол юрар.

VI

Дўстлар, нега умр абадий эмас,
Хусусан бўлса яхшиники у?
Гарчи яхши ном яшайди мангу,
Фазода сўнмас олижаноб сас.
Аммо биз уни кўрмоқ истардик
Боғда, майдонда, қурултойларда.
Минбарга чиқиб виқорли, тетик,

Янги канални очган жойларда,
Афеус қўймади у шошқин ажал,
Мотам нишига у экан мўлжал!

.
Қишининг сўнг туни... Соат бир паққос,
Очар коинот қўйнин кўкламга.
Қуёшли кундан даракчи аёз,
Эл ботиб кетди бирдан мотамга.
Биз ҳам вагонда эшитдик шуни,
Сўнгги қиш туни... Сўнгги қиш туни.
Нега яширай, серрайдик пича,
Бевази қолгандай мисранинг ичи.
Сигдиролурми ғамзада мия,
У номга ўлим тушмас қофия!
Пахмайган сочлар қўзғалди тикка,
Қушлар тепалаб учдилар, кўкка...
Отлар туёғин уриб тепинар,
Қаерда менинг чавандозим деб,
Интизорида олмалар унар,
Келсин боғбоним ва шоввозим деб.
Унинг ҳақи бор ашулаларда,
Сирланган чинни пиёлаларда.
Назм тизилгай унга раҳмат деб
Ва қисқа ёзгай энг катта адиб.
Дўстлар, у тирик, бизлар-ла боҳам,
Кўзларин тикиб уфққа ҳар дам
Зафар-ла кутар фарзандларини,
Жангга жўнатган дилбандларини.
Улар келтирган хушбўй гулчамбар
Йўлдош акага энг бахтли хабар.
Дўстлар, у бизга ҳамсаф ўтирар,
У бизни севар, у бизни кўрар.
Бизга буюрар ва ғайрат сўрар,
Бу ўлка бўйлаб оқсоқол юрар.

ТОШКЕНТНОМА

БАҒИШЛОВ

Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи,
Дарёлар собитдир, сувлар — кўчинчи.
Ҳар ким ўз шаҳрида қўйган эсдалик,
Ё бино қуришда катта усталик,
Ё ширин латифа ёки ихтиро,
Ё дарахт, ё фарзанд, кўприк ё мисра,
Ё қўшиқ, ё дори, мактаб, соқчилик,
Хулоса: дунёда бирон яхшилик...
Бир вақтлар мен сенга шаҳримни мактаб,
Қиларкан таърифин, сен бир оз тўхтаб,
«Шунчалар бормикан?» деб гумон қилдинг,
«Кўрганда айтамыз!» деб имо қилдинг.
Ва айтдинг дарвоқе кўргандан кейин:
«Мақтовинг оз экан, саз экан уйинг!»
Қоматга муносиб бўлсин деб либос,
Шаҳримга дилдаги муҳаббат, ихлос
Достонга қуйилсин дегандим у чоқ,
Кечикиб ёзганим кечиргин, ўртоқ!
Бу ерда турганлар ёки кўрганлар
Ёки кўрайин деб истаб турганлар,
Ёки Тошкентимнинг шаклин сўрганлар,
Нақшини дилида олиб юрганлар
Сизга бу таронам — куйим армуғон,
Наср — оғир қадам, назм — чопағон.

Оҳ, билсанг, нимани эсладим бугун?
 ...У ярим асрлик курашлар юкин —
 Елкада ташиган тошкентлик бир чол
 Оқ пошшо даврида бўлганин ночор
 Сўйлаб берган эди менга бир маҳал.
 Озодлик йўлида курашиб жадал,
 Сургунда қон ютган йилларни айтиб,
 Қочқинда дуч келган элларни айтиб,
 Дер эди:

— Эсимда, бир вақтлар йироқ
 Юртда бошимизга тушганди фироқ..
 Тайгалар қуршови ичида бутун,
 Ажратиб бўлмасди кундузми ё тун?!
 Замҳарир қиш эди, совуқди ғоят,
 Ўйда хавотирлик, тўнгармиз шояд!
 Машаққат сафардан бешиб, толиқиб,
 Не-не заҳматларга йўлда йўлиқиб,
 Судралиб борарди одамлар хомуш,
 Аёз чанғалига тушган эсу ҳуш.
 Битта қўналгага ўтирдик ҳорғин,
 Юраклар музлаган кўллардай тургун.
 На қуёш бор эди, на кундан асар,
 Изгирин... Нафасдан гўё муз ўсар.

.

Шу тоб:

Ногоҳ эшитилди соғинчли хитоб:
 «Оҳ, Тошкент, Тошкент!»
 Ҳаммамиз қайрилиб қарадик дарҳол,
 Арчага суялиб турарди бир чол.
 Бир маҳал бу ерда у бўлган экан..
 «Оҳ, Тошкент, Тошкент!»
 Бу сўз қуёш юртин келтирди эсга,
 Хаёлда уфқлар жонланди ўзга.
 Десамки бу номдан томиримизга

Бир оз иссиқ сингди, ишонинг сўзга...
Оҳ, нега жизиллаб ўтди у дилдан,
Мен-ку айрилгандим кўпдан у элдан?!
Энг совуқ кунларда қуёшни эслаш,
Бу — яъни тун бошин нур билан силаш!!!
Нега тўлқинлатди руҳни у овоз?
Ҳа, «Тошкент» деганда эсга келар ёз...

II

Ҳар қачон, ҳар қайда дейилса Тошкент,
Дегайсан ёзларга ёзлар туташган.
Ҳа, Тошкент дейилса эсга келар ёз,
Ҳа, Тошкент дейилса қуёш эсда шай.
Қуёшки, умрзоқ авлодга дамсоз,
Бу ерда ҳамма дер:— Қуёшча яшай!!!
Дўст бўлганмисан бунда айни ёз фасли?
Йўқ эрса, ёзларни кўрмабман асли!
Чирчиқ увасига қўнган шаҳарда,
Қуёш хизматини бошлаб саҳарда,
Меҳнатга бел боғлар одамдан бурун,
Олтин жомакорин ечар кечқурун...
Шу улуг ишчини олқишлай дейман,
Шаънига қўшигим бағишлай дейман!
Умрида ким келса бир бор бу ерга,
Қалбига экади Тошкентнинг меҳрин,
Шу учун Тошкент ҳам қуёшли муҳрин
Босар паспортларга, хотираларга.
Дейдилар: Тошкентда сув ичган чумчуқ
Қайтиб келар экан Макатуллодан,
Юзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам очиқ,
Табаррук тупроғи зару тиллодан...
Қуёшга инсон ном қўйган кунидан
Куйчилар ўхшатди нозанин қизга,
Аммо, полвон ишчи, дейман уни ман:
Ишда ҳамкор бўлди у ўлкамизга.

Тошкент қуёшининг кўпдир таърифи:
Лола ҳам, келин ҳам, гул ҳам, чирог ҳам.
Аммо меҳнат тўла унинг тарихи
Шоирлар шеърида қолибди мубҳам.
Биламан баҳорнинг эрка шамолин,
Севаман тупроқнинг уйғониш чоғин,
Бўсалар фаслини, ёрнинг жамолин,
Ҳай-ҳай, шайдолигим тутмасин тагин!..
Баҳорлар ҳақида куйламоқ осон,
Ёзнинг шеъриятин топа бил шоир.
Гул ила булбулни жуфтламоқ арзон,
Июлни мақташда бўлолгин моҳир.
Мен-чи, қуёшимиз ишин ҳар вайдан
Ўлчаб, уни дейман:— Бизнинг граждан!
У бизга ризқ берар, бизнинг отахон,
Дегайсан, пишиқ қўл, уста нонпаздор.
Тонгда — оппоқ хамир, зуваласимон,
Туш вақти қизариб, қизиган тандир.
Аммо ботиш олди, сарғайган пайти
Уни ширмойи нон дегинг келади.
Шалпайиб кетганда саратонда ер,
Қуёш чаққон бўлиб хизматда турар,
Кураш майдонига тушган полвон — эр,
Беллашиб олмоққа ҳариф чақирар..
Асадда етилган ғўза подасин
Боқиб, пойлаб юрар офтоб — чўпон,
Бирор кун бузмасдан у ўз ваъдасин
Келади, эғнида зарҳалли чопон.
Мен жондан севаман ёз қуёшини,
Иссиғи, шуъласи, ҳусни ҳаётбахш.
Текширсам Солорнинг ҳар бир тошини —
Қуёшнинг хандаси унга тушган нақш.
Баракат, баракат қуёшдан келар,
Шу қадар очикқўл, шу қадар сахий!
Аммо ёлчимади ундан боболар,
Ҳамиша у шундай бўлганмас ахир!

Социализмнинг улуг режаларига
Қуёшнинг рўзгорин қўшамиз дедик,
Ленин бошлаб бахтнинг кўчаларига,
Нурли уфқларга йўллади тетик...

III

Эҳ-ҳей, менинг шахримнинг кўҳна қиссасин,
Қиссасинки, минг йиллар қаърига чўмган,
Ер қатларида қотган сир-ҳодисасин,
Ҳодисаки, вақт уни тупроққа кўмган,—
Кимлар айта олади? Борми гувоҳлар?
Ахир, минг йил яшамас қушлар, гиёҳлар!
Тушди не-не заҳматлар бу ер, бу элга,
Балки тошлар айтарди, кирсайди тилга!

.

Сарғайган қўлёзмалар, жимжима хатлар,
Мулла боболаримиз чизган санадлар...
Варақладим бирма-бир ўтмишни эслаб,
Аерлар қадамида бир маъно излаб.
Бир авлоднинг умри-ку, бағоят қисқа,
Аммо талай авлодлар мангу халқ демак,
Халқ кураши ўлмаслик учун васиқа,
Дадилликка умидлар берарди кўмак.
Ўзилмасин замоннинг рипштаси дея,
Аерларнинг ораси қолмасин деб бўш,
Емасин деб тарихнинг варағин куя,
Қулликка эрк тилаги кериб турди тўш...
Ҳа, билим қолар экан, ёзув қоларкан,
Ёзувдаги азалий орзу қоларкан.
Ёмонлик ўлар экан, пастлик ўларкан,
Истибоднинг қалъаси бир кун қуларкан!..
Оҳ, китоблар, китоблар, мангу ишчилар,
Беғараз хайрихоҳлар ва кенгашчилар!
Меҳнатнинг таърифин ёзган китоблар,
Мардлар номин ҳарфма-ҳарф чизган китоблар,

Йилларим оқиб кетди саҳифаларда.

Сиз гоҳо кулдирдингиз латифаларда,
Гоҳо мудҳиш жангларни тасвир қилдингиз,
Қирғинларни нақл этиб, таъсир қилдингиз.
Гоҳ усталар ҳунарин баён этдингиз,
Олимларнинг кашфини аён этдингиз.
Лекин сизлар шоҳиди бўлган замона
Минг йилдан нари ўтмай турар ҳамона.
Нари ёқнинг кечалари ва кундузларин
Халқ эсида қидириб топдик изларин.
Қолган-қутган нақллар, афсоналар бор,
Ном-нишонсиз куйчилар қўйганлар ёдгор:
Аждодларнинг девлар-ла панжалангани,
Келганида ғанимнинг қанча лашкари
Паҳлавонлар ёвларни қириб қувгани,
Булоқларда қон юқи қилич ювгани...
Эртакларнинг тоғ каби эски мағзида
Ўтган можароларнинг чувуқ иллари,
Достонларнинг сув каби равон сўзида
Гўзалликнинг, мардликнинг сўнмас типлари.
Нақлларга, қўшиққа, ривоятларга,
Мақолларга, эртакка, ҳикоятларга
Мен умримда жуда кўп қулоқ осибман,
Эшитибман богбондан, нонвой, косибдан,
Пахсазонлар — тупроқни пишитганлардан,
Улар ўзи эшитган эшитганлардан.
Археолог курагин тупроққа қоқиб,
Туртди мозий белини босган юкларни,
Нумизматлар¹ кўзига ойнагин тақиб,
Ўқидилар тангада минг йилликларни.
Исодан, Искандардан, Кайковуслардан
Илгарироқ бу ерда бозорлар бўлган.
Тақачилар сув ичган кўк ҳовузлардан,
Айвонларни ойнасоз ойнабанд қилган.

¹ Н у м и з м а т — қадимги тангаларни текширувчи мутахассис.

«Шош камони» таърифи мерганлар аро
Эрон билан Туронда бўлган овоза.
Полизларда узоқдан кўринар қаро,
Чалинардн кўзларга баланд ҳавоза.

IV

Аждоду боболарнинг фаҳмига балли,
Илк деворни урганлар, кулба қурганлар.
(Пана экан ёмғирдан, қордан ақалли!)
Бу ерни макон қилиб бунда турганлар.
Тупроқ — семиз, сув — яқин, ҳавоси очиқ,
Қуёш эса йил бўйи бу ерга ошиқ.
Катта элга қўналга бўладиган жой,
Шарқу гарб ўртасида катта бир манзил.
Чин-Мочиндан¹ толиқиб келган карвонлар
Тойлаган ипаклари ранго-ранг, асил,
Румга қараб жўнаркан қадим замонлар —
Бинкат равоатларига қўниб хотиржам,
Тановул қилишарди нон ҳам, кабоб ҳам.
Баракалла боболар фаросатига,
Разм солиб топганлар шаҳар нуқтасин!
Кўчиб-кўчиб етганда Чирчиқ сатҳига
«Турр!» деб тортиб қўйганлар отнинг нўхтасин.
Аммо ариқлар қазиб, кўприк солганлар,
Дастурхоннинг бошида қуруқ қолганлар.
Ер ҳам, сув ҳам, қуёш ҳам, обу ҳаво ҳам
Камбағал нонин бутун қилмади. Нега?
Зўравонлар ҳукмида қул эди одам,
Толе хонадонида меҳнаткаш ўгай...

V

Эсимда, Анҳорнинг ёғоч кўприги,
Бу ерни азалдан дейишган Ўрда.

¹ Чин-Мочин — Хитой ва унинг шарқи-жанубидаги ерлар.

Жисми йўқ, исми бор. Бекларнинг арки,
Ном қолган, аммо ном эгаси мурда.
Тошкентнинг ҳокими, беклар бегиси
Шаҳарни сўраган Ўрдада туриб,
Лекин говак экан қалъа негизи,
Девор ҳам, давлат ҳам қулаган чириб.
Замон пўк нарсани тез унуттирар,
Яъни тургунликдан ҳаёт ўч олар.
Эски лой қалъа йўқ, қиссаси турар,
Ерга чўкиб кетган эски кўчалар...
Ҳозирда бу ҳолат... Аммо бу ерда —
Аввалги асрнинг ярмига довур
Ҳукумат дейилса мазмуни — «Ўрда».
У йиллар ўтганлар Сайхундай оғир.
Ўн икки қопқадан, ўн икки йўлдан
Божгирга пул тўлаб кирган карвонлар.
Ҳар юртнинг матоин қув бозорбонлар
Жойлаб қўяр экан, ўтказиб қўлдан...
Гоҳо ютқизишда, гоҳо ютуқда
Бир-бирин англарди олиқ-сотикда.
Бир-бирин тилмочсиз тушунар эди,
Уларга аниқ тил — молнинг сифати.
Ўн икки қопқадан, ўн икки йўлга
Жўнаб кетар экан юкли карвонлар,
Жанубга, Шимолга, ўнгга ва сўлга
Қатнаб юрар экан юкли карвонлар.
Ўн икки қопқадан гоҳо бемаҳал
Отлиқ босқинчилар киргани ҳам бор.
Ханжарлар дамида санчилиб ажал,
Тинч халқни тунардигилиб тору мор.
Гоҳо атрофдаги йўлтўсар беклар
Дастидан соврилди карвонлар — юклар.
Гоҳо олисдаги амирлар, хонлар,
Ишратга ўлармон, нафси ёмонлар
Хун дея, қул дея, пул дея босди,
Талон-торож қилди, зўрлади, осди.

Гоҳо ёт ерлардан «мен-мен»чи шоҳлар
 Лашкар тартиб келди дагдага бирла.
 Йўлларда ётарди кўп бегуноҳлар,
 Фотиҳлар излари — бесон қабрлар.
 Тилингдан, элингдан кеч, деб буюрди,
 Тиз чўкмай «йўқ» деди ботирлар юрти.
 Эл-элат қўзғалиб золимни қувди,
 Қайтадан тупроқдан ахлатни ювди.
 Аммо бири кетса баттари келди,
 Янги очкўзларнинг хатари келди.
 Гоҳо Бухорога, гоҳ Самарқандга,
 Гоҳ Қипчоқ чўлига, гоҳо Хўқандга
 Хирож тўлар эди Шош фуқароси,
 Чўзилди узилмай жанглар ароси.
 Эркесвар шаҳарнинг ёши, қариси
 Тош ила, мушт ила, ўқ ва тиг ила
 Эркинлик жазмида халқнинг бариси
 Босқинчи лашкарга қиларди ҳамла.
 Анқовроқ кўринса шаҳар ҳокими
 Эл шаънин сақлаган мардлар туркуми
 Муҳрини қўлидан тартиб ҳайдашди,
 (Кўндир фуқарою бек саргузашти!)
 Шош аҳли баҳодир бўлса-да, асти
 Бировлар шахрига бўлмаган қасди.
 Ўзаро талашлар, фитна-ю, фасод —
 Меҳнатни, савдони, қўшиқни эди,
 Экин пайҳон бўлди, кўприклар барбод,
 Қонли жаҳаннамдан эл-улус безди...

.

VI

Қачонки балқиди Шарқнинг уфқида
 Буюк Русиянинг қудрат юлдузи,
 Ҳали ётар эди огир уйқуда
 Кўҳна Осиёнинг ёрқин кундузи.

Аммо Оренбургдан Тошкентга қадар,
Балки Бухородан Ҳаштархонгача
Пойлоқчини ёллаб, кундуз ва кеча —
Отга қамчи босди бетинч савдогар.
У вақтлар Тошкентнинг баззозларида
Чаққон мол — Московнинг мовути, чити,
Хўқанднинг қўли гул ошпазларида
«Ўчоқбоп» Ўролнинг қозони эди.
Шимол салтанати қўллари кериб
Кунгай тупроқларга чангин солганда,
Дашту саҳро босиб жанубга юриб
Тошкент этагига келиб қолганда —
Найзаларни кўргач уқди эшикбон —
(Бу — бошқа савдо-ю, бу — бошқа карвон.)
Жамоат эшикни маҳкам қулфлади,
Аммо қарши тўплар олов туфлади.
Боёнлар қочинди, қулади девор,
Оломон олишди кўп мардонавор.
Ҳар уйда, ҳар кўйда мудҳиш жанг бўлди,
Қалъа сарбозлари ҳангу манг бўлди.
Ул замон шаҳарнинг жавобгарлари,
Аёлманд оталар, ҳалойиқ бари
Жомега йиғилди, катта кенгашга.
(Минорлар ларзадан гўё энгашган...)
...Бири чорвасини, молини ўйлар,
Бири оилани, ҳовлини ўйлар,
Бири тирик қолган бошини ўйлар,
Бири бобо гўрин тошини ўйлар.
Бири дўконини, савдосин ўйлар,
Бири масжидини, худосин ўйлар.
Бири пахта эккан тупрогин ўйлар,
Бири Қўйлиқдаги чорбогин ўйлар.
Бири янги мансаб — медални ўйлар,
Гўё хушқимордан чўтални ўйлар,
Бири вилоятнинг тинчлигин ўйлар,
Урушнинг қонларга ўчлигин ўйлар.

Яна бир чеккада турган бир ҳаким
Жаҳонгашта сайёҳ, қўлида асо,
Ўйлар Ўрусият¹ диёридаги
Кўрган шинаванда ва ақли расо
Яхши одамларни, донишмандларни,
Адолат излаган орзумандларни...
...Деди отахонлар:

— Ўрусга қарши
Яроқсиз бўп қолди бизнинг аслаҳа,
Амри илоҳийдур фалакнинг иши,
Сулҳу саломатлик энди маслаҳат...
Не лозим тўкилгай қонлар ортиқча,
Гардиши Давронни билиб бўлмайди.
Урушнинг нафи йўқ бизга тариқча,
Қисматнинг аксига жилиб бўлмайди!
Ўзаро низонинг дарду марази
Тинкамиз қуритди, хуноба қилди.
Талашган хонларнинг кеку гарази
Етди юрт бошига, хароба қилди.
Таваккал худога, у биру борга,
Тоймаймиз, суяисак катта деворга!..
Афғондан фаранглар ўтиб келмасдан,
Ғурбатда занжидай қул сотилмасдан —
Итоат этайлик оқ подшога,
Сигина қолайлик, олийпаноҳга!
Фатво чиқарилди, қарорга кўра
Бир гуруҳ оқсоқол қози ва тўра
Чиқдилар Камолон дарвозасидан,
Бир кумуш барканга қўйиб дафъатан
Ўн икки қалъадан ўн икки калит,
Тилладан қуйилган кўн эски калит.

¹ Эски китобларда ва умуман илгариги даврларда Россия ўзбек талаффузида «Ўрусият» яъни, «Ўруслар юрти» деб айтилар эди.

Тошпириб қўйилди зафар аҳлига,
Шаҳсан чор қўшини генералига,
Орти Россияда бир мустамлака...

Ярим подшонинг қўлида бу гал
Икки зулм остида ингради ўлка.
Корчалон — беҳаё, очкўз ва дагал —
Ғоят ташна эди, амалга, пулга, —
Вақтида буларни ростқалам Шchedрин
«Тошкентчи жаноблар» атаб доғлаган.
Ҳурмат қилганидан ҳалолнинг қадрин,
Аблаҳ ҳаромхўрдан кулиб боплаган...
Ким билар, Шchedриннинг ҳикоясида,
Аччиқ таънасида, киноясида —
Тошкент заргаридан бир улуш бордир,
Қочирик, мазах бор, ё кулиш бордир.

Бироқ кўрар эди жуда кам киши,
(Амримахол эди кўпнинг кўриши,)
Қўшинлар ортидан Туркистон томон
Келганин Шимолдан иккинчи карвон.
«Приступ»лар эмас карвондагилар,
Археолог билан чилангар келар:
Келар «ўрус дохтур» ила муаллим,
Маърифат, янгилик, шафқат карвони.
Бирининг қошида дори ва чилим,
Бири ўлчаб турар обу ҳавони.
Бири дурбин тутиб кўзлар увани,
Бири орқасига ортган тўрвани,
Тўрвада гугурт ва Пушкин девони.

У чоғдан ўлканинг ҳаёт-мамоти
Боғланди Россия қисмати билан,
Яъни Туркистоннинг ёғий¹ авлоди —

¹ Ёғий — исёнкор, қўзғолончи, бетинч.

Қалқди инқилобга хизмати билан.
У чоғдан ўзбекнинг ҳақсевар руҳи
Қўшилди Шимолнинг равшан фикрига.
Сочилди тупроққа иқбол уруғи,
Жон тикдик ҳуррият гулин меҳрига.
Халқлар толелари тузди иттифоқ,
Тоғу тахтлар билан курашда иноқ.

VII

Ҳозир ўрни ўчган картада,
Ўша ерда, собиқ Ўрдада
Бир кун шундай ўйланиб қолдим.
Анҳор бўйи айланиб қолдим.
Мисранг сувлар йироқни чоғлаб,
Ёз қуёшини ўпиб, қучоқлаб,
Элтиб борар эди Жанубга,
Ўзи оққан томонга, тубга...
Сувлар оқар қуйи томонга,
Ёш десанг — ёш, чол десанг — кекса,
Худди шундай, кунлар замонга,
Қуйилади асрий Уммонга;
Ҳаракатда олам ҳар лаҳза...
Хонумонга қўшилар бола,
Тезлаштирар сувни шалола...
Анҳор гўё кечаги Анҳор,
Аммо шундай ўйлама зинҳор...
Ўзи у-ю, аммо у эмас,
Ичи сув-у, ўша сув эмас,
Худди шундай ёшлик ҳам фақат
Бир бор бўлар биз билан улфат.
Кеча бундан шалдираб ўтган
Ўйноқ сувлар кўн йироқ кетган.
Ё боғзорлар тагига сингган,
Ё булутга қалқиб туташган,
Ё ҳовузлар бағрида тинган,

Ё уфқдан-уфққа ошган.
 Бугунгиси — яп-янги сувлар,
 Кечагининг авлоди булар.
 Мажнунтоллар барглари камбар,
 Шитирларди сойининг бўйида,
 Енгил қарсак чалгандай қизлар —
 Қўшнидаги никоҳ тўйида.
 Кўкатзорда қайрағоч хўжа,
 Қуш сиғинар ҳимоясига.
 Кириб қолган асфальт кенг кўча
 Хиёбоннинг кўк соясига.
 Юриб бордим сой ёқасидан,
 (Бу — Абдулла Тўқай кўчаси.
 Шеърү шаҳар алоқасидан
 Кўчаларнинг мундарижаси,
 Дарак берар алланечаси!)
 Кўча... Шоир... Ҳар ўтган эслар,
 Ҳар эшикда сақланган ҳислар!
 Туяр экан сени девор-тош,
 Сен ўлмабсан, азиз маслакдон!
 У кўчанинг нақ ўртасида
 Азим ҳайкал... Мен турамен тек,
 Пойтахтимнинг харитасида
 Ҳайкал тирик бир чақирикдек...
 Ленин демак: Инқилоб ва эрк.
 Йўл уфққа! Орқага йўл берк!

VIII

Қизил майдон эмас кўп эски,
 Тарихчига лекин етарли.
 Янги замон учун у кўзгу,
 Ўзи очик китоб деярли.
 Унинг ҳусни мангу ёшликдир,
 Эллар билан қадамдошликдир.
 Ҳайкал гўё замон саҳнида

Ҳайкал гўё замон саҳнида
Бошлаб борар адил бинони,
Ҳикматини халқлар фаҳмида —
Тўғри ўқиб ўқди маънони.
Биз Лениннинг усули қўллаб
Бу диёрда давлат қурганмиз,
Коммунизм уфқин мўлжаллаб.
Ўртоқлашиб ҳукм сурганмиз.
Олий бино... давлатхонамиз,
Оқ кунимиз, оқ қошонамиз...
У бинода, баланд равоқда
Эл бахтидан нурлар сочилган.
Кишанларни узган тунроқда
Оқ мраммрдан лола очилган.
Бу бинода мен сайлаб қўйган
Раисим бор, ҳукуматим бор.
Пештоқиға нақш қилиб ўйган
Ўроқ-болға аломатим бор.
Республика муҳри шу ерда
Фармонларга босилар вазмин,
Эркин куйлаб ҳар бир шеърда
Эрдан тердим шеъримнинг вазнин.
У майдонда яшил курсига
Ўтираман, қўлимда дафтар.
Ў, болалар учирар каптар,
Мисра қўнар қоғоз юзига!..
Оқ қошона, оқ равоқларда
Бинафшали нурлар товланар.
Қачон боқсам, бир вақтларда
Кўрганларим эсда жонланар.
Ўттизинчи йилларда бунда,
Байрам чоғи қувончли кунда
Намойишчи сафларни қатор
Кутиб олар эди Оқсоқол:
Баланд бўйли, доно, сўзамол,
Марғилонлик собиқ мардикор.
Охунбобо ўгли Йўлдошбой,

Маҳкамаси бу азим Сарой.
Энди мангу ухлар раҳматли,
Унинг умри бизга ибратли.
Қад кўтармиш байроқдор шаҳар,
Шарқда ёнар ёрқин машъалдек.
Осиёнинг кафтида гавҳар,
Жозибали мисоли эртак.
Бизни сариқ Осиё деган
Туҳматчининг уйдирма иши,
Келиб кўрсин истаган киши,
Ким ёлғончи, ким ростгўй экан.
Тошкент ялпи қизилга чўмган,
Аргувонга, яшилга чўмган.
Камалакнинг етти хил ранги
Осмонда сўлим товланар.
У ёқимли ранглар, қарангки,
Чечак бўлиб ердан ҳам унар.
Шарқни таҳқир айлаган жаноб,
Гулларки бор, сенга бу жавоб.
...Бу иморат: Шаҳар Совети,
Шаҳримизнинг эга — қуввати.
Мен сайлаган депутатларим,
Азизларим, азаматларим
Кенгашмадан чиқаётирлар,
Ҳар томонга оқаётирлар.
Улар менинг ғамимни ейди,
Янги уйни, сувни ўйлайди.
Боқ, уларнинг қўйин дафтари
Кўчаларнинг тўлган исмига,
Корхоналар, мактаблар бари
Нақш бўлган улар эсига.
Шаҳардаги дарвозаларни,
Кўча томон деразаларни,
Уйнинг чолин ҳам чақалоғин,
Шифохона, ариқ қулоғин,
Паркда дарахт ёшини, зотин

Беш қўл каби биларлар ҳатто,
Ҳасан-Ҳусан туққан ҳар хотин
Меҳнаткашдир атоқли, катта.
Бу шаҳарда ўртоқ, товариш,
Рафиқ, ибдаш... барчаси ҳам тенг,
Иш деганга бу ерда бор иш,
Шаҳримиз кенг, бағримиз ҳам кенг...

IX

Ўтмишдаги қуллик, йўқсиллик,
Қаҳатчилик, очлик, муҳтожлик,
Мансабдорлар қилган разиллик,
Жабру жафо, вабо, бебошлик,
Текинхўрнинг ҳар биттасидан,
Кичигидан ва каттасидан —
Бошга тушган мусибат, азоб,
Санаб адо бўлмас, беҳисоб.
Ёқалашди икки ҳамсоя:
Меҳнат билан қонли сармоя.
Тошкентликнинг исёнкор руҳи,
Ун олтинчи йилда балқиди.
Ерга тушди эрkning уруғи,
Уруғ эккан боғбон халқ эди.
Олмазорнинг чангли йўлига
Ризвонбиби тўкилган қони.
Наслларнинг қулоқларида
Янгираган сағир фигони.
Ким унутар ғам навосини,
Етимларнинг хун даъвосини?
...Ҳақсизликни ўчириб ташлаб,
Юртни қизил уфққа бошлаб,
Коммунистлар қилди жонбозлик,
Эрк йўлида мардлик, шоввозлик.
Туркистонни чорлади Ленин:
— Мусулмонлар, қалқинг, юксалинг!

Қилдик зулм қалъасин хароб,
Эркингизга соқчи Инқилоб!
Коммунистлар жангда биринчи,
Хужум пайти хатарда-хавфда,
Чекинишда — кейинги сафда,
Большевикнинг зоти — ленинчи,
Унинг кўзи ҳар бир тарафда.
Коммунистнинг бўлсайди агар
Юз жони-ю, юзи ҳам ширин,
Халққа, юртга ва Коммунага —
Бағишларди қолдирмай бирин.
Янги замон биносин қурмоқ
Бўлди Тошкент бинокорлари,
Биргалашиб тузди иттифоқ
Султон араб ҳамқаторлари...
Саксонлардан ошган у чолни
Тинглаганда кўрардим гўё —
Ҳаёт қандай енгиб ажални
Ўпирганин зулматни дунё...
Унинг умри жонли бир тарих,
Камтарликка, мардликка таъриф!
Партия ҳам йўлловчи сардор,
Ҳам халқларга содиқ хизматкор.
Улуғ Ленин чақириғига
«Лаббай!» деди Тошкент энг аввал,
Октябрнинг нур-ёруғига
Деразасин очиб у маҳал,
Осиёда биринчи бўлиб
Ёқиб қўйди Шўро чироғин.
Қадоқ қўллар журъатга тўлиб
Маҳкам тутди давлат байроғин.
Ҳакимзода, қўқонлик адиб
(Қўқон ўзбек шеърига қўрғон.)
«Яша Шўро!» қўшигин айтиб
Очди янги шеърга даврон.
Туркистонда қаҳрамон Тошкент

Советларнинг бўлди қалъаси.
Ҳақ ўрнатиб ҳар томон Тошкент,
Адолатнинг келди палласи.
Ҳарбу зарбда улғайди Тошкент,
Аҳвол тангу, гоя ва иш кенг...
Оҳ, ўн тўртлар, ўн тўртта ботир,
Тўнгич ўн тўрт қизил комиссар,
Кошки бўлса қаламим қодир,
Қонингиздай ёзсам пок асар!!!
У шум кеча... ва «Тупроққургон...»
Писанд қилмай жаллодлар дўқин,
Узганда оқ ваҳшийлар ўқин,
Сийналардан на дод, на фигон!!!
Сўнгги кеча, сўнгги нафасда
Эслар эди Шумилов уста
Туркистоннинг темир йўлларин,
Гояпарвар умр йўлларин.
Билар эди жасур большевик,
Унинг ҳаёт йўли битса ҳам
Коммунанинг умри кўп йирик.
Коммунизм йўллари кўклам...
Қўйилгансиз битта қабрга,
Қучоқлашиб сиз ўн тўрт қардош,
Курашларда бўлгандай бирга,
Ўлганда ҳам бирга — қабрдош!..
Шаҳрингизга эмассиз қарздор,
Ўтадингиз бурчни мўътабар.
Сизни эслар тошкентлик ҳар бор,
Қабрингизга қўйиб гулчамбар...
Кўп қимматга тушди озодлик,
Кўз ёшлардан йўғрилди шодлик.
Шу туфайли азиз ҳуррият,
Эркимизнинг баҳоси қиммат.

— Нимаси кўп Тошкентнинг?
 — Суви, сойи, сояси...
 Тошкентга ихлосманднинг
 Тугамас ҳикояси!..
 — Нималар кўп Тошкентда?
 — Ошлар, ишлар, кишилар,
 Созанда-ю, пазанда,
 Ишчилар, ишбошилар.
 — Нима кўрдинг Тошкентда?
 — Меваларнинг аслини,
 Доим қуёш фаслини,
 Қуёш бунда иззатда.
 Ораста айвонларда
 Янги қизлар кўраман,
 Яшил хиёбонларда
 Эски дўст-ла юраман.
 Тонг ёриган чоқларда
 Ерга кулги сочилар,
 Шу учун дудоқларда
 Шўх гунчалар очилар.
 Тошкентда ёз иссиғи
 Дилга берар йигитлик,
 Кабобпазнинг ҳар сихи
 Кун туфайли хуш ҳидлик.
 Теракзорлар хушбичим,
 Боғларда ҳаммаёқ жим,
 Ер ҳам, кўк ҳам мовийранг.
 Ҳавонинг юзи тиниқ,
 Шунча тиниқки, қаранг,
 Гулларнинг атри аниқ —
 Ҳавода билинади,
 Кўзларга чалинади.
 Ану дароз чинорлар
 Ўтган кузни ва қишни,

Баҳорда келган қушни
Тинмай-синмай санарлар.
Булут осиқ Чотқолга,
Булут ўхшар соқолга.
— Булутлар, ҳай булутлар,
Сизда борми бургутлар?
— Бургутларни билмаймиз,
Аммо бор самолётлар.
Бизнинг шунқор ботирлар,
Учқур, девкор ботирлар
Шаҳримизга ҳар ёқдан
Учиб келаётирлар.
Бир шеъримда, бир маҳал,
Бундан етти йил аввал
Чирчиқнинг ёқасини,
Тошкентнинг воҳасини
Мен боғистон дегандим,
Боғу бўстон дегандим.
Шу таърифни шу замон,
Қайтараман уч чандон.
Ёзнинг келиши ила
Токнинг томирида май,
Ёйма саватлар тўла
Маржон каби қулупнай.
«Жаннат шунда экан-да»
Дейилса ким ишонмас?!
Шакар ангур деганда
Айтинг-чи, ким тамшанмас?!
Ҳусайни узумимиз
Иттифокда мўътабар,
У — совға, — у хушхабар.
Ўзи — ширин сўзимиз.
Донгдор Ризамат ота
Токчиликда соҳибкор,
«Соҳиб»син ҳар катта
Дастурхонда ўрни бор.

Биз юборган ҳар ўрик
Жанубдан олтин табрик!
Дарахтларда бутоқлар
Мевалардан букилган,
Қарс-қурс билан ёнғоқлар
Дўлдай ерга тўкилган.
Асл, қизил олмалар,
Уни қизим тилмалар.
Нега ариқ лабида
Тутзорларга хушторман?
Гўё дарахт қалбида
Бир ҳисдан хабардорман.
Дейман келгач сираси:
— Тут боғлар шоираси!..
Қилган иши ширинлик,
Яхшиликка примлик.
Дастлаб баҳор чоғида,
Ҳали мева йўғида
Оғзимни ширин қилар
Асал каби оқ тутлар.
Сабр қилсам, баргидан
Ҳарир пилла ўралар,
Тутимнинг ипагидан
Ясанади жўралар.
Бу сир эмас, очик гап,
Ҳар ҳисга бор бир сабаб.
Қизлар эғнида кўйлак
Қайтага бўлса ипак,
Жилваланар, товланар,
Севги тез оловланар.
Нега ариқ бўйида
Ўсган тутлар обрўда?
Чунки сувлар қирғоғин,
Қирғоқларнинг тупроғин
Асрайди тут дарахти,
Айниқса селлар вақти.

Балки шу ишчилиги,
Одамга яхшилиги
Важдан тут кўп яшар,
Балли, юзлардан ошар.
«Қора тут» маҳалласин —
Чол шоҳиди — қадим тут,
Тўрт асрнинг палласин
Ошгани бунга субут.
Шоирона тафаккур! —
Муболаға, мақташлар!
Менингча оқ садафдир
Сой ичида оқ тошлар.
Кезар тут кўланкаси
Ирмоқлар ёқасида,
Тўқидим сурункаси
Тут шаънига қасида.
Ёш тут худди синглимдай,
Шеъримдаги кўнглимдай!
Қачон тушса унга кўз,
Қалбимда қайнар шу сўз:
— Тутзорларим, кўпроқ ўс!
Ипаклашсин ҳар колхоз!
Ипаклашсин ҳар бир қиз!
Ипаклашсин эл-улус!

XI

Тошкентда уч фасл ёз,
Баҳор — шоншанг ички ёз,
Ёз — катта ва асл ёз,
Куз — кечиккан кечки ёз.
Гўё ёз зўрлик қилиб,
Ўнгу чапни талабди.
Қўшнилари сиқилиб,
Унга божлар тўлабди.
Ҳар божи бир неча ой,

Шу туфайли ёз кўп бой.
Ёзнинг ҳукми кучайган,
Қишнинг зарби кичрайган.
Шунинг учун қиш гаранг,
Муҳлатин ўтар аранг.
Тошкент халқи куйлайди,
Еттидан то етмишга,
Нақоратни боғлайди
Ошга, ишққа ва ишга.
Яллачилар шўх, башанг,
Аммо мен ўзим шоир,
Ўз-ўзимга бастакор,
Куйлайман бахтга доир,
Бўлмасам ҳам устакор.
Огайнилар гапида
Ош есам — ўз қошигим,
Қўшиқчилар сафида
Куйласам — ўз қўшигим.
Осиёнинг қўйнида
Яшил шаҳар бор.
Мен бу шаҳар аҳлиман,
Эркин, бахтиёр!
Узоқ дўстим, яқин кел,
Қучоқлашайлик!
Бир келгандинг, тагин кел,
Иноқлашайлик!
Навоий хиёбони —
Узун хиёбон,
Бунда сени кутаман
Ўзим, хиромон!
Кечга қолсанг, бўлолмас
Узур, а, жонон!
Бунда йигит учратар
Қизин нурафшон.
Кундуз яшил, кечалар
Қизил хиёбон.

Узоқ дўстим, яқин кел,
Қучоқлашайлик!
Бир келгандинг, тагин кел,
Иноқлашайлик!
Севги билан кулги ёр,
Бу ер — гул диёр,
Ошиққа қўшиқ шерик,
Тўйимиз йирик!
Дастурхонлар тузалган,
Уйлар безалган,
Ҳай, эшик тақиллади,
Тақ-тақ қилади,
Қандиллар ёқилади,
Меҳмон келади.
Эшик очик, келади,
Ўзи билади,
Уйимиз гоят шинам,
Ҳаммага жой бор,
Меҳмонлар юлдуз бўлса,
Ўртада ой бор.
Ошларимиз муҳайё,
Яна кўк чой бор.
Узоқ дўстим, яқин кел,
Қучоқлашайлик!
Бир келгандинг, тагин кел,
Иноқлашайлик.

XII

Азалдан Тошкент харитасида
Барча ирмоқлар боғларга мойил.
Унинг тарихий анкетасида,
Ёши сўралган илк моддасида
Дейилган: «Ёшим — салкам уч минг йил».
Шаҳарга тузсам анкета агар,
Саволлар сони қилади озлик,

- «Асосий касби» деган саволга
 Ёзилган жавоб — «Меҳмоннавозлик!!!
- Кимдан иборат сизнинг хонадон?
 - Ўн бешта пойтахт, ўн беш қадрдон!
 - Борми чет элда қавму қариндош?
 - Ўн икки юртда ўн икки қардош!
 - Кимларга хатинг боради расман?
 - Дунёда барча шаҳарга дўстман.
 - Тақдирлаганми ҳукумат сени?
 - Кўксимда қўшдир давлат ордени!
 - Сен партиявий ёки бетараф?
 - Мен коммунистман, асримга ҳамсаф!
 - Ҳарбий хизматга муносабатинг?
 - Тинчлик аскар — асл хизматим!

Эрталаб баъзан шаҳарга қўнар
 Кўкимтир туман кечиккан тушдай.
 Қуёшни кўргач инига жўнар
 Учолмай қолган учирма қушдай.
 Шаҳар-чи, уйгоқ аллақачондан,
 У-ку, уйқучи бўлмаган зотан.
 Нағмаси пўлат, нафаси темир,
 Планлар билан пишган ирода.
 Яшин қудратин сингдирган томир,
 У ишчан уйлар, кўргин биродар!
 Чиний косадан тракторгача
 Яратиб берар бу моҳир қўллар.
 Чарчамай-нетмай кундуз ва кеча
 Машина ясар ёрқин ақллар.
 Меҳнат аҳлининг хизматкорлари,
 Деҳқоннинг доно дастиёрлари
 Чиқар шаҳримиз эшикларидан,
 Бағрида «Тошкент» маркаси билан.
 Тошкент ўлкага умуртқа суяк,
 Ўзбекистон — тан, Тошкент-чи, — юрак.
 Шарқнинг улугвор ишхонаси у,

Нур деразали кошонаси у.
Яхши либосга ўч қизларимиз,
Зебо киймоққа лойиқ одамзод.
Бу масалада оқ юзларимиз,
Бахтли келинлар ишимиздан шод.
Оламда машҳур текстлимиз,
Ҳар қайга борар чит маҳсулимиз,
Газлама бўйи узун тилимиз!..
Пилла ҳам ипак ўзимиздандир,
Нақшли гул кўйлак ўзимиздандир.
Пахтани эймоқ ўзимиздандир,
Либослар тикмоқ ўзимиздандир.
Шаҳрим ҳаётин бордир ўз вазни,
Бу — завод вазни, автобус вазни.
Ҳар фамилиядан энг камида бир —
Ишчи бор ёки уста, инженер..
Эрталаб кўприк бошида ҳар кун
Омонлашамиз сен билан соқит.
Ёқимтой, чаққон елкадор, дуркун,
Танийман сени, «ўқчи»лик йиғит!
Бошингда дўппи! Ҳар бодомига
Бир қизнинг кўзи нурлар томизган.
Бошингни силар ҳар бир дамида:
Бу қандай бошу, у қандай қизкан?
Ямоқчи эди, эсимда, отанг,
Ота касби ҳам шу эди зотан.
Аммо сен олдинг қудратли ҳунар,
Омилкор, сенга мотор бўйсунар.
Асрнинг кескин чин қувватисан,
Шаҳарнинг маълум депутатисан.
Илғор синфнинг зийрак фарзанди,
Қистайсан кунни эртага томон.
Сени кутганди замин ва замон,
Қўшиқ ва шоир узоқ кутганди,
Токи ўзингнинг устахонангда
Тоблаб берасан зафар ярогин.

Равшан йўлингда, ўз замонангда
Бошлаб боргайсан меҳнат тупроғин.
Сен партиянинг меҳнат доҳиси,
Вужудга чиққан армон боиси.
Шу достонимдан мақсуд ва мурод,
Қофияларнинг тапқи, ичкиси
Сенинг ўзингсан, совет ишчиси!
Бўлмасанг хаёл марказида сен,
Достон бўларди шикаст — тўлиқсиз,
Бўлмасанг даврон ўртасида сен,
Замон қоларди йўлсиз-йўриқсиз!
Сенинг виждонинг эл тарозуси,
Сенга вобаста башар орзуси.
Дилда таширсан кундузлар меҳрин,
Гайратинг енгар мушкуллар сеҳрин.
Гарчи сен ёшсан, мавқеинг улкан,
Колхозчи чоллар сени дер — «Акам!»
Деворларга гишт қўйган ишчилар,
Қолипларда гишт қуйган гиштчилар
Иморатларин ўйларкан фақат,
Тинчлик ҳавоси уларга мақсад.
«Эҳ, мушт уймоқдан гишт қуймоқ яхши!» —
Деганлар ижод куйига соқчи.
Бу иморатнинг бетида эълон:
«Яхши ният-ла келганга салом!»

XIII

Тинчлик бизга қиймат тушди,
Эрк йўлида эл урушди.
Хотирлардан чиқмас, эвоҳ,
Оғир синов ҳафталари.
Кўрмаганлар учун гувоҳ
Военкомат дафтарлари.
Хўп эслайман уни энди,
Ёзнинг аввал куни эди.

Кутубхона... Кун — якшанба...
Ўзим танҳо ўтиргандим.
Юрар эди секин — танбал
Дақиқалар одим-одим.
Катта шаҳар аҳли у кун
Боққа кетган эди бутун.
Варақлардим қўлёмани,
Ўқир эдим Хондамирни.
Жимжимадор ҳар сўз — маъни,
Ҳар сўз сақлар эски сирни.
Навоийнинг замонасин
Сайр этардим кўзим юмиб,
Жавҳарлари намунасин
Тизар эдим эсга, жимиб...
Ён эшикдан кирди кимдир,
(Боқсам бизнинг ошна — мудир.)
Ранги ўчган, гўё ўзга,
Бу — ўзгами, ўшамидир?
Зўрга огиз очди сўзга
Титраб деди: «Ёмон хабар,
Гитлер бизга қилди ҳамла,
Сарҳад бўлган зеру забар!»
Сирқиради дил алам-ла,
Хондамирни ёпиб у дам
Мен кўчага чиқдим илдам,
Хайр дедим нақлларга.
Янги жангномани очдим,
Юракларга, ақлларга
Ғазаб уруғларин сочдим.
Тиккайди соч, юрак ва ер,
Шаҳар гўё ҳарбий лагерь,
Ҳар томонда одам... одам...
Шунча одам чиқди қайдан?
Қовоқ солиқ... Чидам! Чидам!
Бўгилгандай товуш найда,
Овозларда босириқ дам...

Куёв ногоҳ бўлиб хаста
Тўй бузилиб қолганидек!
Кечагина биз мажлисда
Тўйга қарор қилган эдик;
Лермонтовнинг тўйи қолди,
Душман ишга ишқал солди...
...Мен Лоҳутий кўчасида
Тўхтаб турдим ҳаяжонли;
Хиёбоннинг чеккасида
Кўрдим Ҳамид Олимжонни;
Ҳар галгидай хотири жам,
Қиёфати жипс, ихчам.
Лекин ўзин одатидан
Кўра шошқин ташилар қадам.
Эсонлашдик: «Уруш!» деди,
«Фашист қилди хуруж» деди.
«Жанг бўлади кўп ҳайбатли,
Ёв ғаламис, қув, шиддатли.
Босиб кирган еримизга,
Қасос дея қўзгалган эл.
Кел, биродар шеъримизга —
Кийгизайлик биз ҳам шинель!
Қурбон-ку кўп бўлур, ё Шайх,
Пироварди биз енгамиз.
Истайманки, кўп йил яшай,
Эришамиз, бил, бунга биз!»
Асл шоир эди, Ҳамид,
Шеъри кураш, бахт ва умид!
Шаҳарлар-ла қатор туриб
Бажаролдик биз онтимиз.
Севиб, сийлаб, ишлаб, қуриб
Шухрат топди Тошкентимиз.
Қонли жангда қатнашди у,
Сардор эди Партиямиз.
Дўстлар билан улашди у
Фронтларга ҳадямиз.

Инобатли севги бўлди,
Аҳлиқдан белги бўлди.
Борни берган уялмайди,
Келиб кўрган ва эшитган
Ё ўқиган, ё нақл этган
Бизни хасис деёлмайди.
Тошкентимиз қурол билан,
Ақл, тадбир, камол билан,
Унинг нони, дастурхони,
Олмалари, қутлуг кони,
Сабри, жаҳли ва асаби,
Улуг меҳри ва ғазаби,
Ипаклари ҳам пахтаси,
Қасамлари ҳам ваъдаси,
Эртаклари, рубойиси,
Гўрўғлиси, Навойиси,
Қўшнайлари, таронаси,
Кўмирлари, корхонаси,
Оқ шакари, зангор чити,
Дуолари ва мачити —
Ўчимизга қилди хизмат,
Зафар бўлди бизга қисмат.
Ғалабани яратмоқдан
У тўғрида ёзмоқ осон,
Жангга кирган кўп ўртоқдан
Қайтолмади кўпи эсон.
Ҳозир кўриб томошасин
Яйраганда гулбоғларда,
Биламанки, бир чоғларда —
Бу гулбоғни кўп яшасин,
Соврилмасин, сўлмасин деб
Оқошларда ўқ-яра еб
Дўстларимиз кўзин юмган.
Бахтларини қонга кўмган,
Шу важдан гул қизил экан!

.

Тахтапуллик Собиржонни
Танир эдим мен Бокудан.
Зап чавандоз, миқти, жонли,
Хосиятли улфат жуда.
Ҳарбий мактаб табелида,
У Тошкентдан келган «курсант».
Озарийлар таъбирида
«Ўзбай қардош» деса хурсанд.
Икки гапнинг ҳар бирида
Айтган сўзи: «Бизнинг Тошкан».
«Бизнинг Тошкан,

Бизнинг Тошкан...»

«Бизнинг Тошкан
ошини денг.

Қизнинг учган
қошини денг!

Тошкан ошин
ейман десанг,

Қалам қошин
дейман десанг —

Гапнинг чиройлик!

Ҳай-ҳай борайлик!

Таъбинг чиройлик!

Тур, тез борайлик!»

.

Ҳамшаҳарлар дуч келганда,

Собир бир оз ечилганда

Айтади ўз ашуласин,

Дейди пиво ичилганда:

«Ким ичмаса у тўласин!»

.

Хайр дедик биз Каспийга,

Ҳар ким кетди ўз касбига.

Биз — муаллим, у командир,

Айрилганда айтди Собир:

—«Хайр дўстлар, билинг, агар,

Бўлмасайдим мен бир аскар,
Буни ҳеч ким билмагандир,
Бўлур эдим бешак шоир!»
...Уқдингми дўст, у йигит ким?
У — генерал Собир Раҳим.
Ўттиз йилдан сўнгра уни
Мен кузатдим...

тобутини?!

У тошкентлик Собир — сардор,
Фашистларни қилди хароб.
Гўрсиз ётган ирқчи — мурдор
Осиёдан олди жавоб.
Паймонимиз ростлигини
Қони билан бирлаштирди.
Ўзбек — поляк дўстлигини
Дили билан улаштирди.
Киндик қони оққан ердан
Бўлмасин деб хоки жудо —
Биз Тошкентда, яшил гўрда
Кўмиб дедик:— Оҳ, алвидо!
Илгариги хайрлашув
Ҳеч гап эмас экан-ку!
Хайрлашув — ана шу!
На ваъда бор, на нидо,
Алвидо!

...Биз Тошкентни илгаридан
Авайлаган туғма бўгин,
Бироқ уруш йилларидан
Сўнг меҳримиз ортди тагин.
Чин граждан эди Ҳамид,
Сўзи билан феъли яхлит.
Айтганидек жангда енгдик,
Ғолиб чиқдик, хўп севиндик,
Аммо, ҳайҳот, бажармади
У иккинчи ўз ваъдасин,
Ҳалок бўлди ва кўрмади

Беш йилликлар тантанасин.
Ҳалоқ бўлди... фронтлардан
Кўп йироқда, ногаҳоний,
Бироқ офат еб хатардан
У ҳам бўлди... жанг қурбони.
Жарангли авж пардасида
Синди шоир қўлида соз.
Янги авлод ўртасида
У нағмага қўйиб ихлос
Қўшиқчилар қўшар овоз...

XIV

Улансайди Тошкентдаги ҳамма кўй-кўча
Бориб етган бўлур эди Москвагача.
Боғчалардан хиёбонга, майдонга ўтиб,
Қанча кезсам адо бўлмас бизнинг кўчалар,
Шояд ёзсам хато бўлмас — юз минг кўчалар.
Мен Бируний майдонидан кўп ўтдим ёлғиз,
Ўтиб бўлмас у ердан ўйсиз-хаёлсиз.
(Муаллимнинг вазифаси қатнамоқ дарсга,
Ёлғиз юриб ўйламоқнинг гашти бор ўзга)
Бир қарайсан боғи кўлда қайиқлар сузар,
Қайрағочлар сояларин сувларга чўзар...
Мен Муқимий театри қуббаларида
Каптарларни кузатаман тепаларида,
Ҳатто улар ишқибозкан ёқимли куйга,
Одам нечук мафтун бўлмас бу хушхон уйга!
Нари ёгда туғуруқхона... Серфарзандликда
Жаҳон аро ўзбек халқи биринчилардан.
Ўйлайманки, чақалоқлар-ку, эндиликда
«Инга-инга» ҳунари-ла ўланчилардан
Ўзолмасу, лекин пайти келганда булар
Саҳналардан қойил қилиб куйлар ва кулар.
Бола деса хотирланар болажонликлар,
Болаларга ғамхўрликлар, меҳрибонликлар.

Мен тошкентлик темирчига айтаман:— Раҳмат!
Ўн тўрт бола асраб олган Шоаҳмад ака..
А, меҳрибон Баҳри опа, сен чекиб заҳмат,
Ўз болангдай меҳр қўйдинг ўн тўрт ўксизга.
Ўн тўрт бола, ўн тўрт миллат, турли ўн тўрт от
Шоаҳмадининг авлоди деб танилган авлод.
Бу гулзорлар, бу ҳовузлар, боғлар, боғчалар
Алланелар эслатади бу кенг кўчалар..
Ҳа, бу йўлдан борар эди ишига ҳар кун
Ўз сеvimли «Ҳамза»сига вазмин, сервиқор,
Интизоми соат каби, суҳбати эркин,
Артистларнинг чин «Огаси», буюк санъаткор.
Ўсиқ қошлар остидаги кўзларда ханда,
Яхшиликдан сўз очарди ҳар кўришганда.
Биз у билан қўшни эдик ва ошна эдик,
Унутилмас бир жозиба бор эди унда.
Диди нозик, ахлоқи пок, идроки етук,
Ибрат мағзин ахтарарди ҳар бир ўйинда.
У Тошкентда туғилганди «Занжирлик» ёқда,
Ҳозир ухлар киндик қони оққан тупроқда.
Ўсмирликдан гўзалликка очди бағрини,
Санъатимиз мудом эслар Маннон Уйғурни.
Бу майдонлар, туташ кетган асфальт кўчалар,
Доҳийларнинг, шоирларнинг, қаҳрамонларнинг
Номларини сақлаш билан зўр инсонларнинг
Ўзлари ҳам улуғликдан гўё куч олар.
Ўша кун ичра неча соат, неча дақиқа
Кезганимни эслайман папирос чекиб,
Дилхуш мавзу ўйлар эдим хаёлга чўкиб,
Яёв юрсам наъзам бутун! Бу гап ҳақиқат..
Бу шаҳарнинг ярми таниш, дўст ва оғайни,
Омонлашиб юрмоқдаман, хаёлда мавзу.
(Ҳар мавзуни тинчитмоқнинг чораси ёзув.)
Мавзуимнинг замирида бу Тошкент, айни..
Машинада, трамвайда ёки пиёда
Ўтаётган дўст-ошналар ҳаддан зиёда.

Саломлашиб бормоқдаман кўкракда қўлим,
Бу эл билан шерикликдир ҳаётим, йўлим.
Мана артист, мана ишчи, талаба, шофер,
Мана доктор, бу министр, бу-чи, инженер...
Мен бу халқнинг шоириман... Шу учун гўё
Ҳар саломда эҳтиром бор ва бир оз даъво...
Кўп хаёллар, гоҳо равшан, гоҳо пажмурда,
Тахланмаган варақлардай турар фикрда...
Қумриларнинг «ху-ху»лари, гулларнинг иси,
Шабнамларда ҳали ўчмай қолган ой нури,
Тунов кунги зиёфатда қизлар кулгиси,
Лола ранги, най оҳанги, шийпонлик сўри,
Марҳумларнинг хотираси, тирик васият,
Ўтган кунлар, бугунги иш, эртанги ният...
Лекин билдим ва англадим ўйларга толиб:
Ёмонликлар ўтқинчидир, яхшилик ғолиб.

XV

Яшнаётган Тошкентимиз, мози қолди орқада,
Коммунизм диёрига элтаётир ҳар қадам.
Олмаота, Боку, Таллин, Киев билан қўлма-қўл,
Аҳд қилишган Иттифоқда, босилмоқда олға йўл.
Жаҳоншумул шаҳарларнинг сирасида шаҳримиз,
Харитада унинг рамзи — беш бурчак қизил юлдуз.
Тошкентликнинг ифтихорга ҳақи улкан оламда:
Навоий театрига томошага кирганда
Нафосатнинг мактабида гўзалликдан ўқир дарс,
Ҳалимани эшитмоқлик — гражданлик бурчи — фарз.
Фонтанларда ярқираган гулдаста олмоссимон,
Бу — шаҳримиз юрагида дўстлар учун армуғон.
Кеча кўрдим самовотда дунёмизнинг йўлдошин,
Ҳайрон-ҳайрон қарабдикан минглаб ўлка ва шаҳар.
Қитъаларга келтираркан биз ясаган бу яшин
Ҳайрли бир почтальондай ойдин салом, хушxabар.
Инсоният даҳосининг, тотувликнинг ҳамроҳи,

Ер юзига осмондан қарар фаннинг нигоҳи.
Кўп ўтмасдан йўлдош билан барча олам танишди,
Бу йўлдошнинг бунёдида бутун Ватан қатнашди,
Бунда Тошкент илмининг ҳам иштироки бор бир оз,
Юлдузларга қизиқмоқлик биз учун эски мерос.
Барча совет олимлари бир оила — уруғдек,
Асрларнинг муаммоси ўтиб қолди бизларга.
Севингандан мот қоларди тирик бўлса Улугбек,
Ер юлдузи қовушар деб кўкдаги юлдузларга.
«Қори ака» деб танилган домла Қори Ниёзий
Илимизнинг машаққатли ўтмишидан хабардор.
Ибн Сино Бухорийнинг бизга ўтди мероси,
Машҳур илмий марказларга Тошкент бўлди ҳамқатор!
Донишмандлар анжумани бизнинг Академия,
Ўлкадаги билимларга юксак даргоҳ ва мия.
Боқ, Ильичнинг нақадарли мурувватли имзоси,
У қўл қўйди: яратилган Тошкентда Дорилфунун,—
Туркистонда барча олий мактабларнинг асоси,
Ленин амри — билимларга қанот берган чин қонун.
Дорилфунун даргоҳидан ёшлар чиқиб ҳар ёққа,
Ленин нурин элтмоқдалар шаҳарларга, қишлоққа.
Ховлисига киргандай бизга келар пахтакор,
Кенгашли иши бордир олим — пахташўноса.
Аслин десам: шаҳрим ўзи пахтачидир миришкор,
Зарур бўлса ҳашарчимиз, кучимиз аямасдан...
Мирзачўлнинг агрономи, Тошкентдаги инженер,
Пахтамизни асраб териб тошширмоқнинг ғамин ер.
Янгиликнинг ихлосманди, эртани ўйлар нуқул,
Чинакам эл файласуфи Ҳамроқулов Турсунқул.
Ернинг, сувнинг, ғўзаларнинг тилига хўп тушунар,
Табиатнинг сир — китобин уқиб олмоқ зўр ҳунар.
Ўзича бир вилоятдир унинг машҳур колхози,
Ивановлик тўқувчи ҳам, Тошкент ҳам ундан рози.
Биз у билан қадимий дўст, шу билан фахр айлайман,
У Тошкентга келганида уни кўргач ўйлайман:
Рассом бўлсам солиб қўйиб унинг азим расмини,

«Ўзбек халқи — ўзига бек!» деб қўярдим исмини.
Алишернинг номидаги кутубхона шуҳрати
Навий ва китоб сўзи бор ҳар жойда юради,
Қанча дўстлар орттирганман у маърифат ерида!
Гарчи булар кўпчилиги исмин қўйиб китобда
Иззат кўрмай, заҳмат тортиб номардларнинг қаҳрида,
Кўз юмганлар аллақайси асрларнинг қаҳрида,
Аспирантка варақлайди помин эслаб шу тобда...
Биламанки, кеча билан бугун пайванд туташган,
Кеча билан эртанги кун бугун важи қариндош.
Бу кечаги Тошкент, аммо эмас, кечаги Тошкент,
Кеча билан бугун ёру, аммо эмас ўриндош,
Жинкўчалар, эгри-бугри маҳаллалар ўринини
Замонага уйгун янги иморатлар эгаллар.
Шу яғринли кенг шаҳарнинг ўзига боп тўнини
Ўзбекнинг ўз услубида меъморчилар тикарлар.
Ишхоналар, ошхоналар, гўштхоналар, заводлар,
Идоралар, магазинлар, шифохона, мактаблар.
Шунча уйни кенг бағрига сиғдиролган зўр шаҳар
Кийинтирар ва ўқитар, тўйдиарар ва ишлатар.
Ховуз бўйи — чойхонада гул гиламда олиб тин,
Оқпар чойни саратонда ичмаган билмас қадрин!
Бир пиёла чой узатган бизга бўлур дўст-ҳамдам,
Ошнамиз қанча ортса, ётлар бўлур шунча кам.
Ҳеч қаерда Тошкентчалик, балки, бозор топилмас,
Ҳафтамизнинг етти куни раста-дўкон ёпилмас.
Нонин, гўштин, қандолатин, майизинми айтайин,
Паловини, тар мевасин, қимизинми айтайин?
Аммо нега яширайин, ҳали соқчи ҳуштаги
Гоҳо зарур бўлиб қолар бизнинг бозор-гузарда,
Ювса кетар лой ёпишган янги тўннинг этагин,
Қушқўнамаси қўпорурлар, бош кўтарса гулзорда.
Биламизки, шаҳримизнинг лойи чанги кўп ҳали,
Бу — қоронғи кечалардан юқиб қолган сарқитлар,
Лой кулбалар гўё букик марсиялар ҳайкали,
Йиқик йиллар пучлигини қайта-қайта таъкидлар.

Аммо сақлаб ўтиллиқнинг удум-қондаларин,
Ўурматлаймиз оталарнинг машхур обидаларин.
У мужассам биноларки, тагида тош пойдевор,
Халқнинг меҳнат даҳосига қотиб қолган тарона.
Кўкалдошнинг мадрасасин қураётган бинокор
Билар эди зиндон эмас у қургани — дарсхона.
Тошкентлиқнинг мазмунида асрларнинг қиймати,
Тошкентга илк дарахт эккан боғбонларнинг ҳиммати.
Абурайҳон Берунийнинг букилмас ҳақиқати,
Навойининг муҳаббат, одамзодга шафқати,
Муқимийнинг қаҳқаҳаси, ёмонлиқдан диққати,
Маърифатнинг фидойиси, Фарғонанинг Фурқати,
Инқилобнинг қўрқмас ўғли Ҳамзанинг садоқати,
Замонанинг дарёсига қуйилди бу чашмалар,
Коммунизм денгизига йўл олди дўст кемалар.
«Эллик йилда эл ўзгарар» деган гап бор ўзбекда,
Шу қирқ йилда янгиланиб қолди одам ва тупроқ.
Кел, ҳамшаҳарим, олға томон, биз турмаймиз бир четда,
Шаҳримизнинг ўтмишидан келаси куни кўпроқ.

XVI

Шаҳарларнинг номи абадий,
Бу номларни қўйган эл-улус.
Манглайларни секин ўпади
Ўтиб турган асрлар холис.
Одамларга қўйгандай лақаб,
Шаҳарларнинг шарафин олқаб
Қўйилганда унвонлар махсус,
Тошкентимиз олган тахаллус
«Саломобод» бўлар эди, рост,
Бу тахаллус шаҳримизга мос!
Шарқдан, ғарбдан, жанубдан мудом
«Салом» дея келар меҳмонлар,
«Салом» деса, «алик-ассалом»,
Ва гулдаста олар меҳмонлар,

Улар кўнгил қўноқларидир,
Чин дўстликнинг иноқларидир.
Осойишнинг, равшан тинчликнинг
Устимизда эсар ҳавоси,
Шу учун ҳам босқинчиликнинг
Чўчитмайди бизни игвоси.
Ўн иккимас энди дарвоза,
Балки бир юз ўн учдан ошиқ.
Олам аро, илиқ овози —
Шуки — Тошкент, қўли кўп очиқ!
Қул ерларда жабру зулмдан
Жафо тортган йўлчилар келар,
Беш қитъадан, етти иқлимдан,
Сузиб, учиб элчилар келар.
Шарқнинг ҳаво дарвозаси биз,
Янгиликнинг андозаси биз.
Дўстлар учун эшиклар очиқ,
Саломлар-ла нурланар қўшиқ.
Тинчлик бизнинг анъанамиздир,
Меҳмон келса тантанамиздир!
Шаҳаримиз раиси ҳар гал
Танти меҳмон қўлин сиққанда
Деймиз: «Тошкент билан шу маҳал
Тинч шаҳарлар жўра экан-да!»
Қўлида уд таёғи билан
Ҳиндистондан келганда Неру,
Шаҳримизни уйидай билган,
Ўз нутқида шу гапни дер у.
Президент Аҳмад Сукарно
Қўйган «Юлдуз» исмин кўтариб
Шаҳримизда ўсар шўх, барно
Бир қизчамиз эмаклаб туриб.
Ўз исмининг маъносин билиб,
Юлдузларга қарайди кулиб.
Индонезу — Совет дўстлиги
Қардошликнинг асли, ростлиги.

Юлдуз каби порлайди доим,
Бир юлдузки, вафода қойим.
Тошкентликда бағоят қадим,
Яшаб келар эзгу бир удум:
Учрашганда биринчи сўроқ —
«Тинчликми?» деб ҳол суриштирмоқ...
«Тинчлик» сўзи ўзбекнинг айни
Тупроғидан тугилган маъни.
Бу — ёқимли, сероҳанг бир сўз,
Ҳаёт — булоқ, тинчлик — унга кўз.
Боғбонларнинг еридир Тошкент,
Боғбонларга тинчлик керак-ку!
Корхоналар шахридир Тошкент,
Ишчи қилар тинчликни орзу.
Олимларнинг маркази Тошкент,
Олимларга лозим осойиш.
Қўшиқчилар ўлкаси Тошкент,
Сулҳни қилар қўшиқчи хоҳиш.
Меҳмонлар, сиз — юрак қўноғи,
Хуш келибсиз уйимизга сиз,
Ортсин дўстлар сони-саноғи,
Жанг балосин ҳеч кўрмагайсиз!
Сизга берар гулдасталарда
Анқир меҳмондўстликнинг атри.
Қалби-дили пайвасталарда
Кам бўлмайдиган меҳрнинг қадри!..
Добричадан келган булғорга
Бағишладик уруғлик чигит,
Олтин ҳосил йиғгач омборга,
Эслар биздан рози у йигит!
Яшасин гул, яшасин кулги!
Яшнаб турсин шундай бир гулки,
Унинг номи бўлгай яхшилик,
Куйиб кетгай ёвлик-вахшийлик.
Курашларда сафлар зичлиги,
Шунда эллар, диллар тинчлиги...

XVII

Ўйчан оқшомлар!..
Салқин оқшомлар!..
Нашъага элтар,
Қўшиқни этар —
Талқин, оқшомлар...
Кечалар кайфи!
Оқшомлар файзи!
Уни айтмаган,
Таъриф этмаган
Шоирлар қайси?!
«Эртагача хайр!»
Деб қуёш ботар,
Ўйламанг ётар,
Йироқларни сайр
Этгали кетар.
Оқшом қуёшининг
Кечки ёридир,
Соя оташнинг
Ўз меъёридир.
Ирмоқ бўйида
Кўм-кўк майсалар,
Майса бўйидан
Ел ҳиди келар.
Бодрингнинг иси
Бу ўтларда бор,
Шуки боиси:
Ҳамиша баҳор.
Оҳ, ўтган йиллар,
Ҳаваслар, майллар..
Интизоримга
Сирдош соҳиллар!!!
Сени бу ерда
Кутган чоғларим,
Ана бу жарда

Ётган чоғларим
Кетмайди кўздан,
Чиқмайди эсдан.
Борми хотирда
Беғам кунларинг?
Ана бу ерда
Куттирганларинг?!
Мен-чи, қалбимда
Ўз номимсимон
У илк бўсани
Ташийман ҳамон.
Қош қораймоқда,
Майин ирмоқда
Шу кечки чоқда.
Кундуз иссиғин,
Ҳаво босигин
Тинимсиз еллар
Шимириб элтар!
Чўқар қоронғи,
Не хуш, қаранг, у!..
Боғларда жимлик,
Нилранг ўсимлик,
Ҳаво шарбатдай
Хушбўй ичимлик.
Уйқулар кезар
Гуллар ароси,
Сукут — тушларнинг
Аксисадоси.
Сувда юлдузлар
Барқ уриб турар,
Гўёки қизлар
Сайилда юрар.
Боғларда гарчи
Уйқучил жимлик,
Аммо парклар-чи,
Шовқин, гавжумлик;

Рақсга тушганлар,
Пиво ичганлар,
Хиёбон аро
Жуфт юришганлар.
Бир ёқда суҳбат
Паловдан, чойдан,
Бир ёқда доклад
Миррихдан, ойдан.
Бу кеча яна
Юз хонадонда
Албатта, тўй бор,
Сурон, ҳой-ҳўй бор.
Ҳофиз ва машшоқ,
«Лапар» ва «Ушшоқ»—
Учун талашув,
Ялни талаб шу.
Гоҳо мот қилар
Тирик куйчини
Эшитсак агар
Пластинкадан
Мулла Тўйчини...
Куйлар серқайғу
Фузулийдан у:

«Шифойи васл қадрин ҳажри-ла бемор ўландан сўр,
Зилоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.
Лабинг сиррин галиб гуфтора мандан ўзгадан сўрма.
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр!»

Буниси кўп сөз.
У бахмал овоз —
Сақланган экан
Улуғ ҳофиздан...
Муסיқа ўсар
Асл илдиздан!
Аҳли тўй шу чоқ
Улфат, хушчақчақ...

Оқ мусалласни,
Ё май чаросин
Кўтарар дўстлар,
Айтишар тостлар.
Куёвни сийлаб,
Елкасин силаб,
Келинга эса
Ўн фарзанд тилаб
Қўярлар талаб.
Тонггача ўйин,
Ўйна ва суюн!..
Трамвай юрар
Одамни ташиб,
Кинодан чиққан
Ёш-яланг шошиб
Уйма-уй жўнар,
Қандиллар ёнар,
Худди шу пайтда,
Тунги навбатда
Цехида бу тун
Кўз юммай бутун
Ишчи иш қилар,
У яхши билар:
Маҳсули фақат
Эл учун неъмат.
У билан ҳамдам
Ётмас шоир ҳам,
Ўз халқин куйлар,
Шафақни пойлар.
Шоир билади:
Тун ҳомиладир,
Унинг бўлғуси
Ҳар иши китоб,
Ва туғилғуси
Фарзанди офтоб.

XVIII

Ватанининг маъноси улугвор, улкан,
Ҳа, Ватан сўзининг чеки бепоён.
Бу ерда туғилган, яшаган, ўлган,
Яратган, ишлаган, курашган инсон
Ватан меҳри билан ўз қадрин билган,
Ватансиз кимсалар дарвиш дейилган.
Юраклар — юлдузлар, Ватан — коинот,
Бир тилак, бир ғоя, бир тан коинот.
Ватан — Камчаткадан Ботумигача,
Барнавул гугуртин бир учқунидан
Электростанция атомигача;
(Асрлар ёрийди оқ ёлқинидан...)
Ватан — узукдаги зумрад тошлардан
Ернинг осмондаги йўлдошигача.
Серсоя, мўйсафид қайрағочлардан
Мўмин бинафшанинг кўз ёшигача.
Чапдаст, ҳозиржавоб сартарошлардан
Қишлоқда муаллим маошигача;
Ватан — мармар тўшли Қора денгиздан —
Гуллар бағридаги шабнамга қадар,
Кремль бурчида ёқут юлдуздан
Туркман қиз тўқиган гиламга қадар...
Ватан — бувилардан набирагача,
Чўпон сурнайидан операгача...
Ватан — гўзалликдан яхшиликкача,
Қишдаги қорлардан яшилликкача;
Третьяков номида галереядан
Шаҳид Улугбекнинг мақбаригача;
Эртаклар айтувчи бир қариядан
Радионинг сўнгги хабаригача...
Аммо ҳар кимсага шу азиз юртда
Ёзилган биронта манзил паспортда.
Менинг паспортимни сўрасанг агар,
Мен эски тошкентлик... Жойим — бу шаҳар.

«Тошкент шахри» деган мухр менга бас!
 Ҳовлим, магазиним, чойхонам шунда.
 Ёзда чанқаманган чой қадрин билмас,
 Кўк чойнинг нақши бор ҳар бир қошинда.
 Тошкент қадамжодир... Азиз жой экан.
 Фрунзе амирона қадамлари-ла,
 Куйбишев большевик одимлари-ла
 Тошкент табиатин пишитиб қўйган.
 Мардликка қадамжо шу қутлуғ тупроқ,
 Замонлар елларин кўп кўрган бу ер...
 Мирзатераклардан қилинса сўроқ,
 Шимол елларининг қулочидан дер.
 Эй шимол еллари, эй жўмард еллар,
 Сиз олиб келдингиз эрлик ҳавосин.
 Улуғ россиялик азамат эрлар,
 Бизга ўргатдингиз енгмоқ сафосин.
 Шу учун ўзбекда мақолдай дерлар:
 «Йўлдошинг агар русдур,
 Билки, йўлинг дурустдур...»
 Байроқда мунаққаш ўроқ ва болға,
 Доимо олға, доимо олға!
 Коммунист зеҳинли, ўзбекча танги,
 Социализм машғали, Совет Тошкенти!
 Тошкентни севмоқлик юракнинг иши,
 Шу учун шартмикан бунда тугилмоқ!
 Шартми, бир романга ишқибоз киши
 Ўзи у романга қаҳрамон бўлмоқ?!
 Умрим бино бўлди Озарбайжонда,
 Кечди болалигим у гул маконда.
 Низомий ватани, Ганжа ўлкаси
 Ўпкамга тўлдирди шеър ҳавосин.
 Кур наҳрин мулойим, тинч музикаси
 Кўнглимда уйготди куйлаш ҳавасин.
 Лекин шоирликнинг нозик толеи
 Кулди Сирдарёнинг ҳавзаларида.
 Ўзбек қуёшининг чин оталиги

Акс этди мастоба косаларида.
Ҳазрат Навоийнинг ўпиб қўлини
Ўзбек водийсида отимни сурдим,
Ижод қарвонининг узоқ йўлини —
Азиз йўлдошлар-ла ўтолдим, юрдим.
Йўқ, мен тақдиримдан эмасман хафа,
Шоирлик унвони бахтимдан тухфа!..
Қаламга нур олдик биз Советлардан,
Эшитган эдимки мўйсафидлардан:
Кўчат кўчиб келиб экилган тупроқ
Унинг ватанидир дейиш тўғрироқ.
Бу шаҳар шеъримнинг тиниқ чашмаси,
Яшадим ўттиз йил бунда чамаси.
Бу ерда туғилган Ғафур ва Ойбек,
Умримнинг бошланғич мавсумларида
Мени ардоқлашди қучиб огадек,
Инилик кўрсатдим таъзимларида.
Бири — шеъримизнинг ўтли юраги,
Бири — наср уйининг баланд тираги,
Очдилар уй билан қалб эшикларин,
Аямай ўғит ва мезбонликларин.
Йигитча эдим мен ҳаваскор; содда,
Бўлдим оқибатда шоир Шайхзода!..
Эҳ-ҳе, ўтган кунлар еллари эсди,
Қалин сочимизни чимчилаб кезди,
Дўстлар-ла баҳслашдик, ичдик, кулишдик,
(Офтоб мазмунли бир қадаҳ шароб
Юракка сингдирар шўхлик, иссиқлик.)
Оғир замонларда нонни бўлишдик,
Шерикли ёзилди жанговор китоб...
Шарқи-жанубдаги шавкатли пойтахт,
Тошкент, сен ўзингсан азим поэма.
Сени асраб келди она каби вақт,
Ҳеч қачон, йўлимни тугатдим, дема!
Сен мангу шаҳарсан, кундай безавол,
Сени таъриф қилган дostonчининг ҳам

Байтлари тугаши, бу — амримаҳол,
Ҳар қанча тараннум этилсанг, бу — кам!..
Сафар чоғи сени тушда кўраман,
Шарқдан учиб келган қушда кўраман,
Нақши гул кўйлақда ва сур папоқда,
Шароб шишасида, мармар равоқда,
Аччиқ мурч солинган ошда кўраман,
Ўсмалар қўйилган қошда кўраман.
Мен ўзбек шеърининг тўққиз вазнида
Сенинг достонингни оҳангга солдим,
Қиссага кескинлик бермоқ жазмида
Бахши бисотидан ўлчовлар олдим.
Дерлар, кам ўқилар узун достонлар,
Айниқса, саргузашт оз бўлса агар.
Аммо яхши кўрган нарса туфайли
Киши сергап бўлса бу узр, майли!
Ошиқ ўз ишқидан сўйласа, нуқул,
Ўйларки, ҳаммага севгиси маъқул...
Узрим шу тариқа, азиз китобхон,
Сергап бўлишлигим суйганимдандир.
Тошкент тақдирида келажак аён,
Дилда келажакни туйганимдандир.
Куйладим, ўн саккиз бобда — қўшиқда,
Ва «Тошкентнома»га қўйдим сўнг нуқта.

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Беш пардали тарихий фожиа

Қатнашувчилар:

- ✓ Султон Муҳаммад Аловуддин Хоразмшоҳ — Хоразм шоҳи.
- ✓ Жалолиддин Мангуберди — унинг ўғли.
- Султонбегим — шоҳнинг қизи, Жалолиддиннинг туғинган синглиси.
- Амир Бадриддин — Самарқанд ҳокими, Султонбегимнинг қайлиги.
- ✓ Темур Малик — сардор. Хўжанд ҳокими.
- Элборс паҳлавон — чўпон.
- ✓ Муҳаммад Насавий — Тарихчи. Жалолиддиннинг котиби.
- Она — Жалолиддин ва Султонбегимнинг онаси.
- ✓ Имом Шаҳобиддин Хевақий.
- Яроқбек — Бадриддиннинг мулозими.
- ✓ Чингизхон — мўгул хоқони.
- Қодогон нўён — Чингизнинг саркардаларидан.

Девона чол, сипоҳлар, бозор аҳли, сарой хонимлари,
канизлар, мўгул аскарлари.

Воқеа XIII асрнинг биринчи чорагида ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Самарқандда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг муҳташам саройи. Султоннинг ўз қизи Султонбегимни Самарқанд ҳокими Амир Бадриддинга чиқариш тўйи. Хоразмча кийинган қизлар қаторида келин — Султонбегим, Самарқандча кийинган йигитлар қаторида куёв — Амир Бадриддин ўтирар эди. Бир ёқда ҳофизлар, машшоқлар, раққослар, соқийлар. Келинга қараб қизлар ялласи.

Я л л а

Васли аро лаҳза ҳузур кўргали,
Хатти жамолига хирож бергали,
Хоки қадам жойига кўз сургали,
Бир қарамоқ шунча гуноҳми ҳали?
Аҳли жаҳон бўлди забун, яли-яли,
Ишқи яна бўлди фузун, яли-яли!

Бизни яна шунча унутмоқ нечун,
Ҳажринг аро ғуссани ютмоқ нечун?
Севги дебон ўзгани тутмоқ нечун?
Ғурбат аро бизларни отмоқ нечун?
Соҳиби бахт айлар илоҳ, яли-яли!
Шоҳ қизи Султонбегим, оҳ, яли-яли!

Балки куёв кўнглини шод айлабон,
Севги тунн ваъдани ёд айлабон,
Нағмаи навзодни мурод айлабон,

Бир чақалоқ ҳар йили бас, яли-яли!
Йилда бири ҳеч кўп эмас, яли-яли!
Йилда бири ҳеч гап эмас, яли-яли!

(Жалолиддин ва Насавий кириб келадилар.)

М а д д о ҳ

Ассалом, давлатпаноҳ, ҳазрат Жалолиддин яша!
Ассалом, давлатпаноҳ, ҳазрат Жалолиддин яша!
Мангулик бирла яша, ё Мангуберди марҳабо,
Хоразмшоҳ давлати бўлгай музаффар доимо!

Ҳ а м м а

Ассалом, давлатпаноҳ, ҳазрат Жалолиддин, яша!
Ассалом, давлатпаноҳ, ҳазрат Жалолиддин, яша!

Б а д р и д д и н

(келинга)

Хаёлингиз ишқида гўё девона,
Қалбим ичра тутдингиз шундай бир хона,
Унутдим мен ўзимни, элни, мансабни,
Виждонимни, диёрни, дину мазҳабни!

С у л т о н б е г и м

Севги қилди шунчалик паришонхотир?
Ундай бўлса бўлайин мен ҳам хавотир,
Тагин севгим туфайли унутманг мени!

Б а д р и д д и н

Номимни ҳам унутсам, унутмам сени!

Ж а л о л и д д и н

Олинг, дўстлар, бодани кечикмай шу дам,
Бода оқар хонага сира ёгмас гам!

Султонбегим огасига май узатади. Жалолиддин ўзига
хос жойда ўтиради. Ёнида Насавий. Хоразмшоҳ ўз ва-
зир ва аъёнлари билан кириб келади. Ҳамма таъзим
қилади. Шоҳ тахтга ўтиради. Соқчилар ва маддоҳлар
шоҳ ҳузурига бориб мадҳия айтадилар.

М а д д о ҳ л а р

Ассалом, эй Хоразмшоҳ шахриёри — пурвиқор,
✓ Бир қўлингда ганжи олам, бир қўлингда зулфиқор! ✓
Қиблаи олам тасаддуқ, ё амиралмўъминин!
Давлатингда мустарихдир аҳли ислом, аҳли дин.
Тангрининг олам аро соясидурсан, ҳукмдор.

(Куёв ва келин келиб шоҳга таъзим қиладилар.)

Х о р а з м ш о ҳ

Парвардигор менга айлаб улут иноят,
Беш иқлимда қура олдим шонли бир давлат.
Лашкаримнинг савлатидан титрайди жаҳон,
Халифани Бағдод менга бош эгар алъон.
Тахтигоҳим пойгаҳида ғурлар, афгонлар,
Тиз чўкдилар қаро хитой, салжук, наймонлар.
Шафқатимга сизгинмоқда бир ёқда Ироқ,
Ёнбошимда Ҳинду Панжоб, бир ёқда Қипчоқ.
Бир пуфласам ирғиб тушар шоҳларнинг тожи,
Карвонларнинг ташигани хазинам божи.
Салтанатнинг андишасин ўйлаймиз кейин,
Сусайтирмай давом этинг қизимнинг тўйин!

(Раққосалар ўйинга тушадилар, худойчи кириб келади.)

Х у д о й ч и

Чингизхондан келмиш элчи!

Х о р а з м ш о ҳ

(қалтираб)

Кира қолсинлар!

Х у д о й ч и ч и қ и б к е т а д и .

(Ўзича)

Оҳ, яна бу бадбашара, жинлар, малъунлар!..

Дашти Қипчоқ саҳросида беш йил илгари

Жанг қилдим, мўғул худди шайтон сингари.

(Қўрқинчли қиёфаларда мўғул элчилари кириб келади.)

Э л ч и б о ш л и г и

Улуғ хоқон Чингизхон

Юбормишлар бир фармон:

Хоқон биру жаҳон бир,

Хоқонимиз жаҳонгир.

Таслим бўлиб хоқонга,

Бож тўланг Чингизхонга!

Бўлмаса жангу жадал

Бошланади шу маҳал!

(Хоразмшоҳ иккиланган ҳолда ўйга ботади.)

Ж а л о л и д д и н

(шоҳга яқинлашиб)

Жавоб бер, шаҳаншоҳ, кутмасин улар,
Куттирсак қўрқинга аломат бўлар!

(Бадриддин келиб тўрдан жой олади.)

Х о р а з м ш о ҳ

(дадилланиб туради.)

Ҳеч кимга бўйсунмас хоразмшоҳлар,
Мўғул ўғрисими менга баробар!
Йўқолинг, йўқолинг, бедин мажуслар,
Эгам бўлмоқчилар шу беномуслар!..

(Элчилар чиқадилар.)

~ Қуласа биргина қалъамда девор, ~
Остида минг Чингиз бўлур хокисор.
Қани, нима дейди аҳли маслаҳат?

Ж а л о л и д д и н

Қонларни қон бирла юварлар албат,
Бағоят зўравон ганимдир Чингиз.
Бунга кўз юммайин ростин билингиз.
Дедингиз, қуласа қалъамда девор,
Остида чингизлар бўлур тор-мор.
Лекин у ётмайди девор остига,
Йўл қилиб чиқади қалъа устига.
Вайрона остида ҳалок бўлмас ул,
Ўзи вайроналар ясайди мўғул.
Зинҳор қалъангизга яқинлатманг ҳеч,
Йиқилса пойтахтлар, омад қолур кеч.
Сирдарё бўйида бор кучингизни —
Мушт қилиб қайтаринг қонли Чингизни!

Х о р а з м ш о ҳ

(асабий)

Амир Бадриддин?!

Б а д р и д д и н

Ҳайронман шунга,
Ҳайронман валиаҳд Жалолиддинга.
Олам шаҳаншоҳга том камарбаста,
Бу нима?.. Чингизу Чингиз... пайваста?!
Чўлларнинг бўриси шерга не қилур? ✓
Беҳаё бир гадо элга не қилур?
Ўттиз йил дамо-дам қиблайи олам,
Хасмлар қасдини қилолди барҳам.
Чунки шиоридир: таваккал — оллоҳ.
У тангри сояси, удир зиблаллоҳ!

Х о р а з м ш о ҳ

Имом Шаҳобиддин?

И м о м

Аҳкоми — қуръон
Буюрмиш: ватанни ҳифз айла ҳар он,
Ҳадисда Муҳаммад расул-зишон
Дебди: «Хуббил — ватан минал — имон».
Душман мажусийдир, бедин, будпараст.
Мусулмонободга айламишдир қасд.
Унга бермоқ керак ҳозироқ шикаст,
Ҳазрат валиаҳднинг таклифи хўп мос.

І - в а з и р

Фикри ожизонам: қиблайи олам,

Афгон тупроғида аскар бўлса жам,
Бу ерда ҳар қалъа ўзи жанг этсун,
Душмани чарчатиб ҳолин танг этсун.

II - в а з и р

Ёвга кўринмаслик ҳунар дунёда,
Қўшинни жам қилинг Амударёда!

Х о р а з м ш о ҳ

(ўрнидан туриб)

Эшитинг амримни... Мулоҳаза бас!
Ҳозир жангга кирмак ақлдан эмас!
Кўндир мамлакатда кераксиз чўллар,
Ёв келиб етгунча очидан ўлар.
Ёвга раддибадал қилгай ҳар қалъа!

(Бадриддинга)

Самарқанд қалъаси сизга ҳавола!

В а з и р л а р

Кўп доно қарор, таборакалло!

Х о р а з м ш о ҳ

(ўтириб)

Мен жангдан қочмайман, тангридир гувоҳ,
Аммо қумлоқ даштда урушсак агар
Мўғул кўп, озор тортади лашкар.
Ялмоғиз мўғул шум, ётоғидир қум,
Ичгани қимиздир, таоми заққум.
Мен кўрдим уларни Дашти Қипчоқда...

Ж а л о л и д д и н

Шаҳаншоҳ, бор эдим мен ҳам у чоқда:
Даштга сипоҳ тортиб яроқли, ўқли —
Босганди Жўжихон — Чингизнинг ўғли.
Сиз қўлга тушмакка сал қолган эди,
Хосса аскарингиз қамалган эди.
У чоқ қиличимнинг дамини ўпиб,
Отланиб ҳамлага бошладим чопиб,
Шаҳаншоҳ, у ёғи ёдингиздами?!

Х о р а з м ш о ҳ

Нажотни ёзганди тангри қалами!

Н а с а в и й

Машҳурдир сардорнинг шу қилган иши,
Эл дейди: «Мўғулни қочирган киши».

Б а д р и д д и н

(Насавийга)

Не керак тарихдан ўқимоқ қисса,
Тахтигоҳ қачондан бўлмиш мадраса?

Х о р а з м ш о ҳ

Бас қил, мақтанмоқни, Жалолиддин, бас!

Ж а л о л и д д и н

Ўзингиз гувоҳсиз, бу ёлгон эмас!
Ўтмиш бу саргузашт Дашти Қипчоқда,
Ёвни қува олдик чўлда, қумлоқда!

Х о р а з м ш о ҳ

Одамзод умрида минг саргузашт бор,
Ҳаммасин эсламоқ, айтмоқ не даркор?
Буйругим буйруқдир, бошқа гап бекор...

Ж а л о л и д д и н

Бизнинг хонадонга бу номус, бу ор,
Тахтнишин бўлгандан сулҳу роҳатда,
Ўлкага бўлайлик сарвар офатда.
Эмас ватанимиз Хоразм фақат,
Кунчиқар томонда Сирдарё сарҳад.
Буюринг, сипоҳга бўлай саркарда,
Сафарда туғилдим, ўсдим эгарда.
Қиличим ҳассадир, тулпорим ўртоқ,
Менга кошонадан чодир яхшироқ,
Қўшин беринг менга, бошлай жангу жаҳд,
Шаҳаншоҳ нойиби, менман валиаҳд.

Б а д р и д д и н

(шоҳ қулоғига)

Мақтанар мен шоҳни қутқаздим дея,
Сиз ҳаёт, у тахтга бўлмоқчи эга!

Х о р а з м ш о ҳ

Итоат... ҳаққимдир оталик, шоҳлик!
Бу қандай саркашлик, қандай густоҳлик?!

Ж а л о л и д д и н

Отамсиз валломат ва шаҳаншоҳим,
Гўдаклик чоғимдан пуштипаноҳим.
Ўсдим бу ҳаётда пояма-поя,
Энди мен юртимни қилай ҳимоя.

Х о р а з м ш о ҳ

У қандай ҳимоя?! Барҳаёт-ку, шоҳ?

Ж а л о л и д д и н

Ҳимоя қилмаса у хоҳу но хоҳ...

Х о р а з м ш о ҳ

(ғазаб билан)

Сен эмас валиаҳд... шу кундан бошлаб
Қарорим қатъийдир, ўзгармас матлаб!

Ж а л о л и д д и н

(тожни тахт олдиға қўяди.)

Киши туғилмайди бошда тож билан,
Туғилар эркликка эҳтиёж билан,
Бошимнинг тожидир онамга қасам!

(Кетади.)

И м о м

Шаҳаншоҳ, шаҳаншоҳ, қиблайи олам,
Туркистон элига чўқдирманг алам.
Мўғулни қочирган киши — шу киши,
Фақат шу Жалолдан қўрқар ул ваҳши.

Айвондан бир гуруҳ хотинлар йўрғакда бир болани
олиб ўтаётганида Хоразмшоҳ уни имлаб.

Х о р а з м ш о ҳ

Бас, имом, валиаҳд ўзлиғ Қутбиддин,
Менинг кенжа ўғлим. Итоат қилинг!

(Вазирлар у томонга қараб таъзим қилишди.)

Н а с а в и й

(ўзича)

Бировнинг давлатин оларкан худо,
Даставвал ақлидан қилади жудо. ✓

Шоҳни Бадриддин қўлтиқлаган ҳолда вазир ва
аъёнлар чиқиб кетадилар.

(Орқаларидан Бадриддинни имлаб)

Чирикка ўхшайди бу қўлтиқтаёқ,
Насибни қарангки, битта чақалоқ
Ва яна алжираб қолган қайсар чол
Соҳиби фармонлар... Тахт эсиз, увол!
Кўп йиллар мен ёздим тарихи замон,
Кўрганим, билганим қайд этдим ҳамон.
Тахти олий топди Хоразмшоҳлар,
Фалакка рашк берди баланд даргоҳлар.
Аммо бошга тушди ёмон тушкунлик,
Шоҳнинг донолиги бўлди уч кунлик.
Нифоқу низолар тушди ўртага,
Гирдобга ботмасак, ёраб, эртага:
Агар бўлмасайди Жалол оламда,
Қудрат бўлмас эди шу қўл, қаламда.

(Жалолиддин кириб келади.)

— Шаҳзодам, бу ишдан бўлмангиз ғамгин,
Бетож ҳам сиз — сардор, сиз — Жалолиддин!

Ж а л о л и д д и н

(бепарво)

Эл-ўлка соғ бўлсин, тож келиб кетар!

Н а с а в и й

Калла омон бўлсин, соч келиб кетар.

(Кулишадилар.)

Ж а л о л и д д и н

Фурсат оз, сўйлагин тез, хазинадор
Берсин лашкаримга бир юз минг динар!

(Насавий чиқади.)

Одамлар ўйларки, бўлмаса тожим,
Қаландар бўлурман, қолмас иложим.
Бечора отам-чи, фаҳми шунча кўр?
Билмаски шу билан тахтга қазир гўр...
Отами азиздур ёки салтанат?
Кўп оғир масала... Куфрдир албат —
Отага қарши кўтармак исён.
Айём хатарнокдир, бу менга аён.
Эл узра булутлар келса ҳаводан,
Майдонга кирмайми қўрқиб балодан?
Йўқ, келсин бўронлар, ёғсин тошлар ҳам,
Булар назаримда саҳарги шабнам.
Бу гал ўхшамайди отага ўғил,
Мулк аҳли мўғулга сира бўлмас қул.
Туғилдим қиличу қалқонга хуштор,
Бўлай ганим узра мисоли аждар.
Ҳазар айламасман девдан, шайтондан,
Ҳатто Азроилдан, ҳатто Яздондан.

(Ҳазинадор ва Насавий кирадилар.)

Ҳазинадор

Буюргансиз лашкарларга бир юз минг динор...

Жалолиддин

Қани, қани?

Ҳазинадор

Кечиргайсиз!

Жалолиддин

Нима арзинг бор?

Ҳазинадор

Валиаҳдлик муҳри керак, у сизда эмас!

Жалолиддин

(чакмони остидан қиличини кўрсатиб.)

Мана муҳрим... Фармонимга шуни ўзи бас.

(Ҳазинадор таъзим билан қўрқиб чиқади.)

Насавий

(қаҳқаҳа билан)

Аммо сизнинг муҳрингизнинг одати бошқа,
Фармонларнинг тагигамас, босилар бошга.

Ж а л о л и д д и н

(шўх)

Бўлмаса-чи! Хазинанинг бор-йўғи, ичи,
Муҳр билан топилганми дейсан, тарихчи?

М а ҳ р а м

(кириб)

Сиздан рухсат сўрар экан Элборе паҳлавон.

Ж а л о л и д д и н

Дарҳол келсин!

(М а ҳ р а м чиқади.)

Отахоним, қадимги чўпон!

(Э л б о р с паҳлавон киради.)

Ж а л о л и д д и н

(уни қучоқлаб.)

Кўрганимга ўн йил бўлди сизни, отахон!

Э л б о р с

Сиз шаҳзода, биз Сирдарё бўйида чўпон.

Ж а л о л и д д и н

(кулиб)

Қўйинг, қўйинг! Сирдарёнинг яшил, озода
Қирғоғида чаман ичра битта шаҳзода —
Отни қўйиб ўтлоқларга най тинглагани
Сира эсдан чиқармикин? Ўша най қани?

(Элборс чўнтагидаги найни кўрсатади.)

Қандай хабар билан келдинг, паҳлавон оға?

Э л б о р с

Подамизга кирган бўри бағоят катта,
Мўғул босди Сирдарёни...

Ж а л о л и д д и н

Хой, кекса чўпон,
Бўри кирар бўшанг бўлса албат посбон.
Дарҳол Темур Маликка элт биздан фармон,
Хўжанд бўлсин, ёвга қарши баҳайбат қўрғон.
Найни бекит, ёнига ҳам битта ханжар ос,
Чўпон ота, ҳунар кўрсат, бўриларни бос!

Э л б о р с

Бадахшоннинг кўнпагидай бўлиб мен ёвуз,
Йиртиб, бўғиб ташлагайман ёвни аёвсиз!

Бир гуруҳ минг бошилар ва сипоҳлар ки-
риб келади.

Ж а л о л и д д и н

Дўстлар, бирга эдик доим тўйда, азада,
Яна энди ҳамсаф бўлсак қонли ғазода!

Б а д р и д д и н

(кириб)

Хоразмшоҳ бўлмиш сиздан бағоят дилтанг,
Яқин бирон сирдошингиз қилдими найранг?
Сир бермангиз ҳар кимга ҳам...

Ж а л о л и д д и н

Ҳа! Бу қандай сирдир?!

Б а д р и д д и н

Тахт ҳақида балки бирон ташвиш ёки қасд...

Ж а л о л и д д и н

Хато! Амир! Жалололиддин эмас тахтпараст.

Б а д р и д д и н

Бўлмаса, бу қўшин — лашкар?..

Ж а л о л и д д и н

Ниятимиз бир.

Эл-ўлкамиз Чингизхонга бўлмасин асир.

Б а д р и д д и н

Самарқандда ғавгога йўл қўймайман сира.

Э л б о р е

(Насавийга)

Ана куёв! Истар келин бўлсин асира.

Б а д р и д д и н

Маълумингиз Самарқандда менман ҳукмрон,
Бир қалъада бўлмас икки соҳиби фармон!

Н а с а в и й

(Элборсга)

Кўп меҳмондўст ҳоким экан бу амир ёху,
Дарвозага келган ёвга пешвоз чиқар у.

Ж а л о л и д д и н

Вилоятни ким сақласа удир ҳукмрон,
Кўкрагимга ошнодир селобу бўрон.
Бу қасрнинг соҳиби сиз, майли, бемалол
Ўтирингиз девон ичра ва лекин Жалол —
Шу оғойин сипоҳлар-ла жангга тайёрдир,
Ким элига ғамхўр бўлса эл унга ёрдир!
Сизга иззат ва эҳтиром, тўсмангиз йўлим,
Сипоҳларнинг хилъатидир мен учун сўлим
Ва билингки, сипоҳларнинг бир одати бор,
Жанг чоғида сусткаш ёрни биз деймиз ағёр.

Б а д р и д д и н

Қайнағанинг домадига шуми ҳурмати?
Бу пажмурда сарбозларнинг кетмиш омади.

(Чиқиб кетади.)

Ж а л о л и д д и н

Ким чарчаган, ким камарни белдан ечмоқчи,
Очиқ айтсин, ким сипоҳий ишдан кечмоқчи?

(Сукут.)

Ҳар ким тайёр қилиб кутсин ўз аскарини
Интизорда, мен бергунча жанг хабарини!

Маҳрамлар пиёлаларда май келтирадилар. Ҳар ким
қўлида пиёла, тикка турган ҳолда.

Ж а л о л и д д и н

Олинг, дўстлар! Элборс полвон, чиқар найингни!

Паҳлавоннинг найига мослаб ялла.

С и п о ҳ л а р я л л а с и

Сипоҳийлик ҳар кишининг иши эмас,
Номард ёвга ялинганлар киши эмас.
Номард ёвга ялинганлар киши бўлса,
Бу дунёда лочин шоҳлар қуши эмас.
Ўғлинг бор-ку, она қалбинг тинсун, шундай!
Кўзларингга бир оз уйқу қўнсун, шундай!
Биз сипоҳлик диёрига чиққанлармиз,
Ноинсофлар хонасини ёққанлармиз.
Ноинсофлар хонасини ёқиб, йиқиб,
Инсоф аҳли-жононларга ёққанлармиз.
Дилбаро, хайр, йигитлар от минсун, шундай!
Душманларнинг бошлари ҳам синсун, шундай.

Ҳаммаси майни ичиб, пиёлаларини бирдан ерга ташлаб
синдирадилар.

П а р д а

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ойдин тун. Хўжанд ёнида, Сирдарё ўртасида бир орол.
Бу ерда Темур Малик бир тўда аскар ила бир неча
ойдан бери мўғуллар билан курашмоқда. Гулхан ат-
рофида бир гуруҳ соқчи исинмоқда. Саҳна орқасидан
найнинг товуши эшитилади. Соқчилар найдаги куйга
мослаб қўшиқ айтишади.

Соқчилар қўшиғи

Баланд учган оқ лайлак,
Бирпас менга боқ, лайлак,
Бухоронинг йўлида —
Ёр эшигин қоқ, лайлак!
 Баланд учган оқ лайлак,
 Кўйлагинг — шоҳи кўйлак!
Лайлак Урганч етарсан,
Ёрга салом элтарсан,
Ёр эшикни очмаса,
Сарсон бўлиб нетарсан?!
 Ё Бағдодга кетарсан,
 Ё Сайхунга қайтарсан!
Қийғоч учган кўк каптар,
Бунда бирпас чўк, каптар.
Ғариб кўнглим интизор —
Интизорлик бас, етар!
 Қийғоч учган кўк каптар,
 Ёрдан келтир хат-дафтар!

*(Элборс паҳлавон қўлида най билан саҳнадан ўтиб
кетар экан, соқчилар уни кўриб қоладилар.)*

1 - соқчи

Паҳлавон, ҳисобинг нечага етди?

Элборс

Кеча роса бўлди бир юзу етти!
Ҳали қўйларимнинг сонича эмас,
Мўғул ҳали менга уч юз калла қарз!

(Элборс ўтиб кетади.)

2 - с о қ ч и

(Унинг орқасидан.)

Нодону ҳисобда мунажжимдай соз!

(Орқадан ваҳима белгиси. Бонг.)

Т о в у ш л а р

Сувдан хабар о-ол, сарбо-оз!

Соқчиларнинг ҳар қайсиси ҳар ёққа тарқалишиб
кетади.

Т е м у р М а л и к ў з маҳрами билан киради.

М а ҳ р а м

Мижжа қоқмай юрдингиз уч кеча қатор,
Мизгисангиз озгина дейман, ё сардор!

Т е м у р М а л и к

Майли, ўтсин туну кун, ҳафталар ўтсин,
Майли, қуёш ухласин, юлдузлар ётсин.
Кўп ўтмай ётоғига борсин ювош ой,
Аллаласин чўлларни бу алдоқчи сой.
Балки сувда ухлайди бетинч балиқлар,
Аммо тингла, дарёда жосус қайиқлар!
Гирдобларнинг қўйнида йўқ менга тиним,
Чунки кутар саркардам, Жалолиддиним!
Уйқу ҳаром отага, хавф чоғи ҳар дам,
Ухла, ўғлим, шаҳрингда менинг учун ҳам.
Уйқу ҳаром сардорга йил ўтса ҳарчанд,
Чунки йиглар тутқинда уйқусиз Хўжанд!

Бир муддат Хўжанд қалъасининг ойдиндаги кўрипи-
шига қараб туради.

Кўҳна Хўжанд мағрурдир асоратда ҳам,
Унинг қаддин буколмас ўлим ва алам.
Оҳ, не учун бу орол эмас бир қайиқ,
Токи улуг соҳилга сузиб чиқайиқ.
Асов, илдам Сайхуннинг бахтли сувлари,
Хоразм денгизига қовушар бари.
Қўшилиб тўлқинларга курашар, қайнар,
Қучиб Жайхун сувларин жўр бўлиб ўйнар.
Аммо мен-чи, йироқда Жалолиддиндан,
Ватан ичра ғарибман, вовайло, аттанг!
Бироқ мен барқарорман қоядай шунда,
Гарчи уч юз сарбозим қолмиш қўшинда
Ев ўрдуси уч ойдир шунда овора,
Ғанимларнинг кўкеида очдим кўп яра.
Бир киши қолганда ҳам, ахир енгамиз,
Шу шарт билан сипоҳ, деб тугди онамиз!

Темур Малик кетади, соқчилар кела бош-
лайди.

1 - соқчи

(қорнини ишқаб)

Ҳай Жўра, сомсага қалайсан ҳали?

2 - соқчи

Гапирма, кишининг чиқади жаҳли!

1 - соқчи

Бўлмаса мантига тоқатлари қалай?

2 - с о қ ч и

Қўйсанг-чи... Шу топда карнай.

1 - с о қ ч и

Бўлмаса таъбингиз тортарми кабоб?

2 - с о қ ч и

Сирдарё сувидан қилайин ардоб?

(Қорнини ишқайди.)

1 - с о қ ч и

Жим!.. Дарахтнинг орқасида ким?

(Н о м а ъ л у м к и ш и — т а б и б кириб келди.)

Т а б и б

Мусулмонлар, менман бир ҳаким,
Бедаволар дардига ғамгин!

2 - с о қ ч и

Қандай чиқдинг оролга, айтгин?

Т а б и б

Пусиб келдим мен мўғуллардан,
Четлаб ўтиб қоровуллардан —
Бир қайиққа отландим дарҳол,
Билар эдим яқиндир орол.

1 - с о қ ч и

Не гаплар бор?

Т а б и б

Бечораларим,
Неча ойлаб овораларим!..
Жалолиддин ўлгандан бери
Урушмоқдан маъни қолмади...

С о қ ч и л а р

(ҳайрон.)

Жалолиддин ўлгандан бери?..

Т а б и б

Ҳа, бандалик!

2 - с о қ ч и

Ёлғондир бари!

Т а б и б

Сўзим ҳақдир, худованд гувоҳ,
Жангда ортиқ қон тўкмак гуноҳ!
Аёлмандсиз, серқайғу, йўқсил,
Оч сарбоздан афзалдур тўқ қул!
Ким бўйсунса хоқонга дарҳол
Иzzат топар, мана, мен мисол.

2 - с о қ ч и

Табибмисан, оғзингга қара,

Билиб қўйки, тиз чўкмас сира
Темур Малик сипоҳийлари.

Т а б и б

Жаҳлингни бос, тентак, гўрсўхта,
Не бор шунда? Боғми ё ғазна?!
Нон гадойи — чекасиз фарёд,
Ким ҳам сизни ҳозир қилар ёд?
Мендан бошқа...

С о қ ч и л а р

Хўш, ҳаким ота?!

Т а б и б

Сарбозмиз деб бўлманг гўл-содда.
Бу оролда кўк каптарлар бор,
Овласангиз кабоб ҳам тайёр,
Бу сир! Аммо билмасин сардор!
Каптарларга у кўп ихлосдор!

2 - с о қ ч и

Каптар қилар мазорни тавоф,
Гуноҳ бўлур гўштидан кабоб!

Т а б и б

Оч қолишни ким дейди савоб?!
Тентак бўлманг, ботмай ҳануз ой —
Бориб овланг, тайёр-ку, ўқ-ёй,
Яна билинг овланса агар,
Оёғида ҳалқали каптар,
Каптарбозлар каптаридир ул,
Гўшти бўлур кўп ширин, маъқул,
Дарҳол боринг!

(Соқчилар кетишади.)

Кўп шириндир каптарнинг гўшти!
Бу гўллар ҳам қўлимга тушди.
Яроқбек деб бу оворалиқ,
Ўғлим бўлгай ҳоким ва малик!

(Кетади.)

Соқчилар киришади, Темур Малик сарбозларга
юзланади.

Темур Малик

Қаранг, йигитлар:
Сувдан эшкак садоси келар,
Ёв чиқмасин бунга мабодо,
Ҳар гўшада бўлинг омода!

1 - соқчи

Малик сардор, масала аён,
Жанг не керак, айт, бундан буён!

Темур Малик

Ким экан у номард бояқиш,
Лочин аро юрган, ҳой, бойқуш!

1 - соқчи

Жалолиддин, азамат раҳбар
Шаҳид, шаҳид бўлди, дейдилар.

Темур Малик

(ҳаяжон билан.)

Жим... Ким айтмиш бу шум хабарни?

Ўзи ҳам бошини ушлаб қолади. Шу пайтда саҳна ор-
қасидан Элборс паҳлавоннинг найи эшитилади. Темур
Малик қайрилиб чуқур таассурот ичра найни тинглай-
ди ва бирдан:

Бу гап ёлгон... Тингланг унларни!
У куйларни, у қамиш найдан
Эшитгандим Жалол ила мен
Сирдарёнинг лабида бир дам,
Неча йиллар бундан муқаддам.
Ёш бир ўсмир эди шаҳзода,
Аммо найни тинглар аснода
Туриб, қараб осмонга у,
Деган эди: — Яшайди мангу
Шу қамиш най, унинг куйлари,
Шу эркин халқ, Сайхун бўйлари!
Йўқ, шаҳзода ҳамон тирикдир,
Ҳар қаёқда бизга шерикдир!

Соқчилардан бири

Қандай шерик, йўқ дому дарак?

Бошқа овоз

Бундан буён жанг ҳам не керак?

Темур Малик

(най чалинади.)

Эшитинглар у сас нимаси?
Саркарданинг ўлмас нафаси.
Жалол яшар, демак жанг яшар,
Юрт жангида ўлмайди башар.

Биз қасамда келтирдик қуллуқ,
Жалолиддин буйруғи — буйруқ!
У, тур дебди, турамиз шунда,
Икки фармон бўлмас қўшинда.
Ким ён берса бирон қутқуга
Ўзим бўғиб ташлайман сувга!

(1-соқчи секин чиқади.)

Борай деса ким юртга тирик,
Ёвни қириб ясасин кўприк.

Э л б о р с

(кириб.)

Мен ҳам бўлай бу ишга шерик,
Ҳисобимда юз етти ўлик.

Т е м у р М а л и к

Жалолиддин ўлмас дунёда!

Ҳ а м м а

Ҳеч ўлмайди бизнинг шаҳзода...

Т е м у р М а л и к

Ким бўҳтончи, у аҳли ғасод?

(1-соқчи табибни ушлаб олиб келади.)

1 - с о қ ч и

Сардор, шудир «олий хизмат зот!»

Э л б о р с

(ҳужум қилиб табибни ушламоқчи бўлади.)

Шу бақани менга берингиз,
Ҳисоб бўлгай бир юзу саккиз.

Т е м у р М а л и к

(уни тўхтатиб)

Тўхта, Элборс!

(Табибга)

Сўйлагин, сен ким?

Т а б и б

(қўрқа-писа)

Жаноб сардор, мен эски ҳаким,
Шу оролда йиғаман гоҳ-гоҳ,
Дору учун майсаю гиёҳ.

Э л б о р с

(ўзича)

Кўп сотқинга ўхшайди кўзи,
У шайтони лаъиннинг ўзи.

Т е м у р М а л и к

(истеҳзо билан.)

Хўш, қанақа дориларинг бор?

Т а б и б

Сизга лойиқ маъжун бор, сардор,
Бир ичсангиз бир ҳафтага бас,

(бир шиша беради.)

Таом, уйқу ҳожат ҳам эмас.

Э л б о р с

(шишани тортиб олиб табибнинг ўзига чўзади)

Аввал ичгин сен ўзинг бир бор,
Бизнинг элда шундай одат бор!

Т а б и б

(қалтираб, чўкиб)

Сардор... Сардор...

(Полвонга)

Тўхтагин, тўхта!

Э л б о р с

Дорунг қалай, табиб гўрсўхта!
Таом, уйқу керак эмасмиш!
Ўзинг ухла энди, каламуш!

Т а б и б

Сардор, афв эт, олижаноб бўл,
Буюргандир бу ишни мўгул,
Сизга маъжун деганим заҳар!

Э л б о р с

Ана холос, табиб баччагар.

1 - с о қ ч и

Доринг заҳар бўлса, шарманда,
Каптар гўштинг заққум экан-да!
Ол, ўзинг е.

Этаги остидан бир каптар жасадини ташлайди.

Б о ш қ а б и р с о қ ч и

Ол, ўзинг е, пес!

У ҳам бир каптар жасадини ташлайди.

1 - с о қ ч и

Бу муттаҳам, биз бўлсак — безс.
Каптар гўшти ширин бўлур деб
Бизга қутқу қилди бу «табиб!»
Жонимизга қасд айлабди у,
Қайдам? Каптар гўшти ҳам оғу!..

Э л б о р с

Бирдан ерга ташланган бир каптар жасадини олиб.

Сардор, сардор, ана шу каптар...
Ана ҳалқа, танидим, етар!
Тентак эмас, бу табиб, айёр!

Т е м у р М а л и к

Очиқ сўзла бунда не сир бор!

Э л б о р с

Самарқандга қиларкан сафар,
Бу оролдан беш-ўн кабутар —

Шаҳзодага совға элтгандим,
Оёқларига ҳалқа илгандим.
Ўша ҳалқа!

Т е м у р М а л и к

Чиқар ҳалқани!..

Элборс кабутар оёғидан ҳалқани чиқаради. Унинг та-
гига ўралган бир хат чиқади.

(Севиниб.)

Менга бер-чи... менга бер, қани!

(Ўқийди.)

«Темур Малик, салому алик!
Мухрим: ихлос ва биродарлик.
Узиб сувда мўғул занжирин —
Сўл соҳилга сарбоз кўчиринг!
Сизга маълум шикоргоҳ томон
Ҳозир хавфу хатардан омон.
Банд бўлмоқлик у ерда тамом,
Менга тез ет,— ҳосили калом,
Сипоҳларга сипоҳий салом,
Жалолиддин».

Ҳ а м м а

Алик салом!

Т е м у р М а л и к

Хатни ўпиб букларкан, ҳамма сарбозлар ҳаяжонда.

Бу иш на тушдир ва на каромат,
Саркардадан жонли аломат.

(Табибга)

Жалолиддин ҳақида бўҳтон —
Сен тўқидинг, табиб, бадгумон?

Т а б и б

Ёлғон эди. Тамоман ёлғон!

Э л б о р с

Сен табибми ёки каптарбоз?

Т а б и б

Инсоф қилинг, эшитинг бир оз,
Мен бегуноҳ табиб, савдогар,
Мажбур этди мени мўғуллар.
Топпирдилар қўлимга заҳар,
Тилимга ҳам ёлғон, шум-хабар.
Буюрганди менга нўёнлар:
Орол узра номачи каптар
Учраб қолса овла ва йўқот,
Токи Темур Малик қолсин мот.

Т е м у р М а л и к

Юртфурушга йўқ амну омон.

Т а б и б

Тўхтанг, сардор, бир сир бор... Алъон,
Ой ботганда чиқмоқчи улар,
Тайёрланган юзлаб қайиқлар.
Сардор, валлоҳ, юрагим тоза,
Кетмоқликка беринг ижоза!

Т е м у р М а л и к

Сотқинларга йўқ амну омон!

Т а б и б

Лутфингизга сигиниб ҳамон
Рост гапларни айтдим бирма-бир.
Тўғри гапга увол йўқ ахир!

Т е м у р М а л и к

Сенинг умринг бутун ифлос, доғ,
Ёлғонларга чулганган ҳар чоғ.
Умринг бўйи қонли губоринг —
Юволмайди ночор иқроринг!
Элборс тўлдир бир юз саккизни!

(Элборс олиб кетади.)

Т а б и б

(саҳна орқасидан)

Фарёд... Мен-ку, ислом, бу нега?

Э л б о р с

Чўқингансан Чингиз бутига,
Бу ёққа юр, ҳой, бир юз саккиз!

Т е м у р М а л и к

(сарбозларга)

Кунботарга бориб турингиз,
Хабар олинг ҳар бир шарпадан,
Сувни кўзланг тошлоқ тепадан,
Майли, чиқсин соҳилга душман,

Барча қайиқ келгунча шошманг!
Сўнгра қириб мўғулни бирдан
Қайиқларга ҳатлангиз ердан.
Сўнгра соҳил, улуг эл, Хоразм!
Саркарда деб қилғусимиз азм.
Боринг, пусиб ётингиз жарда
Омон бўлсин улуг саркарда!

(С о қ ч и л а р кетадилар.)

(Маҳрамга)

Жалолиддин мени доимо
Ўнг қўлим деб қиларди нидо.

М а ҳ р а м

Забардастдир қиличга ўнг қўл!

Т е м у р М а л и к

(кулиб)

Фотиҳам шу: сен ҳам сардор бўл!

Узоқда ҳаяжон бонги.

О в о з л а р

Қайиқлар... Мўғуллар!

Т е м у р М а л и к

Чиқсин... Чиқсин!.. Чиқсинлар улар,
Бу ер ёвга гўристон бўлар.
Қириб кетинг бунда мурдорлар,
Соҳилларга чиқсин сардорлар.

Бир гуруҳ мўғуллар саҳнага чиқади. Пистир-
мадан сарбозлар чиқиб уруша бошлайдилар, Қо-
доғон нўён кўринади.

Қодоғон нўён

(қиличини суғуриб)

Энди ўзим ҳолингни кўрай!

Те м у р М а л и к

Лаббай!

(Ўқ узади.)

Кўрмакликка бир кўз ҳам етар!

Қодоғон нўён

Лаънати мерган!

(Чўкади.)

Те м у р М а л и к

Кўрганингни хонга бер хабар!..

(Сипоҳларга)

Чиққанларни қиличдан ўтказ,
Сарбоз... ўзни қайиққа етказ!..

(Кета туриб)

Калласини уз!

Э л б о р с

(узоқдан)

Бу, бир юз тўққиз!

П а р д а

ИККИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Урганч... Хоразмшоҳнинг олий қасри. Саройдан базм
ва айшу ишрат нидолари эшитилмоқда.

Ҳофизнинг ашуласи

Офарин, эй Хоразмшоҳ, шахриёри пурвиқор,
Бир қўлингда ганжи олам, бир қўлингда зулфиқор! ✓
Қиблаи олам тасаддуқ, ё амиралмўъминин,
Давлатингда мустарихдир аҳли ислом, аҳли дин!

(Айвондан Султонбегим чиқиб ҳовлига тушади.)

Султонбегим

Оҳ, дилда ташвиш бор, улуг андиша,
Илонлар кўраман тушда ҳамиша...
Хабар йўқ, Бадриддин не бўлди экан?
Дарёда қайиқман гўё беелкан.
Севгини бир бало дебдилар: бу чин.
Оҳ, хотин юраги бетинчдир, нечун?!

Амир Бадриддин ёнида мулозими Яроқбек билан май-
дон томондаги дарвозадан кириб келади. Қўлидаги
сандиқчани айвонга қўйиб, Яроқбек қасрга кириб
кетади.

Бадриддин

Маликам, фариштам, қуёшим, ойим!

Султонбегим

Бу тушми, ё ўнгми? Ростми илойим?!
Инсофсиз, шунча вақт на хат, на паём,
Интизорлик маҳв этди умримни тамом.
Энди сизга берай катта бир жазо...

Бадриддин

Ўқм сендан чиқса, дорга ҳам ризо!

Султонбегим

Ўғоҳингиз учун сизга зўр жазо:
Мен билан доимо бўлмоқлик сазо...

Бадриддин

(кулиб)

Шундай жазо учун мен яна кўп бор
Шу хил ўғоҳларни қилмоққа тайёр!

Султонбегим

Самарқанд нечукдир, сўйлангиз дарҳол!

Бадриддин

Чингиз оёғида бўлди поймол.

Султонбегим

Уруш бўлмадими? Мардлар йўқмиди?

Бадриддин

Йўқ эди душманини енгмоқ умиди.

Султонбегим

Қалъада бўлдингми сўнгги дамгача?

Бадриддин

Чиқолдим қалъадан қоронғу кеча!

Султонбегим

Азизим, яширма, жароҳат бордир?

Бадриддин

Ёрга мажруҳ бормоқ биз учун ордир.

Султонбегим

(хафа)

Нима деб қилдингиз Хоразм азмин?

Бадриддин

Сени деб... Келтирган совғам ҳам вазмин!

Айвондаги сандиқчани олиб, қимматбаҳо тошларни ва
гавҳарларни кўрсатади.

Султонбегим

Самарқанд сийнамни илк очган шаҳар,
Севгимни қутлади у ерда саҳар.
Оҳ, эри ярасин силаб боғлаган

Бахтли келинларга ҳасад қиламан.
Оҳ, кошки шунчалар зийнатдан кўра
Келтирсанг у ердан битта ғиштпора!
Не керак Самарқанд лаъли, тилласи?!
Раҳмат дердим бўлса мўғул калласи.

Б а д р и д д и н

Айт, нега шунча ҳам тажанг бўлмоқлик,
Васлингга етганда шундай бир қилиқ!
Ана, боқ, кокиллар худди малика,
Нақадар ярашар бу зийнат сенга!

Сандиқчадан чиқарган билагузук, гардонбанд ва ҳалқа-
ларни маликанинг ўнг қўли, бўйинларига ва қулоғига
тақиб қўяди. Сандиқдан яна бир узук чиқади. Бадрид-
дин уни тезда ўзи олади.

Ва лекин бу узук меники, бу сир,
Анчайин сир эмас, тилсимли сеҳр.
Менга бағишлаган эзгу бир устоз,
Жангда тақсанг, дерди, ишинг бўлур соз.

(Узукни яширади.)

Бир оз кул маликам, очил ва сочил,
Мен ҳижронзадани қилмагин хижил.
Самарқанд борурмиз, бил иншооллоҳ!

(Секин)

Сен эркин малика, мен эса...

С у л т о н б е г и м

(севиниб)

Оҳ!.. Оҳ!..

Б а д р и д д и н

Бу сирни мен билай... сен, ҳамда оллоҳ.

С у л т о н б е г и м

(ўзича)

Ғалати имолар, таваккал оллоҳ!

Бадриддин уни қўлтиқлаб саройга кириб кетадилар.

Я р о қ б е к

(қасрдан чиқади.)

Отамни ташлаган Сирдарёсига —
Йўлиқай фалакнинг ҳар балосига!
Темур Малик экан отам қотили,
А, мен-чи? Дунёнинг тентак софдили?!

(Бадриддин чиқади.)

Б а д р и д д и н

Яроқбек, нега сен шунча ҳам маъюс?

Я р о қ б е к

Дардни минг айтсам ҳам камаймас, афсус!
Гумроҳ бир дарвишдай сизни пир дедим.
Бешни бир десангиз мен ҳам бир дедим.
Амир, юрагимни парчалар қасос!

Б а д р и д д и н

(кулиб)

Ўзингни тий, тентак, жаҳлингни сал бос,
Ваъдасин унутмас амир Бадриддин.
Манзилга оз қолди, маррага етдинг!

Яроқбек

Топмоғим вожибдир Темур Маликни!

Бадриддин

Қўй дейман, қўй дейман шу тентакликни.
Дарбадар юргансан дашту биёбон,
Аммо бўлмагансан асло шикорбон.
Бургутлар бошлиғин отмасанг агар —
Галасин тўзғитмас юз йил шамоллар.
Бошлиқдан қасос ол, аммо яширин,
Қўлга тушмагайсан, ҳаёт кўп ширин.
Яна бил: хун олай дегансан, тақсир,
Ханжарни ким берса, сенга бари бир,
Кўп бордир ёвингга ёв бўлган дилгир!

(Унинг қўлоғига пичирлайди.)

Яроқбек

(хурсанд)

Ҳа... Ҳа, тушунаман!

Бадриддин

Қасосни ахтар —

Хароба чўлларда ўлимдан баттар.

Яроқбек

Отамнинг хуни... Отамнинг хуни!

(Чопиб чиқиб кетар.)

Бадриддин

Мўлжалга еткиз, бахт, ушбу ўқимни!

Парда

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Урганч. Бозор. Савдогарлар, деҳқонлар, чорвадорлар, тўралар, косиблар, фолбинлар, амалдорлар, мирзалар, муллабаччалар, домлалар, сарбозлар, масхарабозлар... Юрувчилар ўртасида туркистонликлар, Мовароуннаҳр аҳли, араблар, қипчоқлар, хитойлар, кавказликлар, эронлар, ҳиндулар, славянлар, туркманлар ўз қиёфалари билан ажралиб турмоқдалар. Бозор аҳли ўртасида эрлар қаторида очиқ хотинлар ҳам кўринади. Созанда-лар соз чалиб, масхарабозлар ўйин-кулги қилмоқда. Қасоблар, бозор аҳли ва савдогарлар умумий ашула айтади.

Бозор аҳли

(хор)

Пойтахти жаҳонда,
Хоразмшоҳ томонда —
Ғаройиблар бор анда,
Ўлмай десанг армонда —
Урганчни бир кўриб кет!

Бозорлар раста-раста,
Дўконлар ҳам пайваста,
Таом тайёр бирпаста.
Қолмай десанг дилхаста —
Урганчда кайф суриб кет!

Йигит ва қизлар

(хор)

Хоразм эли дилнавоз,
Қўлларида ўрдақ, ғоз,
Қизларидир кўп танноз,
Севай десанг бирон ёз —
Урганчда бир туриб кет!

Ажнабий савдогарлар, сайёҳлар ва карвонбошилар.

(хор)

Айландик оламаро,
Кўп шаҳри азимаро,
Халойиқ, одамаро
Қолмай десанг ғамаро —
Урганчда бир юриб кет!

Бозорда ҳар хил ўйин-кулги, масхарабозлик, сувчи болалар сув олиб ўтиб қичқирадилар.

Болалар

Обизамзам, обизамзам,
Оби Жайхун!

1 - ч о л

(сувдан ичиб.)

Жайхундан айланай, болам, соғ бўлгин!

Болалар

(ўтиб кетади.)

Обизамзам, обикавсар!
Оби Жайхун, яхдай!

1 - а ж н а б и й

(сувдан ичиб)

Амударё табаррук, нимасин мақтай?

М а с х а р а б о з

Чингиз ҳайкалини кўрсатувчи бир қўғирчоқни олиб
келиб ўртага қўяди.

Бўжи келди, бўжи келди,
Чингиз билан Жўжи келди.
Бир эснабон кўрай-чи,
Базўр кимнинг кучи келди?!

Масхарабоз узоқ масофадан туриб эснаши билан қў-
ғирчоқ йиқилади. Кулги. Бир неча қочқин ҳовлиқиб
бозорга киради.

Қ о ч қ и н л а р

Мусулмонлар, мусулмонлар, огоҳ бўлингиз,
Бухорони хароб қилиб келмоқда Чингиз!

Халқ дўкон-бозорни бекитиб қочади. Бозор майдони
бўшайди. Орқадан ҳофизнинг танбур чалиб айтган
ашуласи эшитилади.

Шому шариф лаббораси муштари, ё муштари,
Аҳли Қофқоз жуббаси муштари, ё муштари,
Бухоройи шариф жомаси муштари, ё муштари.

Шоҳ жарчилари бозор майдонидан ўтиб қичқирадилар.

Ж а р ч и л а р

Эшит ҳамма одам,
Шаҳаншоҳи олам,
Подшоҳи замон,
Ҳомий аҳли имон,
Султон ибн Султон, ибн Султон
Султон Муҳаммад Алоуддин Хоразмшоҳ,
Соҳиби мулук ва сипоҳ
Иродаи шоҳонани
Баён қилгани
Аркдан чиқадилар.

Бозор майдонига халқ тўпланади. Шоҳ орқасидан вазирлар, Бадриддин, мулозимлар сафар кийимида чиқадилар. Сарой ва ҳарам аҳли йўлдан ўтиб туради. Майдон ўртасида шоҳга кўчма тахт қурилади.

Х а л қ

Ё мадад, ё шоҳ!
Шафқат, давлатпаноҳ!

Х о р а з м ш о ҳ

Тинчланинг, эй халойиқ, дунёдур фоний ,
Бу тақдири илоҳий, амри раббоний:
Ўттиз беш йил салтанат бўлди андишам,
Фуқарога ғамхўрлик шоҳона пешам.
Энди пойтахт аҳлига катта дард келди,
Аллақайдан одамхўр бир номард келди.
Мен лашкар тўлагани кетмоғим зарур,
Сизга бўлса итоат вазифа эрур!

Х а л қ

(ҳаяжон билан)

Бизлар-чи, подшоҳ!
Эвоҳ, эвоҳ!

Б а д р и д д и н

Бу қандай бир саркашлик... жим бўл, жамоат!
Бу қандай гап, исёнми, йўқса жаҳолат?
Хоразмшоҳ пойтахтин босолмас Чингиз,
Фил ўрнини босолмас каркидон ҳаргиз!
Эронда лашкар йиғиб қиблаи олам,
Бухорода қилмоқчи душманни барҳам!

Х о р а з м ш о ҳ

Подшоҳ бир, худо бир, ваъда ҳам бирдир,
Сабр қилинг халойиқ, худо — собирдур.

Хоразмшоҳ тахтдан туради. Сипоҳлар йўл очмоқчи
бўлиб халқни итара бошлайди. Халқ эса бирдан ёппа-
сига ерга ётиб йўлни тўсади.

Х а л қ

Қиблайи олам, қиблайи олам,
Жасадимиз устидан ўт, босиб қадам!

Бир ёқдан Хоразмшоҳнинг катта уламоларидан и м о м
Ш о ҳ о б и д д и н Х е в а қ и й пайдо бўлади.

И м о м

Бу муртадлиқ, бидъатдир, тур, эй халойиқ!
Фақат тангри таоло саждага лойиқ.

Халқ аста-секин тура бошлайди, имом Хоразмшоҳга
қараб.

Пайгамбар ҳам, чорёр ҳам бўлди саркарда,
Умр ўтказиб чодирда, жангда, эгарда.
Чарчадими қўлингиз ғазот жангидан,
Оёгингиз толдими от-узангидан?
Ё амиралмўъмин омад кутмак бас,
Пойтахтни ташламанг, тахтсиз шоҳ бўлмас.
Буюринг амирларга, бўлсинлар ҳамкор,
Сиз бўлинг лашкарбоши ва сипоҳсолар!

Х о р а з м ш о ҳ

Имом, имом қўйингиз, бу гаплар бекор,
Ҳақ таоло ўзидир менга нусраткор!

Й и г и т л а р

Биз тайёرمىз, йўл бошла бизни ҳукмдор!

Х о р а з м ш о ҳ

Қўйинг, қўйинг ўғлонлар, бу гаплар бекор!

Х о т и н л а р

Бизни аянг, ташламанг, мўғул кўп ғаддор!

Х о р а з м ш о ҳ

Беклар, тортинг карвонни, муҳлат — фурсат тор!

Шоҳ туради. Беклар халқни итармоқчи бўладилар.
Саҳна орқасидан жанговар мусиқа эшитилади.

Бир неча киши

Жалолиддин

Бошқалар

Шаҳзода!

Яна бировлар

Мангуберди

Биттаси

Уғзийдир!

Иккинчиси

У сардор!

3-киши

Хоразм марди!

Имом

Келаётир мўғулни қочирган киши!

Халқ

Бахтиёр айлангай дунё гардиши!

Жалолиддин, унинг ёнида Насавий ва бир
тўда аскар ила кириб келади.

Хоразмшоҳ

Жалолиддин, мен сендан эмасман ризо,
Нега тахтим атрофи ниёқу низо?
Недур даъвонг?

Ж а л о л и д д и н

Даъвомга йўқ сизда даво.

1 - в а з и р

Шу жавобми ўғилдан отага раво?

Х о р а з м ш о ҳ

(ғазаб билан)

Даъвонг нима, мақсад на, бахти бад ўғлим,
Сен доною тентакми шу етти иқлим —
Бўйсунаркан фалакнинг кажрафторига?

Ж а л о л и д д и н

Бўйсунмайман шум фалак ихтиёрига!

2 - в а з и р

Фақат сизми ихлоскор шоҳ диёрига?

Ж а л о л и д д и н

Нифоқларга ошён қасрингиз, эй шоҳ,
Қинга қайтмас қиличим, шоҳиддир оллоҳ,
Бирлашмаса бу эллар, беклар, ўлкалар
Хоразмшоҳ тахтига нес мўғул келар...
Жавобим шу... Керакса эшитинг яна!
Тепиб турса юрак рост, чўкмайди сийна.
Улуғ давлат тиз чўкмас, ботир ёлбормас,
Чинор синар, эгилмас, бедов от ҳормас.
Чингизхондан қўрқмоқлик — курашсиз ўлим,
Сизга ҳамроҳ эмасман, ўзгадир йўлим.

Х о р а з м ш о ҳ

Бу хунрезлик, қонхўрлик... Оқибат бекор!

Ж а л о л и д д и н

Эй падари бузруквор, шунда хатонг бор.
Таваккалнинг, сабрнинг йўқми пояси,
Сиз дейсиз, мен дунёда тангри сояси.

Лекин соя қочмайди нуқул бир томон,
У ҳам босар кечки чоғ тоғ-даштни, инон!
Сирдарёда душманни қайтариш учун
Менга лашкар бермасдан кетдингиз нечун?
Гарчи сиздан берухсат талашдим, турдим,
Қуёнларни қочирдим, ёвни кўп қирдим.
Ҳануз номим айтилса қалтирар Чингиз,
Бу лоф эмас, ота, сиз фахр қилингиз!

Муҳрингизнинг бор экан ҳукми, обрўйи —
Айтинг менга бош эгсин беклар юрт бўйи.
Қўшин бошлаб Чингизни қилай тору мор.

Б а д р и д д и н

(шоҳ қулоғига)

Шунчалик ҳам ўғлингиз тахтга ҳаваскор.
Эмин унга лашкарнинг жоловини тут,
Сизга эса, султонга кафан ва тобут.

Х о р а з м ш о ҳ

(қатъий)

Йўқ, саркарда — Қутбиддин Ўзлиғшоҳ, кенжам.

Ж а л о л и д д и н

Қани ўша?

Х а л қ

Чийиллар бешикда бегам.

(Қизиқ кулги.)

Ж а л о л и д д и н

Халойиқ, йўл берингиз жўнасин султон,
Йўлларда бор кўп захмат, хатар, биёбон!

Султон гуруҳи жўнаб кетади. Саҳнадан ҳарам хотин-
лари ўтади. Жалолиддиннинг онаси ҳам ўтар экан, ўз
канизлари билан тўхтаб қолади.

Она, сўйла, ким ҳақли, отам ёки мен?
Қароримга ишонай, сўйла, токи сен!

О н а

(тумор беради.)

Ўғлим, жавоб туморни армуғон қилиш,
Отанг бўлсам берардим дудама қилич!
Тиз чўкмайсан дўзахдан келса фотиҳ ҳам,
Оқ сутимни оқлагин, сенга фотиҳам!

(Она ўпиб ўтади.)

Ж а л о л и д д и н

Хоразмшоҳ йўқ деса, ҳа, дер хотини,
Жалолиддин онаси дерлар отини.
Бу дунёда онасиз туғилган ким бор?
Жон берганга жон бермоқ мардларга даркор!
Онамизнинг онаси бўлса шу Ватан —
Кўрлик афзал бу юртни асир кўрмоқдан.

Х а л қ

Ёшулли Мангуберди!
Ёшулли Жалолиддин!

Темур Малик ҳам Элборс паҳлавон бир-и-к-
ки мулозим билан кириб келадилар.

Ж а л о л и д д и н

Хўжанднинг баҳодири шу Темур Малик,
Эй одамлар, севинглар уни менчалик!
Агар чидамасайди Хўжанд мардона,
Аллақачон бўлурди Урганч вайрона!
Билинг, аввал бу менинг катта оғамдир,
Сўнгра Темур сардорим, машҳур дорғамдур.

(Қучоқлашадилар.)

Х а л қ

Темур Малик ёшулли!

Н а с а в и й

Қуюшгандай Жайхун ҳам Сайхун баробар,
Хоразм денгизида мисли биродар,
Хоразм саркардаси, Хўжанд сардори,
Бирга бўлса қуримас элнинг мадори.

Х а л қ

Жалолиддин ёшулли!
Темур Малик ёшулли!

Темур Малик

Улуғ сардор, амрингни келтирдим бажо,
Ҳозир недур амрингки, менман муҳайё!
Етмиш минг ёв бўғилди, қочди, тарқалди!

Элборс

У оролда фақат бир кўр қуён қолди.

Халқ

Темур Малик ёшулли!

Жалолиддин

(Элборсни кўриб, кулиб)

Ҳа, Элборс ота,
Каптардан келтирмабсан дейман бу сафар.

Элборс

Сизга учиб келди-ю, минг-минглаб каптар.

Кулги.

(Халқни кўрсатиб)

Юз минг киши юраги, шаҳзодам, етар!

Темур Малик

(Элборсни имлаб)

Унутдирди азобни най чалиб нуқул,
Битта ўзи ўлдирди юз эллик мўғул!

Э л б о р с

Чўпонларнинг қариси мендурман балки!

Ж а л о л и д д и н

Шер минг йил кексайса ҳам бўлмайди тулки!
Темур Малик, кўрайлик қалъани бирга.

(Маҳрамга.)

Сипоҳийлар киришсин айтган тadbирга!

Жалолиддин, Темур Малик, Элборслар
кетади. Орқаларидан халқ ва сипоҳлар ҳар ёққа тар-
қалишади. Султонбегим бир канизаги билан ўта туриб
тўхтайди. Ердан бир ҳовуч тупроқ олиб ўпади.

С у л т о н б е г и м

Ватан, ватан, ажралмоқ тупроғингдан, оҳ!
Бу жазога сазовар қилдим не гуноҳ?
Гарчи эдим Хоразмшоҳ қасрига безак,
Бахтиёрман бу ерда қолсам канизак.
Беданадай талашар кўнглимда ҳислар,
Тош отилган бир кўлдай қайнайди эслар!
Эрга севги, оғамга меҳру муҳаббат,
Ватанга-чи? Унга ҳам ишқим зўр албат!
Севги, ишқ ҳам муҳаббат... Қандай ажиб ҳол!
Амударё сувидек қоришди хаёл!
Азиз тупроқ, оҳ, яна сени қучмоқлик,
Насибамми чашмангдан сувлар ичмоқлик?
Мабодо шу бўлмаса қурийди шўрим,
Ҳеч бўлмаса қўйнингда кош, бўлса гўрим!

(Бадриддин шошилиб келади.)

Б а д р и д д и н

Султонбегим, бу не ҳол?
Кутмоқликка йўқ мажол!
Кечикдик-ку, биз тоза,
Бекилгуси дарвоза?

(Уни қўлтиқлаб элта бошлайди.)

С у л т о н б е г и м

Йўқ қолмоққа мадорим,
Хайр юртим, сардорим!

Кетадилар. Жалолиддин, Темур Малик, Элборс, қисман
сипоҳлар ва халқ тўплана бошлайди.

М а ҳ р а м

(чошиб келиб)

Султонбегим даргоҳдан чиққан, шаҳзодам,
Амир Бадри бирла у кетганмиш бақам!

Ж а л о л и д д и н

(ўзича)

Синглимга сўнг бўса ҳам бўлмади насиб,
Ким ўлару ким қолар, тақдир кўп ажиб!

Т е м у р М а л и к

Буюрингиз шаҳзода, бориб шитобан
Дарвозани бекитай, тўхтасин карвон,
Қайтарайин шоҳни ҳам, сипоҳини ҳам,
Йўлни тўссам, ўтолмас улар бир қадам!

Ж а л о л и д д и н

(ўйланиб)

Йўқ, кетсин сарой аҳли, бизга не даркор,
Лекин синглим қолса-чи?.. Ҳа... не фойдаси бор?
Узук таққан у нозик бармоқларга, бил,
Ўқ-камонни тортмоқлик бағоят мушкул!

(Халққа)

Бу юрт учун ўлмакка бўлинг муҳайё,
Обизамзам дейсизлар шу Амударё —
Дўзахийлар лабидан бўлгайми мурдор!

Х а л қ

Йўқ, биз жангга тайёرمىз, эй улуг сардор!

Ж а л о л и д д и н

Сўл қанотнинг сардори Темур Маликдир,
Мен саркарда, зафарга гаров-бирликдир!

(Тўраларга)

Тўдаларни жам қилинг, лашкарлар тузинг,
Қўшилмаган бекларни бостилинг, бузинг!

Н а с а в и й

Султон қочди, сизларга сарвар, баҳодир,
Буюк Мангубердидур, Жалолиддиндур!

И м о м Ш а ҳ о б и д д и н

Истамам лаънат билан мени қилсин ёд,
Ислом мачитларида аҳли эътиқод!
Ғазовотга қўзғолинг, ё айюҳаннос,
Ғозийларга шарофат, шаҳидга ўроз!

Минорларда такбир садолари. Йигитлар Насавий олди-
га келишади. У рўйхатга ола бошлайди. Қизлар, келин-
лар Жалолиддин маҳрамига қимматбаҳо буюмлари-
ни — ҳалқа, узук, исиргаларини бермоқдалар.

Б и р к е л и н

Олинг, тўрам, келининг олтин узуги —
Эмас унинг ягона зийнат-безаги!

Ж а л о л и д д и н

Еттидан етмишгача қўзғал эл, ўлка,
Ҳурриятнинг ишқида бошлайин йўлга!

Х а л қ

Улуг сардор, сен бўлгин бизга нажоткор!

Ж а л о л и д д и н

Қиличлар дами ўткир, садақа ўқ бор,
Қуласа ҳам бош эгмас бу шаҳри азим,
Эрлар ўлар, қилмайди Чингизга таъзим!

Х а л қ

Ешулли!

П а р д а

УЧИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Парда очилганда хароб бир манзара кўринади. Бу ерда йиқик деворлар, чўкик иморатлар, кесик дарахтлар катта бир фалокатдан дарак бермоқда, уфқда ёнган боғлар ва тепалар кўринади. Парда очиларкан, сахна орқасидан бир чолнинг ғамгин ашуласи эшитилади.

Ч о л

Ўйла бир девонаман, мендан қочар девоналар,
Ёстигим тошу тикан, хонам бўлиб вайроналар.
Сувда гар аксимни кўрсам, ўз-ўзимдан алҳазар,
Ҳаста соямдан чўчиб, солмасман унга бир назар!

Сахнага паришон сочли, девонасифат бир чол кириб
келади. Ашулани давом эттириб.

Эл хароб, умид сароб, давлат туроб, кўнглим кабоб,
Ё худо, мен табакай кутгим самовотдан жавоб?
Бир замон инсон аро одам эдим мен пурвиқор,
Хонумон, номусу ном, имон бўлибдур тору мор.

Сафар кийимида Султонбегим бир мулозим
билан кириб келади.

Султонбегим

Сўйла, бобо, сен кимсан, бу ер қайси юрт, ўлка?
Нега чўккан ҳар ёққа кўп паришон бир кўлка?

Ч о л

Сўрамай қўй, оҳ, қизим, тирнамагин ярамни,
Дўзахийман, йўқотдим гўё Боги Эрамни,
Не қиласан номимни, унутибман ўзим ҳам,
Алланима дердилар, эсдан чиққан тамоман.
Бошим кўрган балони кўрса эди битта фил,
Эриб сичқон бўлурди, ўлмаганда... Тингла, бил!
Бу офатга Азройил, мўғул хони Чингизхон,
Дунёдаги қоплонлар уруғига у хоқон.
Кўз олдимда сўйилди авлодларим, хотиним,
Ёш қизгинам зўрланди, мен урилдим бетиним.
Ўғлим ҳалок этилди боғланиб от думига,
Бир қизим қайнатилди ташланиб хум сувига.
Кичик ўғлим кўмилди тириклайин тупроққа,
Бундан кейин не керак умр мендай аҳмоққа?

С у л т о н б е г и м

(матъюс)

Каттаминди айбингиз?

Ч о л

Инсон эдим, вассалом.
Улар қонга хумори, ташнадирлар бил, болам.
На фалакдан жавоб бор, на дуодан савоб бор,
Кўп маҳкам кулфатланган илоҳий баланд дарбор!
Хафа бўлдим оламнинг худосидан, раббидан,
Кўп истидод сўрадим пайғамбардан, набийдан.
Ҳайҳот, улар кар экан, инсоф дарбадар экан,
Дунёда нафас олиш ўзи серхатар экан.

Қўл — бутоғи кесилган самарасиз бир тўнка —
Мана менман... Яшамоқ лозиммикан ҳеч менга?
Умримда ягона бир маъни бўлса — интиқом.

С у л т о н б е г и м

(ўйланиб.)

Оҳ, бечора ватаним бир афсона бўлибдур,
Мўйсафидлар девона, боғ вайрона бўлибдир.
Қаерларга қочибдур у газалхон булбуллар,
Йўлларимда кўрганим ўлик эрлар ва туллар.
Сув қуриган, чўл куйган, бўғилгандир мироблар,
Дилим торин уздилар бу сарсари, хароблар.
Йиғламайин ўтарми бундан ғариб бир йўлчи,
Бу девона ота ҳам шум хабарчи, бир фолчи.

(Чолга)

Бобо айт, шу тепанинг қанақа бир номи бор?

Ч о л

Аташга улгурмадик, кўп ғалати бир минор,

Чол тепадан бир кесакни олиб, Султонбегимга кўр-
сатади.

С у л т о н б е г и м

(қалтираб)

Оҳ, бу кесак эмас-ку... Аллақандай бир калла!

Ч о л

Каллалардан бу минор... Пайқадинг, баракалла!
Шу қишлоқда аҳоли тўламаган эди бож,

Мўгул кесиб бошларин, шундай топди тез илож.
Бу ерда истиқомат қилар битта девона
Ва бадбахт бойқушларки, ихлосманди вайрона!

С у л т о н б е г и м

(титраб)

Оҳ, бу даҳшат!

М у л о з и м

(қиличини ушлаб)

Тез юринг, йўлдан билсак бир хабар!

С у л т о н б е г и м

Бобо сўйла, қаерда Жалолиддин ўрдаси?

Ч о л

У сойнинг чап ёнида, ҳув тепанинг орқаси!
Аммо бу йўл кўп сирли, ётлар бундан беҳабар!

С у л т о н б е г и м

(кета туриб)

Сир олган ўзга эмас, қизингиз, кўп мўътабар!

Султонбегим ва мулозим кетадилар. Чол зоҳиран ҳеч ажратиб бўлмайдиган бир горга кириб, тешикни бекитади. Гор ичидан чолнинг яна ғамгин ашуласи.

Ч о л

Ўйла бир девонаман, мендан қочар девоналар,
Ёстиғим тошу тикан, хонам ўлуб вайроналар!

Яроқбек тўра ва унинг орқасидан бир тўда
мўғул изчилари кириб келади.

Қодоғон нўён

(Яроқбекка)

Хоразм кийимида икки киши эдилар,
Изма-из пойлаб келиб, кўп йўл босдим баробар,
Шунда ниҳон бўлдилар...

*(Ерга ётиб изларни искаб олади ва туриб сой томонни
имлайди.)* Сой томон кетган улар...

(Яроқбекка.)

Шу томонда бор экан, яширин сўқмоқ йўллар,
Сен мулозим, соқчилар сендан шубҳа қилмаслар.

(Бир бўғча беради.)

Буни Султонбегимнинг тухфаси деб берасан!

(Бир ханжар беради.)

Буни улуг хоқоннинг жазоси деб урасан!

Яроқбек

Мен отамнинг табаррук хуни учун қасоскор!

Қодоғон нўён

Бари бир-ку, хоқонга бу зарбангда хизмат бор.
Менга қара.

(Кўр кўзини кўрсатиб)

Ўйлама, мен туғаси шундай кўр,
Темур Малик ўқидан бу кўзимдан учди нур!

Яроқбек

Темур Малик?!

Қодоғон нўён

Биламан у отангининг қотили,
Унинг ҳам бор пайида ёронлардан бир хили.
Аммо сен-чи? Бургутлар бошлиғига ханжар ур,
Сўнгра хоқон қасрида султонларча давлат сур!

Яроқбек

(кета туриб)

Ё, омад!

(Кетади.)

Қодоғон нўён

✓
Хизмат қилгин мўғулга жоҳил, тентак мусулмон,
Олқишлаймиз шу тусда бир-бирова итсимон!
Темур Малик кўзимга ўқни узиб деганди:
Қаҳримизни кўрмоққа бир кўзинг бас, кет энди!
Шу бир кўзининг ўзи ҳам душман изин пайқади,
Шу йўл улуг душманга тўғри олиб чиқади.

(Қайтиб кетади.)

Чол

(ғордан чиқади.)

Илоҳим, ҳар ёқда хиёнат, пастлик,
Одамзод қонидан кўзларда мастлик.
Ўлимлар шоҳиди — кўзлар девона,
Фикрим-чи? Кўр эмас, ғаҳмим — нишона!

(Қочиб кетади.)

П а р д а

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Парда очилади. Жалолиддин қароргоҳи. Чодирлар,
Жалолиддин сипоҳий қиёфада бир тўнка устида ўти-
рибди. Бир четда Насавий ўз дафтарига сўнгги
чоғларнинг воқеаларини ёзмоқда.

Ж а л о л и д д и н

Ўқигин ёзганингни, дўстим Насавий,
Шерикдур қилич бирла қалам иккови.

Н а с а в и й

(дафтарга қараб)

«Хоразмшоҳ воз кечди жангдан, жанггоҳдан,
Лаққа балиқ қочгандай ютқич тимсоҳдан.
Хароб бўлди Бухоро, маҳв ўлди Урганч,
Пок тупроқни топтади мажусий жирканч.
Аммо шер Жалолиддин тортди наърасин,
Тиг суғуриб ўпирди мўғул маррасин.

Бешта улуг жангларда қочди ёв — ваҳший,
Рост дебдилар: мўғулни қочирган киши!»

Ж а л о л и д д и н

Хийла бизни мақтабсан, дўстим тарихчи!

Н а с а в и й

Тарихни сиз ясайсиз, бизлар ёзамиз,
Ишингизга яраша бор андозамиз.

(Чиқади.)

М а ҳ р а м

Келибдир қалъадан Яроқбек тўра!

Ж а л о л и д д и н

Айт, кирсин!

(Чиқади.)

Кўрай-чи, қочикдан сўнгра —
Қайси ноибига сиғинмиш султон?

(Яроқбек киради.)

Я р о қ б е к

Ассалом! Валиаҳд, сардори замон!

Ж а л о л и д д и н

Нечук хабарлар бор узоқ элларда?

Яроқбек

Ишингиз бўлмишдир дoston тилларда,
Сизни кутмақдадир эзилган ўлка,
Боқар интизор-ла доимо йўлга.
Сизга ҳасадкорлар тамом пушаймон,
Онангиз, синглингиз қалъада омон.
Сизга юбордилар сипоҳий хилъат,
Сафарда ярар деб сардорга, албат.
Кўп дуо айтишди малика хоним!..

(Бўғчадан тўнни олади.)

Ўзим кийинтирай шудир армоним!

Жалолiddин

(хурсанд.)

Ҳа, мени кўп ўйлар азизаларим,
Афеуски, айирди бу жанг, шу ғаним.

Орқасини ўгиради. Яроқбек чопон остидан ханжар
чиқаради.

Яроқбек

Отам қонин унутмасман ҳеч!

Ханжарни ўқталади. Шу чоқда девона чол отилиб ки-
ради. Яроқбекнинг орқасидан пичоқ санчади. Орқаси-
дан маҳрам, Насавий кириб келади.

Чол

Шукрим, мададкор қолмаптикан кеч!
Эшитинг аввало, ўлдиринг кейин.

Ҳа! Мен-ку, қотилман, аммо бу хоин...
Умримда илк одам ўлдиришим шу.
Аммо нажот топди бир эл, ёшуллу!
Ғоримда пойладим мен яширинча —
Битта кўр нўёну шу малъун бача
Озурда эканлар Темур Маликдан,
Сизга қасд қилгали бўлишди бир тан.
Ханжар ўқталганга қададим ништар,
У ёғи маълумдир, ҳикоят етар!

Ж а л о л и д д и н

Тугул Жалолиддин кўкрагини сан,
Қутқардинг лашкарнинг юрагини сан!
Инъомлар берилсин чолга фаровон!

Ч о л

Не лозим, шаҳзодам, улуг қаҳрамон,
Керакмас менга ҳеч тухфа, инъомлар...
Керакмас унвоилар, олий мақомлар,
Садойинг эшитдим, ўзга керакмас,
Кимсасиз кўнглимга шунинг ўзи бас!

(Қочиб кетади.)

Ж а л о л и д д и н

Кошки шундай бўлса жумла оталар!

Н а с а в и й

Шу хил ота бўлса барча катталар!

Насавий чиқади, мулозимлар Яроқбек жасадини олиб
чиқадилар.

Ж а л о л и д д и н

Афеус, бадбахт бўлса бир ўлка агар,
Унинг ўгиллари кўр бўлур ё кар.
Шундай бузуқларни фитнакор Чингиз
Макр ила тузоққа олди у хунрез.
Аммо менга ботмас найзаю ханжар,
Мени ўлдиролмас қилич ё заҳар,
Сувларга чўкмайман, жардан йиқилмам,
Номард қўлидаги ханжардан не ғам?

Н а с а в и й

(киради.)

Сизга ажиб бир совға, сардор.

Ж а л о л и д д и н

Чингизнинг калласими, уфунат, мурдор?

Н а с а в и й

Йўқ, бошқа!

Ж а л о л и д д и н

Хўш, мўғул тутқинларми?

Н а с а в и й

Йўқ, бошқа!

Ж а л о л и д д и н

Ҳа, ёрдам қўшинларими?
Қўшинларки, кутаман Гиёсиддиндан?

Насавий

Йўқ, бошқа!

Жалолиддин

Куттирма! Дарҳол сўйла сен!

Насавий чодирнинг дарпардасини кўтаради. У ерда
Султонбегим кўринади. Насавий чиқади.

Султонбегим

Йўқ, оғам бу на амир,
На мўғулдан бир асир,
Ва на Чингиз калласи...
Бу бир қизнинг ҳийласи.
Бу урганчлик ғариб қиз —
Танирмисиз?

(Қучоқлашиб кўришадилар.)

Жалолиддин

(ҳазилона)

Жажжи келин, бу қандай жаҳонганталиқ?
Куёв жонга тегдими? Севги шунчалик!

Султонбегим

Ерим бирдур ва лекин оғам ҳам битта,
Туғилмайди иккинчи оғам албатта.
Сиз жанг ичра, ҳар лаҳза ҳолингиз қалтис!
Дийдорингиз ғанимат, ният шу ёлғиз!

Ж а л о л и д д и н

Сўйлагин саргузаштинг, бўлайин огоҳ!

С у л т о н б е г и м

Чиқдик Хоразмдан гурбатга, эвоҳ,
Яшириндик онам-ла мулки Эронда,
Хаёлим уйида Урганч ҳар онда.
Шоҳ зиёратига кетди Бадриддин,
Мен эса оғамни соғиниб ғамгин,
Ҳижронга чидолмай чиқдим қалъадан,
Ўтдим дарёлардан, боғу даладан,
Йўлимда учради вайрона-ю, дашт,
Насиб бўлди дийдор, мана, саргузашт.

Ж а л о л и д д и н

Кўп улуг совғасан, азизим, сингил,
Келишинг яхши фол мен учун, билгил.

С у л т о н б е г и м

Ўзим бўлсам ҳамки кўп улуг совға,
Сизга бир армуғон келтирдим, оға!

(Унга бир узук чўзиб.)

Ғалати бир узук, ўзи ҳам тумор,
Низову жангларда ҳар дам халоскор,
Ким буни бармоққа бир тақса агар
Ўлимлар, яралар бўлур беҳатар.
Самарқанд шаҳрида улуг аллома
Буни Бадриддинга қилмиш иона.
У жангда юрмаса узук не керак?
Саркарда оғамга берур деб кўмак —

Бир омад келди-ю, қўлга туширдим,
Эсдалик қатори сизга келтирдим.

Ж а л о л и д д и н

(узукка қараб)

Кўп нафис, мунаққаш, сеҳрли узук!

С у л т о н б е г и м

Устида дуоси, ундан ҳам тузук!
Лекин ўқиб бўлмас мушкул муаммо!

Ж а л о л и д д и н

Муллага ечмоқлик осондур аммо!
Ҳазрат Насавий!

*(Насавий узукни олиб давоғдаги сиёҳни унинг кўзига
суркади ва, сўнгга ипак қоғозга босиб, Жалолиддинга
кўрсатади.)*

Н а с а в и й

Сардор, бу муҳрдир, кечиринг мени,
Ло ҳавло... Сиз ўқинг шу калимани!

Узук ва қоғозни топириб чиқади.

Ж а л о л и д д и н

(қоғозга қараб)

✓ «Подшо Бадриддин шоҳи барру баҳр,
Султони Самарқанд, Мовароуннаҳр».

(Султонбегимга)

Эрингга шоҳликни сўз берган Чингиз,
Бу ҳам хўжасига ишлаган шаксиз.
Юртига сарлашкар бўлишдан кўра —
Шоҳлик номи билан мўғулга тўра...
«Ғалати бир узук — ўзи ҳам тумор».
Эмиш: «Ўлимларга қарши мададкор»,
Энди шу узукда очилди тилсим,
Оҳ, ёмон даҳшатдир газабим, ҳиреим!
Унинг бир бошига юз марта ўлим!..
Эринг бир сотқиндур, бечора синглим!

С у л т о н б е г и м

Вой, энди тушундим, сўйларди доим,
Самарқанд тахтида бўлурмиз қоим,
Бош эгмай ҳеч кимга мустақил, эркин!

Ж а л о л и д д и н

Зоҳиран пок сўзу, маъноси чиркин,
Покиза лабингга сен-ку, ҳамиша,
Қўндирмай юардинг ҳаттоки пашша,
Энди кўр, лабингга лаб қўйган малъун,
Ялайди Чингизнинг у қонли қўлин.

Узукни ерга ташлаб чиқади. Султонбегим чуқур алам
ичида узукни ердан олади.

С у л т о н б е г и м

Тўй куни жанг чиқиб, дилпора бўлдим,
Юртдан йироқ тушиб овора бўлдим,
Эвоҳ, номард экан суюлган ёрим!..
Энди бас, энди бас, эй, биру борим.

(Қўлидаги узукни бармоғига тақиб)

Шунча жилвакорсан мунаққаш, нозик,
Кўп юрдинг сен унинг қўлида, узук!
Лекин олмос кўзинг шунча бемаъни,
Уларда хиёнат ўқилар яъни.
Илойим, чиройнинг замирида ҳам,
Чиркишлик яшайди ифлос, номахрам!

(Узукка қараб)

Сенга нишон босмиш севги, дейдилар,
Сени ишқ қасридан белги, дейдилар.
Лекин воқиф бўлгач махфий муҳрингдан,
Воз кечдим ҳуснингдан, ишқу меҳрингдан,
Воз кечдим у нокас соҳибингдан ҳам.
Сени ташлагандай тупроққа оғам —
Чиқардим бармоқдан, дилдан, хотирдан,
Сен ҳам хароб бўлгин, йўқолгин бирдан!

Узукни бармоғидан чиқариб ташлаб, чодирдан чиқади,
Жалолиддин ва Элборс кириб келадилар.

Ж а л о л и д д и н

Гапиргин, гапиргин Темур Маликдан,
Офарин, у доим мардликка яктан!

Э л б о р с

Бизни кўп овора қилди зўр қалъа,
Тўғри ҳамла қилди...

Ж а л о л и д д и н

Ҳа, баракалла!

Э л б о р с

Ўзи Темур Малик ўтиб дарадан,
Қувди мўғулларни катта маррадан,
Олинди Банокент қалъаси дарҳол,
Тушди қўлимизга кўп асир, кўп мол,
Сойда тўлган эди минг кесик калла,
Ёвларнинг калласи...

Ж а л о л и д д и н

Ҳа, баракалла!

Э л б о р с

Нихоят ўн яра еса ҳам сардор
Тушмади отидан, турди устивор,
Мен ҳам қўлда ханжар, оғзимда ялла,
Бақадри имкон...

Ж а л о л и д д и н

Ҳа, баракалла!

Э л б о р с

Ҳозир ҳамма лашкар катта ўрмонда,
Тургай пистирмада, тайёр шу онда...
Амир Бадриддин бирла кенгашиб...

Ж а л о л и д д и н

Ким, ким?

Элборс

Шоҳ номидан келибди шошиб...

Жалолиддин

Нима қилар унда у шайтон, сотқин?
У ё мурдор бўлсин ва ёки тутқин!
Оҳ, Темур Малик кўп улуг сардор
Ва лекин дилсода, ҳийлада ночор.
Мулозим!

(Мулозим киради.)

Отлангин туркман отига,
Бориб айт, қўшиннинг сўл қанотига —
Ўрмондан чиқсинлар, сойга ўтсинлар,
Бадриддин хоинни дарҳол тутсинлар!
У, Темур Маликка бир ҳийла қурган,
Ёмон бир ниятда у ерда юрган.

(Мулозим чиқади.)

Чиқ жарнинг бўйига, Элборс паҳлавон,
Йиртқич тўда бирла тур унда пинҳон!

(Элборс паҳлавон чиқади.)

Мулозим!

(Иккинчи мулозим киради.)

Отланиб жўнагин, чиққин сен тоққа,
Қўшин тоғдан тушсин орқа қишлоққа.

(Мулозим чиқади.)

Ж а л о л и д д и н

(Ўзича)

Бизнинг мавқеларни ҳам бирин-кетин,
Ёвга маълум қилган сотқин Бадриддин!

(Ўйлаб)

Адир бўйи ётар аскар жим,
Кун ботмасдан қиламан ҳужум,
Шапоқ отдай ёввойи мўғул,
Кунга қараб юролмас нуқул.

(Н а с а в и й киради.)

Султонбегим ҳозир серқайғу,
Чодирда тинч ухласин у.
Сўраб қолса мени башарти,
Тагин ошиб кетмасин дарди...
От соламан бостириб ёвга,
Унга, мени чиқди де, овга!

(Н а с а в и й чиқади. Ҳансираб б и р ч о п а р киради.)

М у л о з и м

Ёмон хабар келтирдим ҳозир,
Темур Малик бўлмишдир асир!

Ж а л о л и д д и н

А, Бадриддин, амир Бадриддин?!
Қани, қўлга тушдими хоин?!

Чопар

Дарвозани Бадриддин очган,
Сардор асир тушгач, у қочган.

Жалолиддин

Оҳ, даҳшатли, кўп ёмон хабар,
Минг ўлимдан минг марта баттар.
Бир қанотим синди Темурсиз,
Гўё қолди бир кўзим нурсиз.

(Мулозимга)

Дарҳол қўйинг бедовга эгар,
Ҳужум учун шайлансин лашкар!

Мулозим чиқади, узоқда ҳужум қилаётган аскарлар-
нинг «оллоҳ-оллоҳ!», «ур-ур!» садоари... Жанговар
кийинган Султонбегим ва орқасидан Насавий
киради.

Насавий

Унамайди, шаҳзода, бегим!

Жалолиддин

Ким бўйсеунмас саркардага, ким?

Султонбегим

Оғам, оғам, жанговар оғам,
Мен ҳам сизга бўлгайман ҳамдам.
Кўп хафасиз, мен хабардорман,
Мен синглингиз, мен ҳам сардорман!
Сизга жон ва сут берган у она —

Наҳот бўлса менга бегона?!
Айбим нима? Аёллигимми?
Кокилимми?

Ж а л о л и д д и н

(уни қучоқлаб)

Баракалла, синглим! Ким дейди
Жалолнинг йўқдир иниси?..
Тухматдур бу... Мана ботир эр.

(Мулозимга)

Бир от беринг, тез чопар, бардам,
Жалолиддин синглисига ҳам!

Мулозим чиқади. Жалол ва синглиси чодир
эшигига чиқадилар. Узоқда жанг-ғавго садоси. Бошқа
мулозим чошиб келади.

М у л о з и м

Эровулар суриб кетдилар,
Даштга қочар мўғул дарбадар.

Ж а л о л и д д и н

(севиниб)

Оҳ... Оҳ...

Қасам бўлсин тангрига биллоҳ,
Тирикликда энг ширин ҳолат —
Ев қочишин кўрмоқдир фақат.

Жалолиддин қиличини суғуриб, ўпиб баланд кўтаради.
Синглиси ҳам шундай қилади. Жалолиддин нариги
томонга қараб буйруқ беради.

Ҳужумга қўшин!
Қон — қасос учун
Қилични суғур,
Душманни ур-ур!

Жалолиддин ва Султонбегим югуриб кетадилар. Узоқда катта оломон Жалолиддин буйруғини такрорлаб, «Ҳужум қў-шин!» «Ё оллоҳ, ё ҳақ!» дея нидолар кўтаради, отлар кишнаши ва қилич, қалқон қарсиллаши эшитилиб тураркан, чодир ичида якка ва тикка турган Насавий дафтариға нималарнидир ёзмоқда.

Н а с а в и й

Ҳа... Шу йўсин туғилар тарих.

П а р д а

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Парда очилади. Чингизхон қароргоҳи. Босиб олинган шаҳарлардан биттасидаги кошона. Хоқоннинг аъён, нўён ва навкарлари камарбаста турибди. Чингизхон тахтда ўтирибди. Деворда қатор михларга қоқилган каллалар кўринади.

Чингизхон

Фалаклар ёзгандай бўлдим оламгир,
Одамзод туғилган бўлай деб асир.
Нега мавжуд эрур кўҳна дунёлар
Ким айтар маъносин, аё донолар?
Оёғим тагида қадимги тожлар,
Ўлкалар ҳам ўлар, ҳам тўлар божлар.
Мени жаллод дейди олам бариси,
Хатодир, мен ўзим ўлим тангриси. ✓
Адолат ё инсоф нима деган у?
Тупурдим буларга, минг карра тпу!
Бу дунё бир жангал, мен уста қоплон,
Итимни алишмам юз инсон билан.
Рангларда ширин ранг, ранги — хуниндур,
Ким нола тингласа уники ҳузур.
Бирдан ўлдирмасам дейман кишини,
Дарҳол битирмасам санъат ишини.
Даставвал кессаму олмасам жонин,
Менга ёлворса-ю, мен ичсам қонин.

Қўлимда инграса, энди мен бўғсам,
Ўлмасдан бурунроқ оташда ёқсам,
Ва сўнгра куллари олиб ҳидласам,
Ана кайфу лаззат, ана бахтли дам.

(Нўёнларга.)

Қани Жалолиддин? Қани ваъдалар?
Ётсам ҳам қулоққа наъраси келар.
Эҳ сизлар, мақтанчоқ, мағрур нўёнлар,
Сизга устоз бўлмиш қайси қуёнлар?

(Ўзича)

Менинг ўғилларим, уларни денг-чи,
Улар саркардами ва ёки кўнчи!
Беш тобқир қочирди мўғулни Жалол,
Адашсам мени ҳам қиларди қамол.

1 - н ў ё н

Ғам еманг, ғам еманг, эй улуг хоқон,
Уни маҳв айламак сизга кўп осон.
Бир наъра тортсангиз бўлур паришон
У саҳро ўғриси...

Ч и н г и з х о н

Ёлғондур, ёлғон!
Жалол қандай даҳшат, сен ўзинг иқро,
✓ Номини эшитсам мен ҳам беқарор.

(Нўёнга истеҳзо қилиб)

Дарёда наҳангдур, саҳрода арслон,
✓ Хайрият у эмас юртида султон.

Кўп ҳам таажжубдир дунёнинг иши:
Яхши инъом олар нолойиқ киши.
Хоразмшоҳ учун шундай бир фарзанд,
Отаси не онглар, не бўлур хурсанд.
Оҳ, кошки тўрт ўғил ўрнига фалак —
Менга бирин берса Жалолиддиндек.

(Хаёлга ботиб)

У гарчи душмандир, аммо улуг ёв,
Агар у қўлимга тушса, беаёв
Ёриб кўкрагини, ичардим хунин,
Сўнгра... Тиз чўкардим олдида унинг!
Хўш, борми дараклар Хоразмшоҳдан?

1 - н ў ё н

Қочар бир қалъага бир хилватгоҳдан,
Кетидан изма-из отлиқлар чопар,
Сичқон инидан ҳам бир куни топар...
Лекин асир этдим ҳарамхонасин.

Ч и н г и з х о н

Офарин!

(Хазинадорга)

Динордан ўн минг донасин —
Нўёнга берасан шу хизматига,
Ва лекин шу қилган жиноятига —
Ҳой жаллод! Уз бунинг калласин ҳамон!
Хушомадгўйликда айтилган ёлғон —
Қўшинга хиёнат қилишдан ёмон.

1 - н ў ё н

(тиз чўкиб)

Менинг хизматларим, хоқон, марҳамат!

Ч и н г и з х о н

Ўлсанг ибрат бўлур, бу ҳам бир хизмат!

(Жаллод нўённи олиб чиқади.)

Душманни кўзига илмаган сардор,
У сардор эмасдур, мақтанчоқ, айёр.
Билингиз, сиз тамон ўтса бир сотқин
Ундан фойдаланинг, усталик қилинг —
Аммо адо бўлгач қиларлик иши,
Ўлдиринг, керакмас ундай бир киши;
Ўзининг юртини сотса у агар —
Бир куни сизларни сотгуси баттар.
Шу тахлит айладим элларни ишғол,
Майдонда мен енга олмасам дарҳол —
Ўртага туширдим заҳар ё ханжар,
Ё пора, ё олтин, ширин ваъдалар.
Душманлар сафига сололдим нифок,
Неъмату давлатдан, қуrolдан тузоқ!
Шундай олмоқчиман бутун дунёни,
Хон бўлур мўғулнинг ҳар бир нўёни,
Мўғул отларининг туёғи босган —
Ҳар бир ер хоқонга мулкдир ё маскан.

(Н а в к а р киради.)

Н а в к а р

Қабулга мунтазир амир Бадриддин!

Чингизхон

Ҳай-ҳай, кириб келсин, кириб келсин, денг!

Бадриддин кириб таъзим қилади ва бориб Чингизнинг
қўлини ўпади.

Бадриддин

Олий хизматингда, айтай хоқоним,
Бажо келтирилди аҳду паймоним,
Мен Темур Маликни туширдим асир!

Чингизхон

Самарқанд тахтининг ярмиси ҳозир!
А, Жалолиддин-чи?

Бадриддин

Қийин жуда ҳам!
Чунки Жалолиддин менинг қайноғам,
Бу ишни пайқаса синглиси албат —
Менга лаънат ўқир у илал-абад.

Чингизхон

(қаҳқаҳа ва истеҳзо билан)

Муҳаббат, муҳаббат! Аҳмоқона сўз!
Бошқа хотинларда йўқми қош ва кўз?
Муҳаббат? Бу сўзни кимлар тўқиган?
Гўл шоир ёзгану тентак ўқиган.
Сен агар шоҳ бўлсанг, юзлаб гулузор —
Ётоғинг бошида ялангоч тайёр.

Келсин асиралар!

Хоразмшоҳнинг ҳарам аҳли — хонимлари кириб
келади. Улар гўзал, кибор кийимли, лекин маънос ва
пажмурда.

Чингизхон

(иблисона қатқат билан)

Ана Хоразмшоҳ боғидан гуллар,
Менинг бир зарбамдан ҳаммаси туллар!

Чингизхон бир коса май ичади. Туриб, айланиб ҳар қайси аёлга яқиндан қараб ўтади. Унинг даҳшатли қарашлари олдида хотинлар букилиб, мункайиб қоладилар.

Мунгли бир ашула айтинглар, қани?
Йиғлангиз, эзилинг, кулдилинг мени!

Асиралар жим. Чингизхон ишораси билан ясовуллар асиралар тепасидан қамчиларини шувиллатадилар. Улар қўрқиб ашула бошлайдилар.

А с и р а л а р

(хор)

✓ Қалъанинг дарвозаси
Очиқ экан кечаси,
Очиқ экан кирибди —
Мажусийнинг итбаччаси.

Оҳ, тўрам, воҳ тўрам,
Қайда қолдинг бекарам?

Шабадахон секин эс,
Ҳолимизни сўраб кез,
Ҳолимизни сўрагач —
Урганч ёққа элтгин тез!

Оҳ, тўрам, воҳ тўрам,
Қўлим сиқар номахрам!

Кўз ёшим томчисидан,
Кўл бўлди томчисидан,
Биллоҳ елкам ярадур —
Мажуснинг қамчисидан!

Оҳ тўрам, воҳ тўрам,
Гўрга элтар бу ярам!

Чингизхон

Энди ўйинга ҳам тушинглар, кўрай,
Нозик баданларинг ўзим текширай!

Хоразмча рақс. Бу рақсда асираларнинг мусибати ифодаланган. Сўнгра мўғул баковуллари ва чавандозлари ҳам «Қамчи рақси»ни ўйнаб, хотинлар ўртасига тушадилар.

(Май ичиб)

Сўйлагин бу кимдур, амир Бадриддин?

(Битта хотинни қўлидан ушлаб)

Бадриддин

Олтинчи хотини Хоразмшоҳнинг!

Чингизхон

Жаллод, мандан сенга кўп ширин тухфа,
Сенга ҳам каниздур ҳам юмшоқ кўрпа!
Сўйлагин бу қимдир, ана буниси?

Б а д р и д д и н

Бу Хоразмшоҳнинг тўртинчи қизи!

Ч и н г и з х о н

Баковул, ол сенга шу дўндиқча қиз,
Унга тинчлик берма кечаю кундуз.

(Олиб кетади.)

Қани, буниси ким, амир Бадриддин?

Б а д р и д д и н

Кенжа хотинидур Хоразмшоҳнинг!

Ч и н г и з х о н

(Бадриддинга)

Ниманг кам ё Султон, Хоразмшоҳдан?
Ол, сенга хушбўй гул узганман шохдан,
Сенинг-ку, сирларинг оламга аён,
Энди босқинларга бел боғла ҳамон.
Ўзинг савалашгин Жалолиддин-ла,
Иқболинг кулмоқда, сўзимни тингла!
Сени кутиб турар тож Самарқандда!

Б а д р и д д и н

(Ўзича)

Бу тожнинг заҳмати шунчалар катта!

(Чингизга)

Амрингга ҳозирман хоқоним ҳар дам!

Чингизхон

(хотинларни кўрсатиб)

Жўнасин ҳарамга қолган аёллар.

(Ўзича)

Асалга ўч бўлур одатда чоллар!

Бошқа хотинларни баковуллар суриб чиқарадилар,
Бадриддин ҳам Кенжа хоним қолади. Чингиз ҳам ярим
маст чиқади.

Бадриддин

(хонимни қучоқламоқчи бўлиб)

Бу кеча меники бўласан, хоним,
Чун сени илтифот қилди хоқоним.
Шукр қил, ўйнашинг эмас гадой, оч,
Қўйнингга киргувчи бу соҳиби тож!

Кенжа хоним

(нафрат билан)

Йўқолгин сен номард, домод эмас, ёт,
Шоҳнинг хотинига таклифнинг уёт!

Бадриддин

Сиз шоҳга қирқинчи хотин эдингиз,
Энди-чи, султонга севикли каниз!

Кенжа хоним

Беномус, эсингни едими мўғул?
Белинга камарсиз юрганинг маъқул!
Султонмиш? Беватан, белашкар бир қул! ✓

Бадриддин

(ғазабли.)

Шоҳ — қочоқ, тахт — барбод, нечун бу даъво?
Қатлингга боисдур кибринг бенаво!
Ҳой навкар, сен яхши каллакесарсан,
Болтангни шу чечак бирла безарсан.

Кенжа хоним

(кетаркан)

Беватан банда! ✓

(Олиб кетадилар. Бадриддин ҳам орқаларидан чиқади.)

Оғир музика остида нўёнлар кириб келишади. Қўл-
оёқлари кишанланган Темур Маликни итариб кирги-
задилар.

Қодоғон нўён

(унга яқинлашиб)

Танидингни, менман Қодоғон нўён?

(Темур Малик жим.)

Бир кўзимни соғ қўйган замон,
Ўйламабсан, танирман сени —
Кишанларда сўроқлар куни.

(Темур Малик жим.)

Сен хоқонни айладинг сарсон,
Қирдинг мўғул лашкарин бесон,
Яширмагин, сен Темур Малик,
Камтар турмоқ энди шунчалик!

Т е м у р М а л и к

Гуноҳкорлар гуноҳдан тонар,
Мен сардорман, тиг сурмак ҳунар!
Гувоҳ бўлар ер бирла осмон
Янчганимда сизни қуртсимон —
Гувоҳлигинг кўр шайтон, бекор!
Ҳа, мендурман, бил Темур сардор,
Шундай жавоб хонга ҳам тайёр!

Чингизхон маҳрамлари билан кириб келади.
Ҳамма тиз чўкади. Темур Малик тикка туриб қолади.
Чингиз тахтга ўтиради.

Қ о д оғ о н н ў ё н

Тиз чўк асир, бандалик кўрсат!

Т е м у р М а л и к

Сардорларда йўқ бундай одат!
Букилмайди тиззамиз ҳеч вақт!

Ч и н г и з х о н

(ўзича)

Кўп сазовор ёвуз жангари,
Афеус, эмас Чингиз сардори.

(Деворни кўрсатиб Темур Маликга.)

Боқ, барчаси соҳиби фармон!
Ана будур шоҳи Туркистон,
Ана будур Қошғорнинг хони,
Бу бадбахт бош қипчоқ султони,
Бу Эроннинг сипоҳсолори,
Бу-чи, аҳмоқ Чин ҳукмдори.
Ё менга сен бўлурсан сардор,
Ёки бир мих сенга ҳам тайёр!

Т е м у р М а л и к

Ҳукмингни тез чиқар, жаллодга буюр,
Ўлимдан қўрқмайди шу Малик Темур.
Ва билки, қўлимга тушсанг агар сен,
Ҳўкиздай сўярдим ўзим бўғзингдан.

Ч и н г и з х о н

Ботирсан ва лекин ақлинг кам, эвоҳ!
Қадрингга етдими, айт, Хоразмшоҳ?
Ўт менга, бўлурсан қўшин улуғи,
Сенга беш қалъада нўёнлик туғи!

Т е м у р М а л и к

Хоразмшоҳга мен бўлмадим сардор,
Жалол амри билан мен аламбардор!
Юртимга навкарлик улуғворликдир,
Қалъамда эрк туғи чин туғдорликдир.
Ватанга қулчилик — шоҳона мансаб,
Ғазотдан қайтмасман билгил, бадмазҳаб!

Ч и н г и з х о н

Биласан, ягона фарзандинг асир?!

Темур Малик

Оҳ, даҳшат, бу хабар мотамангиз сир!

Чингизхон

Эҳтимол, сенда бордур оталик меҳри,
Ҳа, десанг ўғлингни омонда умри.

Темур Малик

Ўғлим тирик қолса, балки умрбод —
Мени лаънат бирла айласинми ёд?
Йўқ, йўқ, бундан кўра у бўлсин барбод —
Уларкан, раҳмат, деб мени қилсун ёд.
Шарафдан кўз юмиб топилган нажот,
Ўғридан садақа сўрашдай уёт!

(Чингизхон Қодоғон нўёнга ишора қилади.)

Чингизхон

Миргазаб ўзинг бўл, Қодоғон нўён!

Қодоғон нўён

Темурлар эригай панжамда.

Донишманд

(саҳна орқасидан)

Кўзларим... кўзларим куяди, имдод!

Темур Малик

(ўзича)

Донишманд... э фалак, дастингдан фарёд!
Кошки қулоқларим бекилса кардек,
Чида, Темур Малик, чида, эй юрак!

Чингизхон

(заҳарханда ила)

Билки, у кўр эмас ҳали унчалик,
«Ҳа!» де, рози бўлгин, эй, Темур Малик!

Темур Малик

Билардим, сен қонли қассоби одам,
Энди тушундимки, кабобпазсан ҳам!

(Боланинг қоласи.)

Чингизхон

Билки, ҳали унинг бир кўзи тирик,
«Ҳа» де, рози бўлгин, эй, Темур Малик!

Темур Малик

Кошки қулоқларим бекилса кардек!
Чида, Темур Малик, чида, эй юрак!

(Бола қоласи.)

Даҳшатли урушларни кўрдим,
Бир шери гаррон каби бўқирдим,
Аммо шу қадар азобни асло,
Берган эмас эди ҳақ-таоло,
Ё раббано!

Донишманд

(орқадан)

Ота! Ота!..

Темур Малик

Эвоҳ, куяр у нуридийдам,
Аламдан аммо қуриди кўзимда ёш-нам!
Ўғлим, мени сен эшит, чидам бер,
Шербаччанинг ҳам бўлур дили шер!
Сабр эт, сенга чора этгали мен
Тўтиё келтиргали Ямандан,
Отлансам эдим бедовга чиндан,
Нур жавҳарин топардим Ҳинддан.

(Ўзича)

Ҳайҳот, сиқар қўлимни занжир,
Майдонда тутиб бухорий шамшир,
Ё раббано!

Чингизхон

(навкарларни чақириб)

Навкарлар, нега сиз ишламайсиз соз?

Навкар

Қанча ҳам куйдирсак, чиқармас овоз!

Чингизхон

Лаънат, нафрат, ҳазар, бу юрт, бу элдан,
Келтиринг!

(Юз-кўзи қонли Донишмандни келтирадилар.)

Донишманд

Вой, бир кўзим билан танидим сени!

Темур Малик

Отанг сотқин эмас, гувоҳ бўл ўзинг!

Чингизхон

Ўйинг!

(Қизиган темирни Донишманднинг кўзига беса бошлайди.)

Темур Малик

Жигар қонга ботди мотам ичида,
Чида, Темур Малик, эй юрак, чида!

(Ўғлига)

Жим тургин, Донишманд, чин ўғлим эрсанг,
Гарчи жуссанг кичик, ўзинг зўр эрсан.
Буюраман, эрдай ва шердай ўлгин,
Хоҳишим бирла сен тугилган эдинг,
Жим туриб ўлишинг энди хоҳишим!

(Навкарлар болани қийнайди, лекин бола жим.)

Донишманд

Эриб куйса ҳамки димоғим, тишим,
Дада, сен буюрдинг, мен жимман, ишон?

Темур Малик

(Ўзича)

Сардор бўладиган ўгил бегумон!

Чингизхон

Чекингиз тўхтовсиз кўзига милни,
То сўқир қилайин бу юрт, бу элни!

(Донишмандни олиб чиқадилар.)

Т е м у р М а л и к

Сукунатинг била енг аблаҳ мўғулни!
Гар Темур Маликнинг кўр бўлса ўғли,
Авлоди кўзмари бўлур ёруғли.

Навкар кириб Чингизга секин сўзлайди, Чингиз ғазаб
билан навкарни итаради.

Ч и н г и з х о н

Ҳа, қаердан ўтибди дединг?!
Жалолиддин, ҳа... Жалолиддин?!

2 - н а в к а р

(кириб)

Ёвлар сойда!

Ч и н г и з х о н

Қани Чигатой?

2 - н а в к а р

Қўшинлари қочар пойма-пой!

Ч и н г и з х о н

Уҳ, уч ойлик меҳнатим барбод.

Чоп, қўшинлар қайтиб чиқсин бот!

Т е м у р М а л и к

(таъна билан)

Тутқун шерга дўқ қилмоқ осон,
Эркин шердан бўлдинг ҳаросон?!

Ч и н г и з х о н

Фурсат берма, чиқариб маҳв эт,
Кетмоғимга бўлмасин шоҳид!

Т е м у р М а л и к

(чиқа туриб)

Жалолиддин ўлмас қаҳрамон,
Юрт яшаркан, ўлсам йўқ армон!

Ч и н г и з х о н

Жалолиддин босмиш баногоҳ,
Жанг қилмаймиз, чидамас сипоҳ!
Ташланг қасру чодирга дарҳол —
Хазиналар, либослар, зар, мол!
Улар бўлсин бунга саргардон!
Чекилсинлар қўшинлар ҳамон!

Чингизхон ва аъёнлари шошилиб чиқиб кетадилар.
Мулозимлар қимматли буюм, тилла ва жавоҳирларни
сочиб, уларнинг кетидан кетадилар. Ташқарида жанг
сурони эшитилади.

П а р д а

БЕШИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Жалолиддин қароргоҳи. Чодирлар... Урушдан қайтган қуроли сарбозлар икки қатор саф тартиб туради. Зафар марши чалинади. Тўлқинли ва бардам музика оҳанги остида «Жалолиддин», «Жалолиддин!» деган Табрик нидолари эшитилади. Ж а л о л и д д и н, унинг орқасидан С у л т о н б е г и м, амирлар ва сардорлар кириб келади.

Ж а л о л и д д и н

Раҳмат сизга, сипоҳлар, раҳмат, амирлар,
Дам олинг, амрим кутинг, азамат эрлар.

(Аскарлар тарқалиб кетади.)

Н а с а в и й

Султонбегим кўрсатди улуг жасорат,
Душманларга отказди зарар, маломат.

С у л т о н б е г и м

Қарасам бир чеккада бир душман — аъён,
Бир танҳолик изларди бамисли қуён.
Тўғри отни солдириб айладим асир!

Ж а л о л и д д и н

(шўх)

Сен менга сардор эдинг, энди бир вазир!

(Насавийга)

У асирни бу ёққа олиб келтиргил!

(Насавий чиқади.)

Қани бўлса сендайин яна юз сингил.

С у л т о н б е г и м

Ҳаммаси ҳам вазирми?

Ж а л о л и д д и н

Йўқ, бу кўп мушкул.

Ҳар соҳиби мансабга фуқаро керак.

С у л т о н б е г и м

Хўш, биттасин чин севиб қолса-чи, юрак?

Ж а л о л и д д и н

Наҳотки севмак гуноҳ? Мен кимдан ёмон?

Яхши севса яхшироқ урушар ўғлон.

Лекин Султонбегимдай бўлсин, вассалом,

Ҳусни, феъли сен билан баробар тамом!

Султонбегимнинг қалпоғини кўтаради. Қалин кокилла-
ри елкага тушади. Жалолиддин кокилларни қўлига
олиб.

Яна бир шарт, кокили кокилинг монанд,
Менинг саркаш кўнглимга бўлсин каманд.

(Асирни келтирадилар. У сояда. Юзи кўринмайди.)

Султонбегим

Сени асир айлаган менман — бир аёл.
Сен ким?

(Асир жим.)

Жалолиддин

Сен ким?

(Асир жим.)

Султонбегим

Баён айла, сен кимсан, мўғул нўёни?
Бергай токи жазангни ҳукми раббоний!

Насавий

Бу сукут аломати — ризодир, сардор,
Айтинг, жазоси қандай жазодир, сардор!

Жалолиддин

Қонли ёвнинг жазоси — итлар ўлими!

Асир тиз чўкади. Ёруғда юзи кўринади. Бу Бадриддин.
Унинг бир қўлида суғурилган қилич, иккинчи қўлида
кафан.

Бадриддин

Ҳеч қасдим йўқ, шу қилич ёдгорингиз,
Шу — кафаним, ўлдилинг, ихтиёрингиз!
Асир бўлиб тушувдим мўғулга ногоҳ,
Чунки ярадор эдим хоҳу нохоҳ.

Султонбегим

Йўқ, гапингиз ёлғондур, тўғриси айтинг,
Мен биламан, сиз эмас амир Бадриддин!

Бадриддин

Боқинг, менман, унутмоқ шунча тез, эвоҳ!

Султонбегим

Сиз Бадриддин эмассиз, сиз Бадриддиншоҳ!

(Амир Бадриддинда ўзгариш.)

Муҳрингизда шундай-ку! Сиз Бадриддиншоҳ!

Насавий

Хиёнат деб аталар сиз қилган гуноҳ!

Бадриддин

(Султонбегимга)

Эслагин севгимизни, висол чоғларин,
Самарқанднинг ойдинли, гулзор боғларин!

Султонбегим

Қани ваъданг, вафодор бўлгайман девдинг,
Маъшуқанинг қалбими нажот умидинг?

Бадриддин

Олиҳиммат дейдилар севги даргоҳин,
У ерда афв этарлар ошиқ гуноҳин!

Жалолиддин

(Бадриддинга)

Ватан, севги, садоқат назарингда ҳеч,
Ўйлаганинг тож бўлди сенинг эрта-кеч!
Сотдинг Темур Маликни, ишлатдинг найранг,
Сўйла, недур хоиннинг жазоси, сўйла!

(Бадриддин андишада. Худайчилар кирадилар.)

Худайчи

Хоразмшоҳ шу онда
Қалъаи «Сар жаҳон»да,
Яширинча омонда.
Куёвнинг аҳволидан —
Хабар олгач у шу дам —
Тартиб бўлди шу фармон:
Амирга амну омон.
Бўшатилсин тез куёв,
Қалъага борсин дарров!

Фармонни Жалолиддинга беради. Бадриддин хурсанд.
У Худайчига бир халтача олтин ташлайди.

Б а д р и д д и н

Аҳсан олло, олиҳиммат шоҳимизга офарин!

Соқчилар уни узр билан бўшатмоқчи бўладилар. Жалолиддин бирдан қатъий қарор билан.

Ж а л о л и д д и н

Модомики шоҳ жангдан қочар овора,
Фармони ҳам соқитдир, бу бир хатпора.

(Фармонни йиртиб ташлайди.)

Б а д р и д д и н

Шаҳаншоҳнинг амрига бу исёнкорлик,
Бу исломда фитнадур, оқ-падарлик!

Н а с а в и й

Шомонийлар бутига чўқинган «ислом!»

Ж а л о л и д д и н

Чирик фармон йиртилар, йиртдим, вассалом!

(Худайчига)

Шундай нажоткор экан ҳазрати султон,
Нега қилар хонинга нажотни эҳсон?
Асоратда юраркан ҳарамхонаси,
Унга кимдур ўлканинг бир бегонаси?!
Йўқдур мендан бошқа ҳеч соҳиби фармон,
Огоҳ бўлгай азмимдан дарбадар султон!

(Худайчилар кетади.)

Н а с а в и й

На кун кўрган, на кеча шундай даҳшатни,
Қурт ер экан ичидан кекса дарахтни!
Афсус, буюк бир давлат бўлса-да, Хоразм,
Тахтнишинлар бўлдилар бегайрат, беазм.

Ж а л о л и д д и н

Буюр, синглим, ҳукмингни, буюр шу маҳал —
Ижро қилай ҳукмингни мен ҳам беҳаял!

С у л т о н б е г и м

У ишқидан айниди, айнидим ундан,
Унинг юзин унутдим мен ўша кундан!
Шу қалбаки севги-чун топталди кўнглим,
Шу хорланган севгим дер: хабисга ўлим!

(Чодирдан чиқади.)

Ж а л о л и д д и н

Аммо аблаҳ тулкининг яна айби бор:
Юртфурушлик учун у ўлсин икки бор —
Икки марта ўлдиргин буни жаллод тез,
Аввал ўқ-ла михлагин, сўнгра бошин кес!

Б а д р и д д и н

Мусулмонлар, қўйманглар, мен шоҳга домод!

Н а с а в и й

Домодликнинг ипини уздинг сен бадзод!

Ж а л о л и д д и н

Калласини айлантир, кўрсин эл-диёр,
Билсинларки, хоинга шу оқибат бор!

Б а д р и д д и н

Тавба қилдим валиаҳд, умримни аянг,
Бу бир хато, жаҳолат, маъзурман дилтанг.

(Жаллодлар Бадриддинни олиб чиқади.)

Ж а л о л и д д и н

Қўрқоқ ўлар ҳар лаҳза, мард фақат бир гал.
Соя янглиғ юради биз билан ажал.
Ундан қочсанг қувади, қувсанг қочади,
Ялинмоқни, ажабо, борми ҳожати?

Н а с а в и й

Кошки ҳеч туғилмаса хоинлар дейман!

Ж а л о л и д д и н

Туғилса ҳам бари бир қириб ҳайдайман!
Кўрганмисан, Насавий, Амударёда
Баъзан соҳил бўйида ётган бир хода
Тегишади сувларнинг саркаш лабига,
Шунда ўша ходани секин-оҳиста,
Қимирлатиб судрайди сувлар кўп уста.
Тепиб-тепиб ташлагач сувнинг бағрига,
Полвон дарё ортади уни сағрига —
Бўғиб, эзиб гирдобда ўйнатар тошлар,
Хоразм денгизига муттасил бошлар!
Мен ҳам Амударёман, ўжар, қасоскор,

Йўлларимда ҳар тўғон бўлур тор-тор.
Фармоним шу: дам олсин бир оз лашкарлар.
Янги ҳужум амрида кутсин хабарлар!

Жалолиддин чодирга, Насавий бошқа томонга чиқиб
кетади. Амир Ағроқ бир гуруҳ қипчоқ сар-
бозлари билан кириб келади.

Ағроқ

Аммо ёмон бўлмади, йигитлар, ўлжа!

1 - с и п о ҳ

(ўзича)

Бировга хазина, бировга қулча!

2 - с и п о ҳ

Менга бопта ўлжа-чи, ёвнинг қочиши!

Ағроқ

(саҳна орқасини имлаб)

Ўша тулпор отни-чи, шоҳона бедов!

Саҳна орқасида шовқин. Амир Музаффарнинг овози.

Музаффар

(саҳна орқасидан)

Хо... хо... қонни тўккан биз, мазахўр қипчоқ,
Яёв чопган бизлару, от минсин олчоқ!

(Ўз сарбозлари билан кириб келади.)

Амир Сайфиддин Агроқ, ҳақорат етар,
Қизимга тажовуздан бу ишинг баттар.
Писиб бординг орқамдан, бизлар қон тўкдик,
Менга тегиш тулпорни минмаклик нечук.

А г р о қ

Бадбахт гурлар, ҳаромхўр, амир мақтанчоқ,
Биз шаҳаншоҳ тағоси, аслимиз қипчоқ!

М у з а ф ф а р

Ваҳший қипчоқ, дашти Гул!

А г р о қ

Жим, ҳаромзода! *(Қамчи билан савайди.)*
Тилингни қис, ўғри гур!

М у з а ф ф а р

(кета туриб)

Ҳа, шундайми гур бўлак, қипчоқ ҳам бошқа,
Тағойилар бир ўзи қолсин савашга.
Юринг, гурлар, керакмас бизга шон-шухрат!

(Кетадилар.)

2 - с и н о ҳ

(кета туриб.)

Тағойилар бир ўзи кўрсатсин ғайрат!

Ағроқ

Бизга тухмат, адоват, уларга давлат,
Юринг Дашти Қипчоққа, унда бор омад.

(Қипчоқлар ҳам кетадилар.)

Жалолиддин

(чодирдан чиқиб келиб)

Яна менинг уйқумга иблис қилди рашқ,
Гўё жанжал... Балки бу сипоҳ қилган машқ!
Ҳафталар мобайнида мизғидим бир оз,
Тушлар кўрдим қайғули, ғамгин жонгудоз.
Ўлим мангу уйқудир дейди шоирлар,
Аччиқ хато: ўлмасдан буни ким билар?
Туш олами бир боғдур, хаёллар, қушлар,
Аммо афеус гўрларга кирмайди тушлар!
Кўрдим чаман... Урганчда... Амударёда —
Арғувоний косада хушбўй бир бода,
Менга тутиб қадим дўст дер эди кулиб:
Кўп соғиндим, шаҳзода, сендан айрилиб!
Яна бир бор ичайлик, сувдан кечайлик...
Майни ичдим, танидим. У — Темур Малик!
Йиғламас деб ўйлайди мени одамлар,
Аммо чақмоқтошга ҳам қўнар шабнамлар.
Яшириб мен оламдан кўз ёшларимни,
Кечалари эслайман йўлдошларимни!

Насавий

(кириб)

Тонг ёриша бошлади ҳазрати сардор!

Ж а л о л и д д и н

(кулиб)

Тарихчига шарт эрур бўлмоқлик бедор,
Ўтиб қолса басавлат бирон ҳангома —
Кўрмай қолсанг бануқсон бўлади нома.
Менга айт-чи, урушдик, шунча жанг қилдик,
Гоҳо ёвни йиқитдик, гоҳо йиқилдик,
Қалъаларни фатҳ этдик, лашкарни эздик,
Боди сар-сар сингари элларда кездик,
Калламизни кесдилар, каллалар кесдик,
Сахроларда югурдик, дарёда суздик,
Босдик, енгдик, енгилдик ва яна енгдик,
Қилич ўпиб, ўқ узиб, айғирлар миндик.
Шуни ютиб кетмасми бевафо замон,
Жайхун — сойга ташланган бир кесаксимон?
Хўш, ёзганинг не бўлур, кимларга етар?

Н а с а в и й

(дафтарни кўрсатиб.)

Кўп юлдузлар ўчади, ўчмас бу дафтар!..
Ўқир азиз авлодлар юз-юз йилларда!

Ж а л о л и д д и н

Ўқийдими?

Н а с а в и й

Албатта!

Ж а л о л и д д и н

Ўқийдими?

Н а с а в и й

Ҳа!..

Ж а л о л и д д и н

Бўлмаса ёз: шиддатли олти жанг бўлди,
Чингиз қочди Жалолдан, ҳоли танг бўлди.
Бугунги тарихни ёз еттинчи жанг деб,
Кимга қилар худованд зафарни насиб?

(Туриб айланади. Уфққа қарайди. Уфқда саҳар қуёши.)

Шундай тузоқ қурганман Чингизга, билсанг,
Ногаҳоний ҳамламдан бўлур ҳанг-манг.
Чақир, келсун амирлар.

(Насавий кетади.)

Қуршаб олай бу ерда уч ёқдан тамом,
То оламдан бу мараз биткай вассалом.

*(Н а с а в и й, Э л б о р с ва бир неча а м и р л а р
келади.)*

Қани бошқа амирлар, қани Музаффар?

Н а с а в и й

Хафалашиб кетибди ғурлар баробар.

Ж а л о л и д д и н

Қани Балхий қўшини, қаерда Аъзам?

Н а с а в и й

Чиқишолмай кетмишлар бундан улар ҳам.

Ж а л о л и д д и н

Қани, қипчоқ амири Сайфиддин Ағроқ?

Н а с а в и й

У ҳам кетди ва кетган лашкари қипчоқ!
Низо чиққан ўртада ўлжа туфайли!

Ж а л о л и д д и н

Амирларнинг ўлжага кўп нафси, майли,
Уруғлар ўртасида чиққани низо —
Зафарнинг маррасида даҳшатли қазо!

М у л о з и м

(югуриб киради.)

Сардор, бўлинг хабардор!
Тоғ йўлидан мўғуллар келмоқда, сардор.

Ж а л о л и д д и н

Сафлаб қолган лашкарни, тузинглар тўғон!
Довонни эгаллаб тур Элборс паҳлавон,
Орқамиз Жайхун сойи ва гурбат эллар,
Маҳкам туринг, бўлғайман ўзим сарлашкар!

*(Ҳа м м а кетади, Жалолиддин ёлғиз. Султонбе-
гим келади.)*

С у л т о н б е г и м

Ога, сиздан севинчи, азиз, меҳрибон —
Онам келди қалъадан эсон ва омон!

Ж а л о л и д д и н

Ҳар чоқ хурсанд бўлай десанг, сингилжон
Бир мусибат юз берар бизга ногаҳон.
Қочиб кетди амирлар, келмоқда мўғул,
Онасини шу ҳолда кутарми ўғил?

(Она келади. Маҳрам ашёларни чодирга киритади.)

Она

Сени кўрмак охири бўлди муяссар,
Ўғилгинам, энди мен ўлсам йўқ кадар!

Жалолиддин

(қучоқлаб)

Кулфатли бир лаҳзада ташриф буюрдинг,
Елғиз қолмиш майдонда, бил, Жалолиддин.

(Ўзича)

Онамни қутқазайми дарёдан ўтиб,
Ёхуд яна урушай сафларни тутиб?!
Яхши ўғил яхшими, ё яхши сардор?
Яхши ўғил майдонда тургай устивор!

(Онасига)

Ана, қара, яъжуждай бўлишиб ғужум —
Бир тўдага мўғуллар қилмоқда ҳужум.

Она, фотиҳа бер!
Бўлсун покиза дуонг жангда мададкор.

Она

Худо ёр бўлсин.

Жалолиддин

(Синглисига)

Посбон бўл онамга, жангга тайёр бўл!

(Онасини ўпиб кетади.)

Хужум қўшин, қон-қасос учун!
Қилични суғур, ғанимни ур!

(Султонбегим ва она тепаликдан уфққа қарайдилар.)

Султонбегим

Қара, оғам отини жангга суради.

Она

Кўзим яхши кўрмайди, дилим кўради!

Султонбегим

Қара, оғам шер каби зарба уради!

Она

Кўзим яхши кўрмайди, дилим кўради!

Султонбегим

Боқ, ўнг ёқда мўғуллар қочар паришон.

Она

Ёв онаси йиғласин, қирғин беомон!

Султонбегим

Оҳ, фалокат, сўл ёқдан қочиб афғонлар,
Душман ёққа ўтдилар, тез берай хабар!

(Кетади.)

Она

Энди қилай сизни деб қиблага дуо!
Шояд ижобат бўлгай ниёз — муддао.

(Дарё лабига бориб қўлларини осмонга кўтаради.)

Икки лочин етказиб бўлдим номдор:
Битта қизу бир ўғил — иккови сардор.
Битта сийна шунчалик парвариш қилур,
Битта она кўп қилса шунча иш қилур.

(Чодирга кириб кетади. Султонбегим қайтади.)

Султонбегим

Душман кўпдур бағоят, мусулмонлар оз,
Минг калхатга не қилур битта шунқорбоз?

(Кетмоқчи бўлур.)

Оғам билан ўлганим қўлма-қўл яхши!..

(Ўйлаб)

Лекин онам, онам-чи... мен унга соқчи!

Она

(кириб келади.)

Буни бергин оғанга, айтгин, бу маъжун.

(Бир шиша беради.)

Билмасин, томиримдан олинган соф хун!
У очликка йўлиқса сафарда агар,

Бунинг битта ютуми унга жонпарвар.
Энди сизлар борингиз гурбат элларга,
Тутқун ватан дардини чертиб дилларга.
Қайтиб келгач гўрларга солинг бир назар,
Балки унда сунбулу райҳонлар ўсар.
Мўғулларга бир оқсоч бўлишдан кўра
Балиқларга ем бўлсам — афзал минг карра.
Дунёга олдин келган, олдин ҳам кетар
Яшашим етар!

Ўзини сувга ташлайди. Султонбегим югуриб соҳилга
йиқилади.

Султонбегим

Она, она, оҳ, даҳшат... Тўхтаг тўлқинлар!
Тўхта дарё, ҳеч онанг йўқмидир магар?

Жалолиддин

*(Бир печа маҳрам билан қайтиб келади. Кўзи Султон-
бегимга тушади.)*

Султонбегим, не бўлди, онамиз қани?

Султонбегим

(дарёни кўрсатиб)

У бир мурда, на гўр бор ва на кафани!

Жалолиддин

(Тиз чўкиб, бошини ушлайди.)

Ватан дея курашдим, онадан кечдим,
Унисидан сут ичдим, бу деб қон ичдим.

Мудҳиш толе бермишдир Ҷалолга оллоҳ,
На она бор, на юрт бор, на лашкар, эвоҳ!

Узоқдан жанг садолари. Ҷалол туриб, юрагини
ушлайди.

Кўтара олармикин шу дардни юрак?
Йўқ. Қасосни олай деб яшамоқ керак!
Сарбоз, қара, дарёда борми қайиқлар?

(Мулозим чиқади.)

С у л т о н б е г и м

(шишани беради.)

Бир маъжун, берган эди онам — ёдигор,
Деди қачон қилсангиз гурбат ихтиёр,
Оч қолса Ҷалолиддин, ичсин маъжундан,
Тоқатсизлик ва очлик даф бўлур ундан.

Ҷ а л о л и д д и н

(шишани ўпади.)

Балки юрак қонидур, ёки бир эксир,
Бир эксирки, бағишлар абадий умр.
Азиз она, қайдасан, ўлсанг ҳам тингла,
Қаерда мен тиз чўкай қабрингга, сўйла!
Билдим сенинг қабрингдур бутун шу Ватан,
Дарё сенинг тобутинг, кўпиклар кафан.
Соҳиллар иззат ила кўтаринг елка,
Жайхун тўғри элтади тобутни элга!
Қуёш ўзи гувоҳки азалдан бери,
Амударё оққанмас асло тескари!

Н а с а в и й

(Ярадор бўлиб келади.)

Бешта оғир ярам бор, ярам ўлдирар,
Жангдан чиқдим, йўқолиб қолмасин дафтар!

(Дафтарни чиқариб ёза бошлайди.)

Ж а л о л и д д и н

Бир мушт каби юмилмай қолди салтанат,
Қабила-ю, уруғга тушди адоват!

Н а с а в и й

(Беҳол)

Нафас битар, Азройил, йўқол, бадбуруш!

(Сардорга)

Нима билан тугади еттинчи уруш?
Нима ёзай, сардорим... ўчар нафас, хуш!

(У беҳол ерга ётади.)

Ж а л о л и д д и н

Ёзгин, ҳали битганмас еттинчи уруш!

Н а с а в и й

(Кўкрак ярасидаги қон билан ёзади.)

Сийна қонидан ёзай сўнг фожияни!

(Йиқилиб ўлади. Дафтар қўлидан тушади.)

Ж а л о л и д д и н

(Унинг совуқ қўлини ўпиб)

Шундай умринг тугади, буюк тарихчи,
Улуғ жангга васиқа шу қўлнинг иши.

С у л т о н б е г и м

Кўмсақ ватан ерида биз уни дарров,
Қайтиб келишимизга бу турфа гаров!

Ўликни олиб чиқадилар. Элборе паҳлавон уст-бошлари
қон, қўлидаги қиличи ҳам қондан қип-қизил бўлгани
ҳолда келиб, ҳолсизланиб ўтиради ва қиличини ташлаб.

Э л б о р е

Қирмоқ билан тугамас бу яъжуж — душман,
Тирик қолиб не қилай, жангда ўлгайман.

Ж а л о л и д д и н

(Насавий ташлаган дафтарни олиб)

Йўқ, сен яша, бу ерда қол мардонавор!
Биз айлаймиз йиғлабон ғурбат ихтиёр!

(Қучоқлашиб хайрлашади.)

Э л б о р е

Қайтиб келгин, эл бутун бўлмагай мурда,
Куйимга қиём қилур ўликлар гўрда!

(Кетади.)

М у л о з и м

(кириб)

Хеч қаяқда кўринмас қайиқлар, сардор!

Ж а л о л и д д и н

Дарҳол, дарҳол эгарланг чоғоғон тулпор!

М у л о з и м

Эгарлардан узилган жангда айиллар,
Дарёнинг суви тошқин, қутурмиш селлар!

С у л т о н б е г и м

(Бирдан ханжарини чиқариб, ўз кокилларини кесади.)

Арқонга ҳам ярайди шу қалин кокил,
Ўн беш отга чиқади бемалол айил!

(Кокилини беради.)

Ж а л о л и д д и н

Фидо этдинг ҳуснингни, баҳодир синглим!

С у л т о н б е г и м

(Қалпоғини кийиб)

Кокил яна ўсғуси, бўлмасин ўлим!

(Жалолиддин бир қўлида китобни кўтариб, бошқа қўли билан Султонбегимни қўлтиқлаган ҳолда.)

Гурбатларга йўл олмоқ учун мусибат,
Гурбатда ҳам армондир Ватанга хизмат!
Ҳали адо бўлмапти улуғ ҳангома,

Насавий битирмасдан қолди жангнома.
Бир бўлсайди салтанат, эл-уруғлар бир,
Даҳшат сочиб бўлардик жангда оламгир.
Мангуликдан жой олган — яшар абадий,
Мен-ку, Мангубердиман, олам билади.
Кўкларданми, сувданми, ё ер тагидан,
Балки саҳро бағридан, тоғ этагидан,
Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,
Юрт шайдоси кўмилмас гурбатда — гўрда.
Улуғвор ниятларга қор қилмас ажал,
Ким юртдан ёвни қувса — мендурман ўшал.

(Маҳрам киради.)

Маҳрам

Отлар тайёр, фурсат оз, тез бўлинг, сардор.

Узоқдан Элборсининг найи эшителиди. Жалолиддин
синглисининг қўлини ушлаб.

Жалолиддин

Эшит, халқ ҳам у куйдай, мангу пойдор!
Биласанми, биз қайтар кунда у мақом
Йўлимизни белгилар! У кунга салом!

Найнинг узоқдан чалинаётган садоси ва мўғулларнинг
кучайиб турган нидоси асносида иккаласи жарга
тушиб кетади.

Парда

ИЗОҲЛАР¹

«Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмаси Улуғ Батан урушининг энг қизғин бир даврида — 1944 йилда яратилди. Драма ўтмишда чет эл босқинчиларига қарши халқимиз олиб борган мардонавор курашнинг ёрқин саҳифаларидан бирини бадий саҳна асари воситасида тирилтириш ва уни Улуғ Батан уруши йилларининг жанговар вазифаларига ҳамоҳанг идрок этиш борасида катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Драмада XIII асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё ерларига бостириб кирган Чингизхонга қарши мустақиллик учун олиб борилган курашнинг энг характерли даври акс эттирилган. Асар воқеаси асосан 1217—1224 йиллар орасида бўлиб ўтган тарихий ҳодисаларни ўз ичига олади.

Мазкур драма 1945 йил январида Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида саҳналаштирилди, уни томошабинлар ва кенг адабий жамоатчилик қизғин кутиб олди. «Кўпдан буён узун умрли, бадий салмоқдор саҳна асарларини орзу қилар эдик. «Жалолиддин» бу орзумизга жавоб беришга қодир», деб ёзган эдилар академик ёзувчиларимиз Ойбек билан Ғафур Ғулом.

Султон Муҳаммад Аловуддин Хоразмшоҳ — хоразмшоҳлардан Текешнинг ўғли, Ўрта аср шарқида вужудга келган қудратли феодал давлатларидан бирининг ҳукмдори (1200—1220). Султон Муҳаммад мўғул босқинини даф қилиш учун салтанат тақдири ҳақида жиддий ташвиш чеккан билимдон сиёсий арбобларнинг оқилона маслаҳатларига амал қилмади. Аксинча, ўз манфаати ва шаън-шавкати учун қайғурган сарой зодагонларининг сўзига кирди. Ўша давр Шарқ давлатлари орасида энг қудратли қўшинга эга бўлган Султон Муҳаммад (беш юз мингдан ортиқроқ) ўз қуrolли кучларини бирлаштириб ёвга зарба бериш ўрнига, аскарларини мамлакатнинг турли қалъаларига бўлиб юборади. Душманга қарши фаол ҳужум қил-

¹ Изоҳлар муаллифи М.— Зокиров.

майди, балки мудрофаа жанги тактикасини афзал кўради. Истеъдодли саркарда, донишманд давлат арбоби ва бағоят довурак катта ўғли Жалолиддинни қўшинга бошлиқ қилиб тайинламай, онаси Туркон хотин ва тоғалари — қишқоқ амирларининг сўзига кириб, уни валиаҳдликдан маҳрум этади. Натижада, жуда катта бир мамлакатда парокандалик юз беради. Халқ кимнинг фармониغا бўйсуниб, нима иш қилишини билмай саросимага тушади. Султон Муҳаммад қочиб бориб, охири Каспий денгизидаги бир кимсасиз оролга яширинади ва 1220 йилда шу ерда зотилжам касалидан вафот этади.

Жалолиддин — Султон Муҳаммад Аловуддиннинг катта ўғли. Ўша давр тарихчилари, айниқса, унинг шахсий котиби ва тарихчиси Муҳаммад Насавийнинг «Тарихи Жалолия» китобида ёзилишича, Султон Муҳаммаднинг вафоти хабарини эшитган мамлакат аъёнлари Жалолиддинни Хоразм салтанатининг султони деб эълон қиладилар (1220). Шундан бошлаб Жалолиддин Чингиз босқинига қарши курашга отланган барча кучларга бошчилик қилади. Мўғул аскарлари Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг ҳам Жалолиддин таслим бўлишни хаёлига келтирмайди. Курашни Эрон, кейин Ҳиндистон ерларида давом эттиради.

Жалолиддин кураш давомида Чингиз аскарларига қарши биринчи қақшатғич зарбани 1221 йил аввалида Насса (ҳозирги Ашхобод) шаҳри ёнида беради. Шундан сўнг Ғазна томон кетиб, у ерда ўз қўшинини 60 минг кишига етказди. Мўғул қўшинлари билан жиддий тўқнашув 1221 йил ўрталарида Афғонистоннинг Панжшир водийсида, Парвон мавзеида бўлиб ўтади. Бу жангда Жалолиддин машҳур мўғул саркардаси Шиқи Хутуху аскарларини бутунлай тор-мор қилади. Бироқ, мўғуллардан олинган ўлжани тақсимлаш пайтида Жалолиддин қўшини таркибида жанжал кўтарилади. Ўзбилармон, манман амир ва бекларни яраштириб, уларнинг бошини бир ерга қовуштиришга Жалолиддин қанчалик уринмасин, натижа чиқмайди. Бир неча бек ва амирлар аразлаб, ўз аскарларини олиб, Жалолиддиннинг қароргоҳидан кетиб қолади. Оқибатда Жалолиддиннинг кучи анча заифлашади. Лекин бу ҳолат Жалолиддин продасини бўшаштирмади. У ўзининг қолган кучлари билан Синд (Ҳинд) дарёси томон юради, 1221 йилнинг ноябрь ойида Синд

дарёси бўйида ҳал қилувчи даҳшатли жанг юз берди. Мўғул қўшинларига бевосита Чингизхоннинг ўзи раҳбарлик қилди. Аввалига Жалолиддиннинг қўли билан келди. Аммо, Чингиз томонидан қўйилган ўн минг кишилик пистирма жанг оқибатини ҳал қилди. Жалолиддин енгилди. Лекин таслим бўлмади. Онаси, хотини ва синглиси Султонбегимни мўғуллар қўлига асир тушиб, хўрланишини истамаган Жалолиддин уларни Синд дарёсига ғарқ қилади, ўзи оти билан сувга сакраб, дарёнинг у қирғоғига сузиб чиқади. У билан бирга тўрт мингга яқин аскарлар ҳам омон-эсон ҳинд ерига сузиб ўтишади.

Муҳаммад Насавийнинг ёзишича, Жалолиддиннинг дойураклигидан ҳайратда қолган Чингизхон ёнида ҳозир бўлган ўғилларига қараб: «Агар шундай ўғлим бўлганда, ўзимни... дунёдаги энг бахтиёр оталардан ҳисоблардим», дейди.

Жалолиддин ҳинд ерларида 1224 йилгача яшади, яна қўшин тўплаб, 1227 йилга қадар мўғуллар билан жангни давом эттирди. 1227 йилда Эрон орқали Кавказга ўтади, у ерда вақтинчалик ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Аммо ўзи орзу қилганча қудратли давлат тузишга эришолмай, 1231 йилда Курдистон тоғларида ов пайтида фожиона равишда ҳалок бўлади.

Темур Малик — Хўжанд ҳокими. Мўғул қўшинларига қарши олиб борилган кураш баҳодирларидан бири. Жалолиддиннинг яқин дўсти ва содиқ саркардаси. Хўжанд мудофаасида ажойиб сабот-матонат кўрсатди. Қоронғи бир тунда 70 та кемага қурул-яроғ, озиқ-овқат ва қолган аскарларини жойлаб, Сирдарёнинг қуйи оқими томон сузиб кетди ва мўғуллар қамалидан қутулди. Кўп машаққатлардан сўнг 1220 йилда Урганчга етиб борди ва Жалолиддинга қўшилди.

Тарихчи Ал-Жувайнийнинг хабар беришича, Темур Малик мўғулларга қарши кўпгина жангларда фаол қатнашди, аммо Жалолиддин қўшинлари енгилгач, мўғулларга итоат этишни истамаган бу саркарда Ўрта Шарқ мамлакатларига кетди. Бир неча вақт Сурия, Ироқ ва Арабистонда сўфиёна дарвешлар либосида дарбадар умр ўтказди. Қариб қолгач, тахминан 1245 йилларда ўз юрти Хўжандга қайтди. Мўғуллардан қўрққан хўжандликлар уни қабул қилишдан бош тортиб, гўё танимасликка олдилар. Сўнг, у Чингизхондан кейин улуғ хоқон бўлиб қолган Ўктойхоннинг ўғли Қодахоқон ҳузурига бориб, ўч олиш мақсадида унинг

сайройига хизматга киради. Аввалги жангларда Темур Малик ўқидан кўзи нўр бўлиб қолган бир мўғул нўёни (аскарбоши) уни таниб қолади. Ва ниҳоят Темур Маликни тутиб, тахминан 1250 йилда қатл этадилар. Бу халқ қаҳрамони ҳақида Садриддин Айнийнинг «Темур Малик» рисоласидан муфассал маълумот топиш мумкин.

Султонбегим — Жалолиддиннинг туғишган синглиси. Ўша давр тарихчиларининг хабар беришича, ғоят гўзал, оқила, довюрак ва тадбиркор аёл бўлган. Акаси Жалолиддин билан биргаликда Чингизхонга қарши жангларда кўп марта иштирок этган.

Муҳаммад Насавий — Жалолиддиннинг яқин аъёнларидан. Машҳур тарихчи. Унинг тақдири қизиқ. 1221 йил ноябрда Синд дарёси бўйида бўлган машҳур жангда қаттиқ яраланиб, мурдалар орасида қолади. Мўғуллар уни ўлган ҳисоблаб, эътибор бермайдилар. Ўзининг ёзишича, Чингизхоннинг Жалолиддин жасоратидан ҳайратланиб айтган гапларини ўз қулоғи билан эшитган. Насавий Жалолиддиндан сўнг анча яшаб умр кўрган ва машҳур китоби — «Тарихи Жалолия»ни ёзган.

Имом Шаҳобиддин Хевакий — мўғулларга қарши мардонавор курашда Урганчда қаҳрамонларча ҳалок бўлган руҳоний арбоблардан, шайхулислом.

Чингизхон — асли оти Тимучин бўлган. Ўртаҳол мўғул феодалининг ўғли, хитойлар билан бўлган бир жангда асир тушиб, 24 ёшигача қулликда умр кечирди. Сўнг асирликдан қочиб, мўғул ерига келади ва майда-майда мўғул князликларини бирлаштиришга киришади. XII асрнинг охирларига келиб, феодаллар қурултойида унга Чингизхон (буюк хон, хонлар хони) унвони берилади. Мўғул мамлакатининг ягона ҳукмдори бўлиб қолади. Қудратли қўшин тузиб, Хитой, Шарқий Туркистон каби қўшни мамлакатларни босиб олади. 1218 йилдан бошлаб Ўрта Осиё ерларига босиб кириб киради. 1224 йилда Ўрта Осиёда ўзининг тўла сиёсий ҳукмронлигини ўрнатади.

Чингизхон 1227 йилда вафот этди. Ундан кейин Ўрта Осиёда унинг иккинчи ўғли Чигатойхон ва авлодлари бир асрдан ортиқроқ ҳукмронлик қилдилар. 1363 йилда Ўрта Осиёда Темурнинг ҳокимият тепасига келиши натижасида Чингизхон сулоласи ҳукмронлигига барҳам берилди.

МУНДАРИЖА

Муҳсин Зокиров. Умрлар бўладики	3
Шеър чин гўзаллик экан...	6

ШЕЪРЛАР

Хаёт дафтаридан	8
Кўзлар	11
Кремль соати	12
Юлдузларга бўлдим ҳамсоя	14
Баҳорда ёмғир	15
Мени ака дейдилар	17
Ўртоқ Навоий	19
Мисраинг туғилиши	23
Кураш нечун	26
Берлинда суд бўлгуси	28
Капитан Гастелло	30
Қуёш шарқдан чиқади	33
Чорак аср	35
Фарҳодга хат	38
Икки шеър	40
Саломат қол	43
Йўқ, мен ўлган эмасман	45
Борбон	48
Етти юз ўттиз кун	49
Муқимий	52
Хаританг олдида	54
Олма	56
Мактубинг	57
Уч истақ	59
Ой	60
Генералнинг хотираси	61
Аксисадо	63
Муаллим	65
Баракат	66
Оқшом	68
Мирза	69
Ватан	70
Тириклик шаънида	72
Товус пари	74
Кўр куйчи балладаси	76
Севги ва тинчлик	79
Шоир	81
Яхшилик	82
Луқма	84
Қўшиқ	86

Фонтан	88
Чароғбонларга	90
Уч табассум	93
Унинг қалби	96
Рақамларнинг ҳуснига доир	99
Чой	101
Љубнон, Љубнон	103
Бу кеча	105
Ҳакимнинг ҳисоби	107
Бош масала	110
Коммунизм манзили ёношар ҳар дақиқа	112
Сен билан ёшликнинг	113
Еттилик балладаси	114
Мен Ленинни кўрганларни кўрганман	116
Йилларни кузатиб, йилларни кутиб	119
Шоир қалби дунёни тинглар	121
Қилич — шамшир эриб йўқолсин	124
Кремлнинг садоси	125
Кўряпман ҳар дамда уни	127
Ҳамзаободда икки манзара	128
Қўшиқ ўрнида	129
Бир мактуб, бир тилак ва мингта адрес	130
Икки дўст ва бир таржимон	133
Қуёшнинг йўли	135
Излар	137
Намастэ, Ҳиндистон	141
Булбул	142
Соҳилда ўйланишлар	144
Бомбайда	147
Уфқлар	149
Йилларнинг саломин йилларга элтиб	150
Хоразмда қиш бўлмас экан	152
Фонуслар	154
Товушлар	155
Партбилет	160
Бинафша	165
Шамолни кўз билан кўриб бўлмайди	166
«Бетинч ҳамда исёнкор одамнинг...»	168
Кечир мени, «Майли!» де	169
Сен — ер юзининг шўх табассуми	171
Сен ўзинг — шеър	173
Симлар, қалдирғочлар ва қизлар	175
Сиёҳдоним	177
Унинг давоми	179
Лениннинг умрига қўшилди бир йил	181

Қуёш дерки	182
Қўллар	184
Марказкомга салом	186
Инсон, шеър ва шоир	189
Асримизга розилик	191
Биласанми?	193
Гулдаста	195
Барча яхши ҳодисалар ундан туғилди	197
Қуёш, оқшом ва денгиз	199
Хиёбон	201
Келажакнинг саволларига жавоб	203
Қўрғаз, ёмғир ва чой	206
Кашф	207
Чунки	210
Қалам	212
Денгизнинг ахлоқи	214
Дунё боқий	215
Қуёш билан ой...	218
Ғафурга хат	220
Айрилиқ	224
Ўрмон, туман ва у	225
Бўсанинг уруғи	226
Қамтарлик	228
Ҳофизнинг иккинчи умри	229
Рикшанинг қўшиғи	230
Рубоийлар ва тўртликлар	232
Яхшилар қадри	238
ДОСТОНЛАР	
Оқсоқол	240
Тошкентнома	247
ДРАМА	
Жалолиддин Мангуберди	297
Изоҳлар	416

На узбекском языке
Максуд Шейхзаде МИР ВЕЧЕН
Стихотворения, Поэмы, Драма

Редактор Р. Абдуғашид, Рассом В. Шумилов. Расмлар редактори М. Карпузас. Техн. редактор Э Саидов. Корректор О. Тўрдибекова

ИБ 3903

Босмахонага берилди 27.08.87. Босишга рухсат этилди 24.12.87. Формати 70×90 ¹/₃₂. Босмахона қоғози №1. Янги оддий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 16,23+0,8 вкл. Шарт. кр.—оттис. 15,53. Нашр л. 16,12+0,02 вкл. Тиражи 10000. Заказ № 1046. Баҳоси 2 с 20 т, Шартнома № 96-87. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш-бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент—700129. Навоий кўчаси, 30.